

Қ. ЙЎЛДОШЕВ, Қ. МУФТАЙДИНОВ

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

(қайта ишланган ва тўлдирилган
2-нашри)

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги ўқитувчилар, лицей, коллеж,
бизнес-мактаблар ўқувчилари учун қўл-
ланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1999

Ушбу қўлланмада иқтисодий билимларнинг умумий, тарихий, асослари, бозор иқтисодиётининг мазмуни, қонунлари, категориялари, ресурслар, жамғариш ва иқтисодий ўсиш, фирмалар ва аҳоли даромадлари, молия, кредит, сугурта, солиқ, маркетинг ва менежментлик илми кабилар ўз ифодасини топган. Шунингдек, унда замонавий иқтисодиётнинг халқаро жиҳатлари, халқаро иқтисодий муносабатлар асосларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Қўлланма иқтисодий таълимдан дарс берувчи ўқитувчиларга мўлжалланган. Ундан лицей ва коллеж ўқувчилари, бизнес-мактаблар тингловчилари, иқтисод илмини ўрганишга киришган барча ёшлар, шунингдек, Иқтисодий билим олишга эҳтиёж сезаётган китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир: *иқтисод фанлари доктори,*
профессор Абдулазиз Сотволдиев

Тақризчилар: Андижон Халқ таълими ходимлари малакасини
ошириш институти ректори **Ж. Халилов**

Андижон Давлат университети профессори,
иқтисод фанлари доктори **А. Абдуллаев**

**Ушбу нашрга доир барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинади ва
нашриётга тегишлидир. Ундаги матн ва расмларни нашриёт
розилигисиз тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш тақиқланади.**

Й $\frac{0601010000}{353/04/}$ — 37
Ахб.хат — 98

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1999

ISBN 5 — 645—03390—6

«Аҳолининг... иқтисодиёт асосларини тушуниб етишга бўлган эҳтиёжи бениҳоя ошди».

Ислом Каримов

КИРИШ

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ривожланиш йўлидан бормоқда. Бироқ бу катта йўлнинг бошланишидир. Ҳали олдинда иқтисодий мустақилликни қўлга киритишдек анча оғир ва масъулиятли вазифа турибди. Иқтисодий мустақиллик эса Ватанимизни озод, хур, эркин, фаровон республикага, ривожланган мамлакатлар халқлари эришган турмуш тарзига эга бўлган давлатга айлантиришдир. Республикамизни иқтисодий жиҳатдан қудратли мустақил давлатга айлантириш бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш вазифаси билан бир даврда амалга оширилмоқда, яъни бу икки, бир-бирига узвий боғлиқ улуғвор ишни бир тарихий даврда уддалашдек оғир муаммони ҳал қилишга тўғри келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш, бир томондан, эски иқтисодий тафаккурдан воз кечиш, янги иқтисодий тизимга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, мамлакат иқтисодий аҳволини яхшилаш, иқтисодиётга янги сифат бериш, барқарор ўсиш суръатларини бахш этиш демакдир.

Бозор иқтисодиётининг асл, лўнда маъноси — иқтисодиётни ташқаридан тартибга солиш тажрибасидан воз кечиб, ўзини ўзи бошқарадиган механизм яратишдир. Ана шу ўзини ўзи тартибга солиб, йўналтириб, барқарор ўсиш суръатлари бахш этиб турадиган янги бозор механизми марказида инсон туради, инсон омили (иш кучи) ётади. Бошқача айтганда, шундай сифатдаги иш кучи тайёрланиши керакки, у ўзида ҳозирги замон илмий-техника инқилоби ютуқларини мужассамлаштирган, пайдо бўладиган зиддиятларни бартараф қила оладиган хусусиятларни гавдалантирган бўлиши керак. Айни вақтда бу янги иш кучи омили ўзида юксак миллийлик, ўз Ватани имкониятларидан унумли фойдалана билиш хислатларини ҳам эгаллаши даркор.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг учта асоси бор: **биринчиси** — моддий шарт-шароит яратиш, яъни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп мулкчиликни вужудга келтириш, кишиларга мулк эгаллигини таъминлаш, соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш; **иккинчиси** — ижтимоий ҳимоя қилиш шарт-шароитини яратиш, яъни одамларни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоялаб бориш, уларнинг янги иқтисодий тизимга ортиқча азиятлар, қийинчиликлар чекмай ўтиб олишларини таъминлаш; **учинчиси** — одамларни маънавий жиҳатдан бозор муносабатларига тайёрлаш, уларни эски иқтисодий тизим таъсиридан халос қилиб, янги иқтисодий тизим шароитига тайёрлаш, яъни улар онгига янгича иқтисодий тафаккурни сингдириш.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб боришнинг биз қўллаган қисқа тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқорида таъкидланган уч асосдан дастлабки иккитасини амалга оширишда маълум ютуқларга эришдик. Бироқ, учинчи, зарурий асосни яратишда сезиларли иш қилинганча йўқ. Аммо иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш зарурати одамларимизда тамомила янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ғоят долзарб вазифага айлантириб қўйди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида бу масалани иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг стратегик вазифаларидан бири деб таъкидлайди. Муаллиф бу тўғрида қуйидагиларни ёзди: «Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имкониятини бериш керак».

Президентимиз илгари сураётган «янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш» масаласи жуда чуқур мазмунга эга. Бунинг маъноси, биринчидан, кишилар мулкдан маҳрумлик ҳолатидан мулкка эгалик ҳолатига кўчишлари, мулкни бемалол ва самарали тасарруф қила олишлари, уларга боқимандалик қайфиятидан қутулиб, ўз иқтисодий ва ижтимоий аҳволларига ўзлари масъул эканликларини англашиш, иқтисодий ҳаётда кучли рақобат кураши

бўлишини тан олган ҳолда ана шу рақобат курашида ютқазиб қўймаслик, саросимага тушмаслик, бундай кураш шароитида ишлай олиш қудратини кўрсатишдир; иккинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги аввало ўзига, ўз шахсий меҳнатига, тадбиркорлигига, ўз мулкани қандай ишлата олишига, эпчиллиги ва ҳушёрлигига боғлиқ эканини идрок қила олишдир; учинчидан, ўз меҳнати ва қобилиятини қаерга, нимага, қанчага сарфланишини, бундан унга қанча фойда-ю, қанча зарар келишини олдиндан ҳисоб-китоб қила олишидир.

Биз кураётган, «бозор иқтисодиёти» деб аталаётган янги иқтисодиётнинг ички, ўзига хос ажойиб илғор хусусияти ҳам бор. У ҳам бўлса, барчага, ҳар бир кишига тенг иқтисодий эркинликларни бериши, уларнинг мустақил фаолият кўрсатиши, фаровон ҳаёт қуриши, ўзи ва давлати манфаатларини рўёбга чиқариши учун қулай имкониятлар, ҳар қандай фаолиятнинг ҳуқуқий, адолатли негизини яратишдир. Бу ерда гап мамлакат барча фаол фуқаросининг ҳар бири ана шундай имкониятлардан фойдалана оладиган иқтисодий фикрлаш қобилиятини ўзида тарбиялаш устида бораётир.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, иқтисодий билимлар иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг кучли омилига айланмоқда. Президентимиз И. А. Каримов бу ҳақда Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг III сессиясида «Халқимизнинг йўли — мустақиллик, озодлик ва туб ичсалоҳотлар йўлидир» деб номланган нутқиди кўйидаги вазифани илгари сурди: «Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир». Ушбу қўлланмани ёзишдан асосий мақсад ҳам айнан шу долзарб вазифани бажаришга қаратилгандир. Унда Президентимиз ўртага қўяётган масалаларга маълум бир ечим берилган, дейиш мумкин.

Демак, янги иқтисодий тизимга ўтишни, иқтисодий мустақил давлат қуришни одамлардан, ҳар биримиздан, биринчи навбатда, Ўзбекистон тақдири ва келажаги учун масъул бўлган ёшлардан, уларда замонавий иқтисодий тафаккур, иқтисодий идрок ҳосил қилишдан бошламоқ

дозим. Бундай иқтисодий тафаккур заминидә одамларда ўзи ва ўз халқи, Ватани тақдири учун масъулият ҳиссини уйғотиш ётади. Бунга эришиш воситаси иқтисодиёт илмини эгаллаш, иқтисодий қонунлар ва тушунчалар мазмунини чуқур идрок этиш, билиб олишдир.

Бозор иқтисодиёти бутун бир иқтисодий тизимдир, мураккаб муносабатлар комплексидир. Бунинг маъноси шуки, бозор муносабатларини доимо ўрганиб бориш асосидагина муваффақиятли хўжалик юритиш, юксак натижаларга эришиш, тасарруфдаги мулк ва маблағдан энг юқори самара олиш, пировард натижада фаровон ва тўқ ҳаёт кечириш мумкин. Одамларда яхши яшаш кўникмаларини ҳосил қилиш эса иқтисодиёт илмини эгаллаш орқалигина таъминланади. Буни бозор муносабатлари асосида яшаётган, ривожланиб бораётган ўнлаб мамлакатлар ва халқлар ҳаётида кўриб турибмиз.

Тўғри, ҳозирги вақтда бозор муносабатларини ўрганиш бўйича муайян ишлар қилинмоқда, турли мавзуларда маърузалар ўқиляпти, курслар, ҳар хил семинарлар ташкил этилмоқда, иқтисодиёт лицейлари, касб-ҳунар коллежлари, бизнес-мактаблари ёки синфлари очилмоқда ва ҳ.к. Бироқ бундай услубий ишлар кўзланган самарани бера олмайди, қачонки кишиларда чуқур базавий иқтисодий билим бўлмаса. Шу пайтгача бизнинг ўрта мактабларимизда, ҳунар-техника билим юртларимизда иқтисодий таълим бериш масалаларига жиддий қаралмади.

Яна бир оддий ҳақиқат шуки, ҳар қандай тафаккур каби иқтисодий таълим ҳам ёшлиқдан, мактабдан бошлансагина, ижтимоий ҳаётда сифат ўзгаришлари, ўсиш суръатлари бўлиши мумкин. Масаланинг бошқа томони ҳам борки, бизда авваллари мустақил иқтисодий таълим, билим олишга эътибор берилмаган, бундай билим беришнинг моддий, услубий, илмий шароитлари тайёрланмаган. Ҳозирги даврга келиб бу долзарб вазифанинг бажарилишини ўз ҳолига ташлаб бўлмайди, бу ғоят катта иқтисодий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлиши аниқ.

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг масъулиятли ўтиш даврини ўтмоқда, шунинг учун жуда қисқа муддатларда ривожланган мамлакатлар сафига қўшилиб олишимиз керак. Бу тарихий заруратдир. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эса кўп жиҳатдан одамларнинг иқтисодиёт илми билан

қуролланишига, иқтисодий идрок кучига эга бўлишларига боғлиқ бўлиб қолди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг иқтисодиёт масалаларига бағишланган нутқларида ёшларга тadbир-корлик фаолияти асослари, *иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар* беришга кенг эътибор қаратилган.

Агар биз Ўзбекистон келажакига, тақдирига ўзимизнинг жавобгар эканлигимизни эътироф этсак, ҳар биримиз унинг тараққиёти воситаси бўлмиш иқтисодиёт фанини эгаллашни ўз бурчимиз деб билмоғимиз керак. Муаллифлар ана шу мақсадда мазкур қўлланмани ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқдалар.

Қўлланмани ёзишда муаллифлар илмий билишнинг бир қатор усулларида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, илмий билишнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, илмий абстракция усуллари тадбиқ этилди. Қўлланманинг таркибий тузилиши ана шу мулоҳазалар асосига қурилди. Шунингдек, қўлланманинг бу иккинчи нашрида унинг тузилиши, мазмуни ва баён қилинишига оид биринчи нашри доирасида иқтисод ўқитувчилари, талабалар, китобхонлар билдирган фикр-мулоҳазалар эътиборга олинди.

Қўлланманинг биринчи қисми иқтисодиётнинг умумий асослари баёнига бағишланди. Зеро, ҳар қандай нарсада бўлганидек, иқтисодиётнинг, у билан боғлиқ муносабатларнинг ҳам ўз асоси ва тарихий замини бўлади. Шундан келиб чиқиб дастлаб иқтисодиётнинг моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, унинг қонун ва категориялари, таркибий тузилиши, иқтисодий муносабатлар, уларнинг объекти ва субъекти каби масалалари, иқтисодиётнинг «нони» бўлмиш ресурслар, уларнинг турлари ва иқтисодий раванқ учун аҳамияти, шунингдек, иқтисодий ўсишнинг моддий асоси бўлган жамғариш масалалари баён қилинди.

Қўлланманинг иккинчи қисми иқтисодиёт ва у ҳақдаги билимнинг тарихий, миллий асосларига бағишланган. Зеро, тарих бугунги кунни, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг мазмунини идрок этишни, келажакни яратишнинг буюк, қудратли воситасидир. Бу ерда муаллифлар аجدодларимиз иқтисодий билим меросини қисқа баён этишни лозим топдилар. Гап шундаки, иқтисодий адабиётларда гўё


иқтисодий тараққиёт ҳам, иқтисодий билимлар ҳам Фарбда ривожланган деб таъкидланади. Улуғ бобокалонларимиз илмий мероси эса бу ақидани инкор этади. Зеро, иқтисодий таълимотларга дастлаб ўрта осийлик олимлар тамал тошини қўйганлар.

Қўлланманинг учинчи қисми ҳозирги замон иқтисодиёти асосларини ёритишга бағишланган. Бу қисм китобнинг биринчи нашрига нисбатан ҳам мазмун, ҳам ҳажм, ҳам таркибан янгиланди, унга янги боблар қўшилди. Шунини айтиш керакки, молия, сугурта, кредит муносабатларига оид боблар китобхонлар оммасининг таклифлари асосида киритилди.

Қўлланманинг сўнги қисми халқаро иқтисодий муносабатлар баёнига бағишланган. Бу қисмнинг ўз ўрни ва аҳамияти шундаки, мамлакатимиз мустақил давлатга айланган, унинг халқаро ҳамжамиятга кириши ва унинг фаол субъектига айланиши тарихий заруратдир. Бу заруратни рўёбга чиқариш Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳаракатига боғлиқ. Демак, халқимиз халқаро иқтисодий муносабатлар заруратини, моҳиятини, унда иштирок этиш тақозосини чуқур идрок этишлари лозим. Зеро, юртимизнинг буюк келажаги ана шу тарихий ҳақиқатни англаб олишга ҳам боғлиқдир.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика Таълим маркази томонидан тасдиқланган, профессор Қ. Йўлдошев томонидан тузилган ўқув дастури асосида ёзилди. Китобнинг айрим қисмларини ёзишда асосий муаллифлардан ташқари яна қуйидаги профессор-ўқитувчилар қатнашдилар: профессор Х. Раимов (доцент Қ. Муфтайдинов билан ҳаммуаллифликда) — XII боб, доцент У. Собиров (профессор Қ. Йўлдошев билан ҳаммуаллифликда) — XIII боб, катта ўқитувчи К. Ҳожиёв (профессор Қ. Йўлдошев билан ҳаммуаллифликда) — XVII боб. Шунингдек XVI бобни ёзишда И. Муллажонов ва Н. Икромов материалларидан фойдаланилди.

Муаллифлар қўлланма юзасидан билдирилган таклиф, мулоҳаза ва танқидий фикрлар учун миннатдорчилик билдирадилар.



Иқтисодиётнинг умумий асослари

I боб. ИҚТИСОДИЁТ: МОҲИЯТИ, ТУЗИЛИШИ, ҚОНУНЛАРИ, КАТЕГОРИЯЛАРИ, ТУШУНЧАЛАРИ

Иқтисодиёт ва уни билиш зарурати

Иқтисодиёт - юнонча сўздан олинган бўлиб, уй хўжалигини бошқариш деган маънони билдиради. Ҳаммага яхши маълумки, одамлар яшаш учун, фаолият юритиш, ўзларидан кейин авлод қолдириш учун турли неъматларни истеъмол қилмоқликлари, хизматлардан фойдаланишлари, маънавий озиқ олмоқликлари лозим. Бунинг учун эса аввало ана шу неъматлар яратилмоғи, хизматлар муҳайё этилмоғи керак. Одамлар баҳраманд бўладиган неъматлар ва хизматларни ҳосил қилиш учун эса улар билан табиат ўртасида ўзаро таъсир ҳамда одамларнинг ўзлари ўртасида ҳам ўзаро боғлиқлик, иқтисодий алоқалар ва ҳамкорлик бўлиши лозим.

Тарихий тараққиёт шундан далолат берадики, ҳаёт кечириш асослари дастлабки даврларда кўпроқ одамларнинг табиат неъматларини бевосита ўзлаштиришидан иборат бўлган бўлса, улар кейинчалик, айниқса бизнинг асримизда, одамларнинг ўзаро алоқалари, тажрибаси, фан-техника тараққиёти каби иқтисодий омилларга кўпроқ боғлиқ бўлиб қолаётир. «Иқтисодиёт» деган жараён, одамларнинг ҳаёт жабҳаси худди ана шу таъсирларнинг бирлигидан вужудга келади. Демак, истеъмол неъматларида одамларнинг, ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ўз аксини топган.

Иқтисодиёт одамлар фаолиятининг ўзлари истеъмол қиладиган неъматларни ишлаб чиқариш, унинг натижаларини ўзлаштириш, мавжуд моддий ва меҳнат имкониятларидан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг муҳим томонидир. Иқтисодиёт қизиқ бир олам бўлиб, ҳар хил касбдаги, миллат ва жинсдаги, қарашлар ва руҳиятдаги, турли минтақа ва қитъалардаги

одамларнинг тирикчилик воситаларини яратиш ва истеъмол қилиш бўйича амалга оширадиган алоқалари ва боғлиқликларининг ифодасидир.

Иқтисодиёт — жуда кенг ва мураккаб тушунча. Унга, биринчи навбатда, мазкур мамлакат ёки жамиятдаги иқтисодий муносабатлар киради, уларнинг табиати эса мавжуд мулкчилик муносабатлари билан белгиланади. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини аралаш ва кўпмулкчилик муносабатлари тавсифлайди. Иқтисодиётдаги жиддий ўзгаришлар мулккий эгалик борасидаги чуқур ислоҳотлар билан, уларнинг қандай амалга оширилиши билан боғлиқдир.

Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳолати, унинг жойланиши ва динамикаси (ҳаракати) ҳам киради. У мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва даражаси унинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, аста-секин бевосита пировард (тайёр) маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва ўз аҳолиси ҳамда чет эл эҳтиёжларини қондиришга ўтила бораётгани билан тавсифланади.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни билиш, иқтисодий тафаккурга эга бўлиш ниҳоятда зарур.

Ҳар бир одам, биринчидан, шахсдир, иккинчидан, жамиятнинг бир аъзосидир, учинчидан, маълум мамлакат фуқаросидир. У жамият аъзоси сифатида ўзининг емоқ-ичмоқ, уст-бош, уй-жой, дам олиш каби зарурий табиий эҳтиёжларини қондириши керак. Оддий яшаш эҳтиёжларининг қондирилиши уни иқтисодий кучларга тўқнаштиради, чунки уларнинг даражаси эҳтиёжларни қондиришни белгилайди. Агар одам тўлақонли ҳаёт кечиришни истаса у, албатта, иқтисодий кучларни, ўз эҳтиёжларини яхшироқ қондириш имкониятларини билиб олиши даркор.

Инсон шахс сифатида жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши керак. Бунинг учун у иқтисодий фаолият билан шуғулланмоғи табиийдир. Агар у ўзи яшаётган жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишни, маълум обрў-эътибор қозонишни истаса иқтисодиёт сирларини, яъни иқтисодиёт илмини ўрганиши зарур.

Инсон мамлакат фуқароси сифатида ўз она юртини обод ва фаровон кўришни истайди. Бунинг учун у ўзидаги барча иқтисодий ва интеллектуал имкониятларни ишга солиши керак. Фаолиятининг самарали, мамлакатининг фаровон ва обод бўлишида ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшиши учун иқтисодиётни тушунмоғи, уни ўрганмоғи объектив заруратдир.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиёт ва у ҳақдаги илм инсон фаровонлигига, мамлакатга ва жамиятга тўлақонли ҳаёт тарзини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун улар уни ўрганадилар, у билан шуғулланадилар, унинг самарадорлиги учун қайғурадилар.

Иқтисодиёт қаердан бошланади?

Иқтисодиёт, энг аввало одамлар фаолиятидир, уларнинг табиатга ва ўзаро таъсири натижасида моддий неъматлар ва хизматларнинг яратилиш жараёнидир. Кенг маънода иқтисодиёт ана шу неъматлар ва хизматларнинг вужудга келтирилишидир. Демак, иқтисодиётнинг бошланиши тирикчилик неъматлари ва хизматларнинг бевосита ишлаб чиқарилиши юз бераётган вақт ва макондир.

Неъматлар ва хизматларнинг яратилиши ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тузум учун умумий жараён дир. Иқтисодиёт мавжуд ҳукмрон иқтисодий тизим шароитида содир бўлади ва ўзига хос хусусият касб этади. Бу хусусият иқтисодиётни ташкил этаётган омилларнинг бир-бирига қўшилиши билан тавсифланади. Бу қўшилиш (иқтисодиётнинг бошланиши) **бевосита** ёки **билвосита** усулларда юз беради. Ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш шароитларига ўзи эгалик қилган (мулк эгалиги бўлган) тақдирда иқтисодиёт бевосита ташкил этилса, ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш омилларидан «бегоналашган», ўзи эгалик қилмаган шароитда билвосита ташкил этилади.

Тарихий тажриба кўрсатдики, иқтисодиётни ташкил этиш шакллари (ёки иқтисодиёт тизимлари) уч кўринишда бўлган: **натурал иқтисодий тизим, бозор иқтисодиёти тизими, режали (буйруқбозлик) иқтисодиёт тизими**. Уларнинг ичида энг самаралиси, ишлаб чиқарувчига ҳам, жамиятга ҳам, давлатга ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўпроқ фойдалироғи бозор иқтисодиёти тизимидир.

Ҳар учала иқтисодий тизим (иқтисодиётни ташкил этиш шакллари) бир-биридан манфаатларни рўёбга

чиқариш воситалари жиҳатидан ҳам фарқланади. Натурал шаклда мақсад ғоят чекланган шахсий манфаатларни қондиришдан иборатдир. Иқтисодиётнинг бозор тизимида мақсад хусусий манфаатни қондиришдир, яъни ишлаб чиқаришга ташланган сармояларни қоплаш билан бирга фойда ҳам кўришдир. Бу иқтисодий тизимнинг илғорлик жиҳати шуки, хусусий манфаатга эришиш бошқалар манфаатини рўёбга чиқариш орқали таъминланади. Бу иқтисодий тизимнинг ана шундай умуминсонийлик касб этиши туфайли дунёнинг кўпгина мамлакатлари уни орзу қилмоқдалар, ўзларининг ривожланиш йўли деб билмоқдалар.

Агар иқтисодиётнинг режали (буйруқбозлик) шаклига эътибор қаратсак, бунда бош манфаат — давлат манфаатидир, уни қандай бўлмасин, амалга оширишдир. Бу хил иқтисодиётда шахсий ёки хусусий манфаатлар, яъни бевосита иқтисодий манфаат кейинги ўринга сурилади. Ҳаётий тажриба далолат бермоқдаки, иқтисодиётда шахсий, хусусий манфаатлар бирламчи ўринда турмас экан, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик ҳақида ўйлашнинг ўрни йўқ, чунки бевосита манфаатга эришиш инсонга, индивидга хос ички туғёндир.

Иқтисодиётнинг тузилиши

Иқтисодиёт ҳамма вақт қандайдир ўзига хос тузилишга эга бўлади. У, аввало, ишлаб чиқариш тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш)ни ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари (халқ таълими, тиббиёт, маданият)ни қамраб олади. Ушбу соҳалар ўртасида муайян боғлиқликлар, нисбатлар мавжуд бўлиб, иқтисодиёт ҳолати уларнинг ички тузилиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ривожини эндиликда ноишлаб чиқариш тармоқларининг, айниқса, маиший хизмат кўрсатишнинг тараққиёти билан белгиланмоқда.

Иқтисодиёт тор маънода халқ хўжалигининг айрим тармоқларидаги ишлаб чиқариш, ундаги натижалар, уларнинг тақсимланиши ва истеъмол қилиниши ҳолатини ҳам ифодалайди. Шунингдек, халқ хўжалигининг қуйи бўғинлари — корхоналар (фирмалар) иқтисодиёти «иқтисодиёт» тушунчасида муҳим ўрин тутаяди. Зеро, иқтисодиётнинг умумий ҳолати ва ривожини худди ана шу дастлабки

бўғинлардаги иқтисодий аҳволга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсишга, ижобий натижаларга эришиш учун корхоналарни ривожлантиришга, уларда бошқаришнинг иқтисодий воситаларини жорий этишга эътибор қаратилади.

Иқтисодиёт мураккаб ижтимоий жараёнлар кечадиган макондир, у статик бўла олмайди, у доимо ўзгаришда, ривожланишдадир. Демак, ана шу жараёнда иқтисодиётнинг хилма-хил муаммолари пайдо бўлади, хилма-хил ечимлар талаби ётади.

Иқтисодиётнинг горизонтал жойланиши алоҳида масаладир. Чунки бутун мамлакатнинг иқтисодий ҳолати маҳаллий, туман, вилоят, ҳудудий мажмуалардаги иқтисодиётнинг ҳолатига бевосита боғлиқ. Бунда мамлакат иқтисодиётини белгилашда ҳар бир туман, вилоят ёки ҳудуднинг у ёки бу неъматларни яратиш ёки хизматлар кўрсатишда тутадиган мавқеи ҳам аҳамиятлидир.

Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт

Иқтисодиётнинг тузилишида жуда катта икки даража фарқланмоқда: макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт — ижтимоий ҳўжалик, умуммиллий иқтисодиёт, мамлакат миқёсидаги иқтисодиёт ва у ҳақдаги илмдир. Микроиқтисодиёт эса корхоналарда неъматлар ва хизматларни яратиш, уларни истеъмол қилиш ҳамда улар ҳақидаги илмдир.

✓ **Макроиқтисодиёт** иқтисодиётнинг ривожланиши, унинг ҳажми ва сифати, ялпи даромад, бандлик, товарлар ва хизматларни кўпайтириш муаммолари ҳақидаги илмдир. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида макроиқтисодиётни барқарорлаштириш масаласини катта стратегик (узоқни кўзлаган) устувор вазифа деб тавсифлайди. Бунинг маъноси — «макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул кадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш...»дир (197-бет).

✓ **Микроиқтисодиёт** корхона, фирмалар, яъни иқтисодиётнинг бирламчи, бошланғич бўғини муаммолари ҳақидаги илмдир. У ресурслар ва уларнинг тақчиллиги шароитида ҳўжалик юритиш, маҳсулот қиймати ва таннархи,

ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари ҳамда хизматлар баҳолари (тарифлари) ҳақидаги масалалар билан иш кўради. Мамлакатимиз тарихининг ҳозирги ўтиш даврида иқтисодиётимиз тараққиёти корхоналар, фирмалар, шахсий, кичик ва ўрта корхоналардаги ишларнинг боришига боғлиқ бўлиб қолаётир. Бу иқтисодий сиёсатимизнинг устувор масаласидир.

Халқ хўжалиги — иқтисодиётнинг аниқлаштирилган ифодаси

Халқ хўжалиги дейилганда меҳнат тақсимоти орқали боғланган ишлаб чиқариш тармоқлари ва хўжалик шакллариининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуаси тушунилади. Ўзбекистон халқ хўжалиги бутун республикамиз ҳудудида жойлашган барча тармоқлар ва корхоналарнинг ягона диалектик бирлиги бўлиб, унда такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, ишлаб чиқариш қатнашчиларининг манфаатлари амалга оширилади.

Мамлакат халқ хўжалиги маълум тузилишга эга, у ишлаб чиқариш, ижтимоий, ҳудудий ва тармоқ тузилишидан иборат. Халқ хўжалиги яна ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидан ҳам таркиб топади. Халқ хўжалиги тузилишидаги ҳар бир бўғин ёки соҳа ўз ўрни ва мавқеига эга. Улар ўртасидаги мақсадли тузилиш (нисбат) бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини (пировард натижадорлигини) белгилашда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш омиллари — иқтисодиётнинг асосий омиллари

Ишлаб чиқариш унинг омилларининг қўшилиши демакдир. Иқтисодиётнинг ҳолати, унинг самарадорлиги (натижалчилиги), биринчидан, ана шу омилларнинг мавжудлигига, иккинчидан, бу омиллар қўшилишининг ижтимоий шаклига боғлиқ. Ишлаб чиқариш омилларига табиий ресурслар (табиат бойликлари), одам (меҳнат) ресурслари, ишлаб чиқариш воситалари (меҳнат ашёлари, меҳнат воситалари) ва молиявий (пул) ресурслар киради. Ҳарб иқтисодчилари ишлаб чиқариш омиллари жумласига яна тадбиркорлик фаолиятини ҳам киритадилар, зеро, ишлаб чиқаришнинг тақдири, ривожланиши хўжалик

юритувчиларнинг (субъектларнинг) уддабуронлиги, ишбилармонлигига ҳам боғлиқдир. Бу айниқса иқтисодий танглик, ресурслар тақчиллиги шароитида янада сезиларли бўлади.

Ишлаб чиқариш омилларининг ҳар бири иқтисодиёт тараққиётига ўзига хос таъсир этади. Ҳарб иқтисодчилари ишлаб чиқариш омилларининг ишлаб чиқаришдаги қатнашуви ишлаб чиқарувчилар томонидан «тўланиши» ҳақидаги фикрни илгари сурадилар, яъни меҳнат уни сарфлаган кишиларга «иш ҳақи» тариқасида, ер ва унинг ресурслари истеъмол қилинганлиги учун рента, капитал (сармоя) харажат қилинганлиги учун фоиз сифатида қайтарилар экан, уларни эҳтиёт қилиб, тежаб-тергаб, исроф қилмай сарфлаш лозим. Акс ҳолда иқтисодиёт самарали бўлмайди, истеъмол буюмлари ва харажатлар тақчиллиги юз беради, иқтисодий танглик келиб чиқади.

Ўзбекистоннинг тамомила янги халқ хўжалик комплексини бунёд этиш

Мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг муҳим, айна вақтда қийин вазифаларидан бири иқтисодиётимизнинг тамомила янги халқ хўжалик комплексини яратишдир. Бу комплексни иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш орқали бунёд этишимиз мумкин. Халқ хўжалиги тузилишини ўзгартириш дейилганда иқтисодиётнинг республикамиз манфаатлари ва аҳоли талаблари ҳамда эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши тушунилади.

Иқтисодиётнинг ички, таркибий тузилишини ўзгартириш маҳсулотлар миқдорини шунчаки кўпайтириш эмас, айна вақтда маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулотларни тайёрлаш харажатларини камайтириш, жаҳон бозори талабларига тўла жавоб бера оладиган рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришдир. Бунда биз фақат ўлкамиз эга бўлган ғоят бой табиий ва меҳнат ресурсларига таянамиз, ёшларимиз куч-ғайратига, уларнинг ватанпарварлигига асосланамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида тамомила янги халқ хўжалик комплексини яратиш билан боғлиқ вазифалар деб қуйидагиларни кўрсатади:

— бошқа мамлакатлардан хом ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтиришни қисқартириш. Ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ўзимизда ривожлантириш;

— маҳсулотларнинг ва халқ истеъмоли молларининг ҳаётий муҳим турларига аҳолининг ва умуман халқ ҳўжалигининг талабларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига қондириш;

— иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

— иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш, пировард, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришиш;

— республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, олтин валюта захирасини мустаҳкамлаш;

— меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, миллий хусусиятларимизга мос келадиган ишлаб чиқариш соҳаларини барпо этиш;

— тармоқлар ичидаги ва ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш (230 — 231-бетлар).

Яратилажак халқ ҳўжалик комплекси ички бозоримизни зарур истеъмол моллари билан тўйинтирадиган ва хорижий бозорларда ҳам бемалол рақобатлаша оладиган, сўميمиз кадр-қимматини оширишга, мамлакатимиз обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қиладиган маҳсулотлар етказиб бера оладиган даражадаги комплекс бўлади.

Иқтисодиёт — жамиятнинг иқтисодий базаси

Иқтисодиёт жамият миқёсида ғоят муҳим ўрин тутлади.

Ғап шундаки, жамиятдаги барча муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши, умумий ижтимоий тараққиёт кўп жиҳатдан иқтисодиёт равнақига боғлиқ, яъни жамиятнинг умумий юксаклиги иқтисодиёт орқали ўз ифодасини топади. Ана шу маънода иқтисодиёт жамиятнинг иқтисодий базаси деб аталади. Демак, иқтисодий базис қанча мустаҳкам, бақувват, барқарор бўлса, жамият шунча мустаҳкамлик ва барқарорлик касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Ўзбекистон тараққиётининг машҳур беш тамойили ҳақида гапириб, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак, деганда тамомила ҳақдир.

920864

Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт ҳамма нарсадан устун, белгиловчи, у ҳақиқатан ҳам жамиятнинг иқтисодий замини демакдир.

Иқтисодий қонунлар — чуқур муносабатлардир

Юқоридагилардан маълум бўлдики, иқтисодиёт катта бир олам, улкан макондир, унда бир-бирига боғлиқ муносабатлар, боғлиқлик ва алоқадорликлар мавжуд. Ана шу жараёнларнинг ўзи кўп томонлама ва кўп қирралидир. Бу мураккаб иқтисодий жараёнлар ёки воқеалар ичида шундайлари борки, улар муҳим ўзаро боғланишга ва сабаб-оқибат алоқаларига эга, улар доимо такрорланиб, кўзга ташланиб туради. Ана шундай иқтисодий воқеалар, ҳодисалар иқтисодий қонунларда ифодаланади. **Иқтисодий қонунлар чуқур, моҳиятли ва сабаб-оқибатли боғланган иқтисодий ҳодиса ҳамда воқеаларнинг (муносабатларнинг) илмий инъикосидир.** Демак, жуда чуқур моҳиятга, сабаб-оқибатли боғлиқликларга, доимо ўз борлигини кўрсатиб турадиган иқтисодий муносабатларга иқтисодий қонунлар дейилади. Жамиятдаги барча ишлаб чиқариш ва тақсимотга, алмашув ва истеъмолга боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодий қонунлар орқали бошқарилади, йўналтириб турилади.

Иқтисодий қонунларнинг табиат қонунлари билан ажойиб ўхшашлик томони бор, яъни ҳар икки турдаги қонунлар ҳам объектив қонунлардир; уларнинг вужудга келиши, амал қилиши ёки барҳам топиши (амал қилмай қўйиши) одамларнинг, синфлар ёки сиёсий партияларнинг истаклари, хоҳиш-иродаси, талаб-эҳтиёжларига асло боғлиқ эмас. Масалан, қуёшнинг маълум вақтда чиқиши ёки унинг ботишини кечиктириб ёхуд тўхтатиб туриш мумкин бўлмаганидек, иқтисодий қонунларнинг ҳам амал қилишини тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш мумкин эмас.

Иқтисодий қонунларнинг объективлиги (одамлар хоҳиш-иродасига боғлиқ эмаслиги) «уларни билиб олиш мумкин эмас экан, уларнинг «сири»ни очиш одамларнинг қўлидан келмас экан», деган тасаввурлар учун асос бўла олмайди. Аксинча, одамларнинг кучи, уларнинг ақл-заковати, тафаккур олами ўзларини ўраб турган муҳитни, шу жумладан, иқтисодий қонунларни ҳам билиб олиш учун етарли. Одамлар ўз илмий тафаккурлари, билимлари орқали иқтисодий қонунлар моҳиятини, ҳаракат ва амал қилиш

механизмини билиб борадилар, улар олдиларига қўядиган талабларни ўрганиб оладилар.

Хулоса шуки, иқтисодий қонунлар объектив бўлса-да, уларни билиб олиш, ҳужалик фаолиятида улардан самарали фойдаланиш имконияти одамлар ихтиёридадир. Қайси жамиятда иқтисодий қонунларни билиб олишга кўпроқ эътибор берилса, улардан фойдаланишга йўл очилган бўлса, унда иқтисодий ўсиш, барқарорлик, тараққиёт устунлиги таъминланади. Иқтисодиётимизда кейинги йилларда рўй берган қийинчиликлар маълум даражада ана шу иқтисодий қонунлар талаблари билан ҳисоблашмаслик, уларга беписанд муносабатда бўлиш оқибатидир.

Иқтисодиёт қонунлари яратилмайди, кашф этилади

Иқтисодий қонунлар одамлар томонидан яратилмайди, балки кашф этилади, очилади. Иқтисодий тафаккур сардорлари бўлган зукко олимлар иқтисодий қонунларни кашф этадилар, уларнинг борлигини, амал қилишини исботлайдилар, моҳиятини тушунтириб берадилар, одамлар олдига қўяётган талабларни кўрсатиб берадилар.

Хўш, иқтисодий қонунларни билиб олмай туриб ҳам иқтисодиётни ташкил этиш, бошқариш, иқтисодий ҳаётни қуриш, рўзгор тебратиш, моддий ҳаётни таъминлаш мумкинми? Бу саволга «ҳа, мумкин», деб жавоб берса бўлади. Аммо ... Аммо иқтисодий қонунларни билиб олмай иқтисодиёт юритилганда, ҳужалик бошқарилганда фаолиятимизнинг пировард натижалари самарасиз ёки кам самарали бўлади, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга, барқарор ўсиш суръатларига эришиб бўлмайди. Бундай аҳволда одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириб боришнинг имкони бўлмайди, уларнинг турмуш даражаси, ижтимоий аҳволи ёмонлашади. Оқибат натижада жамият иқтисодий инқирозга, ҳатто таназзулга (орқага қайтиш) дучор бўлади.

Иқтисодиёт қонунларининг ўз ўрни бор

Иқтисодий қонунлар бутун бир тизимдан («занжир») иборат бўлиб, бу тизимда ҳар бир қонуннинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Иқтисодий назария фани иқтисодий қонунларнинг ҳаракат механизмини ўрганиб, уларни умумий ва махсус (ўзига хос) қонунларга бўлади. Умумий иқтисодий

қонунлар кишилик жамияти тараққиётининг барча даврларида амал қилса, махсус қонунлар айрим иқтисодий даврларда, айрим ижтимоий формациялар доирасидагина амал қилади. Масалан, вақтни тежаш, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, истеъмолнинг ортиб бориши каби қонунлар умумий иқтисодий қонунлардир. Қиймат, пул муомаласи, талаб ва таклиф каби қонунлар эса товар-пул муносабатлари ҳукмрон бўлган бозор иқтисодиёти даври шароитида амал қилади.

Ҳар қандай иқтисодий давр шароитида жамиятдаги барча иқтисодий қонунлар амал қиладими? Бу саволга, бизнингча, ижобий жавоб бериш мумкин. Аммо устуворлик махсус (ўзига хос) иқтисодий қонунлар томонида бўлади. Чунки аниқ бир иқтисодий давр хусусиятини шу жамиятнинг ўз иқтисодий қонунлари тўлароқ ва кенгроқ ифодалайди. Шу билан бирга мавжуд иқтисодий давр моҳияти мавжуд барча иқтисодий қонунлар тизимидагина ўзининг кенг ва батафсил ифодасини топади. Умумий иқтисодий қонунларнинг хусусияти шундаки, улар мазкур аниқ шароитда ўзига хос ҳаракат хусусияти билан намоён бўлади. Масалан, умумий иқтисодий қонунлардан бири бўлган **қиймат қонуни** (товар ишлаб чиқаришнинг умумий қонуни) эндигина бозор муносабатларига ўтилаётган бизнинг шароитимизда нархларнинг ўзига хос турларида (чегараланган, кафолатланган, эркин, келишилган ва ҳ.к.), уларнинг белгиланиши ва шаклланишида намоён бўлади. Бу нархларда эса Ўзбекистонда товарлар қийматининг ўзига хос тарзда шаклланиши ўз ифодасини топган. Вақтни тежаш, умумий нисбатлар, меҳнат унумдорлигининг, эҳтиёжларнинг ўсиши каби умумий иқтисодий қонунларнинг амал қилиш хусусиятлари ҳақида юқоридаги каби фикрларни айтишимиз мумкин.

Иқтисодий ва ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар: уларнинг фарқи нимада?

Баъзан иқтисодиёт қонунларини ҳукуматлар, парламентлар қабул қиладиган қонунлар билан чалкаштирадилар. Иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган, парламентлар қабул қилган қонунларни **ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар** дейиш мумкин. Улар гарчи субъектив (одамлар хоҳиш-иродаси билан боғлиқ) характерда бўлса-да, аниқ иқтисодий

ҳолатдан, иқтисодий тараққиёт заруратидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар иқтисодий қонунлар талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлсагина реал кучга эга бўлади, кутилган натижаларни беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган жуда қисқа муддатда иқтисодиётимизнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида бир қанча ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар қабул қилинди. Улар жумласига Ўзбекистонда мулкчилик тўғрисидаги, Ер ҳақидаги, ерни ижарага бериш ҳақидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, кооперация, солиқ ҳақидаги ва бошқа ўнлаб қонунлар киради. Ҳаёт талабларидан келиб чиққан ҳолда уларга бир қанча ўзгаришлар, тўлдиришлар киритиб борилмоқда.

Иқтисодий қонунлар билан ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар ўртасидаги боғлиқлик шундаки, иқтисодий қонунларни билиш уларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи ҳуқуқий-иқтисодий қонунларни ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий категориялар (тушунчалар) — иқтисодиёт илмининг калити, унинг ўз «тили»

Биз юқорида иқтисодий муносабатларнинг гоят кенг, кўп томонлама, кўп қиррали эканлигини қайд этган эдик. Шунинг учун иқтисодий муносабатларни яхлит ҳолида билиб олиш асло мумкин эмас, уларнинг айрим томонларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш ва ўрганиш талаб этилади. Фақат шу йўл билан иқтисодий саводхонликка эришса бўлади. Бунда иқтисодий категориялар бизга «ёрдамга келади».

Хўш, иқтисодий категорияларнинг ўзи нима, улар чуқур иқтисодий муносабатлар, иқтисодий қонунлардан қандай жиҳатлари билан фарқ қилади? **Иқтисодий категориялар иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий ҳодиса ва воқеанинг бирон-бир жиҳати тўғрисидаги илмий тушунчалардир** ёки уларнинг илмий-назарий инъикосидир.

У ёки бу иқтисодий муносабат, иқтисодий қонун, иқтисодий жараён, иқтисодий тасаввур (билим) ҳосил қилмоқ учун уларни ифодаловчи иқтисодий тушунчаларга (категорияларга) мурожаат қилинади. Бошқача айтганда, иқтисодий категориялар орқали иқтисодий муносабатлар

✓ моҳияти тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шунинг учун **иқтисодиёт илмини ўрганиш иқтисодий категорияларни билиб олишдан бошланади.** Иқтисодий категорияларни, образли қилиб, иқтисодиёт илмининг «тиъи» дейиш мумкин.

Ҳар бир иқтисодий категория ўз мазмунига, амал қилиш хусусиятига ва ўзига хос ифодасига эга. Иқтисодий категориялар ўзига хос тизимдан иборат бўлиб, бу тизимда ҳар бир категориянинг ўз ўрни ва мавқеи бор. Масалан, маълум иқтисодий давр иқтисодиёти ҳолати бир неча иқтисодий категориялар орқали ифодаланади: жами ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, соф маҳсулот, зарурий маҳсулот, қўшимча маҳсулот, миллий даромад, ялпи даромад кабилар. Кўрсатилган иқтисодий категориялар тизимида айрим категориялар иқтисодиёт ҳолатини умуман акс этгирса, баъзилари нисбий жиҳатдан тавсифлайди. Агар соф маҳсулот иқтисодиёт ҳолатининг буюм (маҳсулот) тарзини, ижтимоий сарфини ифодаласа, миллий даромад пул ҳисобидаги (солиштирма, қатъий баҳолардаги) ҳолати ҳақида тушунча беради ва ҳ.к.

Иқтисодий категориянинг соф иқтисодий ифодаси (ижтимоий шаклсиз ҳолати), умумий ижтимоий шакли ва махсус (ўзига хос) ижтимоий шакли мавжуддир. Масалан, қўшимча маҳсулот соф иқтисодий ҳолатда янгидан ҳосил қилинган маҳсулотнинг ишловчи тирикчилик фондидан ортиқча қисмини ифодалайди; умумий ижтимоий шаклда маҳсулот ортиқча қисмининг бошқалар (уни яратган, ишлаб чиқарган кишилардан ташқари) учун йўналтирилганлигини кўрсатади, ўзига хос ижтимоий шаклда эса уни у ёки бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ёхуд табақалар учун ўзлаштириш шаклида ифодалайди (яъни фойда, рента, жарима; солиқ, банк фоизи кабилар). Бироқ, айрим иқтисодий категорияларнинг ижтимоий шакллари ўзларининг моддий заминига мувофиқ келмаслиги мумкин.

Иқтисодий категориялар ҳам объектив, ҳам тарихийдир

Иқтисодий категориялар реал иқтисодий муносабатларнинг ифодаси бўлганлиги учун ҳам объективдир. Уларнинг мавжудлиги улар ифодалайдиган иқтисодий жараёнларнинг мавжудлигига боғлиқ. Иқтисодий жараён доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлганлиги учун иқтисодий категориялар ҳам ўзгаришда, ривожланишда, улар

терда бўлиши иқтисодий адабиётларда асослаб берилган эди. Иқтисодий категорияларнинг тарихийлиги шундаки, уларни вужудга келтирган иқтисодий замин, иқтисодий шароит ўзгариши билан, бошқа иқтисодий асослар, шароитлар, иқтисодий муносабатлар вужудга келиши билан иқтисодий категориялар ҳам ўзгаради ёки барҳам топади ёхуд бошқача шаклда намоён бўла бошлайди.

Биз яшаётган ва фаолият юритаётган ҳозирги давр ўз характери билан бозор иқтисодиётига ўтиш даври, иқтисодий воситалар билангина хўжалик юритиш мумкин бўлган даврдир. Зеро, бугун бу муносабатларни ифода-лайдиган иқтисодий тараққий этган дунёнинг ахборот тизимини, радио ва телевидение, матбуот материалларини тушуниш, идрок этиш мумкин бўлмай қолди. Бунинг маъноси шуки, давр билан ҳамнафас бўлиш учун, самарали фаолият кўрсатиш ва шахсий ҳаётингни ўз мўлжалинг-дагидек ташкил этиш учун иқтисодий тафаккур «калити» бўлмиш иқтисодий қонунлар ва категорияларни чуқур ўрганмоқ зарур.

Ушбу лавҳадан қайси категориялар сизга тушунарлироқ?

Юқорида айтилганидек, иқтисодий тафаккур, яъни иқтисодий жараёнлар, мамлакатда кечаётган иқтисодий ислохотлар, туб тузилмавий ўзгаришлар, корхоналар ўртасидаги, истеъмолчиларнинг ўзлари ўртасидаги ва бошқа шу каби иқтисодий муносабатларни идрок қилиш иқтисодий категорияларни билиб олишдан бошланади. Бу ҳақиқат барчага баравар тааллуқлидир. Айниқса, ўтиш даврида яшаётган, бозор муносабатлари шароитида яшайдиган ва фаолият қиладиган бизнинг ҳозирги авлодимиз учун, ҳеч бўлмаса, умумий иқтисодий категорияларни билиб олиш ҳаёт талабига айланмоқда.

Бугунги кунда Президентимиз, ҳукуратимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатдан бохабар бўлиб бориш мамлакатимиз фуқароларининг миллий бурчидир. Ана шу маънода Сизнинг эътиборингизга Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобидан олинган ушбу лавҳани таклиф этамиз. Унда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ҳозирги босқичида эришишимиз лозим бўлган

— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши билан бий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиши жараёнини тўхтатиб қолиш...;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустаҳкамлаш. Шунингдек, чет эл қаттиқ валюталарига нисбатан «сўм»ни айирбошлаш курсининг барқарорлигини сақлаш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилганлигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар барқарор тутиб туриш ва яхшилаш (202—203-бетлар).

* * *

«Иқтисодиёт: моҳияти, тузилиши, қонунлари, категориялари, тушунчалари» мавзуси доирасида ўрганиладиган иқтисодий категориялар ва тушунчалар: одамларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлиги; одамларнинг табиатга боғлиқлиги ва таъсири; иқтисодиёт тузилиши; халқ хўжалиги; иқтисодий базис; иқтисодий қонунлар; уларнинг объектив характери; умумий ва ўзига хос иқтисодий қонунлар; объектив ва ҳуқуқий-иқтисодий қонунларнинг фарқи; иқтисодий қонунлар: уларнинг объектив характери ва тарихийлиги; иқтисодий категориялар — иқтисодиёт илмининг «калити»; ишлаб чиқариш омиллари, халқ хўжалиги комплекси, макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг қандай жойлангани маъқулроқ?

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожини меҳнат воситалари, меҳнат ашёлари ва иш кучи омилларининг мавжудлиги, ҳатто уларнинг етарли миқдорда бўлиши ҳам белгиламайди. Ҳатто шундай мамлакатлар борки, уларда ишлаб чиқариш омиллари жуда кам, айниқса, миллий ресурслар ғоят тақчил. Бундай шароитда иқтисодий тараққиётни ишлаб чиқариш омилларининг жойланиш даражаси ва улардан фойдаланиш техника-технологияси белгилайди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойланиши маълум қоидалар, талабларга асосланади. Албатта, ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий, тарихий ва ҳудудий хусусиятлари ҳам ана шу жойланиш ҳолатини белгилайди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойланиши қуйидаги қоидаларга, талабларга асосланади: биринчидан, корхоналар, хизмат кўрсатиш муассасалари ва уларнинг инфраструктураси ҳам ашё манбаларига яқин жойланиши керак. Бу ташиш харажатларини камайтириш, атроф муҳит ортиқча ифлосланишининг олдини олиш ва бошқаларга ёрдам беради, ҳам ашё районида иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга хизмат қилади; иккинчидан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг меҳнат ресурслари етарли бўлган ҳудудларда жойланиши маъқулроқ. Айниқса, иш кучини кўпроқ талаб қиладиган тўқимачилик, тикувчилик, мевасабзавотчилик каби соҳаларда бундай жойланиш юқори самара келтиради. Шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳам аҳоли ва иш кучлари кўпроқ ҳудудларда жойланиши фойдалироқдир; учинчидан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг истеъмолчиларга, харидорларга, тўлов қобилияти юқори бўлган аҳоли ҳудудларида жойланиши ҳар жиҳатдан қулайроқдир. Зеро, товарлар ва хизматлар истеъмолчилар учун мўлжаллангандир. Истеъмолчилар қанча кўп бўлса, товарларни ташиш, сақлаш, саралаш учун бўлган харажатларни тежаш имконияти бўлади. Собиқ Иттифоқ даврида кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари шу ҳудудда истеъмолчиси бўлмаган шароитларда ҳам қурилаверди. Улар катта транспорт ва бошқа харажатлар билан истеъмолчиларга етказиб берилар эдики, бу ижтимоий меҳнат харажатларининг сунъий орттириб юборилишига олиб келарди. Масалан, Ўзбекистон пахта

етиштирувчи республика бўлса-да, унинг пахтадан бўладиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларининг 70 фоиздан кўпроғи Россия томонидан ва бошқа узоқ ҳудудлардан ташиб келтирилиш ҳисобига қондирилар эди.

Мустақил иқтисодиёт ишлаб чиқарувчи кучларнинг номақбул жойланишига асло йўл қўя олмайди. Шунинг учун мустақил иқтисодий сиёсат, мамлакатимизнинг тамомила янги халқ хўжалик комплекси хом ашё, меҳнат воситалари, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга хизмат қилади, энг муҳими, ижтимоий меҳнат сарфларини тежаш ҳамда халқ фаровонлигини яхшилаш имкониятини тўғдиради.

Ишлаб чиқарувчи кучлар қулай ижтимоий муносабатлар шароитидагина ривожланади ва яхши иқтисодий самаралар беради. **Ишлаб чиқарувчи кучларнинг маълум ижтимоий ҳаракат шакли ишлаб чиқариш муносабатлари** деб юритилади.

Бироқ, ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий жараёнлар содир бўладиган жойда вужудга келади. Агар иқтисодиёт одамларнинг табиатга, ундан олинган ресурсларга ҳамда уларнинг ўзаро таъсири жараёни эканлигидан келиб чиқсак, ишлаб чиқариш муносабатлари соф иқтисодий муносабатлардан кенгроқ эканлигига амин бўламиз. Одамлар ўз иқтисодий фаолиятларини фақат ишлаб чиқариш омиллари асосидагина қура олмайдилар, улар бунинг учун яна ўзлари ишлайдиган воситаларнинг фойдаланиш механизмини, хом ашёларни истеъмол қилиш йўл-йўриқларини, яъни ишлаб чиқариш салоҳияти ва тажрибасини эгаллашлари керак. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи иқтисодий асосларга ҳам эга бўладилар, касб-кор оладилар, тажриба тўплайдилар ёки алмашадилар, ўрганадилар ва ўргатадилар ва ҳ.к. Демак, ишлаб чиқариш муносабатларидан (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш, истеъмол қилиш фаолиятлари) ташқари яна иқтисодиёт ҳолати ва натижаллигига олиб келувчи бошқа иқтисодий муносабатлар ҳам тушунилади.

Ҳозирги даврда иқтисодиётнинг тақдири, унинг равнақи кўпроқ одамларнинг ўзаро таъсирига, уларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва алоқаларига, кенг маънода ишлаб чиқариш муносабатларига, уларнинг ривожланиб боришига боғлиқ бўлиб қолаётир.

Иқтисодий муносабатларми ёки ишлаб чиқариш муносабатларими?

Ишлаб чиқариш муносабатлари аслида, кенг маънода одамларнинг соф ишлаб чиқаришнинг ўзидаги муносабатларинигина ифода этмайди, шу билан бирга у ишлаб чиқаришнинг натижаларини тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги учун ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодий муносабатлар деб аталади.

Ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва унинг шакллари

Ишлаб чиқариш деб табиат буюмларини одамлар истеъмолига мослаштириш жараёнига айтилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш дейилганда ишлаб чиқариш омилларини истеъмол қилиш, уларнинг шаклини ўзгартириш ва инсон эҳтиёжларини қондириш учун йўналтириш тушунилади. Одамлар эҳтиёжи доимий ва чексиздир, айни вақтда эҳтиёжлар ранг-барангдир. Масалан, костюмни истеъмол қилиш жараёни бир-икки йилни ташкил этади, кейин яна костюмга эҳтиёж туғилиши табиийдир ёки уйни иситиш учун кўмир истеъмол қилинган бўлса, келаси йил учун яна кўмир жамғариб қўйиш зарурати бор ва ҳ.к. Демак, эҳтиёжларни қондириб бориш ҳаёт тақозоси. Бунинг моддий омили эса ишлаб чиқаришни такрорлашдир. Истеъмол қилиш такрорланиб турганлиги сабабли ишлаб чиқариш ҳам такрорийлик касб этади. Шундай қилиб, **такрор ишлаб чиқариш** истеъмол неъматлари яратишни қайтадан бошлаш ёки янгилаб туришдир, ишлаб чиқаришнинг такрорланиб туриши такрор ишлаб чиқаришдир.

Такрор ишлаб чиқариш икки шаклда. Унинг биринчи ва бошланғич шакли **оддий такрор ишлаб чиқаришдир**. Оддий такрор ишлаб чиқариш истеъмол неъматлари ва хизматларнинг аввалги даражада, ўзгармаган ҳажмда такрор ишлаб чиқарилишидир. Бундай такрор ишлаб чиқариш асосан инсоният тараққиётининг ноиндустириал даври учун характерли. Бироқ оддий такрор ишлаб чиқариш бошқа давр иқтисодий тизимлари шароитида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, якка, оила, шахсий ёрдамчи хўжалик ишлаб чиқариш шароитида ёки иқтисодий турғунлик, иқтисодий

танглик йилларида ҳам ана шундай такрор ишлаб чиқариш бўлиши мумкин.

Такрор ишлаб чиқаришнинг иккинчи шакли **кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдир**. Такрор ишлаб чиқаришнинг бу кўриниши ривожланган иқтисодий тизимлар учун характерлидир. Бунда истеъмол неъматлари ва хизматлар илгариги даврга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилади, истеъмол буюмларининг ҳажми ўсиши билан бирга уларнинг сифати, чидамлилиги ҳам ортади.

Такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган шакли табиий ҳолдир. Биринчидан, шунинг учунки, одамлар эҳтиёжлари ҳам миқдор, ҳам ассортимент (товарлар хилма-хиллиги) жиҳатдан ортиб боради. Иккинчидан, одамларнинг сон жиҳатдан кўпайиб боришидир. Маълумки, асримиз бошида Ер шари аҳолиси бир миллиарддан сал кўпроқ эди, ҳозирга келиб аҳоли сони беш миллиард кишидан ортиб кетди. Бу жараён айниқса ривожланаётган мамлакатларда тез бормоқда. Демак, ҳар жиҳатдан ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш такрор ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ташкил этишни ҳаётий зарурат қилиб қўяди.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ресурслардан тежаб фойдаланишни, хом ашёларни тежовчи технологиялар қўллашни, янги корхоналар қуриш, мавжудларини кенгайтириш ва таъмирлаб бориш, янги ерлар ўзлаштириш, ҳосилдорликни ошириш ва бошқа сифат ўзгаришлари қилишни талаб қилади.

Нима учун иқтисодий муносабатлар тўрт босқичли?

Иқтисодий муносабатлар кишилиқ жамияти ривожининг барча босқичларида, барча иқтисодий даврларда **неъматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида** ишлаб чиқарувчилар ўртасида вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатларидир. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш муносабатлари тўрт босқичлидир. Унинг ҳар бир босқичида ўзига хос иқтисодий жараёнлар юз беради, ҳар бир босқичнинг ўз «вазифаси» мавжуд.

Ишлаб чиқариш босқичида моддий ва маънавий неъматлар яратилади. Бу неъматларнинг бир қисми одамларнинг бевосита шахсий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади, бошқа қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжларини

қондиришга сарфланади. Шунга мувофиқ неъматлар ишлаб чиқариш воситаларидан ва шахсий истеъмол буюмларидан (хизматлар ҳам) иборат бўлади. Неъматларнинг бу хилда икки турга бўлиниши бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳам икки катта бўлинмадан иборат бўлишини асослаб беради: 1. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмаси (ишлаб чиқаришнинг ўз истеъмоли учун ресурслар яратиш). 2. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмаси (одамлар учун истеъмол неъматлари яратувчи бўлинма).

Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқариш доимо истеъмолга нисбатан бирламчи бўлиб келди. Чунки у бир томондан, истеъмол қилиш учун неъматлар яратади, иккинчи томондан, маълум маҳсулотларга истеъмолни туғдиради, яъни истеъмол учун истак уйғотади.

Истеъмолнинг ўзи ҳам унумли истеъмолдан ва шахсий истеъмолдан иборат. Унумли истеъмол ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмолидир, истеъмол неъматлари яратиш учун қилинган истеъмолдир. Шахсий истеъмол ҳам ўз навбатида икки тарафлама характерга эга: у бир тарафдан, иш кучини такрор ҳосил қилиш учун қилинган истеъмол бўлса, иккинчи тарафдан, одамлар ҳаётининг давом этишини таъминлаш учун қилинган истеъмолдир.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларини тақсимот ва айирбошлаш босқичлари боғлаб туради. Албатта, тақсимлаш дейилганда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тақсимланиши тушунилади. Маҳсулотларнинг қайси қисми унумли истеъмолга, қайси қисми шахсий истеъмолга тушишини тақсимот белгилайди, унинг характери эса мамлакатдаги мулкчилик муносабатларига боғлиқ бўлади. Шуни унутмаслик керакки, жамиятда қарор топган тақсимот механизми ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир.

Айирбошлаш босқичида кўпгина иқтисодий жараёнлар кечади. Айирбошлаш ҳам икки томонлама характерга эга: у, бир томондан, истеъмол буюмларини, иккинчи томондан, меҳнат фаолиятларини алмаштиришдир. Аслида одамлар бир меҳнат фаолиятини иккинчи меҳнат фаолияти билан алмаштирадилар. Масалан, ғаллакор ўз маҳсулоти тимсолида дурадгор билан унинг маҳсулоти (меҳнати) тимсолида фаолият алмашади.

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол ўзаро чамбарчас боғлиқ, улар

яхлит бир бутунликдан иборат. Бу бирликда ишлаб чиқариш ҳал қилувчи ва белгиловчи роль ўйнайди. Реал иқтисодий ҳаётда такрор ишлаб чиқаришнинг, юқорида айтилганидек, тўрт бўғинли эканлиги сезилмайди. Аммо иқтисодиётда, уни маълум мақсадли бошқаришда такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғини ўрнини ва аҳамиятини назарга олмаслик мумкин эмас, улар ўртасида мақсадга мувофиқ нисбатлар (боғлиқликлар) ўрнатишга бефарқ қараш иқтисодиётдаги барқарорликка путур етказди.

Ҳамма ҳам иқтисодий муносабатлар иштирокчиси (субъекти) бўла оладими?

Ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари одамлардир. Аммо жамиятнинг барча фуқаролари ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув муносабатларининг субъектлари бўла олмайди, улар истеъмол субъектлари бўлишлари мумкин. Гап шундаки, ишлаб чиқаришда мамлакатнинг барча фуқаролари иштирок эта олмайдилар, аммо истеъмол қилишда у ёки бу даражада қатнашадилар. Истеъмол жараёни ишлаб чиқаришни ниҳоясига етказди, унинг пировард мақсадини рўёбга чиқаради. Худди шу маънода барча одамлар ишлаб чиқариш муносабатларининг иштирокчилари (субъектлари) бўлишини қайд этиш мумкин. Шу жумладан, мактаб ўқувчилари, талабалар ҳам иқтисодий муносабатларга киришадилар. Улар ота-оналарига ёрдам берганларида, ҳосил йиғиштиришда, савдо шохобчаларидан ўқув қуроллари сотиб олганларида ва бошқа ҳолатларда ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектларига айланадилар.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган, турли мулкчилик ва хўжалик шакллари кўпаяётган, тадбиркорлик ва ишбилармонлик йўллари очиб берилаётган шароитда ишлаб чиқариш муносабатларининг ижтимоийлиги янада кучаяди. Бунинг бизнинг бугунги иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар ҳам исботлаб турибди.

Мулккий муносабатлар нима? Уларнинг объектлари ва субъектлари

Ҳар қандай ишлаб чиқариш унинг моддий омилларига (ишлаб чиқариш шароитларига) нисбатан бирон-бир эгаликка асосланади. Ишлаб чиқариш омилларига ҳуқуқий

эгаллик қилиш эса улардан амалда ўз эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол неъматлари ишлаб чиқаришни, яъни уларни ҳаракатга келтиришни англатади. Ишлаб чиқариш омилларига эгаллик қилишдан келиб чиқадиган ҳаракат ишлаб чиқариш омиллариининг ишлатилиши ёки реализацияси (рўёбга чиқарилиши) деб юритилади.

Кишилар ўртасида ишлаб чиқариш омиллари бўлган ишлаб чиқариш воситаларига ҳамда меҳнат натижалари бўлмиш маҳсулотларга нисбатан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мулкий муносабатлар дейилади. Мулкий муносабатларга жамиятдаги барча кишилар дахлдор бўладилар ва бу тарихан маълум бир шаклларда намоён бўлади.

Тарихий нуқтаи назардан қараганда мулкий муносабатлар **жамоа мулки** тариқасида вужудга келган. Кейинчалик **хусусий мулкчилик** пайдо бўлди ва бу мулкчилик шакли ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига ижобий таъсир этди. Чунки хусусий мулкчилик ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатлашувни, табақалашувни, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги учун курашни майдонга чиқарди.

Мулкий муносабатларнинг икки жиҳати алоҳида фарқланади: 1) мулкий муносабатлар объекти, яъни нималарга мулкий эгаллик қилиш масаласи. Мулк объекти бўлиб, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат маҳсулотлари, меҳнат қобилияти (иш кучи), маданий ва табиий бойликлар, интеллектуал қобилиятлар (ақл-заковат маҳсули) хизмат қилади; 2) мулкий муносабатлар субъекти, яъни кимлар мулк эгалари бўлиши масаласи. Мулк субъекти бўлиб жамиятдаги мавжуд синфлар, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, табақалар, давлат, айрим шахслар майдонга чиқади. Улар ўртасидаги кучлар нисбати қандай тузилиш ва сифатдаги мулкка эгаллиги, мулкларни ишлата билиш каби омиллар билан белгиланади. Мулкий муносабатларнинг объекти ва субъекти масаласи Ўзбекистон Республикасининг мулк тўғрисидаги қонунида ўз ифодасини топган

Иқтисодий муносабатлар мулкий муносабатлардан ташқари бошқа муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашув, ўртоқларча ёрдам бериш ва шу кабилар.

Мулкдорлар синфини шакллантириш — тараққийёт омили

Агар мулккий муносабатларнинг тарихий шаклланиш даврига эътибор қилинса, шу нарса маълум бўладики, инсонда «мен», «меники» деган тушунчалар жуда кучли бўлган, унда ўз шахсини устун қўйиш хислати устуворлик қилган. Буни ҳисобга олмаслик мулккий муносабатлар тенденциясини тушунмасликдир. Ана шу тарихий ҳақиқат эътиборга олиниб мамлакатимиз Конституциясида «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» эканлиги, «мулкнинг дахлсизлиги», «фуқаролар мулки хусусий мулкдан» иборат бўлишлиги, «мулкдорнинг ўз мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи чекланмаслиги», ҳар бир фуқаро ўз иш кучини тасарруф эта олиши каби ҳуқуқий меъёрлар белгилаб берилган. Фуқароларнинг мулкка эга бўлиши уларнинг умуминсоний ҳуқуқларидангина келиб чиқмайди, балки мулк эгаси бўлмай туриб иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқариш омилларида оқилона фойдаланиш, ўз фаолияти учун масъулият сезиш бўлмаслиги нуқтаи назаридан ҳам зарурдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов республикамызда мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояланган демократик фуқаролар жамияти қуриш мақсад қилиб қўйилган. Масаланинг бундай қўйилишининг сабаби шундаки, бизда аҳоли ижтимоий-иқтисодий табақаланишда осмон билан ерчалик кескин фарқ қилувчи тоифаларнинг вужудга келишига йўл қўймасликдир. Шунинг учун мулкдорлар тизимининг асосини ўрта мулк эгалари тоифаси ташкил этади. Бу тоифа муайян мулк — кўчмас мулк, ер майдони, кичик ва ўрта корхона эгаси, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаси, хилма-хил касб-кор эгаси, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, тижорат ва умуман бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсдир. Мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфининг вужудга келиши учун «Мулкчилик тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Ижара тўғрисида» каби бир қанча қонунлар хизмат қилади, яъни бундай синфнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган ва кучга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро Кенгашнинг 1997 йил 6 февралдаги мажлисида Президентимиз И. А. Каримов «Мулкдорлар синфини шакллантиришни ислоҳотларнинг бош мезони» деб таърифлашининг ўзиёқ, бу масаланинг нақадар катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик эканини кўрсатади. Бироқ, асосий эътибор ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратилади, зеро, буни мамлакатимизнинг тарихий ва бугунги хусусиялари тақозо этади. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш масаласи И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли асарига алоҳида тавсифлаб берилган.

Ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши икки манбага асосланади. **Биринчидан**, кичик ва ўрта корхоналар қурилишини ривожлантириш, яъни **кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл бериш**. Гап шундаки, ҳозирда тараққий этган мамлакатларнинг кўпчилиги ўз ривожига ана шу кичик ва ўрта тадбиркорликка қулай шароитлар яратиш, давлатнинг қўллаб-қувватлаши туфайли эришганлар. Шунинг учун ҳам илғор мамлакатлар ялпи маҳсулотига ўрта ва кичик ишлаб чиқариш ҳиссаси 60 — 70 фоизни ташкил этади. **Иккинчидан, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш**. Бу соҳа ҳам биз учун тамомила янгидир. Бу жараёнга аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш, уларга қимматбаҳо қоғозлар моҳиятини, улардан доимо даромад олиб туриш мумкинлигини тушунтириш керак. Бу ишнинг энг қийин томони аҳолининг ночор қатламларига ана шундай мулк эгаллигини таъминлашдир. Айниқса, одамлар қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва эгалик қилишнинг фойдали фаолият эканлигини олдиндан билиб олсалар яхши бўлади. Албатта, қимматбаҳо қоғозлар билан фаолият қилиш ҳар бир мулкдордан маълум иқтисодий саводхонликни талаб қилади.

Мулкчилик шакллари хилма-хил бўлгани маъқулми ёки аксинча бўлганими?

Мавжуд тарихий тараққиёт даврининг мазмунини, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишнинг қандай шаклларда бўлиши белгилайди. Мамлакатимиз тараққиётининг ўтган, «совет даври» деб аталган

даври учун ишлаб чиқариш омилларига нисбатан уч шаклдаги мулкчилик характерли эди. Булар — давлат мулки, колхоз-кооператив мулки ва фуқароларнинг шахсий мулки. Аммо бу мулк шакллариининг кейинги иккитаси шунчаки, расмий характерда эди. Чунки уларнинг иқтисодий тизимдаги мавқеи, аҳамияти ҳеч қандай кучга эга эмасди. Бунга сабаб давлат мулкининг яккаҳоқимлиги ёки ҳукмронлиги бўлиб, унинг салмоги 92 фоизни ташкил этарди. Бу ҳол иқтисодиётда дастлабки даврларда ижобий роль ўйнаган бўлса-да, аммо кейинчалик иқтисодиётни инкирозга, 90-йилларга келиб эса таназзулга маҳкум этди. Бу салбий иқтисодий ҳолат ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ўсмаслигида, меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишида, нарх-навоининг кескин ортиб кетишида ва ниҳоят, унинг оқибати сифатида аҳоли қашшоқлигининг ўсишида ўз ифодасини топди.

Юқоридаги фикрлардан хулоса шуки, жамиятнинг ҳар томонлама тараққий топиши, аҳоли фаровонлигининг таъминланиши мулк шакллариининг хилма-хил бўлишини тақозо этади, бунда мулк тизимида бирон-бир мулк шаклининг яккаҳоқимлигига йўл қўйилмаганлиги маъқулдир. Шу билан бирга хилма-хил мулк шакллари ўртасида ҳуқуқий-иқтисодий тенглик вужудга келтирилиши керак. Бунинг учун эса давлатга қарашли мулкни унинг тасарруфидан чиқариш, унинг катта қисмини бошқа мулк шаклларига айлангириш учун шарт-шароитлар яратиш лозим. Ана шу мақсадда Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг амалга оширилиши жараёнида кўпмулкчилик ва аралаш иқтисодиёт таркиб топиши кутилмоқда.

Иқтисодиётимизда хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши хавfli эмасми?

Мамлакатимизда жаҳон ҳамжамиятида амал қилаётган бозор муносабатларига кириб борилмоқда, унинг иқтисодий асослари яратилмоқда. Ана шундай иқтисодий асослардан бири мулкчий муносабатларда хилма-хилликка эришишидир. Ўзбекистонда мулкчилик қонунига асосан кўпмулкчилик қарор топмоқда. Республикамиз мулк тизимида давлат мулки, кооператив мулк, жамоа мулкчилиги, ҳиссадорлик (акционерлик) мулки, аралаш мулк,

қўшма мулк, хусусий мулк, шахсий мулк, оила ва якка тартибдаги мулк каби мулк шакллари пайдо бўлмоқда. Ҳаёт тақозо этган, бозор иқтисодиёти талаб этадиган бошқа мулк шакллари ҳам вужудга келиши мумкин.

Республикамиз иқтисодиётидаги мулкчилик шакллари ҳақида гап борганда, асосан давлат мулки ва хусусий мулк борасида хавотирланиш ҳолатлари кузатилмоқда, аҳоли ўртасида қарама-қарши фикрлар билдирилмоқда. Масалан, нима учун давлат мулки улшининг яна салмоқли бўлиши кўзда тутилмоқда? Гап шундаки, биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтган, бозор муносабатлари шароитида яшаётган барча мамлакатларда давлат мулки мулк тизимида тахминан 25 — 30 фоиз атрофида сақланиб қолаётир; иккинчидан, ҳозир иқтисодиётда шундай салоҳиятдаги тармоқлар, корхоналар борки, айрим хусусий соҳибкорлар, компания ва корпорациялар уларни тасарруф эта олмайди, самарали бошқара олмайди. Булар жумласига қазиб олиш саноати, ёқилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, кимё саноати, темир йўллар, алоқа воситалари кабилар кирази; учинчидан, иқтисодиётнинг, мамлакат ҳаётининг шундай тармоқлари ва йўналишлари борки, улар фақат давлат қўлида бўлгандагина иқтисодий самара беради, давлат, мамлакат халқининг муштарак манфаатларига хизмат қила олади, мамлакат хавфсизлиги ва дахл-сизлигини таъминлайди. Булар жумласига юқорида санаб ўтилган тармоқларнинг айримлари билан бирга яна ҳарбий саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, маданият, маориф, тиббиёт ва бошқа мажмуалар кирази. Буларнинг давлат ихтиёрида бўлиши умуммиллий манфаатларга мувофиқ келади.

Хусусий мулкчиликнинг вужудга келтирилиши ҳам давлат ва халқ манфаатларига зарар етказмайди. Гап шундаки, бир томондан, хусусий мулкчилик бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг долзарб масаласидир, унинг иқтисодий асосларидан биридир. Иккинчи томондан, республикамиз шароитида хусусий мулкчилик объекти қилиб савдо, умумий овқатланиш, ўрта ва майда ишлаб чиқариш, маиший хизмат соҳалари олинмоқда. Айниқса, майда ва ўрта ишлаб чиқариш йўналишлари бозор талабларига тез мослашувчан бўлиши билан бирга катта сармоя талаб қилмайди, уларни хусусий соҳибкорлар бемалол тасарруф этишлари мумкин.

Ҳиссадорлик мулкчилиги энг демократик (халқчил) мулк шаклидир

Бозор иқтисодиёти мулкчилик тизимида ҳиссадорлик (акционерлик) мулкчилигини ҳам илгари суради. Бозор муносабатлари жамиятнинг барча қатламларини, фуқароларини, сармояси бор кишиларни ўзига тортиши билан характерлидир, барчани товар-пул муносабатларига жалб этиши билан аҳамиятлидир, ҳиссадорлик мулкчилиги эса худди ана шу мақсадни рўёбга чиқаради. Бунда ҳар бир фуқаро ўз қўлидаги бўш сармояларни баҳоли қудрат ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имкониятига эга бўлади ва ундан олинadиган фойданинг тақсимланишида дивиденд (даромад) олиш тариқасида иштирок этиши мумкин.

Ҳиссадорлик мулкчилигининг халқчиллиги яна шундаки, ҳиссадорлар ўз корхонасини бошқаришда қатнашиб, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш кўникмаларини ҳам оладилар. Мулкчиликнинг бу шакли ноишлаб чиқариш тармоқларидаги кишилар учун ишлаб чиқариш билан боғланиш, иқтисодий ҳаётда реал қатнашиш, иқтисодий муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳаракат қилиш учун қулай шароитлар яратиб беради.

Қимматбаҳо қоғозлар ҳам мулк

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви кўп жиҳатдан қимматбаҳо қоғозлар, уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги, одамларни мулкдор қилишдаги ўрнига, иқтисодиётнинг эркинлашуви ва демократиялашувидаги аҳамиятининг қанчалик тушуниб олинишига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Бу ҳақда Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида (1995 йил) сўзлаган нутқида шундай деган эди: **«Биз кишилар онгига қимматбаҳо қоғозлар ҳам аслида мулкка эгалик шакли эканини сиғдиришимиз керак»** (таъкид бизники — муалл.). Бунинг учун, аввало, қимматбаҳо қоғозларнинг моҳияти, улардан фойдалана олиш услубларини англаб олишга кўмаклашмоқ даркор. Шунингдек, одамлар қимматбаҳо қоғозлар ҳам оиланинг изчил даромад манбаи эканлигини билиб олишларига ёрдамлашмоқ зарур.

Қимматбаҳо қоғозлар нима? Маълумки, муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳар доим ҳам товарлар билан

таъминланмайди. Айниқса, ўтиш даврида, иқтисодиёт танг ёки секин ривожланаётган шароитларда бу номутаносиблик такрорланиб туради. Марказий банк иқтисодиёт талабларидан келиб чиқиб товар билан таъминланмаган нақд пулларни чиқаришга (эмиссияга) мажбур ҳам бўлади. Бошқача айтганда, пулнинг қадрсизланиши келиб чиқади. Бундай оғир вазиятдан чиқишнинг йўли — қимматбаҳо қоғозлар чиқариш эканлиги жаҳон тажрибасида аллақачон исботланган. Бундай шароитда давлат ҳақиқатан ҳам ташкилотчилик кўрсатади, яъни ўз қарз мажбуриятлари белгиси бўлмиш облигацияларни сотувга чиқариб, нақд пулларни хазинага туширишга муваффақ бўлади.

Дастлаб, қисқа муддатли облигациялар чиқарса, кейинчалик талаб ўсгани сари тўлаш муддати узоқроқ бўлган қимматбаҳо қоғозлар чиқара бошлайди. Демак, қимматбаҳо қоғозлар товар ўрнини босувчи молиявий дастаклардир.

Қимматбаҳо қоғозларни чиқарувчи муассасалар эмитентлар деб аталади. Улар банклар, давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар, акционерлик жамиятлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар бўлиши мумкин. **Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олувчилар** ёки уларнинг эгалари **инвесторлар** деб аталади. Улар давлат, корхоналар, чет эл инвесторлари ва аҳолининг кенг қатламлари бўлиши мумкин. Давлатнинг инвестор сифатида харид қилишининг сабаби — мамлакатдаги қимматбаҳо қоғозлар курсини (нархини) барқарорлаштириш ва пул-кредит муносабатларини бошқариб туришдан иборатдир. Корхоналар бошқа, ўзлари иқтисодий алоқада бўлган корхоналар мулкига қисман эга бўлишлари учун уларнинг фаолияти устидан назорат қилиб туриш мақсадида қимматбаҳо қоғозларни сотиб оладилар. Аҳоли эса ўз пулларини қадрсизланишидан ҳимоя қилиш ва доимо даромад олиб туриш мақсадида харид қилади. Қимматбаҳо қоғозлар махсус бозорларда — **фонд биржаларида** ва улардан ташқарида сотилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозори — **молия бозорининг** алоҳида шакли ва бозор инфраструктурасининг бир бўғинидир.

Қимматбаҳо қоғозларнинг қандай турлари мавжуд, улардан қайсилари Ўзбекистонда ҳозирча кўпроқ тарқалган? Қимматбаҳо қоғозларга **облигациялар, акциялар, векселлар, депозитлар, сертификатлар** ва жамoa хўжалиklarининг махсус қимматбаҳо қоғози — **пайлар** киради. Давлат хазина мажбуриятларини, хазина векселларини ва облигацияларни

чиқаради ва шулар ёрдамида бюджетни, давлат аҳамиятидаги лойиҳаларни молиявий таъминлайди, олинган қарзларни қоплайди ҳамда баъзи корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Банклар акция, облигация, вексель, депозит ва сертификатларни чиқаради. Акционерлик жамиятлари эса акция ҳамда облигациялар чиқара олади.

Мамлакатимизда кўпроқ тарқалган қимматбаҳо қоғозлар акция ва векселдир. Акциялар ёпиқ ёки очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлариники бўлиши мумкин. Ислохотларнинг иккинчи босқичида очиқ ҳиссадорлик жамиятларини кенгайтиришга устуворлик берилади. Зеро, уларнинг акциялари очиқ усулда барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан эркин сотиб олиниши мумкин. Акция эгалари тегишли равишда ҳиссадорлик корхонаси фойдасига шериклик асосида эгалик қиладилар, фойданинг бир қисмини даромад тариқасида олиб турадилар.

1995 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб муомалага векселлар чиқарилди. Вексель товар олди-сотди жараёнига ва мол-мулк юзасидан амалга ошириладиган битимларга хизмат қилади. Векселнинг хизмати шуки, у нақд пулсиз ҳисоб-китобларда фойдаланилади ҳамда ҳисоб-китобларни анча тез амалга оширади, корхоналарнинг ўзаро қарзларини қисқартиришга олиб келади. 1995 йилнинг ўзидаёқ вексель ёрдамида корхоналарнинг ўзаро қарзлари 52 млрд. сўмга қисқарганини айтиб ўтиш ўринлидир. Векселлар ёрдамида хорижий мамлакатлар корхоналари билан бўладиган ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, вексель иккиламчи бозорда ҳам айланиш имкониятига эга.

Мамлакатимизда қимматбаҳо қоғозлар бозори энди шаклланимоқда. Бу бозорда халқни кенг иштирок эттириш долзарб ишдир. Шу нарса ҳақиқатки, хусусий мулкдан, давлат корхонасидан бошқа даромад манбаи бўлишини билмайдиган одамларимиз қимматбаҳо қоғозлар орқали ҳам оила даромадларини тўлдириб бориш мумкинлигини тушуниб етмайдилар. Юқорида қайд қилинганидек, халқимизни даромаднинг ғоят қулай манбаи бўлган қимматбаҳо қоғозлардан баҳраманд бўлишга ўргатмоқ керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш тўғрисидаги махсус фармони айнан ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришни кўзда тутади.

Пай — қишлоқда мулкдор бўлишнинг янги шакли

Мамлакатимизда аҳолининг кўпчилиги қисми қишлоқларда яшайди ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Бу тармоқнинг иқтисодийетимизда тутган ўрни беқийсдир. Буни куйидаги рақамлар яққол исботлайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 46 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд. Бу соҳа мамлакат ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмини беради, унинг маҳсулоти аҳоли эҳтиёжларига кетадиган истеъмол буюмлари манбаининг 90 фоизини таъминлайди. Саноатимизнинг машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат, тўқимачилик каби энг муҳим тармоқларининг тақдири ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Шундай экан, қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган меҳнатчини мулкдор қилиш, улар даромадининг хўжалик эришган пировард натижага бевосита шерик бўлишига кўмаклашиш энг долзарб вазифадир. Бу вазифа Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 февралдаги Мажлисидаги маърузасида 1999 йилнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Деҳқонни мулкдор қилишнинг энг адолатли ва қулай, бозор иқтисодиёти моҳиятига мувофиқ келувчи шакли хўжалик мулкидаги ҳиссасини белгилаб берувчи «пай»дир, яъни қимматбаҳо қоғозларнинг алоҳида туридир. Пай шундай қимматбаҳо қоғозки, у биринчидан, жамоа хўжалиги фонди ҳаммасининг эмас, балки бир қисмининг, бўлинмас фонд деб аталган, хўжаликни ривожлантиришга йўналтириладиган қисмининг чегирилганидан қолганидир; иккинчидан, пай бошқа қимматбаҳо қоғозлар сингари фонд биржаларида сотилмайди, қайта сотилмайди, алмаштирилмайди, бошқа шахсга берилмайди; учинчидан, ундан қанчалик кўп даромад келиши (дивиденд) бошқа акция қоғозларидан тубдан фарқ қилиб, мулк эгасининг меҳнати, ташаббуси, тадбиркорлигига боғлиқдир; тўртинчидан, пай ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг ифодасидир; бешинчидан, пай жамоа хўжалигига, унинг иқтисодиётига, фондларига қанчалик ҳисса қўшганлигига мувофиқ тарзда тақсимланади, гўё бепул берилаётгандек кўринса-да, у хўжалик азвосининг илгариги меҳнатлари учун берилган мулкдир.

Мулккий муносабатларнинг бундай ечими бизнинг Ўзбекистонда биринчи марта тадбиқ этилаётир. Бу юқорид айтилган ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришнинг

гоят адолатли воситаси бўлди. Аммо бундаги муаммо — деҳқонни, қишлоқ кишисини, оддий одамларнинг бундай мулк билан қандай муомала қилиши, пайни мулк сифатида қандай тасарруф этиши, ундан оиласи ва жамият манфаатлари йўлида самарали фойдаланиши масаласидир. Иқтисодий саводхонлик ана шу муаммонинг ечими учун асосий калитдир.

Мулкчиликнинг бошқа шакллари ҳам фойдалидир

Бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг барча шаклларига кенг йўл очиб беради. Аралаш ва қўшма мулк шакллари эса бир томоннинг имкониятини бошқа томоннинг имкониятлари билан қўшиб, самарали фаолият кўрсатиш учун шароит яратади. Масалан, қўшма корхоналар миллий иқтисодиётда бошқа хорижий давлатлар, компаниялар, фирмаларнинг иштирок этишига, иқтисодий манфаатли ҳамкорликка, пировард самарали фаолиятга, иқтисодий интеграцияга кенг йўл очади, мамлакатга илғор технология, сармоя, замонавий илм-фан кириб келишига ёрдам беради.

Айни вақтда хорижий давлатлар ҳамда фуқароларнинг инвестициялари асосида мамлакатда хорижий мулк шаклланиши рўй беради. Хорижий давлатлар, хусусий сармоядорларнинг мамлакат иқтисодиётига кириб келиши миллий мустақиллигимизга хавф солмайдими, деган савол ҳам пайдо бўлиши мумкин. Давлат иқтисодий сиёсати миллий манфаатларни ҳимоя қилиши асосида олиб борилаётган шароитда бундай ҳаракат ҳеч қандай хавф тугдирмайди. Чунки барча иқтисодий муносабатлар халқаро нормативлар, қонунлар, шартномалар, солиқ ва банк тизими орқали бошқарилиб турилади ва назорат қилинади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, хориждан сармоя билан келаётган, мулк субъектлари бўлган шахслар ҳам ўзларининг хусусий манфаатларини рўёбга чиқаришлари табиийдир. Чунки ҳаракатдан ҳеч қандай наф бўлмаса, сармоя сарфлаш фойдасиз бўлур эди.

Мамлакатимизда шахсий мулкчилик, оилавий мулкчилик ҳамда яқка мулкчилик каби шакллар ҳам ўз ўрни ва мавқеини эгаллайди. Зеро, бозор иқтисодиёти дегани ҳар бир фуқаронинг, ишлаб чиқарувчининг ҳаётда ўз ўрнига, ўз мулкига эга бўлишини таъминлаш демакдир. Давлат

мулкчилик барча шаклларининг амал қилиши, тенглиги, дахлсизлиги учун барча ҳуқуқий-иқтисодий кафолатларни яратади, унинг ўзи бош кафолатчи бўлиб хизмат қилади.

Мулккий муносабатларнинг ривожланиш тенденцияси қандай кечади?

Ҳўш, мулккий муносабатларнинг ривожланиб боришида қандай тенденция кузатилиши мумкин? Биринчидан, мулк шакллари ўртасида рақобат туғилади, бир-биридан устун бўлиш, иқтисодиётда устувор йўналишларни эгаллаш, юқори мавқега чиқиш сари ҳаракат доимий тус олади. Бу жараёнда ўзини сақлаб қололмайдиган, ўзини «оқлай олмайдиган» мулк шакллари чекиниши, ҳатто барҳам топиши ҳам тарихий ҳақиқатдир. Иккинчидан, уларнинг ўзаро рақобати иқтисодиёт кўтарилишига, иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашувига, самарадорликнинг ортишига, бозорнинг истеъмол буюмлари ва хизматлар билан тўлдирилишига олиб келади. Бу тенденция мамлакатнинг илғор давлатлар қаторига чиқиб олишига, аҳолининг умумий фаровонлиги ортишига хизмат қилади.

Албатта, мулккий муносабатларнинг хилма-хиллиги, кўпмулкчилик замирида ҳар хил ишлаб чиқариш турлари ётади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихий бир даврида **аралаш иқтисодиёт** кўп укладли иқтисодиёт бўлиб шаклланади. Кўп укладли иқтисодиётнинг тарихий тақдири қандай бўлади? Бу саволга бозор иқтисодиёти тизимининг тарихий ривожини жавоб беради, яъни бозор иқтисодиёти амал қилар экан, аралаш иқтисодиёт бўлиши табиийдир. Лекин шу нарса аниқки, ҳар бир укладнинг тақдири ана шу укладнинг ўзида бўлади, унинг даврга қандай даражада ҳамоҳанг бўлиб боришида бўлади. Давлатнинг бирон-бир уклад томонида бўлишига, унинг манфаатларини бир томонлама ҳимоя қилишига, унга «ён босиши»га қаратилган сиёсат юргизилмайди. Бу нарса иқтисодий жараёнларнинг адолатли кечишига олиб келади.

* * *

«Иқтисодий ва мулккий муносабатлар» мавзусини ўрганишда зарур бўладиган иқтисодий категориялар ва тушунчалар: меҳнат предмети; меҳнат воситалари; меҳнат қуроллари; ишлаб чиқариш воситалари; ишчи кучи; ишлаб чиқарувчи

кучлар; ишлаб чиқариш муносабатлари; тақсимот, айирбошлаш; истеъмол; ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш бўлинмиси; истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўлинмиси; унумли истеъмол; шахсий истеъмол; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт. «Мулкчилик» тушунчаси: мулккий муносабатларнинг объектлари, мулкчилик шакллари; давлат мулки; кооператив мулк; хусусий мулк; аралаш мулк; қўшма мулк; ҳиссадорлик (акционерлик) мулки; якка мулк; оила мулки; интеллектуал мулк; пай ва ҳ.к.

III боб. ИҚТИСОДИЁТ ҲОЛАТИНИ, ЖАМИЯТ БОЙЛИГИНИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАВСИФЛОВЧИ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

Иқтисодиётнинг умумлашма кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш жараёнида жуда ҳам хилма-хил маҳсулотлар яратилади, турли-туман хизматлар кўрсатилади, маънавий неъматлар вужудга келтирилади. Улар маълум иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаб борилади, баҳоланади. Бу иш иқтисодиётнинг ҳолатини аниқлаш, неъматларни тўғри тақсимлаш, айирбошлаш ва мақсадли истеъмол қилиш учун бажарилади. Иқтисодиётнинг ҳолати, жамиятнинг бойлиги, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги бутун бир иқтисодий кўрсаткичлар тизими орқали ўлчанади: уларнинг баъзилари умумий характерга, баъзилари хусусий характерга эгадир.

Бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бир йил ичидаги натижаси, яратилган неъматлар йиғиндиси **жами ижтимоий маҳсулот** деб аталади. У моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган барча ходимларнинг меҳнат маҳсулидир. У буюм шаклида ишлаб чиқариш воситаларидан ва истеъмол буюмларидан иборат бўлади. Бозор муносабатлари ҳукм сурган шароитда жами ижтимоий маҳсулот яна қиймат шаклида ҳам ҳисобланади. Жами ижтимоий маҳсулотнинг қиймат (пул) кўриниши орқали мамлакат иқтисодиётида рўй берган миқдор ўзгаришлари (иқтисодий ўсиш ёки иқтисодий инқироз) билиб борилади.

Жами ижтимоий маҳсулотнинг пул ифодаси маълум муддатларга қатъий баҳоланади, мамлакатнинг миллий валютасида ифодаланади.

Иқтисодийнинг умумлашма кўрсаткичларидан яна бири **ялпи миллий маҳсулотдир**, у мамлакатдаги бутун иқтисодий фаолиятнинг тўла ифодаси ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулот жами ижтимоий маҳсулотдан шу билан фарқ қиладики, у нафақат моддий ишлаб чиқаришнинг бир йиллик натижаси, шу билан бирга ноишлаб чиқариш соҳасининг, маиший хизматларнинг ҳам иш натижасидир. Ялпи миллий маҳсулот мамлакатдаги барча корхоналар (уларнинг қайси идорага бўйсунганидан, қандай мулк шаклига мансублигидан қатъи назар), ташкилотлар, идоралар, кооперативлар, уюшмалар, концернлар, корпорация ёки компанияларнинг йиллик фаолият ифодасидир. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотни яратишда хусусий, оила, яқка меҳнат билан шуғулланувчи барча ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар, бошқарувчи ва илмий-техник ходимлар ҳам иштирок этади.

Ялпи миллий маҳсулот таркибида хизматлар ҳам муҳим, салмоқли ўрин тутди. Шунинг учун ҳам ялпи миллий маҳсулотни кўпайтиришда мамлакат халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини сафарбар қилиш, ҳар бир киши фаолиятини яхшилаш катта аҳамият касб этади.

Ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисми соф маҳсулотдир. **Соф маҳсулот** — жамиятда маълум бир даврда бутунлай янгидан яратилган маҳсулотдир, у сарф қилинган жонли меҳнатнинг моддийлашган ифодасидир. **У янгидан яратилган маҳсулот** деб ҳам аталади.

Соф маҳсулот ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўрсатувчи муҳим категориядир. Соф маҳсулотнинг ўзига хос хусусияти яна шундаки, у зарурий маҳсулотга ва кўшимча маҳсулотга бўлинади.

Зарурий маҳсулот ходимнинг (ишловчининг) зарурий иш вақтида яратилган ва унинг иш кучини тақрор ҳосил қилишга, ишловчи оиласининг тирикчилик фонддини шакллантиришга хизмат қилади. Зарурий маҳсулот шундай ижтимоий шаклга эгаки, у фақат ишловчиникидир, бошқаларнинг зарурий маҳсулотга «кўз тикишига», даввогарлик қилишига ҳеч қандай асос йўқ. Агар жамиятда ишчи зарурий маҳсулотини «қирқиб қўйиш» каби ҳолат сақланар экан, демак, бу жамиятда ижтимоий адолат йўқдир. Зарурий маҳсулот ишчи ва унинг оила аъзолари истеъмолига кетадиган моддий ва маънавий неъматлар ҳамда хизматлар мажмуасида ифодаланади. Зарурий

маҳсулот миқдори, унинг тузилиши, таркиби ўзгариб туради. Меҳнат унумдорлиги ўсган шароитда зарурий маҳсулот миқдор жиҳатдан камайса-да, таркиби, сифати яхшиланиб, ассортимент жиҳатдан кўпаяди.

Кўшимча маҳсулот, янгидан яратилган маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисмидир. У ишлаб чиқаришда барча имкониятлардан фойдаланиш, самарадорликнинг оширилиши, меҳнат унумдорлигининг ўсганлиги, меҳнат интизоми ва меҳнатни ташкил этиш яхшиланганлиги натижаси сифатида майдонга келади. Кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш тузилишига эга бўлади, яъни унинг бир қисми табиий шароитнинг қулайлиги туфайли, иккинчи қисми фан-техника тараққиёти ютуқларини қўллаш туфайли, яна бир қисми корхоналарда жорий этилган ихтиролар ва ташаббускорлик, ишбилармонлик ва тадбиркорлик эвазига вужудга келади.

Кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг, уни замонавий технология билан қуроллантиришнинг чексиз манбаидир. Айни чоғда у халқ моддий фаровонлигини оширишнинг бирдан-бир муҳим манбаи ҳисобланади. Ана шу маънода кўшимча маҳсулотни иқтисодиётнинг жамулжам, яхлит ифодаси деб аташ мумкин. Кўшимча маҳсулотнинг миқдор жиҳатдан ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқдир, шунингдек, у иқтисодий тежамкорлик орқали ҳам, маҳсулот сифатини яхшилаш орқали ҳам кўпаяди.

Халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини ошириш ижтимоий маҳсулот миқдорига, унинг барча функционал шаклларига боғлиқ. Чунки юқорида кўрсатилган ижтимоий маҳсулотнинг функционал шакллари у ёки бу даражада халқ фаровонлигининг ортишига хизмат қилади. Шунинг учун уларнинг ҳар бири иқтисодиётда алоҳида ҳисоб-китоб қилинади ва ўз вазифалари бўйича «хизмат» қилади.

Соф маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари амалий иқтисодиётда қайси кўрсаткичларда намоён бўлади?

Соф маҳсулот ва унинг таркибий қисмлари бўлмиш зарурий ва кўшимча маҳсулот жуда чуқур иқтисодий муносабатлар манбаидир, яъни улар назарий категориялардир, назарий тафаккур манбаларидир. Улар амалий

иқтисодиётда бошқа ижтимоий шаклларда намоён бўлади. Бошқача айтганда, чуқур иқтисодий муносабатлар объектив категориялар кўринишларида ўз ифодасини топиб, бизнинг иқтисодий тафаккуримизни янги тушунчалар билан бойитади.

Соф маҳсулот иқтисодий ҳаётда **соф даромад** кўринишида намоён бўлади. Соф даромад корхона ёки фирмаларнинг пул шаклидаги умумий кўринишидир. Бироқ улар миқдор жиҳатдан фарқ қилади; соф маҳсулот маълум миқдорга (агар миллий валюта барқарорлиги таъминланиб турилган бўлса) соф даромаддан камроқдир. Соф даромад категорияси орқали корхоналар иқтисодий фаолиятига баҳо берилиши мумкин. Зеро, бу фаолият самарадорлиги бошқа кўрсаткичларда ҳам ифодаланadi.

Зарурий маҳсулот яна ҳам чуқурроқ мазмунга эга категориядир. У иқтисодий ҳаётда иш ҳақи, нафақалар, стипендия, имтиёз, хайрия, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжалик, уй хўжалиги, якка фаолиятдан келадиган даромадлар кўринишида бўлади. Шунини айтиш керакки, зарурий маҳсулотнинг ижтимоий шакллари турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва шароитларда турлича бўлади, уларнинг одамлар ва корхоналар ҳаёт тарзидаги ўрни ва аҳамияти ҳам турлича бўлади. Масалан, илгариги режали иқтисодий тизимда, давлат ҳукмронлик қилган шароитда ишловчиларнинг асосий даромад манбаи иш ҳақи эди, яъни иш ҳақи зарурий маҳсулотнинг асосий ва етакчи шакли эди. Аслида иш ҳақининг зарурий маҳсулотдаги ҳиссаси ишчи-хизматчилар учун 80 — 90 фоизни, қишлоқ хўжалиги ходимлари учун 60 — 70 фоизни ташкил қилар эди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши эса зарурий маҳсулот ижтимоий шакллари ўринларининг кескин ўзгаришига олиб келади, чунки кўпмулкчилик, кўпфаолиятчилик иш ҳақи салмоғини қисқартиришга, бошқа шакллари салмоғининг кескин ортишига олиб келади. Демак, янги шароитда зарурий маҳсулот ҳам миқдор, ҳам сифат, ҳам ижтимоий шакл жиҳатларидан бирмунча кенгайди, яъни одамлар турмуш фаровонлиги ортади.

Кўшимча маҳсулотнинг ўз ишлаб чиқариш тузилиши кенг бўлганлиги учун ҳам унинг ҳаётий ижтимоий шакллари янада турли-тумандир, у амалий иқтисодиётда фойда, фоиз, дивиденд, кўшимча иш ҳақи, банк кредити учун

тўловлар, ресурслар учун тўловлар, корхона ривожлантириш фондлари, товонлар тўлаш, ортиқча харажатларни қоплаш, моддий рағбатлантириш фонди, мукофотлаш фонди каби шаклларга киради. Эски режали иқтисодий тизим шароитида қўшимча маҳсулот тўла давлат ихтиёрига турли шаклларда — фойдадан ажратма, даромад солиғи, фондлар, табиат ресурслари учун тўловлар ва бошқа мажбурий ажратмалар тариқасида тушар эди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қўшимча маҳсулотнинг юқоридаги ҳаётий шакллари сақланиб қолса-да, улар кўпроқ ресурсларни тежаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни рағбатлантириш мақсадлари учун йўналтирилади, мамлакатнинг валюта захираларини ташкил этиш, турли фондлар ташкил этиш, ижтимоий ҳимоя мақсадларига хизмат қилдирилади.

Жамият бойлигини қайси кўрсаткичлар тўлароқ ифодалайди?

Жамиятнинг бойлиги, иқтисодий тараққиёт даражаси фақат йиллик натижалар билангина эмас, балки ана шу натижаларнинг қанчаси сақланиб қолганлиги, ишлаб чиқариш ва шахсий ҳаёт учун асқотаётганлиги, жорий давр учун қандай даражада хизмат қилиши билан ҳам ўлчанади. Миллий бойлик ана шундай иқтисодий кўрсаткичдир. У мамлакат маълум бир пайтда эга бўлган барча нарсалардир, унинг бутун тарихий тараққиёти даврида жамғарилган воситалар, ноз-неъматлар, истеъмол буюмларидир, маънавий бойликларидир. Миллий бойликка мамлакатдаги тарихий обидалар, ёдгорликлар, ёзма манбалар, адабиёт ва санъат асарлари ва бошқалар киради. Бизнинг Ўзбекистонимиз, ўзбек халқи ўзининг бой моддий ва маънавий бойликлари билан жаҳон тараққиётида муносиб, салмоқли мавқега эга бўлди. Мустақиллик туфайли барча нарсалар ҳақиқий миллийлик касб этмоқда.

Мамлакат миллий бойлигида ишлаб чиқариш фондлари, табиий ресурслар, ижтимоий соҳанинг барча имкониятлари, тўпланган тажрибалар, фан-техника ютуқлари, миллий кадрларимизнинг тафаккури ва бошқалар катта ўрин тутди. Бунда миллий бойликни йиллик маҳсулот ҳисобидан кўпайтириб бориш, уни халқ манфаатларига хизмат қилдириш энг муҳим вазифадир.

Мустақиллик ва миллий бойлик

Мамлакатимизнинг мустақиллик йўлига кириши, биринчи навбатда, ўз миллий бойликларимизга ўзимиз эга бўлганлигимиз, уларни ўз юртимиз келажаги учун тасарруф қила олишимиз билан баҳоланади. Буни иккита миллий бойлигимиз — олтин ва тарихий меъморчилик ёдгорликлари мисолида изоҳлаш етарлидир. Бугунги кунда мамлакатимиз ер қаъридан кўп миқдорда олтин олинмоқда. Бу жуда катта бойликдир. Олтин қазиб олишда Ўзбекистон дунёда 7-, сифати жиҳатидан эса 1-ўриндадир.

Ўзбекистон ҳудудида кўпгина тарихий обидалар, ёдгорликлар ҳам мавжудки, улар дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги одамларни кўришга, улардан маънавий завқ олишга чақиради. Социологик сўровлар шунини кўрсатдики, Фарбий Европа мамлакатларида яшовчи ҳар уч кишидан иккитаси Ўзбекистонга саёҳат қилишни орзу қилади, Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз обидаларини кўриш учун бир умр пул йиғади. Биз ана шу эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда халқаро сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу мамлакатимиз шуҳратини оламга ёйишга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, айни чоғда давлат хазинасини шу манба ҳисобига анча тўлдириш имконини беради. Ана шу заруратдан келиб чиқиб Президентимиз ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» номли рисоласида халқаро сайёҳликни ривожлантиришни миллий тараққиётимизнинг устувор йўналишлари қаторига киритдики, бу бежиз эмас.

Умуман, мустақиллик юртимиз миллий бойлигини кенг кўламда тасарруф этиш, ундан буюк келажакимизни яратиш мақсадида фойдаланиш учун имконият туғдиради. Ана шундай имконият ҳисси билан фахрланиш, миллий бойликларимизни йил сайин кўпайтириб, давлатимиз қудратини янада орттириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Миллий даромад — жуда муҳим кўрсаткич

Миллий даромад категорияси ҳам иқтисодиётнинг ғоят муҳим кўрсаткичи, самарадорлик мезони, жамият бойлигини тўлароқ тавсифловчи иқтисодий воситадир. Миллий

даромад — ҳосил қилинган соф маҳсулотнинг қиймат ифодаси ёки пул кўринишидир. Миллий даромад баҳо-ларнинг ўзгариб туришидан «тозаланган», ўзгармас баҳоларда ҳисобланган тақдирдагина иқтисодийнинг ҳақиқий «кўзгуси» бўла олади. Миллий даромад мамлакат халқининг фаровонлиги ва барқарор ривожланишининг моддий манбаидир. Шунинг учун миллий даромадни кўпайтиришнинг барча воситалари ва йўллари ишга солинади.

Миллий даромаднинг кўпайиши асосан уч омилга боғлиқ: 1) ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг маълум миқдори; 2) банд аҳоли меҳнати унумдорлигининг ортиши; 3) тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес фаолияти. Жамият тараққиётининг турли даврларида бу уч омил нисбати турлича аҳамият касб этади. Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида иккинчи омил кучлироқ роль ўйнамоқда. Аҳолининг ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи қатламларининг кўпайиши ҳам иккинчи омилда ўз ифодасини топади. Бироқ, ҳозирда ривожланган мамлакатларда миллий даромадни кўпайтириш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш соҳаларида бевосита банд бўладиган меҳнат ресурслари сонини кўпайтириш ялпи миллий маҳсулот миқдорининг кўпайишига ҳар доим ҳам олиб келавермайди, аксинча ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ноишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишига, хизмат кўрсатиш тармоқларида бандликни ошириш, иқтисодий ўсишга олиб келади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш атрофида шаклландиган иқтисодий ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожланиши миллий даромадни кўпайтиради.

АҚШ, Голландия, Германия каби давлатларда қишлоқ хўжалигида 2 — 4 фоиз аҳоли банд бўлишига қарамай, улар ўзларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини батамом таъминлабгина қолмай, балки бу хил маҳсулотлар асосий қисмини экспорт қилишга ҳам эришмоқдалар. Ҳисоб-китобларга қараганда, бизнинг қишлоқ хўжалигимиздаги ишларни кўпи билан 1,5 — 2 млн. киши бажариши мумкин. Ваҳоланки, бу тармоқда талаб қилинганидан икки баравардан зиёдроқ киши ишламоқда. Бу соҳанинг маҳсулдорлигини кескин кўтариш учун ортиқча меҳнат ресурсларини қишлоқларда олиб борилаётган

саноат, маиший хизмат ва маданий соҳадаги қурилишларга жалб этиш лозим. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий аграр сиёсатнинг асосий йўналиши ҳам ана шундай.

Ҳозирги даврда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўпроқ ажратилаётган инвестициялардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Муҳими, инвестицияларни қаерга, қандай тармоқларга, қайси йўналишларга сарфлашдир. Сармоялар шундай тармоқлар ва йўналишларга сарфланиши керакки, бу биринчидан, иқтисодиётимиз структурасининг тубдан ўзгаришига олиб келсин; иккинчидан, Ўзбекистон тараққиётининг базавий, устувор йўналишларига сарфланиб, унинг иқтисодий мустақиллигини тезроқ таъминласин; учинчидан, мамлакатимизнинг халқаро меҳнат тақсимоотида ўзига мос ва муносиб ўрнини белгилашга хизмат қилсин. Бунда хорижий сармояларни жалб этиш ҳам долзарбдир. 1998 йилда иқтисодиётимизга 1,3 млрд АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилди, бу 1997 йилдагидан 22,7 фоиз кўпдир.

Айни чоғда инвестиция фондини оширишга миллий корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг пул жамғармаларини кенгроқ жалб этиш, хорижий инвесторларнинг кириб келишига яна ҳам кенгроқ йўл очиб бериш, бу йўлдаги барча сунъий тўсиқларни олиб ташлаш жуда долзарб вазифадир. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 февралдаги Мажлисида Президентимиз И.Каримов жиддий мулоҳазалар билдирди.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини кафолатловчи муҳим бойликларимиздан бири — унинг бой **меҳнат ресурсларидир**. Бизнинг иқтисодиётимиз самарадорлиги ана шу ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга кўпроқ боғлиқдир: биринчидан, меҳнат ресурсларининг самарали бандлигига эришиш, яъни ҳозирда тайёр иш кучи сифатидаги қисмининг бандлигини тўла таъминлаш; иккинчидан, меҳнат ресурсларини кўпроқ истеъмол қиладиган тармоқларни ривожлантириш лозим. Масалан, тўқимачилик, тикувчилик, маҳаллий саноат, ўрта ва кичик ишлаб чиқариш, мева-сабзавотчилик каби тармоқларга устуворлик бериш; учинчидан, ёшларни замонавий касбкорларга ўргатиш, замонавий технология билан ишлай олувчиларни кўпроқ тайёрлаш; тўртинчидан, жойлардаги

меҳнат биржаларининг аҳолининг вақтинча банд бўлмаган қатламлари билан боғлиқлигини кучайтириш, уларнинг ишга жойланиши, касбларини ўзгартириш ёки маҳоратини янгилаш соҳасидаги ишларини янада яхшироқ йўлга қўйиш.

Ҳар бир мамлакатда унинг бойлигини кўпайтириш, юксак иқтисодий ривожига эришишнинг ўз хусусиятлари, воситалари, йўналишлари мавжуд. Президентимиз И. Каримовнинг бир қатор асарларида, маъруза ва нутқларида бу хусусиятлар етарли даражада кенг баён қилиб берилган. Хўш, Ўзбекистон бойлиги қандай қилиб кўпаяди, унинг тараққиёти нималар ҳисобига таъминланиши мумкин:

1) Ер ости ва ер усти ресурсларидан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, улар билан ўзимизни таъминлаш билан бирга четга экспорт қилишга эришиш ҳисобига;

2) ишлаб чиқариш таркибий тузилишини тубдан қайта қуриш, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш устуворлигини таъминлаш ҳисобига;

3) қишлоқ хўжалигида ерга эгаллик қилишнинг янгича шакллариини вужудга келтириш, қишлоқда иқтисодий ислохотни амалга ошириш, саноат ва маънавий хизматни ривожлантириш ҳисобига;

4) базавий соҳаларни (машинасозлик, нефть ва газ ишлаб чиқариш, энергетика) устувор ривожлантириш ҳисобига;

5) мамлакатимизда сайёҳликни, айниқса, халқаро сайёҳликни ривожлантириш ва бошқалар ҳисобига.

Иқтисодиёт самарадорлиги нималарда ўз ифодасини топади?

Иқтисодиёт самарадорлиги бир неча иқтисодий кўрсаткичлар (категориялар) орқали тавсифланади. Самарадорлик дейилганда ишлаб чиқариш натижаларининг (маҳсулот, хизмат) уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган ресурслар (харажатлар)га нисбати тушунилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги бир қанча жузъий кўрсаткичлар орқали ҳам тавсифланади. Самарадорликнинг умумлашган кўрсаткичи — **меҳнат унумдорлигидир**. У маҳсулот миқдори (ММ)нинг жонли меҳнат (ЖМ) сарфига нисбати билан ифодаланади. Жонли меҳнат сарфи одам-кунларда, одам-соатларда ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги билан бирга **меҳнат**

сиғими деган самарадорлик кўрсаткичи ҳам қўлланилади. **Меҳнат сиғими** жонли меҳнат (ЖМ)нинг маҳсулот миқдори (ММ)га нисбати орқали аниқланади. Маҳсулотнинг **материал сиғими** деган иқтисодий кўрсаткич ҳам бизнинг давримизда катта аҳамият касб этмоқда. Материал сиғими моддий ашёлар сарфининг (БМ) маҳсулот миқдори (ММ)га нисбати орқали аниқланади. Ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги маҳсулотнинг **фонд сиғими** ёки **фондлар қайтими** кўрсаткичлари орқали ўлчанади. Кўриниб турибдики, барча жузбий кўрсаткичлар самарадорлик умумий ифодасининг аниқлаштирилган шаклидир. Бу нисбатларда маҳсулот миқдори кўрсаткичлари ўрнида жами маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, жами ички маҳсулот, соф маҳсулот, қўшимча маҳсулот, унинг пул шаклларидадан бири фойда, миллий даромад каби категориялар қўлланилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумий интеграл ифодаси қуйидаги формула орқали баён этилиши мумкин:

$$ИС = \frac{СМ}{ЖМ + БМ + УФ}$$

бу ерда: ИС — ишлаб чиқариш самарадорлиги;

СМ — соф маҳсулот;

ЖМ — жонли меҳнат харажатлари;

БМ — жорий йилдаги буюмлашган меҳнат харажатлари;

Ф — ишлаб чиқариш фондларига қўйилган маблағлар;

У — харажатлар ва маблағларни бир хил ўлчовга келтирувчи коэффициент.

Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш воситалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, айниқса, республикамизнинг ҳозирги шароитида самарадорликни ошириш жуда жиддий масаладир. Гап шундаки, ҳозирги даврда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарияти хориждан келтирилади, замонавий технология етишмайди. Шунинг учун ресурслардан тежамли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий сармояларни энг зарур соҳаларга жойлаштириш, юқори малакали

кадрлар тайёрлаш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарлича эътибор бериш талаб қилинади.

* * *

«Иқтисодийёт ҳолатини, жамият бойлигини ва фаолият самарадорлигини тавсифловчи иқтисодий кўрсаткичлар» мавзуси доирасида ўрганиладиган иқтисодий категориялар ва тушунчалар: жами ижтимоий маҳсулот; ялпи миллий маҳсулот; янгидан яратилган маҳсулот; соф маҳсулот; зарурий маҳсулот ва қўшимча маҳсулот; миллий бойлик; миллий даромад; ишлаб чиқариш самарадорлиги; меҳнат сифими; материал сифими; фонд сифими.

IV боб. ЖАМҒАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ

Жамғариш — ҳаётий зарурат

Олдинги бобларда таъкидландики, одамларнинг эҳтиёжлари ва уларни қондирилиш даражаси бўлган истеъмол миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариб туради, яъни тўхтовсиз равишда ортиб, ўсиб туради. Аслида кишилиқ жамиятининг тараққиёти истеъмолнинг қондирилишига ҳам боғлиқ. Эҳтиёжларнинг, шундан келиб чиққан ҳолда одамлар истеъмолининг ўсиши замирида иккита сабаб ётади: биринчи сабаб — Ер қурраси аҳолисининг йилдан-йилга сон жиҳатдан кўпайиб боришидир (гарчи инсоният тарихида аҳоли сони урушлар ва бошқа сабабларга кўра камайиб турса ҳам); иккинчи сабаб — ижтимоий ривожланиш туфайли борган сари одамларнинг неъматлар истеъмол қилиши тузилишида ўзгаришлар юз бериши, унинг ранг-баранглашиб, сифат жиҳатдан ўсиб боришидир. Демак, ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун истеъмол неъматларини (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, маиший ва маданий хизматлар ва ҳ.к.) тобора кўпайтириш лозим.

Хўш, одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун жамиятнинг имкониятлари етарлими? Бу саволнинг амалий ва назарий ечимлари мавжуд. Амалий жиҳатдан ечими шуки, ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий базасини ўстириш, молиявий имкониятларни кенгайтириш, моддий ишлаб чиқаришда ва хизматларда қўлланган ходимлар сонини олдинги даражасидан кўпайтириш, ишлаб чиқаришга қўшимча равишда меҳнат

воситалари, хом ашёларни жалб қилишдир; назарий жиҳатдан эса одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириб бориш учун жамғаришни амалга оширмоқ лозим.

Жамғариш нима ва у қандай манба ҳисобидан амалга оширилади?

Жамғариш дейилганда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсларини кенгайтириб бориш жараёни тушунилади. Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириб боришнинг маълум манбалари бўлади. Барча шароитларда ишлаб чиқаришни кўпайтириб боришнинг умумий ва асосий манбаи — қўшимча маҳсулотдир. Ана шу қўшимча маҳсулот дастлабки — оддий такрор ишлаб чиқариш ҳукм сурган даврда мулк эгалари томонидан шахсий истеъмол учун сарфланган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурати пайдо бўлгач, қўшимча маҳсулот икки йўналишда тақсимлана бошлади: 1) ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий ҳамда шахсий омилларини кўпайтириш; 2) эҳтиёт (резерв) ва суғурта (рўй бериши мумкин бўлган табиий офатларнинг оқибатларини бартараф қилиш, экологик аҳволни яхшилаш мақсадлари учун) ҳамда ижтимоий истеъмол (жамиятнинг меҳнатга яроқсиз аъзолари, маданий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш, соғломлаштириш, халқ таълими, мудофаа кабилар) фондларини ташкил этиш.

Кўриниб турибдики, жамғариш нафақат иқтисодий жараён (неъматларни кўпайтириш), шу билан бирга ижтимоий жараён ҳамдир. Мамлакатда қанча кўп қўшимча маҳсулот яратилса, ва у тўғри, мақсадга мувофиқ тақсимланса, бу жараён жамият учун шунчалик фойдали бўлади.

Жамғариш ва фан-техника инқилоби

Жамғариш бевосита қўшимча маҳсулот ҳажми ва сифатига боғлиқ бўлса-да, ижтимоий жараён бўлгани учун унга жамиятда кечадиган бошқа жараёнлар ҳам таъсир этади. Жамғаришга таъсир этадиган омиллардан бири фан-техника тараққиётидир. Бу жараён асримизнинг 50-йилларидан бошланиб, ишлаб чиқариш воситаларига, иш кучига, техникага шундай таъсир ўтказдики, бугунги ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар ана шу тараққиёт натижасидир.

Фан-техника инқилоби жамғариш имкониятларини кенгайтириб бормоқда, яъни жамғариш учун янги манба туғдирмоқда. Маълумки, фан-техника инқилоби шароитида техника воситаларининг емирилиши кучаяди, унинг ҳам тез ишлатилиши, ҳам маънавий эскириши (янги воситаларнинг тез янгилашиб бориши) ортади. Демак, асосий фондларнинг амортизацияси ортади, тезлашади. Натижада уларни янгилаш, такомиллаштириш, капитал таъмирлаш учун амортизация фондидан фойдаланиш зарурати туғилади.

Фан-техника инқилоби тез бораётган, sanoati ривожланган илғор мамлакатларда жамғаришнинг ана шу манбаи катта аҳамият касб этмоқда, жамғаришда амортизация ажратмаларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ўз моддий омилига кўпроқ асосланмоқда. Бундай имкониятларнинг борлиги қўшимча маҳсулотни ижтимоий мақсадлар учун, одамларнинг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш учун сарфлашга шароит яратади. Демак, индустриал мамлакатларда жамғаришнинг манбалари кўпроқ ва кенг-роқдир.

Жамғариш ва такрор ишлаб чиқариш

Жамғариш — такрор ишлаб чиқаришнинг оддий шаклдан кенгайган шаклга айланиши демакдир. Оддий такрор ишлаб чиқариш — неъматлар ва хизматларни аввалги ҳажмда, ўзгармас миқдорда такрорламоқдир. Аслида оддий такрор ишлаб чиқариш кишилиқ жамиятининг дастлабки даврларига, натурал хўжалиқ ҳукмрон бўлган даврга кўпроқ мувофиқ келади. Аммо оддий такрор ишлаб чиқариш шароитида ҳам жамғариш имконияти бор бўлса-да, уни амалда рўёбга чиқариш ғоят чекланган бўлади.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш — ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, неъматлар миқдорининг кўпайиши, таркиби ва сифатининг яхшилаб борилишидир. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг моддий замини — жамғаришдир. Такрор ишлаб чиқаришнинг бу шаклида жамғариш имкониятлари ўз-ўзидан кўпайиб боради. Чунки бунда иқтисодий тараққиёт тезлашади, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади, иқтисодиётда ўсиш юз беради.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг яна бир ижобий томони — фан-техника тараққиётини тезлаштириш,

рағбатлантириб боришдир. Бунинг оқибатида меҳнат унумдорлиги ўсади, ресурсларни тежайдиган технология яратилади, меҳнат ва материал сиғими камаяди, фондлар самарадорлиги ортади ва ҳ.к. Ривожланган мамлакатлар шароитида такрор ишлаб чиқаришни бошқариб туриш зарурати ҳам келиб чиқади, яъни бошқаришнинг иқтисодий механизмига талаб кучаяди.

Жамғариш ва инсон

Жамғариш жараёни жуда чуқур ижтимоий ўзгаришларга ҳам олиб келади, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришда иш кучининг (инсоннинг) роли тубдан ўзгаради. Агар илгари инсон ишлаб чиқаришнинг шунчаки бир шахсий омили бўлган бўлса, жамғариш уни бошқарувчига, назоратчига айлантиради. Бундай шароитда ишлаб чиқаришнинг пировард натижалелиги, самарадорлиги, унумдорлиги иш кучи сифатига, тузилишига, билими, тажрибаси ва маданиятига бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Яъни инсон ишлаб чиқаришнинг том маънодаги, ҳақиқий эгасига айланади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг тақдири мулк эгасигагина боғлиқ бўлмай, ишлаб чиқарувчига ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Бу жамғаришнинг ғоят кучли ижтимоий оқибатидир.

Инсон ролининг, ишлаб чиқаришдаги масъулиятининг ортиши, табиийки, фан-техника инқилоби илгари сурган янги касбларни эгаллашни, ўқувчи ёшлардан пухта билим олишни, техника сирларини билишни, жаҳон илм-фани ютуқларини чуқур ўзлаштиришни, юксак маънавиятли бўлишни талаб қилади. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиши ҳам ёшлар олдида худди ана шу талабларни қўяди.

Ишлаб чиқариш инсонга боғлиқ бўлиб қолар экан, ўз навбатида, бу ишлаб чиқаришнинг инсон томонидан унинг ўз эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилишига олиб келади. Ҳозирги замон таъбири билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг инсонийлашуви юз беради, бу тараққиёт талабига айланади. Бунинг маъноси шуки, ишлаб чиқариш тузилиши (ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлаш ва инсон эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбат) одамлар эҳтиёжларини қондириш учун ишлаш фойдасига ўзгаради, истемол буюмларини кўпайтириш устуворликка эришади.

Жамғариш ва бандлик масаласи

Жамғариш аҳоли, меҳнатга яроқли кишилар (меҳнат ресурслари) бандлиги масаласининг бошқача ҳал қилинишини тақозо этади. Гап шундаки, жамғариш жараёнида ишлаб чиқаришда банд бўлган жонли меҳнат (иш кучи) ўрнини техника, технология (буюмлашган меҳнат) кўпроқ эгаллайди, иш кучига бўлган талаб меҳнат ресурсларининг табиий ўсишига нисбатан камайиб боради. Айниқса, демографик фаоллик (туғилиш даражасининг юқорилиги) шароитида аҳоли ичида ишсизлик (бандсизлик) муаммоси келиб чиқади. Худди шу ҳолат Ўрта Осиё давлатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир.

Тўғри, фан-техника тараққиёти янги-янги тармоқлар (космонавтика, электротехника, радиотехника, сунъий толалар ишлаб чиқариш ва ҳ.к.)ни шакллантириб, янги ишчи касбларини, муҳандис-техник ихтисосликларини, шу билан бирга, янги иш жойларини вужудга келтиради. Бу ижобий ҳолдир. Бироқ, жамғариш туфайли меҳнат ресурсларининг бир қисми ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ортқача бўлиб қолди. Бу нарса жамият олдига, давлат идоралари олдига бандлик масаласини ижобий ҳал қилиш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Бу муаммо ривожланаётган мамлакатлар учун (жумладан, Ўзбекистон учун ҳам) долзарб бўлиб турибди.

Ана шу заруратдан келиб чиқиб, республикамиз Президентининг алоҳида кўрсатмаси билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг (шу жумладан, аҳоли бандлигини таъминлашнинг) махсус дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда давлат бошқарув тизимида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи махсус идоралар ташкил этилди. Туманларда фаолият кўрсатаётган меҳнат биржалари жойларда бандлик муаммосини ҳал этиш билан шуғулланмоқда.

Иқтисодий ўсиш ва жамғариш: уларнинг бирлиги ва боғлиқлиги

Жамғариш — иқтисодий ўсиш омилдир. Жамият тараққиёти, унинг сифати иқтисодий ўсишга боғлиқдир. **Иқтисодий ўсиш** — ижтимоий маҳсулотнинг (ялпи миллий маҳсулотнинг) ҳамда уни ишлаб чиқариш омилларининг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши, кўпайиб бориши,

ортишидир. Иқтисодий ўсиш мамлакат ва миллат тақдири билан боғлиқ, иқтисодий сиёсат ва инсон фаолияти марказида туриши лозим бўлган масаладир.

Иқтисодий ўсиш туфайли жамиятда чуқур сифат ва миқдор ўзгаришлар юз беради, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми олдинги базавий даврга нисбатан кўпайиб боради, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ривожланишга эришилади.

Иқтисодий ўсиш устида гапирилар экан, унинг икки жиҳатини таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчи томони — иқтисодий ўсиш кўлами, у жамият миқёсида қанча миқдорда маҳсулот ва хизматлар яратилганлигини ифодалайди. Ўсиш кўлами қиймат кўрсаткичларида — пулда (доллар, сўм ва ҳ.к.) талқин этилади, шунингдек у миқдорий кўрсаткичларда (тонна, тонна/км, погон-метр, куб-метр ва ҳ.к.) ҳам ифодаланади. Иқтисодий ўсишнинг иккинчи томони — ўсиш суръатларидир. Ўсиш суръати иқтисодий ўсишнинг нисбий жиҳатини ифодалайди, яъни ўсиш тезлигини кўрсатади.

Иқтисодий ўсиш олдинги даврларга нисбатан (1, 2, 3, 5, 10 йил ва ҳ.к.) олинади. Шуни қайд этиш керакки, иқтисодиёти ривожланган, барқарор тараққиёт йўлига тушиб олган мамлакатларда ўсиш суръатлари нисбатан паст бўлиши, аксинча иқтисодиёти қолюқ мамлакатларда бу кўрсаткич юқориюқ бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби мамлакатларда ўсиш суръатлари ЯММ ҳажмига нисбатан 1,5 — 2,6 фоиз атрофида бўлса, ривожланаётган Хитой, Вьетнам, Ўзбекистон каби мамлакатларда ўсиш суръатлари 6 — 10 фоиз атрофида бўлиши кузатилади. Буюқ, ўсишнинг сифат кўрсаткичи ривожланган мамлакатларда салмоқли бўлади, яъни ўсиш суръатининг ҳар бир фоизида салмоқли ўсиш кўлами кузатилади.

Ўсишнинг сифат жиҳати ҳам унинг миқдорий жиҳатидан кам аҳамиятли эмас. Зеро, маҳсулот ва хизматлар сифатининг ўсганлиги қўшимча маҳсулот олинганлигини ифодалайди. Масалан, корхона йилига 200 минг дона трактор ишлаб чиқарар эди. Келгуси даврда унинг миқдори ўзгармай қолса-да, лекин тракторнинг иш унумдорлиги 5 фоизга ошган бўлса, бу корхонада ўсиш юз берганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунданок бу масалага Президент даражасида эътибор қаратилди, иқтисодий ўсишни таъминлашга оид қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 — 1997 йилларда ўтган 1991 — 1993 йилларга қараганда, иқтисодиётимизда жиддий ўсиш суръатлари кузатилди. Бу гоёта қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 февралдаги мажлисида Президентимиз И.Каримов ўзининг маърузасида иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар, таркибий тузилишлар ҳақида гапириб, шундай қувончли рақамларни хурсандчилик билан баён этди: 1997 йилда олдинги йилга таққослаганда ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажми 105,2, ЯММ ҳажмининг аҳоли жон бошига олгандаги кўрсаткичи 103,2, саноат ишлаб чиқариши 105,8, қурилиш 102,6, савдо 112,7, аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 121,3, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 111,2, капитал маблағлар ўзлаштириш 117,0 фоизга ўсди.

Юқоридаги рақамлар нақадар салмоқли, залворли эканлигини шундан билса бўладики, 1997 йилда МДХ мамлакатларида ЯММ ҳажмининг ўсиши ўртача 0,7 фоизни ташкил этди, холос. Бу Ўзбекистондаги ЯММ ўсиш суръатларига нисбатан 7,4 баробар камдир. Яна бир қувончли ҳол шундаки, 1997 йилда илк бор ЯММ ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиш даражасидан ўзиб кетди.

Ўзбекистон халқ хўжалигида бундай ижобий ютуқларга эришилишининг муҳим омилларидан бири сармоя маблағлар ҳажми ва унинг сарфи билан боғлиқдир. 1997 йилда молиявий маблағларнинг ҳамма манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган сармоя маблағлари 270 млрд. сўмдан ортиқ бўлди, бу 1996 йилга нисбатан 17 фоиз ўсган демакдир. Ваҳоланки, МДХ мамлакатлари иқтисодиётида сармоя сарфи 1997 йилда ўртача 3 фоизга камайган. Характерли жиҳати шундаки, ўзлаштирилган маблағларнинг 63 фоизи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида мужассамлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 февралда бўлиб ўтган Мажлисида қайд қилиндики, 1998 йилда мамлакатимизда ички ялпи маҳсулот ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,8 фоиз, қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4,0 фоизга ортди, мамлакатимизнинг ёқилғи ва дон мустақиллигини таъминлашга тўла эришилди.

Иқтисодий ўсиш — жамғаришнинг асосий манбаи бўлиши қўшимча маҳсулотнинг кўпайишига туртки беради ва бу билан ўзига ўзи йўл очади. Демак, иқтисодий ўсиш ва жамғариш бир-бири билан диалектик боғлиқликдаги иқтисодий жараёнлардир.

Иқтисодий ўсишнинг икки тури маълум: улардан қайси бири устувор?

Иқтисодий амалиёт ўсишнинг икки тури — икки йўли борлигини тасдиқлайди. Уларнинг биринчиси — **экстенсив** (аста—секинлик билан) ўсиш типидир. Бу йўл билан неъматларнинг кўпайишига аввалги техникавий база ва бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолда ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши (кўпроқ хом ашё, одам ресурслари, молиявий маблағлар) эвазига эришилади.

Интенсив (тезкор) ўсиш тури ўсишни ишлаб чиқариш омилларининг сифат жиҳатдан яхшиланиши, тежамли технология қўлланилиши, малакалироқ ишчи кучи ишлатилиши, корхонадаги ишлаб чиқариш қувватларидан, имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига таъминлайди. Бошқача айтганда, ялпи миллий маҳсулотни кўпайтириш (натижани орттириш) учун қўшимча қувватларни, қўшимча ишчи кучини сафарбар қилиш шарт эмас. Интенсив ўсиш замирида ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларидан фойдаланиш даражаси ётади.

Иқтисодий ҳаёт яна шуни тасдиқлайдики, интенсив ва экстенсив иқтисодий ўсиш типлари мутлақ алоҳидаликка эга эмас, улар бир-бири билан боғлиқ, ёнма-ён намоён бўлади. Фақат у ёки бу шароитда улардан бири устуворлик қилади. Масалан, бизнинг фан-техника инқилоби даврида интенсив ўсиш устуворлик қилади.

Ўзбекистоннинг бугунги шароитида иқтисодий ўсишнинг икки тури қандай нисбатларда амал қилмоқда?

Ўзбекистон — меҳнат ресурсларига бой мамлакат. Бу ҳол иқтисодий ўсиш типлари ўртасидаги нисбатга жаҳондаги даражага нисбатан ўзига хослик бағишлайди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган жамият қуришга киришилган ҳозирги шароитда кўпроқ иш кучи талаб қиладиган тармоқлар ва корхоналар (ўрта ва кичик ишлаб чиқариш)ни ривожлантириш кучлироқ намоён бўлмоқда. Бизда интенсив ва экстенсив ўсишни боғлаб олиб бориш, экстенсив ўсишга устуворлик бериш хусусияти мавжуд. Бироқ бу узоқ муддатли иқтисодий сиёсат бўлмай, давр ва шароит тақозосидир.

Умумий тараққиёт нуқтаи назаридан қараганда, интенсив ўсиш афзалроқ ва истиқболдир. Чунки ресурслар, хом ашёлар, меҳнат ресурслари тобора камайиб бормоқда. Бундай шароитда эса чекланиб бораётган бундай ресурсларни тежаш, камроқ истеъмол қилиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш ҳар бир мамлакат учун тарихий заруратдир.

Интенсив ўсиш типининг қуйидаги афзалликларини қайд этиб ўтиш мумкин:

- 1) маҳсулот (товар)га кам харажат сарфланади;
- 2) маҳсулот сифати ортади;
- 3) оралиқ маҳсулот ҳажми камаяди;
- 4) пировард маҳсулот (соф маҳсулот) ҳажми ортади;
- 5) аҳоли турмуш даражаси кўтариледи;
- 6) маҳсулотлар (товарлар) жаҳон андозаларига яқинлашади.

Мана шу афзалликлар туфайли барча корхоналар интенсив ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қиладилар.

Жамғариш жараёни бошқариладими?

Жамғариш жуда чуқур ижтимоий-иқтисодий жараён бўлганлиги учун бошқарилиб турилиши лозим, акс ҳолда гоҳ ортиқча ишлаб чиқариш, гоҳ иқтисодий тақчиллик кўринишларида иқтисодий инқироз содир бўлиши мумкин. Масалан, индустриал мамлакатларда қишлоқ хўжалиги ҳам юксак ривожланган бўлади, аҳоли эҳтиёжларидан, харид қувватидан ортиқча ишлаб чиқариш эҳтимоли сақланиб туради. Бунга йўл қўймаслик мақсадида Фарб давлатларида маҳсулотларнинг у ёки бу тури ортиқча ишлаб чиқарилиб, исрофгарчиликка сабаб бўлмаслиги учун давлат харид баҳолари пасайтирилиб турилади. Амалда бундай нарх сиёсати жуда яхши самаралар бераётир. Бунга Европа Иқтисодий Ҳамжамияти тажрибаси кўрсатиб турибди.

Бизга маълумки, собиқ Иттифоқда истеъмол буюмларининг аҳоли эҳтиёжларидан, ҳатто сотиб олиш қувватларидан ҳам камайиб кетиши содир бўлди. Бунинг асосий сабаби — жамғариш қонуни талабларининг хаспўшланганлиги, назар-писанд қилинмаганлиги, яъни жамғариш билан истеъмолнинг нисбати бузилганлигидир. Натижада ишлаб чиқариш воситаларини кўпроқ ҳосил қилиш тенденцияси вужудга келди. Оқибатда деярли барча истеъмол неъматларига, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига аҳоли талаби шу қадар ошдики, уларнинг нархлари мисли кўрилмаган даражада ортиб кетди.

Жамғариш ва иқтисодий ўсиш муаммоси Ўзбекистонда қандай ечим топмоқда?

Иқтисодиётда ўсишга қандай эришиш мумкин? Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бу саволга жуда ҳам асосли, илмий жавоб берди: биринчидан, мамлакатда сиёсий барқарорликка эришиш; иккинчидан, иқтисодиётда мўътадилликни таъминлаш; учинчидан, мамлакат эга бўлган барча моддий, меҳнат, молиявий; илмий қувватларни тўла сафарбар қилиш; тўртинчидан, халқаро кредит ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётни жонлантиришга жалб этиш; барча фуқароларни ўз юрти ободлиги ва истиқболи йўлида унумли ишлашга ундаш, миллий гурурни ўстириш.

Ўзбекистоннинг иқтисодий равнақи Дунё океани, халқаро сув йўлларига чиқиш билан ҳам таъминланишини назарда тутиб, Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (Ўрта Осиё давлатлари, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон) доирасида Ўзбекистоннинг Хитой орқали Тинч океанга, Покистон орқали Ҳинд ва Атлантика океанларига чиқиши учун автомобиль ва темир йўл тармоқлари қурилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётида ўсиш суръатларини оширишнинг ҳам ички (миллий), ҳам халқаро (ташқи) имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

* * *

«Жамғарма ва иқтисодий ўсиш» мавзуси бўйича ўрганиладиган иқтисодий категориялар ва тушунчалар: жамғариш; манбалари ва омиллари; амортизация фонди — жамғариш

манбаи сифатида; фан-техника инқилоби ва жамғариш, такрор ишлаб чиқариш, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш; инсон омили ва жамғариш жараёнида инсон ролининг ўзгариши; ишлаб чиқаришнинг инсонийлашуви; бандлик; меҳнат биржалари ва бандлик муаммоси; иқтисодий ўсиш: моҳияти ва омиллари; иқтисодий ўсишнинг икки типи: интенсив ва экстенсив ўсишнинг афзаллиги ва истиқболлиги; жамғариш жараёнини бошқариш; иқтисодий ўсишнинг Ўзбекистонда ечими; коммуникация — иқтисодий ўсиш омили сифатида.

V боб. РЕСУРСЛАР: МАЗМУНИ, ТАРКИБИ, ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИ

Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши

Кишилик жамияти ривожланиб борар экан, одамларнинг истеъмол буюмларига, турли неъматларга, хизматларга бўлган эҳтиёжлари тўхтовсиз ортиб боради. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши объектив иқтисодий қонундир, унинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳўжалик фаолияти юргизиш ҳар қандай тараққиётнинг зарурий талабидир. Бу иқтисодий қонун умумий қонундир, у кишилик жамиятининг барча ижтимоий-иқтисодий тизимларида, иқтисодий даврларда амал қилади. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш иқтисодий қонунининг моҳияти шуки, одамлар сон жиҳатдан кўпайиб боради, бу жараён демография қонунлари билан бошқарилади, айни вақтда одамларнинг эҳтиёжлари тузилиши ўзгаради, истеъмолларнинг тури кўпаяди. Эҳтиёжларни қондириш эса ҳар қандай тараққиётнинг асосидир, эҳтиёжлари қондирилмаган ҳар қандай тузум, мамлакат таназзулга учрайди.

Табиий ресурслар

Одамларнинг кўпайиб бориши, турли-туман эҳтиёжларини қондиришнинг асосий ва бош манбаи табиатдир, унинг ресурслари, бойликларидир. Бу ресурслар ер остида, устида, дарёлар, кўллар, денгиз ва океанлар бағрида, ҳайвонот дунёсидадир. Сиртдан қараганда, табиий ресурслар битмас-туганмасдек туюлади. Бироқ, Ер юзида миллион-миллион йиллар давомида одамлар яшаб, унинг ресурслари ўзлаштирилиб, истеъмол қилиб келинаётгани, баъзи табиий ресурслар аёвсиз, ваҳшийларча тортиб

олинаётганлиги натижасида қайта тикланмай камайиб бормоқда. Ҳатто баъзи ғоят нодир ресурслар, кўп истеъмол қилинаётганлари йўқолиб кетди ёки йўқолиб бормоқда.

Табиат ресурсларини ўзлаштиришда саноат инқилобидан кейинги давр, айниқса XX аср рекорд қўйди, деса бўлади. Бу ҳақда кейинги йилларда турли адабиётларда, матбуот, радио, телевидениеда кўп ёзилмоқда ва ёритилмоқда. Хуллас, бизнинг давримизга келиб табиий ресурслар ғоят чекланиб бормоқда. Инсоният бу билан сўзсиз ҳисоблашиши керак, акс ҳолда келажак ҳаёт хавф остида қолиши мумкин.

Яна шунини айтиш керакки, айрим табиий ресурслар фақат муайян бир мамлакатлар ҳудудида жойлашган, бу уларнинг миллий бойлиги, миллий мулкидир. Бироқ уларни бошқа мамлакатларда, дунёнинг турли қитъаларида яшайдиган кишилар ҳам сотиб олиши, айирбошлашлар орқали истеъмол қилишлари мумкин. Шунинг учун, у ёки бу мамлакат, унинг халқи инсоният тараққиётини ўйлаб, табиий ресурслардан тежаб фойдаланиши, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги лозим. Шу билан бирга мавжуд ресурслар, уларни ишлатиш, улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларга хўжалик жиҳатидан эгалик қилиш айрим меҳнат жамоалари, корхоналар, оилалар, ҳатто айрим шахслар ихтиёридадир. Демак, ресурсларни асраш, ўзига ва бошқаларга фойда келтирадиган қилиб фойдаланиш, уларни келажак авлод учун асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Иқтисодийёт ва икклиламчи ресурслар

Маълумки, ресурсларнинг бир қисми иқтисодий ресурслардир, яъни дастлабки меҳнат таъсиридан ўтган, бироқ ҳали пировард маҳсулот (тайёр маҳсулот)га айланмаган хом ашёлар шаклидадир. Булар пахта, пилла, қорақўл, жун, сабзавот, мева, ем-хашак, металл, ёқилғи кабилардир. Улардан қандай миқдорда пировард маҳсулот олиниши, уларнинг сифати кўп жиҳатдан мавжуд технология, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш даражасига, ходимларнинг малакаси, тажрибаси, ишга муносабатига ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ. Масалан, бир хил миқдордаги хом ашёдан икки хил корхона ёки ишчи (мутахассис)нинг оз ёки кўп, сифатли ёхуд сифатсиз маҳсулот олишини ҳаммамиз биламиз. Шунинг учун мавжуд

хом ашёлардан кўзда тутилган сифатли маҳсулотни олиш, кам чиқимли технология қўллаш, замонавий касб ва малакага эга бўлиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Жамиятнинг маълум ресурслари sanoat, транспорт ва бошқа корхоналарнинг чиқиндилари, «иккиламчи хом ашёлар» деб аталган шаклларда мавжуд. Табиий ва иқтисодий ресурсларнинг кўплаб ишлатилиши, ҳозирча тежамсиз технологиянинг қўлланилаётганлиги кўплаб sanoat чиқиндиларининг, иккиламчи хом ашёларнинг тўпланиб қолишига олиб келмоқда. Аслида бу исрофгарчилик, хўжасизлик кўринишидир. Бироқ ресурслар чекланган шароитда бундай ресурсларнинг кўмиб ташланишига, йўқ қилиб юборилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда иккиламчи ресурсларни тўпловчи, сақловчи ташкилотлар, улардан маҳсулотлар олувчи махсус корхоналар вужудга келмоқда, ташаббускор ишбилармонлар сони кўпаймоқда.

Шу маънода иккиламчи хом ашёларни тўплаб уларни қайта ишлаётган, улардан халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган ташаббускор ишбилармонлар кўпаяётганини мамнуният билан эътироф этиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳрида «Дид» деб аталган кооператив турар жойларни чиқиндилардан тозалашнинг янги усулларини жорий этмоқда, «Шаропов» номли хусусий корхона ўтган 2 йил ичида 1000 тоннадан ортиқ иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш учун топширди. Бу ишнинг савобли томони шундаки, у атроф-муҳитни тозалайди, соф экологик муҳитни вужудга келтиришга ёрдам беради.

Бироқ бу борада қилинган ишлардан кўра, ҳал қилинмаган муаммолар кўпроқ. Масалан, ҳозирда жуда ҳам кўпайиб кетган турли хусусий дўконлар, фирмалар томонидан кўплаб идишларда ичимликлар сотилаяпти, лекин улар фойдани кўзлаб бўш идишларни сотиб олмаётир. Бизда корхона ва цехларнинг ўлчамига тўғри келмайдиган чет элларда тайёрланган шишаларнинг нима бўлаётгани ҳаммага аён. Ёки ҳозирда сотилаётган полиэтилен идишларни қабул қилиб олиш ва уларни қайта ишлаш технологияси яратилмас экан, бунинг оқибати нима билан тугаши маълум. Бунинг устига, иккиламчи хом ашёларни қайта ишловчи корхоналар ва тадбиркорларга солиқ тўлашда имтиёз берилмас экан, бу муаммо янада мураккаблашади.

Ўзбекистоннинг табиий ресурслари қандай?

Ўзбекистоннинг асосий табиий ресурси, биринчи навбатда, унинг ер ва сув бойлигидир, албатта. Еримиз мамлакатимизнинг асосий бойлиги, битмас-туганмас хазинасидир, у биз учун озик-овқат, саноат учун қимматбаҳо хом ашё манбаидир. Ўзбекистон Республикасининг умумий майдони 44,7 млн. гектарни ташкил этади, шундан 28,0 млн. гектари (62,5 фоиз) қишлоқ хўжалигига тегишли ерлардир. Қишлоқ хўжалигига қарашли ерларнинг 4,5 млн. гектари ҳайдаладиган ерлар, 1,1 млн. гектари пичанзор, қолган 22,4 млн. гектари (81 фоиз) яйловлардан иборат.

Кўриниб турибдики, умумий ер майдонининг фақат 4 млн. гектаридан зиёдроқ қисмигина сугориладиган майдонлардир. Агар уларнинг бир қисми ҳар хил қурилишлар, шаҳарлар барпо этиш, якка уй-жой қурилишларига қиқиб кетаётганлиги эътиборга олинса, ердан самарали фойдаланиш қанчалик долзарб эканлиги аён бўлади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой мамлакат. Улар ичида ёқилғи-энергетика, металл-минерал хом ашё ресурслари алоҳида ўрин эгаллайди. Олимларнинг маълумотларига қараганда, мамлакатимиз ҳудудида углеводородлар — газ ва газ конденсати, нефть, нефть-газ конденсатнинг 140 дан зиёд конлари мавжуд. Шу нарса аён бўлдики, юртимизда газ ва нефтнинг бой захиралари мавжуд, бу эса мамлакатнинг ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш, бу маҳсулотларни экспорт қилиш имконини беради. Кейинги йилларда янги нефть конларининг ўзлаштирилаётгани юқоридаги хулосага асос бўлади. Айни чоғда гидроэнергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун анча бой имкониятларимиз бор. Шунингдек, Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўллари киндирилмоқда. Шу мақсадда Паркентда «Физика-Қуёш» иншоотининг қурилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида мамлакатимиз табиий бойликлари тараққиётимиз кафолатларидан бири сифатида талқин этилади ва улар ҳақида фахрланиш ҳисси билан ёзилади. «Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади — бу ерда машҳур Менделеев даврий системасининг деярли

барча элементлари топилган. Ҳозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар 100 га яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. Шундан 60 дан ортиғи ишлаб чиқаришга жалб этилган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдиқланган захиралари 970 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу билан бирга, умумий минерал хом ашё потенциали 3,3 триллион АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланаётганини ҳам айтиб ўтиш керак» (230-бет). «Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 млрд. долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0—7,0 млрд. долларлик янги захиралар қўшилмоқда» (ўша жойда, 231-бет).

Ўзбекистон асл металллар ватани ҳамдир. Ҳозирча таркибида олтин ва кумуш бўлган 30 дан ортиқ кон аниқланган. Ўзбекистон мустақил бўлгач, ўз бойликларини ўзи тасарруф этишга киришди, 1993—2000 йилларда олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Ана шу мақсадда олтин ажратиб олувчи янги корхоналар қурилмоқда. Олтин фоят нодир металл, уни қазиб олиш ниҳоятда қийин ва мураккаб технологияни талаб қилади. У уран каби бошқа рудалар билан аралаш жойлашганлиги учун ажратиб олиш қийинчилик туғдиради. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда бу металлни кўпайтиришнинг аҳамияти беқиёсдир. У пул, заргарлик буюмлари, тиш протезлари тайёрлашдан ташқари энергетика воситалари ва бошқа нодир буюмлар тайёрлашнинг ҳам бебаҳо хом ашёсидир.

Ўзбекистон бошқа рангли, нодир металлларга ҳам бой мамлакат. Унда мис, қалай, қўрғошин, вольфрам, литий, алюминий, алунлар, каолинлар, стронций, уран каби минерал хом ашёларнинг йирик захиралари мавжуд. Кейинги вақтда Чотқол-Қурама тоғларида, бошқа худудларимизда темир, марганец, хром, сурьма каби нодир хом ашё конларини ўзлаштириш йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатимизда нометалл қазилма бойликлар ҳам жуда кўп. Бунга эритувчан шпайнинг 30 дан ортиқ конлари мавжудлигини, қимматбаҳо ва безак тошлар, табиий туз, сода, сульфат, калий, ош тузи, минерал сувлар, қурилиш материаллари тайёрлаш учун хом ашё конлари мавжудлигини мисол қилишимиз мумкин.

Вақт асосий ресурсдир

Вақт жуда катта бойлик бўлиб, вақтдан унумли фойдаланиш ҳар қандай тараққий этган мамлакатда юксак қадрланадиган хислатдир. Умуман, вақтнинг қадрига етиш, уни тежаш умумий иқтисодий қонун эканлиги маълум. Аммо вақтни тежаш дейилганда ўтаётган соат ёки дақиқаларни ҳисобга олишни тушуниш керак эмас. Бу ерда гап вақт бирлиги ичида бажариладиган иш ҳажми, маҳсулотлар миқдорини тежаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ўтаётган дамларнинг қадр-қимматини баҳолай билиш кабилар устида бормоқда. Вақтни тежаш кенг маънода, меҳнатнинг унумли бўлишига эришишдир.

Меҳнат ўз навбатида унумли ва унумсиз бўлиши мумкин. **Унумли меҳнат** — яратувчилик меҳнати, ўзининг яшаш минимумини, зарурий маҳсулотини яратиб, бошқалар учун, жамият равнақи учун қўшимча маҳсулот ҳам яратадиган киши меҳнатидир: **унумсиз меҳнат** — ҳатто ўзининг тирикчилик фондиди ҳам яратмайдиган, зарурий маҳсулотни ҳам ишлаб чиқара олмайдиган киши меҳнатидир. Улардан бири — вақтни тежашга, иккинчиси — вақтни исроф қилишга мисол бўлади.

Ўзбек халқида «Вақтинг кетди — нақдинг кетди» деган мақол бор. Бизнинг назаримизда «Вақтни тежаш иқтисодий қонуни» шу мақолда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Меҳнат ресурслари — катта бойлик

Ўзбекистон ўзининг меҳнат ресурслари сероблиги билан ажралиб туради. Адабиётларда бизда меҳнат ресурслари (иш кучи) жуда кўп, улар ортиқча деган фикрлар тез-тез ёзилиб туради. Ҳақиқатдан ҳам шундайми? Бу мутлақ ҳақиқат бўлмай, нисбий тушунчадир, яъни республикамизда меҳнат ресурслари мавжуд иш жойларига нисбатан ортиқчадир. Бундан меҳнат ресурслари чексиз, туганмас деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бошқа ресурслар сингари меҳнат ресурслари ҳам чекланган. Айниқса, малакали, тажрибали, замонавий касбларни биладиган одамлар унчалик кўп эмас. Меҳнат ресурсларининг умумий ортиқчалиги шароитида шахримиздаги, вилоятимиз, туманларимиздаги кўпгина корхоналар ишчи касбларини эгаллаган кишиларнинг, ёшларнинг етишмаслигидан тўла қувват билан ишламаяпти.

Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари қандай?

Ўзбекистон аҳолиси 24 млн. кишини ташкил этади. Бу аҳолининг деярли ярми меҳнат ресурсларидир. Меҳнат ресурсларининг кўпайиши, биринчидан, аҳолининг тез табиий ўсиши ҳисобига, иккинчидан, аҳоли умр кўришининг ортиши ҳисобига юз бермоқда. Ҳозирги даврда мавжуд меҳнатга лаёқатли аҳолининг 3,5 миллиони бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банддир. Барча меҳнат ресурсларининг 80 фоизга яқини халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишламоқда. Шу билан бирга меҳнат ресурсларининг 30 фоизи соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият, фан, санъат, давлат идоралари, ҳарбий хизмат каби соҳаларда хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли асарида мамлакатимизнинг меҳнат захиралари ҳам буюк келажакимиз кафолатларидан бири тариқасида қайд этилади. «Ҳозир республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга, — дейилади асарда, — меҳнат захиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва ҳар йили 210-220 минг кишига кўпайиб бормоқда.

Меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти — унинг ёш ва касб таркибидир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 ёшга тенг. Бу XXI аср бўсағасида меҳнат захиралари юсак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчилиқни ташкил этишига имкон беради» (254-бет).

Шунингдек китобда республика меҳнат салоҳиятининг ўзига хос жиҳатлари, яъни унинг таълим ва касбий тайёргарлик даражаси юқорилиги таъкидлаб ўтилган. Бизда ҳар 1000 кишидан 143 таси олий ва тўлиқсиз олий маълумотга, 200 нафари эса ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислардир.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти меҳнат ресурсларининг жойланишини, таркибий тузилишини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Мамлакатимизнинг ривожланиш тенденцияси шунга олиб келадики, меҳнат ресурсларининг асосий қисми хизмат кўрсатиш, яъни ижтимоий соҳаларга жалб этилиши лозим. Ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш вазифаси ҳам ана шу йўл

билан амалга оширилади. Ривожланган барча мамлакатлар меҳнат ресурслари тизимида ижтимоий ва хизмат қилиш соҳаларида бандлик, уларда шу ҳисобдан иқтисодий равақ ва фаровонлик бўлаётганлиги биз учун ўрганиладиган намунадир.

Меҳнат ресурслари — Ўзбекистоннинг асосий бойлиги. Шу туфайли биз бозор иқтисодиётига нисбатан қисқа муддатларда ўтишни мақсад қилаётган эканмиз, бунда ўлкамизнинг ана шу бой меҳнат ресурсларига асосланмоқдамиз. Чунки ўрта ва майда ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тўқимачилик, хунармандчилик, маиший хизмат турлари, маданий соҳаларнинг ривожланиши меҳнат ресурслари билан боғланган. Аммо меҳнат ресурслари ижтимоий меҳнат тақсимооти асосида илмий йўналтирилсагина улардан оқилона фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизнинг иқтисодий равақи кўп жиҳатдан шу масаланинг ечимига ҳам боғлиқ.

Молиявий ресурслар — иқтисодий юксалиш калити

Иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакат ёки корхона мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш, иқтисодий тангликни енгил, муътадил тараққиёт йўлига чиқиб олишда молиявий, яъни пул ресурсларига зарурат сезади. Замонавий илмий-техника тараққиёти ҳам молиявий ресурсларнинг етарли бўлишини талаб этади. Зеро, техникавий тараққиёт фондларнинг — машина, асбоб-ускуна, иншоотлар, иморат-биноларнинг тез янгиланишини тақозо этади. Демак, молиявий ресурсларга эҳтиёж ҳар қандай тараққиётнинг заруратидир. Молиявий ресурслар мавжуд ишлаб чиқаришнинг моддий воситаларини капитал таъмирлаш, уларни янгилаш, яъни техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш ёки малакали иш кучлари тайёрлаш, тараққиёт дастурлари ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш каби мақсадлар учун сарф қилинади.

Замонавий иқтисодиётда молиявий ресурслар инвестициялар деб аталади. Инвестициялар ички ва ташқи манбалардан шаклланади. Иқтисодиёти ривож топган мамлакатларда инвестициялар миллий иқтисодиёт асосида шаклланади, эндигина ривожланиш йўлига кирган

мамлакатлар учун миллий инвестициялар етарли бўлмайди, улар хорижий инвестицияларга муҳтожлик сезадилар. Улар бу эҳтиёжларини ривожланган мамлакатлар билан халқаро алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, хорижий инвесторлар ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш каби воситалар орқали қондирадилар. Масалан, 1998 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 1,3 млрд АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестицияси жойлаштирилди.

Молиявий ресурслар ёки инвестициялар номинал ёки реал шаклларда бўлиши мумкин. **Номинал инвестиция** дейилганда пул шаклидаги бўш маблағлар тушунилади. Бироқ пул ресурсларининг мавжудлиги фақат имкониятдир. **Реал инвестиция** дейилганда пул ресурсларининг ишлаб чиқариш омилларига айланиши, яъни пул маблағларининг моддийлашуви тушунилади. Бу инвестиция масаласининг асосий жиҳатидир, зеро, пул ресурслари ўз вақтида ишлаб чиқариш омилларига айланмаса, улар самарасиз қолади, кўзланган иқтисодий ва ижтимоий мақсадни рўёбга чиқармайди.

Инвестициялар билан муомала қилиш ҳар бир мамлакат раҳбариятидан, тадбиркорлардан оқилона иш юритишни, «етти ўлчаб бир кесишни», иқтисодий тафаккур ва саводхонликни талаб қилади.

Ресурсларни тежаш — иқтисодий равақ омили

Инсоният тараққиёти бизни ўраб турган табиий муҳит, шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш масаласини тобора долзарб қилиб қўймоқда. Бу ерда гап ўлкамизда жойлашган денгиз, дарёлар, сув омборлари, кўллар имкониятларидан, юртимизнинг бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни ташкил этиш устида бормоқда. Бизнингча, табиий муҳит, шарт-шароитлардан фойдаланиш иқтисодиётини яратиш лозим. Токи, денгиз, дарёлар, кўллар, сув иншоотларидаги бой табиий ресурслар аввал такрор ишлаб чиқарилсин (масалан, сув ҳавзаларидаги балиқлар уларнинг умумий миқдорини камайтирмаган ҳолда овланиши керак), тиклаб борилсин. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ўлкамизда кўпгина ҳайвон ва ўсимлик турлари йўқолиб борапти. Улар инсон ҳаётини ҳам моддий, ҳам маънавий,

ҳам табиий таъминловчи омиллардир. Ижтимоий ишлаб чиқариш, унинг тузилиши, самарадорлиги кўп жиҳатдан ана шу ресурсларга бўлган муносабатимизга, улардан илм-фан кўрсатмалари асосида фойдаланишни йўлга қўйишимизга боғлиқ.

Ресурслар истеъмоли ва экологик хавфсизлик

Неъматлар ва хизматлар яратишнинг жиддий асосларидан бири табиий ва хом ашё ресурслари, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳақида гапирилар экан, уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бир қатор экологик муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида ресурслар истеъмоли билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, миллий тараққиётимизга кучли раҳна солаётган экологик муаммолар ҳақида қайғуриш ҳисси билан ёзилади. Кўрсатилишича, бугунги экологик хавф узоқ йиллар давомида собиқ мустабид тузум хўжалик юритиш механизmidан вужудга келди. Булар — табиий ва хом ашё ресурсларидан ваҳшийларча фойдаланиш, экстенсив усулда, катта исрофгарчилик ва харажатлар билан хўжалик юритиш, миллий ўлкалардаги ресурсларни иложи борича тезроқ ташиб, ўзлаштириб олиш, мамлакатимиз бойликларидан фойдаланишда атроф-муҳитни ҳимоя қилишни кафолатламайдиган тартибга асосланиш, пахта монополизмига асосланган аграр муносабатларни қўллаш ва бошқаларда ўз ифодасини топди.

Албатта, миллий мустақиллик бундай ҳолат билан чиқишолмайди, экологик хавфни тезроқ бартараф этиш чораларини излайди. Шу муносабат билан Президентимиз И. Каримов ўзининг китобида экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган йўналишлар мажмуасини илгари суради:

— тегишли технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш. Бунда қишлоқ хўжалигида янги технологияларни қўллаш, саноат корхоналарига атмосферани, сув ҳавзаларини, тупроқни ифлослантирганлиги учун янги солиқлар тизими жорий этиш кўзда тутилади;

— қайта тикланадиган ва қайта тикланмайдиган табиий захиралардан оқилона фойдаланиш;

— катта ҳудудларда табиий шароитларни ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланилишига олиб келадиган тарзда ўзгартириш;

— жонли табиатни маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш орқали сақлаб қолишга эришиш;

— шаҳарлар ва аҳоли пунктлари қурилишида урбанизациянинг барча оқибатларини тугатишга олиб келадиган тизимини барпо этиш;

— экологик кулфатлар чегара билмаслигидан келиб чиқиб, жаҳон жамоатчилигини минтақамизнинг экологик муаммоларини ҳал қилишга жалб этиш ва бошқалар.

Демак, ресурслар истеъмоли илмий асосланган миллий дастур асосида ташкил этилиши даркор. Шундагина миллий тараққиётимиз йўлидаги экологик хавфни бартараф этилишига эришишимиз мумкин.

* * *

«Ресурслар: мазмуни, таркиби, истеъмол қилиниши» мавзуси доирасида ўрганиладиган иқтисодий категориялар ва тушунчалар: эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни, вақтнинг, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, иқтисодий ресурслар, иккиламчи хом ашё, чиқиндилар, унумли ва унумсиз меҳнат ресурслари, Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари, табиий ресурслар, молиявий ресурслар, инвестиция, хорижий инвестиция.



Иқтисодиётнинг тарихий асослари

VI боб. ТОИНДУСТРИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ. ИБТИДОЙ ЖАМОА ТУЗУМИ ИҚТИСОДИЁТИ

Ибтидоий жамоа тузуми «ишлаб чиқариши»

Ибтидоий жамоа тузуми кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичидир. Бу босқичда одамлар ҳали махсус ишлаб чиқариш қуроллари ясай олмаганлар. Улар табиатдаги тайёр, узоқ тарихий ривожланиш натижасида тўпланиб қолган нарсалар — тошлар, ёғоч-таёқлардан фойдаланиб, тирикчилик неъматларини, «ишлаб топилган». Одамларнинг иқтисодий, моддий ҳаётини ўрмонзорлардаги табиий мевалар, қўзиқоринлар, ўтлар, уларни истеъмол қилиш ташкил этган. Шунинг учун ибтидоий тузумнинг дастлабки даврларини тарихчилар «териб олиш жамияти» деб атаганлар, иқтисодиёт тилида бу даврлар «териб олиш ишлаб чиқариши» деб аталади. Албатта, «териб олиш ишлаб чиқариши» объектив зарурат бўлган.

Нима учун ибтидоий жамиятда ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол умумий бўлган?

Кишилик жамиятининг тўлақонли шаклланишида меҳнатнинг роли беқиёсдир, меҳнат эса меҳнат қуроллари яшайдан бошланади. Меҳнат қуроли инсон фаолиятининг мақсадли йўналтирилганлигини, энди яшаш учун одамларнинг ўзлари ишлаб чиқара бошлаганлигини билдирар эди. Ибтидоий тузумнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ғоят содда, кучсиз, табиий, бўш эди, улар авваллари шунчаки йўнилган ёғоч қуроллардан, ғадир-будур, ишланмаган, текисланмаган тош қуроллардан фойдаланганлар.

Кейинчалик одамлар металлдан, бронзадан, мисдан, темирдан меҳнат қуроллари яшани ўрганиб олишган. Ана

шу қуроллар ёрдамида биргаликда ёввойи ҳайвонларни овлашган, балиқ тутишган, тайёр табиат неъматларини истеъмолга мослаштиришган. Аста-секин ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш, буғдой, маккажўхори, карам, пиёз каби неъматларни етиштириш билан шуғулланиш бошланган. Натижада одамларда меҳнат тажрибаси тўплана борган, касб кашф қилина борилган, яъни одамлар иш кучи тариқасида шакллана боришган.

Ибтидоий одамлар ишлаб чиқариш фаолияти билан жамоа-жамоа бўлиб, биргаликда, оддий кооперация тариқасида шуғулланишган. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Сабаби — меҳнат қуроллари фақат биргаликда ишлаш учун имкон берарди. **Бу тузумнинг меҳнат тақсимооти табиий эди.**

Ибтидоий тузумнинг мулкий муносабатлари ишлаб чиқариш воситаларига жамоа мулкчилиги, гуруҳ мулкчилиги, қабила мулкчилиги шаклида бўлган, у вақтларда хусусий мулкчилик ҳақида гап ҳам йўқ эди. Ибтидоий жамоа ишлаб чиқариш муносабатлари меҳнатни умумий, биргаликда бошқариш жараёнида вужудга келган, истеъмол учун неъматлар, истеъмол буюмлари биргаликда ҳосил қилинган, биргаликда ўзлаштирилган (истеъмол қилинган).

Ибтидоий жамоа тузумида бевосита ишлаб чиқарувчилар ва жамоа барча аъзоларининг манфаатлари бир бўлган, чунки ишлаб чиқариш воситалари ҳам бутун жамоанинг умумий мулки бўлган.

Меҳнат қуролларининг умумий (жамоа мулки) бўлиши туфайли жамоа у ёки бу аъзосининг меҳнатнинг қайси тури билан шуғулланишини жамоа белгилаб берган, у жамоанинг ягона иродасига бўйсунган. Ишчи кучларини қайси жойга, қайси ишга сафарбар қилиш жамоа ихтиёрида бўлган. Шу маънода ибтидоий ишлаб чиқариш бевосита ишлаб чиқариш, бевосита характерга эга, деб баҳоланади. Чунки, ҳали билвоситалик — бозор муносабатлари келиб чиқиши учун узоқ тарихий давр талаб қилинарди.

Ибтидоий жамиятдаги тақсимоотнинг характерини ишлаб чиқарувчи кучлар даражасининг пастлиги, жамоа мулкчилиги, неъматларни яратишнинг фақат биргаликда амалга оширилиши каби хусусиятлар белгилаб берарди. Жамиятда зарурий маҳсулот текис тақсимланган, бу бирдан-бир мумкин бўлган тақсимоот шакли эди. **Текис тақсимоот ибтидоий тузумнинг объектив иқтисодий қонунидир.**

Ибтидоий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли

Ибтидоий жамиятнинг характерли белгиларидан бири — ибтидоий ишлаб чиқаришнинг натурал шаклда бўлишидир. Чунки ижтимоий меҳнат тақсимогининг йўқлиги, кимнинг нима иш қилишини жамоанинг белгилаб бериши шуни тақозо этарди. Бу жамиятда ҳар бир жамоа фақат ўзи топган тирикчилик воситалари билан кун кўрган, турмуш даражаси жамоанинг ўз ички имкониятлари билан белгиланган. Ибтидоий тузумнинг тарихий аҳамияти шундаки, у натурал ишлаб чиқаришни илгари сурди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ушбу дастлабки шакли узоқ йиллар инсониятга хизмат қилди.

қулдорлик жамияти иқтисодиёти

Қулдорлик жамияти ишлаб чиқаришнинг асоси ва унинг хусусиятлари

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврларига келиб ишлаб чиқарувчи кучлар анча ривожланди, меҳнат унуми баъзи ҳолларда истеъмолдан ортиқроқ маҳсулотга имкон берди, яъни қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш вужудга келди. Бу ҳол хусусий мулкчилик ва хусусий ишлаб чиқаришнинг вужудга келишига ҳам моддий замин яратди.

Албатта, қулчилик ишлаб чиқариши барча мамлакатлар ва халқларда бир хил тарихий даврда вужудга келмаган. Қулчилик ишлаб чиқаришнинг вужудга келишидаги умумий иқтисодий асослар қуйидагилардир:

1) ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг нафақат зарурий маҳсулот, ҳатто қўшимча маҳсулот ҳам ярата олиш даражасига ўсиб етиши;

2) ишлаб чиқариш воситаларига жамоа мулкчилигининг тугатилиши ва янги мулкчилик шаклининг — хусусий мулкчиликнинг, қулдорлик хўжаликларининг, якка хўжаликларнинг пайдо бўлиши;

3) мулкий тенгсизликнинг, ижтимоий табақалашувнинг келиб чиқиши; жамият аъзолари бир қисмининг барча нарсаларнинг эгаси бўлиши, бошқаларнинг ундан тамомила маҳрум этилганлиги.

Ишлаб чиқариш фақат иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан барча нарсадан бутунлай маҳрум бўлганлар — қуллар (асосий ишлаб чиқарувчи куч) томонидан олиб борилди. Қулдор қуллар меҳнатини эксплуатация қилган,

уларнинг меҳнати натижаларини тўла ўзлаштирган. Бу жамиятда қулдорлик ҳўжалиги ҳукмрон мавқеда бўлди, унда шафқатсиз эксплуатация ҳукм сурди. Бундай ҳўжалик типи милоддан аввалги VII — VI асрларда Ўрта Осиё ҳудудидаги қулдорлик давлатлари (масалан, Хоразм қулдорлик давлатида)да ҳам мавжуд эди.

Бу ишлаб чиқариш усулида ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучи мажбурий қўшилган, ишлаб чиқариш очиқдан-очиқ мажбурийликка, ҳўрлашга асосланган. Айни вақтда унда эркин деҳқонлар ва ҳўнармандлар ҳўжаликлари ҳам бўлиб, улар ижтимоий ишлаб чиқаришда алоҳида ўрин тутган. Кейинчалик, эркин деҳқонлар ва ҳўнармандлар ишлаб чиқариши хонавайрон бўлган, уларнинг бир қисми қарзга ботиб, йўқсиллар — қулларга айланиб борган. Қулларнинг ижтимоий аҳволи жуда оғир кечган, улар тўйиб овқат емаганлар, сурункали жисмоний меҳнатдан азоб чекиб, қисқа умр кўрганлар.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг вужудга келиши ва ижтимоий тараққиёт

Қулдорлик тузумининг кишилик жамиятидаги тарихий ўрни унда ижтимоий меҳнат тақсимоти вужудга келгандиги, унинг анча ривожланганлиги билан ҳам белгиланади. Унда ишлаб чиқарувчиларнинг у ёки бу неъматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви, ҳўнармандчилик, қишлоқ ҳўжалиги анча ривож топди. Темир, олтин, кумуш қазиб олиш, кейинчалик эса кийим-кечак, пойабзал тикиш, безак буюмлари яратиш ва бошқа шу каби ишлар бошланди.

Қулчилик жамияти учун характерли хусусиятлардан бири — дастлабки фанларнинг вужудга келишидир. Математика, механика, астрономия, меъморчилик, қурилишга оид фанлар шакллана бошлади. Шунинг учун ижтимоий дунёқараш ҳам аста-секин уйғониб, фалсафий фикрлар, иқтисодий ғоялар умумлаштирилиб, дастлабки илмий асарлар пайдо бўлди.

Қулдорлик жамияти ишлаб чиқаришининг ижтимоий шакли

Қулчилик ишлаб чиқариши, умуман олганда, натурал характерда бўлган. Бунинг асосий сабаби қуйидагилардан: 1) ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти ва меҳнат тақсимоти даражасининг анча пастлиги; 2) қишлоқ ҳўжалигининг

бошқа тармоқларга нисбатан устун бўлиб қолаётганлиги (гарчи бошқа соҳалар анча ривож топган бўлса ҳам); 3) қулчилик ишлаб чиқаришининг биқиклиги, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, асосан ички эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилганлиги; 4) меҳнатнинг ноиқтисодий усулларга асосланганлиги, мажбурий меҳнат эканлиги, рағбатлантиришнинг йўқлиги; 5) ишлаб чиқариш натижалари товар сифатида эмас, маҳсулот сифатида бевосита истеъмол қилинганлиги.

Қулдорлик тузумининг асосий ишлаб чиқариш муносабати хусусий мулк бўлган қулларнинг аёвсиз ишлатилиши натижасида яратилган қўшимча маҳсулотнинг қулдорлар томонидан тўла ўзлаштирилишида ифодаланади. Қулчилик ишлаб чиқариши ўз характериға кўра натурал ишлаб чиқаришдир. Бироқ, товар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш маълум даражада ривож топа бошлади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Қадимий Афинада бозор учун ишлайдиган газлама тўқувчи, гилам тайёрловчи, кийим-кечак тикувчи махсус устахоналар ишлаган. Римда сотиш учун хизмат қилувчи заргарлик устахоналари, Ҳиндистонда жун ва ип газлама тўқийдиган, қўл маҳсулотлари, мис идишлар, сопол маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган устахоналар фаолият кўрсатган.

Қулдорлар ўзлари учун яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини соттирганлар, товарлар айирбошланадиган махсус бозорлар қурганлар, ҳатто халқаро савдога шароит яратишган. Хусусан, Қадимий Хитой, Миср, Вавилон, Юнонистон мамлакатлари ўзаро савдо алоқалари ўрнатганлар. Аммо айирбошлашнинг асосий объекти узоқ вақтларгача қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ҳамда қуллар бўлганлиги қадимги манбалардан маълум.

Тақсимот муносабатлари қандай бўлган?

Қулдорлик жамиятида тақсимот муносабатлари адолатсиз бўлган. Қулларнинг ўзлари учун зарурий маҳсулот тарзидаги яшаш фонди уларнинг инсон сифатидаги эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган қуллар очдан ўлиб қолмайдиган даражада ажратилган, холос. Қулчилик жамиятида моддий қизиқтириш, иқтисодий манфаатдорлик бўлмаганлиги туфайли тақсимотда икки нарсага эътибор берилган: 1) қуллар гуруҳ-гуруҳ қилиб ёки алоҳида тарзда алмаштириб турилган;

2) қулларни ишлатиш оммавий бирлашган меҳнат шакли — қулларнинг оддий кооперация (жамоаси) шаклида ташкил этилган. Тақсимотнинг бундай шакларини меҳнат курулларининг соддалиги тақозо этган. Ана шундай усуллар билан ҳосил қилинган қўшимча маҳсулот қулдорларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга зўр-базўр этган.

Қулдорлик тузумида алмашув ва савдонинг ўрни қандай бўлган?

Товар айирбошлаш жамият ҳаётида маълум аҳамият касб этиб ўса бориши натижасида пул шунчаки умумий эквивалент бўлиб хизмат қилибгина қолмай, қуллар ва бошқалар меҳнатини текинга ўзлаштиришнинг ҳам воситасига айлана бошлади. Бошқача айтганда, пул айрим хусусий шахслар қўлида капитал тариқасида тўплана борди. Қулдорлик жамиятида дастлабки вужудга келган капитал шакллари савдо ва судхўрлик капитали бўлди. Савдогарлар товарларни олиб сотиш билан, харидорларни алдаш билан қулдорлар қаторида қуллар яратган қўшимча маҳсулотни, шунингдек, хунарманд ва деҳқонлар меҳнатини текинга ўзлаштиришда иштирок қилганлар. Бу фикрни судхўрлар хусусида ҳам айтиш мумкин. Улар пулни қарзга бериш орқали майда товар ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг, ҳатто қулдорлар олган қўшимча маҳсулотнинг ҳам бир қисмини ўзлаштирганлар. Бироқ, товар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш натурал ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи, чекланган характерда бўлиб, қулдорлик жамияти иқтисодий тизимида ҳукмрон мавқега кўтарилмаган.

Даврлар ўтиши билан қулдорлик жамияти қатор сабабларга кўра емирила бошлади. Бунинг бош сабаби қулчилик кооперативларидаги меҳнатнинг унумсизлиги, манфаатдорликнинг йўқлиги каби жамият ишлаб чиқариш муносабатларидаги зиддият бўлди.

ФЕОДАЛ ЖАМИЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ

Феодал жамияти ишлаб чиқарувчи кучлари

Феодал тузуми қулдорлик жамияти зиддиятларининг ечими сифатида вужудга келди. Унинг ишлаб чиқарувчи кучлари ўзидан олдинги жамият ишлаб чиқарувчи

кучларидан кўп соҳаларда анча устунликка эга бўлди. Техника тараққиёти туфайли металл ишлаш келиб чиқди, энергетикада бирмунча силжишлар бўлди. Жумладан, домна печлари қурилди, чўяндан темир олиш усуллари татбиқ этилди, шамол двигатели, сув кучи билан ишлайдиган тегирмонлар, металлни қайта ишловчи дастлабки дастгоҳлар, китоб чоп этиш каби иқтисодий тараққиётга туртки берувчи ишлаб чиқарувчи кучлар ҳаётда ўз ўрнини топди.

Феодал жамияти шароитида яна бир йирик ихтиро — компаснинг яратилганлиги, географик хариталар тузилиши денгизда сузиш техникасини яратишда катта аҳамият касб этди. Темирдан ясалган плуг ва бошқа меҳнат қуролларининг қўлланилиши қишлоқ хўжалигининг ривожланишига олиб келди, деҳқончиликда янги тармоқлар — сабзавотчилик, узумчилик, ёғ ишлаб чиқариш пайдо бўлди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳам таъсир этди, деҳқонлар ва ҳунармандларнинг меҳнат унумдорлиги кўтарилди бошлади. Бу жамиятда қўл кучига асосланган ишлаб чиқариш асосий бўлиб қолаверди. Гарчи ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётда баъзи силжишлар рўй берган бўлса-да, уларнинг умумий даражаси ҳали паст эди.

Феодал тузум ишлаб чиқариш муносабатларининг характери

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг ифодасидир. Феодал тузум ишлаб чиқарувчи кучларидаги ҳолат ишлаб чиқариш муносабатларида ўз ифодасини топмай қолмас эди. Бу жамиятда ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерга нисбатан йирик хусусий мулкчилик муносабатлари, ер билан унинг маҳсулотларини тақсимлаш, истеъмол қилиш билан боғлиқ муносабатлар ҳукм сурди. Ерга йирик феодал мулкчилиги ҳукмронлик қилди, ернинг асосий қисми, айниқса унумдор, серҳосил ерлар ҳукмрон синф — феодаллар қўлида жамланган эди. Шу билан бирга деҳқонлар учун тирикчилик манбаи улар учун ажратилиб бериладиган **чек ерлар** эди. Гарчи ер деҳқонларнинг мулки қилиб берилмаган бўлса ҳам, уларга ишлаш учун бириктириб қўйилган эди.

Феодалларга бир эмас, бир нечта қишлоқлар қарашли бўлиб, улар бу ҳудудларни ҳам, у ердаги одамлар тақдирини

ҳам ўз қўлларида тутганлар. Асосий ишлаб чиқарувчи куч бўлган деҳқонлар катта ер эгаларига шахсий қарамликда бўлганлар. Феодал ишлаб чиқариши икки томонлама характерга эга эди: бир томондан, деҳқон ўзининг чек ерида ишлар, ўзи ва оиласи учун тирикчилик воситалари яратар эди; иккинчи томондан, деҳқон феодал ерида ишлар, феодал учун қўшимча маҳсулот яратар эди. Бироқ, бу меҳнати учун ҳеч нарса олмас эди. Айна вақтда деҳқонлар феодал ерида ишлашга ёки феодал оиласининг эҳтиёжларини қондириш даражасида ишлашга ноиқтисодий йўл билан мажбур қилинар эди. Ишлаб чиқаришнинг ноиқтисодий усулларини қўллаш феодал тузумида сақланиб қолди.

Қўшимча маҳсулотнинг реал ижтимоий шаклга эга бўлиши

Феодал тузумида яратилган қўшимча маҳсулот мазмун жиҳатдан **ер рентаси**дан иборат эди. Чунки, юқорида айтилганидек, феодал муносабатлар ерга асосланган муносабатлар эди. Аммо ер рентасини ўзлаштириш шакл жиҳатдан кенгайди — учта ижтимоий кўринишга эга бўлди: 1) **ишлаб бериш рентаси**, у тарихда «баршчина» деб ном олган. Унда деҳқон ҳафтанинг маълум кунлари, баъзан (кейинчалик) ҳафтанинг барча кунлари феодал ерида ишларди. Феодал деҳқонлар ишини назорат қилиш учун махсус назоратчилар сақлаб турган; 2) **маҳсулот рентаси** (оброк). Рентанинг бу шакли баршчинага нисбатан анча қулай бўлиб, феодал ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш учун алоҳида назоратчилар ушламас, назорат билан ўзи ҳам шуғулланмас эди. Фақат маълум миқдордаги маҳсулотни омборга киритишни талаб қилар эди. Аммо маҳсулотни сақлаш, ортиқчасини сотиш каби муаммолар феодалларни анча ташвишлантирарди. Бундай ҳаётгий зиддият табиийки, ер рентасининг қулайроқ, ихчамроқ, фойдалироқ шаклига ўтишни тақозо этарди. Шу билан бирга, феодал тузум бағрида ривожланиб бораётган товар алмашув муносабатлари ер рентасининг бундай шаклини ўзгартиришни талаб қиларди. Натижада ер рентасининг сўнгги — учинчи шакли келиб чиқди. У **пул рентаси** бўлиб, феодал учун гоёқ қулай ва ихчам шакл эди. Бу усул ундан ортиқча

ташвишланиш ва харажатлар талаб қилмас эди. Ер рентасини деҳқон пул шаклида ўзи ишлаб чиқарар, ўзи сақлар, керак бўлса қайта ишлар, ўзи сотиб пулга айлантирар, рентани нақд пул шаклида феодалга — ер эгасига олиб келиб берар эди.

Албатта, пул рентасининг қарор топиши деҳқонларни эзишни кучайтирар, уларнинг норозилиklarига сабаб бўлар эди. Бунинг устига феодалга шахсий қарамлик ҳам сақланиб қолмоқда эди. Бу эса жамиятнинг икки асосий кучи — феодаллар ва деҳқонлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайишига олиб келарди. Бизга тарихдан маълум бўлган барча деҳқонлар қўзғолонлари худди ана шу зиддиятларнинг кучайиб кетиши натижасидир.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳамда феодал ишлаб чиқаришининг ижтимоий характери

Феодал тузумининг тарихий жиҳатдан илғор томонларидан бири — товар-пул муносабатларининг анча ривожланганлиги, ташқи ва халқаро савдонинг изга тушиб кетганлиги, умуман бозор иқтисодиёти томон жиддий қадам қўйилганлигидир. Ташқи ва ички савдонинг равнақ топиши пул муомаласининг ривож топишига, тангалар зарб этишнинг анча такомиллашувига, ҳатто қоғоз пулларнинг келиб чиқишига хизмат қилди. Пул муомаласининг ривож топиши, ўз навбатида, судхўрлик капиталнинг ўсишига, судхўрлар томонидан феодаллар, ҳунармандлар ва деҳқонларга маълум фоиз (процент) эвазига кредит (қарз) беришнинг кучайишига тўртки берди. Ана шу фоиз заминида деҳқонлар ва ҳунармандларнинг қўшимча маҳсулотигина эмас, ҳатто яшаш фонди — зарурий маҳсулот ҳам ётар эди.

Феодаллар товар-пул муносабатларига шу қадар киришиб борар, тобора кўпроқ безак буюмлари, қимматбаҳо ҳунармандчилик товарлари сотиб олишга интилар эдиларки, натижада уларнинг пулга бўлган эҳтиёжлари янада ортиб борарди. Аммо феодал иқтисодий муносабатлари ўз моҳиятига кўра натурал ишлаб чиқариш бўлиб қолаверди, унинг бу характерини ўзгартириш тарихий зарурат бўлиб қолаётган эди.

«Тоиндустириал тараққиёт иқтисодийети асослари» мавзуси доирасида ўрганиладиган асосий иқтисодий категория ва тушунчалар: «териб олиш — ишлаб чиқариш жамияти», ибтидоий жамоа тузуми ишлаб чиқарувчи кучлари, ибтидоий тузум умумий муносабатларининг асоси, ибтидоий ишлаб чиқаришнинг характери ва ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли, ибтидоий жамиятдаги текис тақсимотнинг объективлиги; қулдорлик жамияти ишлаб чиқарувчи кучлари, қўшимча маҳсулот, қулдорлик жамиятдаги мулкчилик характери, қулдорлик тузумидаги хўжалик юритиш шакллари, меҳнат тақсимоти, қулдорлик тузуми бағрида пайдо бўлган фанлар, қулдорлик жамияти ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери, қулдорлик тузумидаги ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиш характери, қулдорлик тузумида савдо ва алмашув муносабатлари, феодал жамияти ишлаб чиқарувчи кучлари, феодал тузуми иқтисодий муносабатларининг асоси, чек ерлар, ер рентаси ва унинг ижтимоий шакллари, ишлаб бериш рентаси, маҳсулот рентаси, пул рентаси, ташқи савдо, ички савдо, процент (фоиз), феодал жамияти ишлаб чиқаришининг ижтимоий характери.

VII боб. ШАРҚ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИ

«Қуръони Карим» ва «Ҳадис» лардаги иқтисодий ғоялар

Ўзбек халқи фахрланса арзигулик жуда қадимий маънавий ва иқтисодий меросга эга. Бу мерос халқимизнинг иқтисодий мустақилликни қўлга киритиши, замонавий иқтисодий тафаккурга эга бўлиши, иқтисодий иқтидорли миллатга айланишида хизмат қилди ва қилмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий билимларни эгаллашларида ислом динининг тарқалиши, унинг иқтисодий ғоялари ижобий аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, ислом иқтисодий ғоялари мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръони Карим»да, Пайғамбаримиз ҳадисларида, машҳур «Мухтасар» китобида ўз ифодасини топган.

«Қуръони Карим»да савдога, уни ҳалол ва адолатли юритишга, савдо ва тижоратдан фойда олишда инсофни

унутмасликка катта ўрин берилган, айти чоғда, суд-хўрликка, бошқалар ризқига хуруж қилишга қарши фикрлар билдирилган. Оллоҳнинг каломи бўлган бу муқаддас китобда мулкнинг дахлсизлиги эътироф этилган, бошқалар мулки ва давлатига хиёнат қилишга катта, кечирилмас гуноҳ деб қаралган, қарз бериш ва қарз олиш қоидалари, мерос тақсимлаш, етим-есирларга мурувват кўрсатиш, ҳайр-эҳсон қилиб туриш гоёлари илгари сурилган. Ушбу муқаддас китобда касб эгаллашга, деҳқончилик қилишга, меҳнат орқали ҳаёт кечиришга даъват қилинган; меҳнат ҳар бир мусулмон учун ҳам бу дунё, ҳам у дунёда ҳаловат кўришнинг манбаи деб тушунтирилган.

«Қуръони Карим»да яратувчилик фаолияти, ҳалол меҳнат қилиш орқали ўзининг бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтга эришажаги уқтирилган. Оллоҳ одамларни яратиш билан бирга унга нафс ато этди. Айти чоғда уларга ўз истеъмолларини қондиришлари учун табиат неъматларини (ресурсларни) ҳам яратди. Бироқ, бу ресурсларни бевосита истеъмол қилиб бўлмайди. Одамлар бу ресурсларни истеъмол қилишлари учун, уларни керакли неъматларга айлантиришлари учун уларга куч-қувват, ақл-идрок ҳам ҳадя этилди. Ақл-идрокни, куч-қувватни ишга солиб, касб-кор эгаллаб Оллоҳ берган имкониятларидан фойдаланиб ўз ризқларини териб ейишлари лозим.

«Қуръони Карим»нинг «Таборақ» сурасида айтиладики, Оллоҳ одамларга ерни бўйсундириб қўйган зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Оллоҳнинг ризқидан енг... Бу ерда гап инсонларга бўйсундирилиб қўйилган буюк неъмат — Ер тўғрисида борса ҳам уни кенг маънода Оллоҳ яратиб берган барча неъматлар тўғрисидаги калом деб тушуниш ўринлироқ бўлади.

Оллоҳ ўз китобида бандаларни ўзи берган неъматларга шукр қилиб яшашга, тоат-ибодат қилишга, бу неъматлардан тўғри фойдаланишга, яхши, хайрли ишлар қилишга даъват этади. Уларда иқтисодга адолат, омонат, ҳалоллик маъноларини бериб, очкўзлик, ҳаром ва адолатсизликдан четлашишга ундов мавжуд.

Аслида инсоният босиб ўтган узоқ йўл меҳнат ва яратувчанлик йўлидир. Ана шунга кўра одамлар меҳнатни улуғлашлари, қадрлашлари, ёшларни меҳнатга лаёқатли ва садоқатли қилиб тарбиялашлари лозимдир. Одамнинг

меҳнатсевар бўлиши унга болалигидан бериладиган тарбияга боғлиқ. Шунинг учун «Таълим тўғрисидаги Миллий дастур» ва республикамиз қонунларида меҳнат таълимига катта ўрин берилган.

«Қуръони Карим»да мулк ва мулкый муносабатларга катта аҳамият берилган. Мулкка эга бўлиш иқтисодий-ижтимоий равнаққа эришишнинг, муаммоларни ҳал қилишнинг иқтисодий омилidir.

Исломда ижтимоий мулк билан хусусий мулкни мувофиқлаштириши, сармоянинг ижтимоий вазифани бажариши, яъни жамиятга фойда келтириши маъқулланади. Сармоянинг фойда келтириши эса доимий ҳаракати билан боғлиқдир. Жамиятнинг ижтимоий бойлиги, табиий ресурсларидир, уларни Оллоҳ одамларга эҳсон этган. Бу бойликлардан жамиятнинг барча аъзолари фойдаланишлари лозим. Лекин уларга якка ҳокимлик билан ҳукмронлик қилиш, ғаразли мақсадларда шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланиш тақиқланади. «Қуръони Карим»нинг бир қанча сураларида бировлар мулкига, ҳаққига хиёнат қилиш қораланади. Айниқса, болалар, заиф ва ночор одамлар, етим-есирлар мулкига, ризқига хуруж қилиш катта гуноҳ саналади.

«Қуръони Карим»да оиладаги мулкый муносабатга ҳам кенг ўрин берилган. Масалан, мерос қолдириш, меросга ворислик қилиш, меросни тўғри тақсимлаш каби масалалар ҳам яхши ифодасини топган.

Пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам иқтисодиётни ташкил этишга оид кўплаб фойдали фикрлар баён қилинган.

Ислом иқтисодий ғоялари «Мухтасар» номли китобда ҳам аниқ, тушунарли тарзда таърифланган. Айниқса, ижара, унинг турли-туман шаклларига катта ўрин берилган.

«Қуръони Карим»да ва Пайғамбаримиз ҳадисларида илгари сурилган энг муҳим ғоялардан бири — истеъмол меъёри, истеъмол чегараси, яъни истеъмол маданияти масаласидир. Уларда қайд қилинадики, Оллоҳ Таоло бандаларига дунёдаги барча ноз-неъматларни уларнинг истеъмол қилишлари учун, фаровон ва тўқ ҳаёт кечиришларини ташкил қилишлари учун инъом этган. «Бандаларим енглар-ичинглар, исроф қилманглар», истеъмол меъёридан ортгандан кейин ҳам истеъмол қилиш (ортиқча еб-ичиш) макруҳдир, деб фарз қилинган.

Бу исломий ғоя остида жуда катта мазмун бор. Иқтисодий-ижтимоий фаровонлик, унинг даражаси, нознеъматларнинг мутлақ кўпайтирилиши билангина шаклланмайди. Неъматлар мул-қул бўлиши мумкин, бироқ уни исроф қилиш, иккиламчи ва бошқа чиқиндиларга ажратиб ташловчи технологияларни қўллаш, истеъмол меъёри ва маданиятини билмаслик қашшоқлик ёки иқтисодий тангликка олиб келиши мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати ғалла мустақиллигини таъминлаш, ташқаридан ғалла ва дон маҳсулотлари келтиришни кескин қисқартириш вазифасини кўйган эди. Бу ғоят муҳим иқтисодий-сиёсий вазифа асосан удаланди. Бироқ, буни жон бошига нон истеъмол қилишни илгариги Иттифоқ даври даражасига чиқариш, одамлар истеъмолида ноннинг устуворлигини яна тиклаш, ғалла етиштиришни мутлақ кўпайтира беришлик деб тушунмаслик керак, асло. Аксинча, нон истеъмоли қисқартирилган ҳолда бошқа неъматлар истеъмолини кўпайтириш, истеъмол маданиятини ошира бориш ҳисобига ижтимоий-иқтисодий фаровонликка эришиш деб тушуниш тўғрироқ бўлади. Бу гапни бошқа неъматлар ва хизматлар истеъмоли ва ишлаб чиқариши борасида ҳам айтиш мумкин.

Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Сино иқтисодий мероси

Ислом иқтисодий ғоялари Ўрта Осиё алломаларининг иқтисодий тафаккури ривожини манбаи бўлиб қолдики, бу Форобий, ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомул-Мулк, Амир Темур, Улугбек, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб мутафаккирлар ижодида ўз ифодасини топди.

Форобий ва ибн Сино иқтисодий мероси марказида инсон ва унинг эҳтиёжларини қондириш масаласи туради. Зеро, юқорида айтилганидек, инсон бу дунёнинг олий неъматини ва унинг эҳтиёжларини қондириш ҳар қандай жамиятнинг яшаш ва ривожланиш шартидир. Албатта, инсон эҳтиёжлари турли-туман ва доимий ўсиб борувчидир. Инсон эҳтиёжларини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Буларнинг ичида устувор ўринда иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларни қондириш туради.

Абу Наср Форобий иқтисодий қарашлари

Абу Наср Форобий буюк аждодларимиздан биридир. У илм-фан тарихига Шарқнинг буюк файласуфи, «Шарқ Арастуси», «Шарқ Афлотуни» каби машҳур номлар билан мухрланган. Унинг иқтисодий ва бошқа ижтимоий қарашлари Арасту ва Афлотун асарларини тушунтиришга қаратилган бир қанча асарларида баён этилган, жумладан, унинг иқтисодий дунёқараши «Фозил кишилар шаҳри» (Т., 1993 й.) асарида ҳам ўз ифодасини тодган.

Мулкчилик ва мулкдор бўлиш хосияти ҳақида

Мутафаккир Афлотун қарашлари ҳақида гапирар экан, мулкка эга бўлиш ёмон одат эмаслигини, қашшоқликда (мулксиз) яшагандан кўра бадавлат яшамоқ афзалдир, фақат мулкни бефойда жамғаришдан сақланиш зарур, деган фикрни илгари суради. Фикрини давом эттириб ёзадики, одамларга, авлодга зарар келтирмайдиган мол-мулк орттириш фойдали ишдир; бунда қонунлар ёрдамида руҳ ва баданни эъзоланишига сазовор қиладиган тарбия муҳим аҳамиятга эга. Фақат бошқалар учун зарар келтирадиган бойлик тўплаш, мол-мулкка эга бўлиш ёмон одатдир (ўша асар, 38-бет).

Форобий Афлотун фалсафасини шарҳлар экан, одамларни мулкий қонунлар асосида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беради. «Агар шаҳар аҳолиси маърифатсиз, тажрибасиз одамлар ва болалардан иборат бўлса, у ҳолда улар қонун ўрнатган тартиб ва бошқарув усулини қабул қилмайдилар». (Ўша жойда, 39-бет.) Қайд этилган қонунлар асосидаги тарбия, яъни ҳуқуқий тарбия ижтимоий-иқтисодий ҳаётда гоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тарбия нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам ўйлаб яшаш ва ишлашга хизмат қилади, мулкни, ресурсларни тўғри тасарруф этиш, ундан яхши натижалар олишга олиб келади. Форобий уқтирадики, «Мулк орттиришда унчалик хавф йўқ, аммо уни эҳтиёт қилиб сақламаслик мумкин эмас. Агар бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у ҳолда шаҳар аҳолисидан инсоф ва шухрат йўқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб ўз эҳтиёжи учун ишлатса, бу ёмон иш ҳисобланмайди...» (ўша асар, 47-бет).

Бу қўрсатмаларнинг аҳамияти бугунги кунда жуда ҳам катта. Мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Бироқ, мулкдор бўлиш бошқа-ю, мулкни эҳтиёт қилиб, ўзи ва жамияти учун самарали фойдаланиш ундан ҳам муҳимдир. Шунини ҳам айтиш керакки, ҳозирча мамлакатимиз фуқаролари мулкни тасарруф этиш ва ундан тўғри, оқилона фойдаланиш тажрибасига, кўникмасига етарли даражада эга эмаслар.

Харажат қилиш ва тақсимот тартиби хусусида

Ишлаб чиқариш ва истеъмол учун харажат қилиш объектив ҳолатдир. Ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг самараси кўпинча ана шу харажатлар миқдори, тартиби ва мезонларига ҳам боғлиқдир. Олим ҳисоблайдики, яшаш учун эга бўлинган маблағлар, маҳсулотлар ва мулкни тўғри тақсимланмаса, меъёри билан харажат қилинмаса, бундай ишдан номақбулчилик рўй беради. «Бу — бошқарилиши энг қийин бўлган ишдир», кимда-ким ўз ихтиёрида бўлган мулкни фойда чиқариш учун муомалага қўймаса, уни фақат ўзи учунгина жамғарса, жуда катта зарар келтиради (ўша асар, 42-бет).

Фаробий қарашларида тақсимот масаласи жуда кенг ва ўзига хос усулда талқин этилади. У жамият ва одамлар қўлидаги мулк ва ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш давлат қурилишида асосий масаладир, деган фикрни билдиради. Демак, жамият ҳаётида энг муҳим муаммолардан бири мулкни, маҳсулотларни керакли мақсадларга тўғри, самарали тақсимланишидир. Тақсимот иши мақсадга мувофиқ йўлга қўйилмас экан, кўпчилик одамлар фақир аҳволга тушиб қолади.

Тақсимот мавжуд мулк, маҳсулот, бойликлар ҳисобини тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Худди ана шу фикр Фаробий томонидан олдинги ўринларга чиқарилади. «Аввало, — дейди олим, ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур нарсалар бўлган озиқ-овқатлар, экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши зарур» (ўша асар, 37-бет). Фаробий Афлотуннинг куйидаги фикрларини алоҳида ажратиб келтиради: «Тақсимот иши жуда қийин, лекин жуда зарур ишдир». Буюк даҳларнинг тақсимот ва мулкни тасарруф этиш масалаларига бу қадар чуқур қарашлари бежиз эмас.

Албатта, тақсимот мавжуд нарсалар тақсимотидир, у ишлаб чиқаришга нисбатан вақт жиҳатидан кейинги ўринда туради, ишлаб чиқариш муносабатларидаги иккинчи бўғиндир. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, тақсимлаш ишлаб чиқаришнинг бошқа томони, аслида унинг давоми ва такрорланишидир. Бунинг маъноси шуки, тўғри ва адолатли тақсимот тизими яратилган шароитдагина ишлаб чиқариш натижалари шунчалик яхши бўлади. Бу ерда гап фақат макроиқтисодий даражадаги тақсимот устидагина бораётгани йўқ, бу хулоса микроиқтисодиётнинг барча бўғинлари учун ҳам тенг аҳамиятга эга.

Шарқ фалсафасида эҳтиёжлар масаласи, ҳар бир одамнинг шахс сифатидаги зарурий эҳтиёжларини тадқиқ қилиш ва уларни қондириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Ана шу эҳтиёжлар тизимида одамнинг шундай физиологик эҳтиёжлари мавжудки, улар фақат ҳаракат қилиш, меҳнат ва яратувчанлик (ишлаб чиқариш) билан қондирилади. Демак, инсон эҳтиёжлари ичида энг муҳими меҳнат қилиш (яратувчанлик) эҳтиёждир, қолган барча эҳтиёжларни қондиришга у орқали эришилади. Шунинг учун Шарқ иқтисодий тафаккури марказида инсон ва унинг эҳтиёжлари, уларни қондириш масаласининг туриши бежиз эмас.

Ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ушбу долзарб масаласи Шарқнинг буюк фарзанди, биринчи файласуфи Абу Наср Форобий асарларида асосий ўрин олганлиги фикримизнинг далилидир. «Шарқ Арастуси» номи билан машҳур бўлган аллома Арасту фалсафаси таҳлилига бағишланган асарида иқтисодиёт фанининг муҳим категорияси (тушунчаси) бўлган эҳтиёжлар масаласига алоҳида эътибор бериб, эҳтиёжларни қондириш инсон ҳаракатининг марказида туражagini кўрсатди. У инсон эҳтиёжларини қондиришда меҳнат ва меҳнат қуролларининг ўрни беқиёс эканлигини уқтириб ўтди.

Ибн Сино иқтисодий қарашлари

Ибн Сино шу нарсани чуқур тушуниб етадики, одамлар ўз эҳтиёжларини қондиришда бир-бирлари билан боғланишлари, алоқа ва ҳамкорликда бўлишлари керак, яъни улар иқтисодий муносабатларга киришишлари лозим. Чунки, ҳар бир одам алоҳида ҳолда ишлаганда, у қанчалик кучли ва салоҳиятли бўлмасин ҳатто ўз эҳтиёжларини ҳам

қондира оладиган маҳсулотни яратишга қурби етмайди. Шунинг учун одамлар ўзаро иқтисодий келишув асосида, яъни меҳнат тақсимоти асосида фаолият қилишга интиладилар. Бунинг иқтисодий назария нуқтаи назаридан маъноси шуки, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳақиқатдир, табиий заруратдир, объектив ҳолатдир.

Ибн Сино одам жамиятдан ташқарида яшай олмаслигини, у жамоат муҳитидагина ижтимоий борлиқ бўла олишини қайд этган. Улар ўзаро иқтисодий ҳамкорлик орқали ўз ҳаётларини қурадилар, ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондирадилар. Бироқ, одамларнинг ўзаро муносабатлари адолат доирасида бўлмоғи даркор, адолатни эса фанни (ҳақиқатни) севадиган давлат ўрнатиши мумкин, холос. Агар қонун чиқарувчи давлат адолатсиз бўлса, жамият унга қарши кўтарилади ҳам.

Ибн Сино фикрича, давлат ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрнини (иш жойини) аниқ белгилаб бериши, қандай фаолият кўрсатишини ташкил қилиб бериши керак, айниқса, давлатда текинхўрлар, бошқалар ҳисобига кун кўрувчилар бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Давлат бундай такомилга фақат фанни ривожлантириш орқали эришади.

Ибн Сино савдо муносабатларининг жамият тараққиётида катта роль ўйнашини ҳам уқтирган. У савдо алоқалари шаҳарлар (мамлакатлар, халқлар) ўртасида йўлга қўйилиши лозимлигини уқтиради, чунки шундагина ижтимоий тараққиёт юз беради, одамлар ўртасида тушуниш вужудга келади. Юқоридаги қондаларга хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ибн Сино илмий ижодида иқтисодий муносабатлар масаласи, унинг муаммолари ва уларни такомиллаштиришга оид тадқиқотлар салмоқли ўрин тутди.

Абу Али ибн Сино «Тиббиёт достони»да ёзадики, агар ҳайвонлар табиат неъматларига қаноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришлари лозим. Унинг таъкидлашича, агар ҳайвонлар тайёр табиат неъматларини ўзлаштириб олсалар, одамлар ўз меҳнатлари билан ўзларига овқат, кийим-бош, уй-жой яратадилар, улар ана шу мақсадда деҳқончилик, хунармандчилик, чорвачилик билан шуғулланадилар. Шунинг учун аллома одамларни ижтимоий фойдали меҳнат қилишга чорлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий қарашлари

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» номли тарихий асари алоҳида аҳамият касб этади. Асарда меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш, меҳнатни тақдирлаш, бошқалар меҳнатининг қадрига етиш, моддий манфаат, касб-хунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя масалаларига катта ўрин берилган. Бу асарда ҳунармандларга, савдогарларга, деҳқонларга, чорвадорларга алоҳида-алоҳида боблар бағишланган.

Юсуф Хос Ҳожиб айтадики: «Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходимнинг кўнгли синади ... Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади» («Кутадғу билиг». Т., 1990, 63-бет). Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий инқирозлар замирида, иш унумининг пасайишида меҳнат аҳлининг ўз меҳнатидан наф кўрмаганлиги ётади. Олим давлат, эл-юрт ва унинг бошлиғи бойиши учун, оламга номи кетиши учун, қудратли давлатга эга бўлиши учун у одамларни, юмушчиларни бойитиши керак, деган ғояни илгари суради. У ёзади: «Ходим бойиса, давлат, эл бошлиғи бойийди, эл бошлиғининг кучи (давлатнинг кучи — *муаллифлар*) халқ билан. Шунинг учун... халқ тўқ бўлсин» (ўша асар, 65-бет).

Улуғ алломанинг юқоридаги иқтисодий ўғитлари республикамиз Президенти И. Каримовнинг иқтисодий қарашлари ва амалий фаолиятида, ҳукуватимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатда эътиборга олинмоқда, уларга асосланилмоқда. И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида куйидаги сатрларни ўқиймиз: «Бунда ислохотлар инсон манфаатларига мос келган, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, турмуш даражасини оширишга қаратилган тақдирдагина аҳамиятли бўлишини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим» (19-бет). Ҳа, инсон ҳаётининг даражаси ўзи қилаётган меҳнатга, унинг сифати ва миқдорига боғлиқ («хизматга яраша» — *Юсуф Хос Ҳожиб*) бўлмас экан, ҳеч қандай иқтисодий сиёсат амалга ошмайди, ўтказиладиган ислохотлар самарали натижа бермайди.

Инсон меҳнатини тўғри тақдирлаш масаласи тақсимот муносабатларининг бош масаласи, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг биринчи ва устувор воситасидир. Инсон меҳнатининг тўғри ва адолатли тақдирланишини йўлга қўйиш аслида иқтисодиётга жуда

катта капитал қўйиш билан баробардир. Аини чоғда «ҳар бир кишига ўз меҳнاتини сарфлаш соҳаси шаклларини мустақил белгилаш имкониятини бериш керак» (Ўша китоб, 18-бет). Демак, меҳнатчига ишлаш учун шароит яратиш ва уни рағбатлантириш ҳар қандай тараққиётнинг бош калитидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг манфаат (шахсий манфаат) масаласига доир ғояси айниқса аҳамиятлидир. «Аслида бутун қимирлаган жон нафни ўйлаб ҳаракатланади» деб ёзади, у. Бу фикр кейинчалик «Сиёсий иқтисод» дарсликларига «ҳар қандай ҳаракат замирида манфаат ётади» деган фикрда ҳам ўз ифодасини топиб келди.

«Кутадғу билиг» асарининг муаллифи буюк аллома ҳунар ўрганишга чақиради. У «турли-туман ҳунарларни ўрганмаслик тубандлик белгисидир», деган фикрни илгари суради. Бу ғоя кейинчалик мусулмонларнинг, барча Шарқ халқларининг миллий қоидасига айланиб кетди. Улуғ бобоқалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд эса бу фикрни «қўлингиз ишда бўлсин, қалбингиз Оллоҳда бўлсин» деган ғоя билан ривожлантирди. Бу билан мўминларни ҳунар ўрганишга даъват этди. Бугунги кунда фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, юқоридаги ўғитларга амал қилмоғимиз фарздир. Шу маънода, мамлакатимизда ота-боболаримизнинг азалий касбларини қайтадан тиклаш, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш борасидаги улугвор ишларни мамнуният билан қайд этиш зарур.

Амир Темур ва иқтисодиёт илми

Шарқ иқтисодий тафаккурининг ривожланишида улуг бобоқалонимиз, соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темурнинг иқтисодий ғоялари, у ишлаб чиққан ва амалда юритган иқтисодий сиёсат мислсиз аҳамиятга эга Амир Темур иқтисодий ғояларининг ўзига хос улугворлиги шундаки, улар хаёлий эмас, балки ҳақиқий ҳаётдан келиб чиққан ва унда ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам бу ғоялар ҳозиргача ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Амир Темур иқтисодий ғоялари «Темур тузуқлари» асарида баён этилган. Унда соҳибқироннинг мамлакатни бошқариш, уни ривожлантириб бориш қоидалари, тамойиллари, йўл-йўриқлари ўз ифодасини топган. Бу асарда иқтисодиётни ташкил этиш, барқарорлаштириш, тартибга

солиб бориш, уни барқарор суръатлар билан юксалтириб боришга оид қимматли иқтисодий тавсиялар жамланган.

Соҳибқироннинг иқтисодий сиёсати замирида инсон, у.нинг манфаати, фаровон ва тинч ҳаёт кечирish ташвишлари ётади. У одамларга касб-хунар бериш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ва тижорат ишлари билан машғул бўлувчиларга етарли сармоя бериш, зарур уй-жойлар қуриб бериш ҳақида қайғуради. «Темур тузуклари»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Касб-хунар ва маърифат аҳилларига салтанат корхоналаридан улуш берилсин, билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касб-корига қараб йўл тусинлар», «сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин», «кучи етмайдиган деҳқонларга экин-тикин учун уруғлик ва асбоб-ускуналар тайёрлаб берилсин», «фуқаролардан уй-жойи бузилиб тузатишга қурби етмаганларга керакли нарсаларни етказиб бериб, уларга ёрдам берилсин» («Темур тузуклари», Т., 1993, 67-бет). Соҳибқироннинг юқоридаги иқтисодий қоидалари бозор иқтисодиётини шакллантириш, янгича иқтисодий тарбияни йўлга қўйиш ишларида биз учун муҳим йўлланма, тарихий йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади. Қизиғи шундаки, бундай иқтисодий қоидалар Фарбагидан 300-400 йил илгари баён этилди, ҳаётий тажрибадан ўтди.

«Темур тузуклари» асарини ўрганиш шуни кўрсатдики, **Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари тизимида солиқ масаласи марказий ўрин тутади.** Чунки солиқ тизими орқали иқтисодиёт ташкил этилган, бошқарилган, мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий ҳаёти тартибга солинган.

Соҳибқирон ўз солиқ сиёсатида ҳам халқнинг манфаати устуворлигидан келиб чиққан. У агар аҳоли давлатнинг солиқ тизими орқали камбағаллашиб кетса, давлат ҳам оқибатда камбағаллашиб боради, аҳолининг бой-бадавлат яшамоғи учун адолатли солиқ тизими зарур, деб ҳисоблаган.

Амир Темур таъкидлайдики, аҳолидан олинадиган солиқлар уларнинг ишлаб топган даромадларига қараб белгиланиши, уларнинг қайси бирлари эл-юрт ободончилиги йўлида ўз мол-мулки ва сармоясини аямай сарфласа, уларга давлат солиқ тўлашда имтиёз бериши керак (қаранг: «Темур тузуклари», 95—96-бетлар).

Шу билан бирга у солиқлар одамларни меҳнатга, яратувчанликка, тадбиркорликка, соҳибкорликка

рағбатлантириши зарурлигини уқтиради. «Амр қилдимки, — дейилади асарда, — аҳолидан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, аҳолини хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувиغا олиб келади» (ўша асар, 98-бет).

Амир Темур аҳолининг ўзи юргизаётган иқтисодий сиёсатдан, хусусан молиявий муносабатлардан, пул муомаласи ва солиқ тизимидан хабардор бўлишини, яъни иқтисодий саводхон бўлишини талаб қиларди. У аҳоли иқтисодий жиҳатдан саводхон бўлса, мамлакат ҳам иқтисодий жиҳатдан равақ топади, деб ҳисобларди.

Соҳибқирон солиқлар хусусида яна қуйидагиларни ёзади: «Агар аҳоли рўйхатга олинган ерлардан бериладиган солиқни нақд ақча (пул) билан тўлашга рози бўлса...», уларга имтиёз берилиши керак (*қаранг*: ўша асар, 98-бет). Бу ерда гап солиқ тўлашда солиқни нақд пул билан тўловчиларнинг нақд пулсиз (маҳсулот йўли билан) тўловчиларга нисбатан енгилликлар олиши устида боради. Демак, Амир Темур иқтисодий сиёсати оддий меҳнаткаш халқ манфатлари билан суғорилган сиёсат эди. Бундай сиёсат дунёда иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан энг қудратли давлат тузилишига олиб келди.

Амир Темур иқтисодий дунёқараш ва унинг ҳозирги иқтисодий ислохотлар билан боғлиқлиги

Буюк тафаккур соҳиби бўлган Амир Темур қолдирган иқтисодий мероснинг бизгача етиб келганлиги жуда муҳим воқеадир. Унинг вориси бугунги ўзбек халқи ўз мустақил давлати иқтисодий сиёсатида Соҳибқироннинг ўғитларига суянмоқда. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги фармонида халқимизни улуғ аждодимиз мероси, тамойиллари, қоидалари руҳида тарбиялашга чақирди. Шубҳа йўқки, улуғ бобокалонимиз иқтисодий ғоялари яна кўплаб авлодларни иқтисодий тарбиялашда бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳозирги ислохотлар иккинчи босқичининг устувор вазибаларидан бири миллий валютамининг қадрқимматини ошириш, уни мустаҳкамлаш, ички ва ташқи алмаш олишига эришишдир. Бунга иқтисодиётни ривожлантириш, бўш пул ресурсларининг аҳоли ихтиёрида

муомаладан ташқарида қолмаслиги чораларини кўриш, пулнинг реал муомалада юриши орқали эришилади. Ана шу умумий қоидалар Амир Темур иқтисодий сиёсатида ўз ифодасини топган эди. У нақд пул билан давлат солиқларини тўлаганларга маълум имтиёзлар берган. Бу билан аҳолининг бўш пулларини муомалага киритиш, хазинани тўлдириш (бизнинг ҳозирги ифодамиз бўйича давлат бюджети даромадларини кўпайтириш), иқтисодиётимизда пул тақчиллигини келтириб чиқармаслик, пул эмиссиясини кераксиз амалга оширмаслик, яъни пулнинг қадрсизланмаслигининг гоят пухта ўйланган иқтисодий воситаси топилган.

Шунингдек, у солиқ ислоҳотига катта эътибор берган, ишлаб чиқарувчиларга солиқ тўлашда имтиёзлар берган. Бунинг мамлакат ва ишлаб чиқарувчилар манфаатига ҳам ижобий таъсир этишини яхши тушунган. Президентимиз иқтисодий ислоҳотлар ҳақида гапириб, бундан буён солиқларни фойдадан олиш ва солиқ юкини корхоналардан камайтириб бориш каби тамойилларни илгари сурганда Соҳибқирон кўрсатмаларига асосланган бўлса ажаб эмас. Бундай тартиб ишлаб чиқарувчиларда кўпроқ даромад топиш, камайтирилган солиқ ҳисобидан ишлаб чиқаришнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, замонавий технология сотиб олиш, одамларни рағбатлантириш имкониятини таъминлайди.

Амир Темур ўтказган иқтисодий ислоҳотлар тизимида деҳқонлардан олинадиган тушумларни табақалаштириш тамойили ҳам алоҳида ўрин тутди. У тушумлар миқдори ер ва иқтисодий шароитларга қараб белгиланишини талаб қилган. Масалан, янги ер ўзлаштириб деҳқончилик қилаётган кишилардан 1-2 йил солиқ олмаслик, кейинги йилларда эса у сарфлаган сармоясининг қопланишини эътиборга олиб солиқ солиш, ернинг табиий унумдорлигига қараб ҳосилнинг 1/4, 1/3, 1/2 нисбатларида тайинланиши каби табақалаштирувчи солиқлар жорий этди. Айни вақтда янги ерлар ўзлаштириш, сув чиқариш ва мелиорация ишлари юкини давлат зиммасига олиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий назария фанида аграр муносабатлар, уларнинг объекти бўлган ер, иқтисодий таълимот марказида ер рентаси, унинг мутлақ, дифференциялашган (табақали), монополь шакллари масалалари ётади. Бироқ, бу таълимот

асосчилари деб У. Петти, А. Смит, Д. Рикардо ва бошқаларнинг номлари тан олинади. Аслида дифференциал рента таълимотининг асосчиси, «карвонбошиси» соҳибқирон Амир Темур эканлигини исботлашга ҳожат йўқ. Тўғри, Амир Темур рента гоёси тўғрисида махсус асар ёзган эмас. Бироқ унинг солиқларни ер шароитлари ва бошқа объектив шароитларга қараб белгилаш тизими илмий асосланганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимида янги хўжалик турларини шакллантириш (деҳқон, фермер, якка, ижара, шахсий хўжаликлар) ва уларга нисбатан юргизилаётган солиқ сиёсатидаги имтиёз ва табақали ёндашувлар сўзсиз Амир Темур иқтисодий сиёсатига боғланганлиги табиийдир.

Мирзо Улуғбекнинг иқтисодий мероси

Мирзо Улуғбек ўзининг подшолик, олимлик, мутафаккирлик фаолиятида улуғ бобоси Амир Темур васиятларига, унинг кўрсатмаларига тўла асосланди. Натижада унинг 40 йиллик ҳукмронлиги даврида мамлакатда барқарорлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик, иқтисодий равнақ, катта ижодкорлик ҳукм сурди. Мирзо Улуғбек ўз фаолиятида иқтисод илмига, иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарорликни таъминлашга катта эътибор берди. У шундай иқтисодий ўзгаришлар (ислохотлар) қилдики, булар оқибатда иқтисодий инқирозларнинг олдини олди, давлат қудратини юксак даражага кўтарди.

Унинг солиқларни тартибга солиш ва пул муомаласини барқарорлаштириш, пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик учун кўрган чора-тадбирлари тарихий аҳамиятга эга бўлди. Масалан, у хирожнинг миқдорини белгилашда табақалаштириш йўлини тутди, яъни хирожни ернинг шарт-шароити, унумдорлиги, бозорларга яқин-узоқлиги каби омилларга қараб белгилади. Иқтисод илмининг ҳозирги тушунчаси билан айтганда, ер рентаси таълимотини асослашга ҳаракат қилди. Солиқларни пул шаклида тўлашни афзал, деб билди ва шундай солиқ шаклини ижтимоий адолатга хизмат қилади, деб ҳисоблади.

Мирзо Улуғбекнинг иқтисодий дунёқарашида пул ислоҳоти алоҳида ўрин тутди. У шу мақсадда пул зарб қилувчи корхона қурдирди. Қизиғи шундаки, пул бирликларининг

номини ана шу корхона жойлашган шаҳар — Бухоро атамалари билан белгилашни лозим топди (масалан, донаки адлия, нилдонаки адлия, дудонаки адлия каби). Пул бирлигининг вазни пул қийматига қараб 2,3 — 8,6 грамм оғирликда белгиланган. Бундай иқтисодий тадбир мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланишига, халқаро савдо равнақига, миллий пулнинг барқарор бўлишига хизмат қилган.

Табийи равишда шундай саволлар туғилади: Нима учун Мирзо Улуғбек салтанатида узоқ йиллар иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ҳукм сурди? Нима учун Мирзо Улуғбек мамлакат учун алоҳида пул зарб этувчи корхона қурдирди, пулни бошқа мамлакатда чиқариб келтирса ҳам бўлар эди-ку?

Мирзо Улуғбекнинг иқтисодий дунёқараши аслида улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг иқтисодий илмига асосланади, яъни мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш бош вазифа эди. Иқтисодий мустақиллик иқтисодий ислоҳотлар орқали таъминланади. Ислоҳотлар тизимида миллий валютанинг мустақамлигини таъминлаш ҳам ётади. Агар мамлакат ўз пул зарб қилиш корхонасига эга бўлса, муомалада ортиқча пул ресурсларининг тўпланишига, яъни пулнинг қадрсизланишига чек қўйилади, пул чиқариб келтириш учун ортиқча харажатлардан халос бўлинади. Худди ана шу асослар мамлакатимизда чуқур иқтисодий ўзгаришлар қилишга ва ўз пул чиқарувчи корхонамиз бўлишига тўртки бўлди. Бу Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида ўзимизга муносиб ўрин олишимизга хизмат қилмоқда.

Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари

Ўзбек халқининг маънавий меросида, унинг маданияти халқаро миқёс касб этишида улуғ шоиримиз, фахр-ифтихоримиз, маънавий доҳиймиз буюк Алишер Навоийнинг ўрни беқиёсдир. Ҳозирга қадар халқимиз, хусусан, ёшларимиз уни шеърят мулкининг султони деб таниб келдилар. Бироқ, унинг илмий мероси шу қадар бой ва серқирраки, унда иқтисодиёт масалаларига доир кўпгина қимматли ғоялар ҳам ўз ифодасини топган. Буюк мутафаккиримизнинг иқтисодий қарашлари унинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалб севгилиси») асаарида баён қилинган.

Ҳеч кимга сир эмаски, инсоният доимо ижтимоий адолат тамойиллари ўрнатилган демократик жамият қуришни орзу қилиб келади. Алишер Навоий ҳам ўзининг бутун онгли фаолиятини мазкур умуминсоний мақсадга қаратган эди. У асарларида тақсимот муносабатларига, уларнинг адолатли ташкил этилишига эътибор қаратди, жумладан, хизматга яраша тақдирлаш (ҳақ тўлаш) масаласи унинг диққат марказида турди. Хусусан, ясовул мисолида шундай дейди: «агар у хизматига яраша ҳақ олиши хаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир» («Маҳбуб ул-қулуб», Т., 1983, 21-бет).

Бу ерда Алишер Навоий иккита иқтисодий гоёни илгари суради: биринчидан, меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тақдирланиш фикри бўлса, иккинчидан, меҳнатга яраша ҳақ олиш «она сутидек ҳалол» эканлигидир. Айтиб ўтишимиз керакки, ҳозирги даврда ҳам бу масала долзарб бўлиб қолмоқда.

Кўриниб турибдики, бу гоё «қандай қилиб бўлмасин, тирикчилик ўтказилса бўлди-да», қабилидаги фикрга тамомила зиддир. Ёшларда, барча фуқароларда иқтисодий тарбия масаласи илгари сурилаётган бир вақтда буюк шоиримизнинг юқоридаги гоёси нақадар аҳамиятли эканлиги тушунарлидир.

Алишер Навоий савдо ва тижорат ишлари ҳақида

Алишер Навоий феодализм муносабатлари ҳукмрон бўлган бир даврда яшаб ижод этди. Унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини ўқиб шундай хулосага келдикки, Навоий жамиятнинг бойишида савдо-сотиқ, тижорат ишлари муҳим роль ўйнаши ҳақидаги иқтисодий гоёни маркантилистлардан бир аср илгариёқ асослаб берган экан. «Савдогар, — деб ёзади буюк аллома, — ёлғиз фойдани ният қилмаслиги». «савдо қилиб фойда топаман, деб ортиқча кема сурмаслиги», «мол ва пул кўпайтираман, деб жонсарақ бўлмаслиги керак». «Савдогар бож-хирожни бериш ўрнига ўз молини яшириб, ўз обрўсини тўкмаса ёки топган-тутганини меросхўрлари сотиб совуриши учун тўплаб қўймаса ёки бирор ёмон ҳодиса кўзғаш учун сарфламаса, жамғармаси яхши бўлади» (ўша асар, 33-бет).

Алишер Навоийнинг савдогарлар тўғрисидаги ушбу фикрлари бизнинг кунимизда жуда долзарб. Асарда баён

этилган юқоридаги фикрлардан қуйидаги иқтисодий хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, савдо, бозор, тижорат, муомала жараёни (олди-сотди) иқтисодиётни ривожлантиришда етакчи аҳамият касб этади, зеро, бу товарлар тақчиллигини тугатишга хизмат қилади. Иккинчидан, савдо давлат бюджети даромадининг манбаи, мамлакат иқтисодий қудратининг таянчларидан биридир, зеро, савдогарлар давлат хазинасига бож-хирож тўлаб туриш билан молиявий муносабатларда муҳим роль ўйнайдилар. Учинчидан, аллома савдогарларни инсофга, диёнатга чақиради, улардан фақат ўз фойдасини кўзлаб иш тутмасликни талаб қилади.

Алишер Навоий деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳақида

Маълумки, феодализм даврида (ҳатто энг тараққий этган мамлакатларда ҳам) асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқонлар бўлган, жамиятнинг иқтисодий аҳволи, келажак тараққиёти, одамлар фаровонлиги ҳам уларга боғлиқ бўлган. Алишер Навоий ўз даҳоси билан деҳқонларнинг моддий неъматлар яратувчи асосий куч эканлигини, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тақдири уларга боғлиқлигини кўра билди. У ёзадики, «Оламнинг ободонлиги деҳқондан, меҳнат аҳли шодон, улар шодон». «Деҳқон қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказар, ҳам баракат» (ўша асар, 36-бет).

Келтирилган фикрлардан Алишер Навоий моддий неъмат яратувчи бошқа кишилар гуруҳини (ҳунармандлар, майда товар ишлаб чиқарувчилар), уларнинг иқтисодий аҳамиятини камситган, деган хулоса келиб чиқмайди. Алишер Навоийнинг машҳур «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳунарнинг, ҳунармандчиликнинг катта иқтисодий-ижтимоий аҳамияти кўрсатиб берилганлигини ҳамма яхши билади.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, ўзбек адабиётида то Алишер Навоийга қадар ҳеч ким, ҳеч қачон оддий яратувчи инсонларни бу қадар самимият, чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан шарафламаган. Буюк мутафаккиримизнинг деҳқон хусусидаги иқтисодий ғоялари бугунги мустақил Ўзбекистон давлати иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тўғри аграр сиёсат белгилашда илмий манба

бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимиз И. Каримовнинг «Деҳқон тўқ бўлса, юрт тўқ бўлади, деҳқон бой бўлса, давлат бой бўлади», деган сўзлари буюк шоиримиз иқтисодий ғояларига ҳамоҳангдир.

Алишер Навоий таклиф этган солиқ сиёсати

Иқтисодиёт тарихидан биламизки, кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бошқариб бориш йўлга қўйилган даврлардан бошлаб солиқ тўлаш масаласи асосий иқтисодий масала бўлиб келмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда солиқ масаласи, унинг тизими, тўлаш тартиблари ва бошқа шу билан боғлиқ муаммолар янада долзарблик касб этади. Алишер Навоийнинг ҳам ўз даврида вазир ва давлат арбоби сифатида бу муаммо билан кўп тўқнаш келганлиги, у билан бевосита шуғулланганлиги тарихий манбалардан маълум. Ҳикоят қилинишича у давлат томонидан аҳолига солинган солиқларни, баъзан ҳатто ўз ҳисобидан тўлаб юборган, бу билан халқ аҳволини бир оз енгиллаштирган.

Табиийки, у вазир ҳамда амир сифатида солиқ назарияси ва амалиётидан хабардор бўлган. Айни вақтда у оддий одамларга «солиқни тўлашдан бош тортмасликни» маслаҳат беради, зеро, бундай хатти-ҳаракат «ўз шерикларига жафо қилишлик» билан баробардир, дейди. Алишер Навоийнинг солиқ ҳақидаги, бож-хирож тўлаш ҳақидаги фикрлари мустақил давлатимиз солиқ тизими ҳақидаги билимларимизнинг тарихий асосларини билиб олишга ёрдам бериши табиийдир.

Алишер Навоий қиймат категориясининг биринчи изоҳловчиси

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида «қиймат» категорияси ҳам маълум маънода ўз ифодасини топган. Албатта, мазкур асарда бу мураккаб иқтисодий тушунча илмий асослаб берилган демоқчи эмасмиз. Бизнингча, бу асарда қийматнинг мантиқий таърифи берилган. Алишер Навоийнинг қиймат ҳақидаги фикри чинни идиш мисолида (ўша даврларда чинни идиш тайёрлаш ғоят оғир, кўп меҳнат талаб қилувчи ҳунар

бўлган) шундай таърифланади: «Чинни идишнинг қиймати — уни тайёрлашдек, қийинчилигига ярашалиги биландир; уни асрашда ҳам қийматга аҳамият берилади. Қиймати оз нарсанинг — хурмати оз» (ўша асар, 78-бет). Бу ерда биз учун аҳамиятли бир хулоса шуки, ҳали Фарб адабиётларида «қиймат» тушунчаси учрамаган бир даврда бизнинг буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қийматнинг миқдорий жиҳатини тушуниб етди, яъни қиймат миқдорини ижтимоий меҳнат, унинг мураккаблик жиҳатлари белгилашини асослаб берди.

Алишер Навоий фойда, мулк, тежамкорлик ҳақида

Алишер Навоий одамларни хунарли бўлишга, доимо ҳаракат билан яшашга, тадбиркорлик, тежамкорлик хислатларини эгаллашга ундайди. Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди: «Ҳар бир ишдан фойда кўрганингда бажар, уни бажаришда қийинчиликлар ва иккиланишлар пайдо бўлса, машаққати озроқ томонга куч бер, қийинчилигидан эринмаслик чорасини кўр» (ўша асар, 71-бет). Кўриниб турибдики, бу ғояларда тадбиркорликнинг мазмуни чуқур мантиқийлик билан баён қилинган, уларда инсон ақл-заковат билан иш юритишга даъват этилган.

Алишер Навоий иқтисодиётнинг муҳим жиҳати бўлган мулк масаласига эътиборни қаратади. У мулкни тўғри тасарруф этиш, ресурслар, иқтисодий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак, дейди. Ана шунда одамлар тўқ ва фаровон яшашлари мумкинлиги ҳақидаги иқтисодий қарашни илгари суради. «Исроф қилиш сахийлик эмас, ўринсиз совуришни ақлли одамлар сахийлик демас. Ҳалол молни куйдирганни девона, дейдилар; ёруғ жойда шам ёққанни ақлдан бегона, дейдилар», — деб ёзади аллома (ўша асар, 69-бет).

Бизнинг илмий-техник тараққиёт давримизда мамлакатимиз бойликларини исроф қилмай ишлатиш, уларни келажак авлодларга ҳам мерос қилиб қолдириш зарурати кундан-кун ортмоқда. Бунинг устига мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни бозор иқтисодиёти ҳам талаб қилаётир. Бундай шароитда улуг шоиримизнинг юқоридаги маслаҳатларига асосланиб ҳўжалик юритишни одат қилсак келажакимиз фаровон, юртимиз бой, Ватанимиз буюк бўлишига эришамиз.

Буюк ёзувчимиз Ойбекнинг шоҳ асари бўлмиш «Навоий» романида ҳам шоирнинг иқтисодий тафаккури, иқтисодий муносабат масалалари билан бевосита шуғулланганлиги, ўша даврнинг иқтисодий муаммоларига ечим топишга қодир бўлган буюк аллома ва тadbиркор, инсонпарвар давлат арбоби эканлиги каби бир қатор фазилатлари очиб берилади.

Асарда ёзилишича Алишер Навоий мулозимлар (ўзига қарашли ерларда деҳқончилик ишларини бошқарувчилар) билан тез-тез учрашиб туради, улар билан суҳбатлар қуради, кўш ва экинлар ҳақида, деҳқонларнинг аҳволи, тирикчилик ўтказиши, истеъмол буюмларининг нарх-наволари билан қизиқади. У ўз ҳужалигида иш юритувчиларга оморларда қолган ўтган йилги ғалланинг бир қисмини мамлакат кўшинларига ажратишни ва бир қисмини бева-бечораларга эҳсон сифатида улашиб беришларини топширади. Айни чоғда бундай хайрли ишга тездан тайёргарлик кўришни буюради. Кўриниб турибдики, улуғ бобокалонимиз ўзига тегишли бўлган мол-мулкни давлат хавфсизлигини таъминлаш, одамларга тинч меҳнат шароити яратиб бериш, қийналиб қолган одамларга моддий ёрдам бериб туриш каби олижаноблик хислатларини ўзида мужассамлаштирган буюк инсон эди.

Биз юқорида буюк ажодларимиз, халқимиз етиштирган айрим даҳоларнинг иқтисодий меросигагина тўхталдик. Ўзбек халқи эса улуғ соҳибқирон Амир Темур айтганидек, буюк халқдир, унинг иқтисодий мероси, эндигина ўрганилмоқда. Аминмизки, яна қанчадан-қанча иқтисодий билим манбалари очилади. Бизнинг вазифамиз уларни чуқур ўрганиш асосида ўз иқтисодий тафаккуримизни шакллантириш, бойитиш, иқтисодиётимизни юксалтиришдир.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур иқтисодий қарашлари

Бобур ўзининг қисқа ҳаёти давомида кўпқиррали фаолият юргизди, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги кўплаб муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилди. Унинг илмий дунёқараши машҳур «Бобурнома» асарида баён этилган. Бу асар ўзининг ҳар жиҳатдан мукамаллиги, турли соҳаларга оид тадқиқотларнинг маҳсули эканлиги, жуда кўп фанларга оид бебаҳо

материалларга бойлиги билан илмий жамоатчиликнинг ҳайрат ва таҳсинига сазовор бўлди, тарихимизни билиш, ўзлгимизни англаш учун бебаҳо манба сифатида ҳам аҳамиятлидир. Унда адабиётшунослик, манбашунослик, география, тилшуносликка, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид ғоя ва қарашлар мужассамлашган, бу асарни мутолаа қилар эканмиз, ундан мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, улардан хулосалар қилиш ва қилаётган ишларимизда фойдаланиш учун фикрлар топамиз. Айниқса, иқтисодиётга оид, унинг умумий асосларига (ишлаб чиқариш, унинг инсоният ҳаётидаги аҳамиятига) оид, савдо ва тижоратга боғлиқ илмий қарашлар бизни тўлқинлантиради.

Гарчи бизнинг қўлимизда Бобурнинг давлатни бошқариш, ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этишга оид алоҳида асари ёки унинг ўша даврларда юргазган иқтисодий сиёсатига доир манбалар бўлмаса ҳам, илмий тафаккур кучи билан шундай хулосага келиш мумкинки, у иқтисодий муносабатларнинг, иқтисодий қонунларнинг моҳиятини, қонунларнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини чуқур тушунган, адолатли қонунлар ва фармонлар қабул қилган, оқилона иқтисодий сиёсат юргизган бўлса керакки, унинг даврида давлатда осойишталик, ҳамжиҳатлик, тараққиёт қарор топган, у асос солган салтанат бир неча аср яшаган.

«Бобурнома» узоқ йиллар «Буюк ипак йўли» бўйлаб қилинган саёҳат ва кузатишлар тафсили берилган асардир. Бу йўлдан қанча-қанча савдогарлар, тожирлар (тижоратчилар, дўкандорлар) ўз товарларини дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатларига етказиб берганлар. Улар ўз ишлари билан нафақат иқтисодий фаолиятни, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантирдилар, айтиб чоғда улар халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва ўзаро манфаатдорлик ришталарини ҳам боғлаганлар. Маълумотларга қараганда ҳатто урушлар, ўзаро келишмовчиликлар ҳукм сураётган даврларда ҳам савдогар-тижоратчиларнинг мол-мулкани талаш, босқинчилик қилиш, зиён етказиш қаттиқ қораланган. Агар мозийга назар солинса, ўша даврларда давлатлар, хонлар, подшоҳлар уруш-жанжаллар асосан қулай савдо йўллари, бозорлари, дунё бозорларига чиқиш мақсадларида олиб борилган. Буюк Амир Темур сингари Бобур ҳам мамлакатлар, халқлар ўртасида ҳалол савдо-сотик,

хамкорлик, тинчлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун курашган.

«Бобурнома»да асар муаллифининг ўзи туғилиб ўсган юрт, Ватани, унинг табиий, иқтисодий, маънавий ресурслари, меҳнаткаш, яратувчи халқи тўғрисида тўлқинланиб ёзган сатрларини ҳаяжонсиз ўқиш қийин. Мана жонажон Андижон ҳақидаги фикри: «...Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофур, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун согмоқ расм эмас...» (З. М. Бобур. «Бобурнома». Т., 1989, 5 — 6-бетлар); Қобул ҳақида «Ҳиндистон била Хуросонға восита бу вилоятдур. Бисёр яхши савдохонадир. Савдогарлар Хитойга ва Румга борсалар, ушмунча — ўқ савдо қилғайлар... Қуйи Ҳиндистондин ўн-ўн беш-йигирма минг ўйлуқ корвон Қобулга келур... Хуросон ва Ироқ, Рум ва Чин матои Қобулда топилур... Найшакарни келтуруб эктуруб эдим. Чилғузани Нижровдин келтурурлар» (ўша жойда, 117 — 118-бет). Ёки Самарқанд тўғрисида шундай ёзади: «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шаҳредур, бу шаҳарда бир хусусияти борким, ўзга кам шаҳрда андоқ бўлғай. Ҳар ҳирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига махлут эмастур, тавр расмедур. Хўп нонволиқлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқар. Жувози қоғозлар суйи тамом Конибилдин келаду...» (ўша жойда, 46-бет).

Юқоридаги фикрларнинг биз учун аҳамиятли томони шундаки, биринчидан, уларда иқтисодий фикрлар, иқтисодий қарашлар ифодаланган бўлса, иккинчидан, Бобурнинг яратувчилик, иқтисодиётни яратиш, ишлаб чиқаришга қизиқишлари баён этилгандир. Моддий неъматларнинг узоқ-узоқларга етиб бориши ва машҳур бўлиб кетиши ўша давр иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг натижаси бўлса, бошқа томондан, улар савдогарларнинг олижаноб хизматлари туфайлидир. «Бобурнома»да бир юрт товарининг бошқа юртларга олиб борилиши, алмашуви, аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиши ва уларнинг аҳамияти мароқ билан ҳикоя қилинади.

Бобурнинг иқтисодий дунёқараши ва тафаккури «Зақот тўғрисидаги китоб»ида янада теранроқ, мукамалроқ ва кенгроқ баён этилган.

Бобурнинг «Зақот тўғрисидаги китоб»ида «Қуръони Карим» ва Ислом шариати қоидалари асосида солиқ

ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган. Маълумки, Исломдаги фарзлардан бири закотдир. У маълум даражада солиқ маъносида қўлланилади. Бобур ғоят адолатли, инсонпарвар бўлганлигидан унинг солиқ ҳақидаги қарашлари ҳам умуминсоний қадриятларга асосланган. У солиқни ҳисоблаш учун солиқ объектини, яъни мол-мулкнинг солиқ солишига лаёқатли миқдорини аниқлаш зарур, деб билган. Солиқ ҳосилга, яъни солинаётган даромадга қараб белгиланиши зарур деб қараган.

Бобур иқтисодий таълимотида «хирож», яъни ер солиғи масаласи алоҳида ўрин тутаети. У ер солиғини икки тоифага бўлади: «мусаллам ва муваззар». Биринчиси олинган ҳосилнинг миқдорига боғлиқ бўлган, яъни ҳосилнинг 1/3 дан 1/2 гача миқдорда белгиланган; иккинчиси экилаётган ер майдонига боғлиқ қилиб қўйилган. Суғориладиган ерларга белгиланадиган солиқлар ҳам алоҳида ҳисобланган, зеро, Шарқда бундай фикр алоҳида эътиборда турган. Шундан келиб чиқиб, «сув солиғи» жорий этилган бўлиб, у ҳосилнинг ўндан бирининг ярми миқдориде тайинланган. Шу билан бирга чорва ҳайвонларига ҳам уларнинг турлари, сони ва қаерларда боқилишига қараб табақалаштирилган тарзда солиқ сиёсати юргизилган. Масалан, 40 та қўйдан биттаси, 120 та қўйдан иккитаси, 201 тадан 400 тагача учтаси, қўй сони 400 тадан ортган бўлса, ҳар 100 та қўйдан биттасини солиққа тўлаш фарз қилинган.

Феодализм жамияти шароитида иқтисодиётда савдо-сотиқнинг аҳамияти беқиёс катта, унинг юрт тараққиётидаги салмоғи юқори бўлганлиги маълум. Бобур ҳам ўқимишли, иқтисодиёт қонунларини яхши билганлиги учун ҳам савдогарларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини тўғри баҳолайди, уларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар масаласида алоҳида (ўзига хос) иқтисодий механизм таклиф этади. Масалан, савдогарлар **савдо йиғимининг ҳар 20 мисқол олгинидан бир мисқоли** савдо йиғими тарзида солиққа тортилган. Бу механизмнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, биринчидан, солиқ ҳиссасининг савдодан олинадиган даромад ҳиссасига нисбатан камайиб бориш тамойили акс этган, бу эса савдогарларни савдо ҳажмини орттириб боришга рағбатлантирувчи восита эканини ўйлаган; иккинчидан, агар савдогарлар Шарқ мамлакатларидан келган бўлсалар, улар даромадининг 1/20 қисми миқдориде солиқ белгиланган.

Айни чоғда Бобур мусулмон савдогарларидан олинган солиқ миқдори уларнинг ўз мамлакатларидаги худди шу миқдордаги савдо даромадига белгиланган солиқ миқдоридан ортиқ бўлмаслиги ҳақида кўрсатма берган.

Бобур ишлаб чиққан солиқ сиёсати узоқ йиллар давомида мусулмон мамлакатларида қўлланилиб келинди. Бу эса Бобур иқтисодий дунёқарашининг жуда чуқур илмий асосга қурилганлигини, узоқни кўзлаш салоҳиятига эга эканидан далолат беради. Бундай илмий салоҳият унинг ворислари, ҳамюртлари бўлган бизларда унга нисбатан янада чуқур ҳурмат ва фахрланиш ҳиссини туғдиради.

Бобур савдо-сотиқнинг халқлар ўртасидаги аҳамиятини жуда чуқур тушунар эди. Шунинг учун ҳам у савдо карвонларини йўлларда талаш, босқинчилик қилиш, мол-мулкига зиён етказиш каби салбий иллатларга шахсан ўзи ҳам қатъий қарши чиқади. Бунга мисол қилиб қуйидаги сўзларни келтириш мумкин: «Калотга етганда, қалин Ҳиндустон савдогариким, Калотга савдо қилгали келган экандурлар, қоча олмадилар, черик эли алар устига — ўқ етиб борди. Аскар бирин бўлдиларким, шундоқ ёғийлик маҳалида ёғий вилоятга келатурғонларни таламоқ керак, мен рози бўлмадим, савдогарларнинг не гуноҳи бор...» (ўша асар, 187-бет).

Ўзгалар мулкига хиёнат қилмаслик, уларнинг мулкани муқаддас билиш, эл-юрт фаровонлиги йўлида тиниб-тинчимай ишлаётган одамларни кадрлаш, уларни ҳимоя қилиш каби умумбашарий қадриятлар Бобурга унинг отасидан, бобоси Амир Темурдан мерос бўлиб келган. Отасининг ана шундай олижаноб хислатини эслаб қуйидагиларни ёзган эди: «Адолати шу мартабада эдиким, Хитой карвони келатурғонда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлуқ карвонни қор бостиким, икки киши қутулди. Хабар топиб мухассиллар йибориб, карвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳар чандиким, вориси ҳозир йўқ эди, бовужуди эҳтиёж сахлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуриб, молларини солим топширди» (ўша асар, 10-бет).

Улуғ бобокалонимиз Бобур тузган давлатнинг бир неча асрлар яшнаб, равнақ топиб боргани, унинг муборак номи асрлар оша яшаётгани ижтимоий адолат кучи жуда юқори эканлиги туфайли ҳамдир. Шунингдек, Бобур бизга

қолдирган маънавий ва иқтисодий тафаккур мероси, у юрғазган иқтисодий сиёсат мустақиллигимиз учун курашимизда қудратли таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, Бобур иқтисодий дунёқарашини ўрганиш, унинг иқтисодиётга оид қарашларини тадқиқ этиш навбатдаги долзарб вазифалардан биридир. Биз юқорида келтирган фикрлар бу эзгу ишдаги дастлабки ҳаракат маҳсулидир, холос.

Ибн Халдуннинг иқтисодий қарашлари

Ибн Халдун Шарқнинг буюк файласуфи, тарихчиси, сиёсатшунос олим, давлат арбоби ва йирик иқтисодчиси сифатида ўз даврида катта обрў ва шон-шуҳрат қозонган тарихий шахсдир. У 1332 йилда Шимолий Африканинг Тунис шаҳрида таваллуд топди. Унинг аجدодлари бир неча аср давомида обрўли давлат лавозимларида фаолият кўрсатганлар. Унинг отаси эса сиёсий ҳаётдан кетиб, фаннинг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб борган, ўзини фанга бағишлаган киши эди. Табиийки, бундай муҳитда фарзанд тарбиясига қулай шарт-шароит яратилган. У отаси раҳбарлигида ислом ҳуқуқи, тил ва адабиёт, сиёсат ва иқтисод фанларини чуқур эгаллади. Айни чоғда ибн Халдун ўз даврининг етук давлат арбоби даражасига кўтарилди, бир қанча давлатларнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири — умрининг охирларида буюк соҳибқирон Амир Темур билан учрашиши, унинг эътиборини қозониши, унинг иқтисод ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилганидир.

Ибн Халдун бир қанча йирик асарлар ёзди. У кўпроқ фалсафа ва сиёсатшуносликка оид китоблар битди. Унинг иқтисодий қарашлари ҳам жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилган бўлиб, «Кириш» деб аталган асарида баён қилинган.

Ибн Халдун меҳнат ва меҳнат тақсимоти ҳақида

У тарихни одамларнинг ўзлари яратади, ижтимоий тараққиёт уларнинг ҳаракати ва манфаатларини рўёбга чиқариш жараёнида амалга ошади деган фикрдан келиб чиқиб, одамларнинг меҳнат фаолиятлари ва бу жараёнда уларнинг бир-бирларига ҳамкорлиги, мадади, ёрдам

беришлари масаласига катта эътибор берди. Унинг фикрича, одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти шакллари жамиятнинг яшаш ва ривожлантириш шартидир, бу эса уларнинг моддий эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бироқ, эҳтиёжларни алоҳида, ажралган ҳолда қондириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, эҳтиёжларнинг қондирилиши фақат бошқалар билан биргаликда ишлаш, меҳнат турларини қобилиятларига қараб бўлишиб олиб ишлашлари асосидагина бўлиши мумкин. Демак, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжлари фақат биргаликдаги ҳаракат билангина қондирилади.

Ибн Халдун табиий-географик муҳит (ер, сув, табиий шароит, тупроқ унумдорлиги, рельеф ва ҳ.) одамлар ҳаётига, уларнинг яшаш тарзига, иқтисодий фаолиятига кучли таъсир кўрсатишини, бироқ у кишилик жамияти тараққиётини таъминловчи бош омил бўлолмастегини уқтирган. Бундай бош омил одамларнинг меҳнат тақсимоги асосида уюштирилган иқтисодий фаолияти бўлиши мумкин. Бироқ, одамлар бир-бирлари билан яшаш шароитларини, яшаш воситаларини яратиш мақсадидагина боғланидилар, ўзаро ёрдамлашадилар.

У индустриал (саноат), яъни меҳнатни ташкил этишнинг шаҳар шаклини юқори баҳолайди, уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг олий босқичи, деб атайди. Чунки шаҳар ишлаб чиқариш шароитида моддий ва маънавий неъматларни яратиш усуллари такомиллашади, инсон ижтимоий раvнақ топишнинг юқорироқ поғонасига кўтарилади, шаҳар ҳаёт уклади ҳунармандчилик (саноат) ривожланишига ҳамда унинг кенг тарқалишига асос бўлади. Шуларга асосланиб олим қайд этадики, меҳнат қуролларининг ишлаб чиқарилиши ва ижтимоий меҳнат тақсимоги табиий раvишда маҳсулот алмашувини кенгайтиради. Алмашув жараёнида эса истеъмол ривожланади, одамлар даромади кўпаяди ва даромадлар асосида яшаш тарзи шаклланади.

Ибн Халдуvнинг қўшимча маҳсулот назарияси

Одамларнинг меҳнат тақсимоги асосида ишлаши уларнинг меҳнат унумдорлигини оширади, яъни зарурий эҳтиёжларни қоплаб қўшимча маҳсулот яратиш имкониятини туғдиради. Олим ёзадики, жамоага, гуруҳга

бирлашган одамларнинг бир-бирига таъсири, ўргатиш, ёрдами натижасида уларнинг ўзлари истеъмоқ қиладиган маҳсулотдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, яъни қўшимча маҳсулот яратилади. Гап шундаки, одам якка ҳолда ўзини боқишга ҳам етмайдиган маҳсулот яратиши мумкин, агар улар бирлашиб ишласалар (биринчиси—темирчи, иккинчиси—дурадгор, учинчиси—ҳайвонларга қарайди, тўртинчиси—ерга ишлов беради, бешинчиси—бошоқ теради, янчади ва ҳ.), яъни меҳнат тақсимоти асосида фаолият қилсалар, кўпроқ неъмат яратадилар.

Мутафаккир уқтирадики, шаҳарнинг ёки вилоятнинг бир қисм аҳолиси меҳнат тақсимоти асосида ишлаб, зарурий маҳсулот яратса, аҳолининг бошқа қисми ортиқча меҳнати билан қўшимча маҳсулот яратади. Бу маҳсулот ёрдамида бошқа эҳтиёжларни қондириш мумкин бўлади. Эҳтиёжларни қондириш эса маҳсулотларни қиймати бўйича алмаштириш орқали таъминланади. Демак, қўшимча меҳнат ва қўшимча маҳсулот алмашувни вужудга келтиради, бозорларни келтириб чиқаради, эҳтиёжлар таркибини кенгайтиради, уларга эришиш учун интилишни кучайтиради.

Ибн Халдуinning қиймат назарияси

Маълумки, қиймат категорияси иқтисодиёт фанида энг мураккаб, қийин тушуниладиган, таҳлили қийин кечадиган иқтисодий муносабатлардан биридир. Қиймат категориясини тушуниш ва унинг ҳақида илмий фикр илгари суриш ўша тарихий шароит нуқтаи назаридан қараганда ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмаслиги аниқ. Шундай бўлса-да, биз ибн Халдун илмий дунёқарашида қиймат категориясини тушунишга, уни тушунтиришга дастлабки, биринчи ҳаракатни кўрамиз.

Ибн Халдуinning буюк хизматларидан бири шуки, у меҳнатнинг қиймат яратувчилик ролини кўрсатиб берди, товарлар алмашуви асосида уларга сарфланган ижтимоий меҳнат ётишини асослади, яъни у қиймат субстанциясини тушунишга интилди. Қиймат субстанциясининг асосини ижтимоий меҳнат ташкил этиши ҳақидаги фикр ўз даври учун ғоят қимматли эди, чунки бу масалада Шарқ олими Арастудан илгарилиб кетган эди. Арасту қиймат деганда

алмаштирилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани тушунган эди.

Ибн Халдун икки нарсанинг ўзаро бир-бири билан алмашинуви асосида нима, қандай иқтисодий асос ётишини тушунишга ҳаракат қилди. Унинг қарашига кўра, қиймат ижтимоий меҳнатнинг намоён бўлиши ёки ифодаланишидир, унингсиз қишлоқ хўжалиги ҳам, ҳунармандчилик ҳам амал қилмайди. Шуниси аҳамиятли ва қувонарлики, Шарқ мутафаккири қиймат тўғрисидаги ўз қарашларини Фарб иқтисодчиларидан 300—400 йил илгари сурган эди. Бироқ, Шарқда кейинчалик иқтисод илмига эътиборсизлик олим қарашларининг жаҳон миқёсида тарқалишига ва унинг қиймат назарияси бўйича асосчи бўлиб танилишига таъсир этди.

Ибн Халдун мулкчилик ва мулкдорлик ҳақида

Ибн Халдун иқтисодий таълимотида мулкчилик муносабати ва одамларнинг мулкдор бўлишлик масаласи алоҳида мавзудир. Унинг фикрича, инсон шундай камолотга, ижтимоий борлиққа эришадик, агар унинг тимсолида ишлаб чиқарувчилик фаолияти билан мулкдор бўлишлик муштараклик касб этган бўлса. У мулкдор бўлишлик инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи, дейди. Кишилик жамиятининг вужудга келиши ҳам одамларнинг мулкдор бўлишга интилишларидандир. Демак, мулкдор бўлиш, хусусий мулкка эгалик қилиш инсоннинг қонуний, объектив ҳуқуқи, табиий заруратдир.

Агар ибн Халдуннинг мулкдорлик, хусусий мулкчилик ҳақидаги қарашларини бугунги кун нуқтаи назаридан қараб таҳлил этилса, шу нарса аён бўладики, иқтисодий эркинлик (мулкдор бўлиш, мулкни эркин тасарруф этиш ва уни истеъмол қилиш) инсон учун ёғ нарса эмас; уни мулкдорлик ҳуқуқидан маҳрум этувчи сиёсий кучларгина бу умуминсоний ҳақиқатни инкор этганлар ва ҳатто уни поймол этишган.

Инсон ҳуқуқлари Декларациясида, барча демократик давлатлар Конституцияларида қайд этилган одамларнинг хусусий мулкдорлик ҳуқуқи ҳақидаги қондалар ибн Халдун таълимоти асосида қонунлаштирилган бўлса эҳтимол; шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Конституциясида,

Президентимиз И. Каримовнинг асарларида одамларни мулкдор қилмай туриб иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўз мақсадига эриша олмаслиги тўғрисидаги хулосаларда улут бобокалонимиз, Шарқ иқтисод илмининг даҳоси ибн Халдун қарашларининг руҳи сезилади.

Ибн Халдунинг жамият билан унинг аъзолари ўртасидаги иқтисодий муносабат фалсафаси

Унинг фалсафий ва иқтисодий қарашларида жамият билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабат масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Унинг таълимотига кўра, жамиятнинг ҳолати, унинг бойиши, равнақи, истиқболи унинг аъзоларининг иқтисодий ҳаракатларига, яшаш воситаларини яратишга бўлган интилишларига боғлиқдир. Агар одамлар яшаш воситаларини топишга интилмасалар, ҳаракат қилмасалар, ғамхўрлик қилишмаса, бозорларда товарлар сотилмай қолади, бозорлар ҳувуллаб қолади, бозордан барака қочади.

Бундай шароитда одамлар ҳар томонга, ўзга юртларга тарқалиб, мамлакат аҳолиси камайиб кетади, оқибатда давлат хароб бўлади ва иқтисодий таназзулга учрайди. Демак, у давлат ҳокимияти ва хусусий мулкчиликни, жамият билан унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни жамият нормал ҳаётининг асослари деган тушунчани асослайди, улар генетик жиҳатдан диалектик боғлиқ муносабатлардир.

Ибн Халдун пул ва бойлик хусусида


У феодал даври вакили бўлганлиги учун **пулни бойлик деб тушунди, жамиятнинг асл бойлиги пулдир, жамиятда пул қанча кўп бўлса, у шунча бойдир деган фалсафага асосланди.** Бундай фикрларнинг олим онгига сингиши бежиз эмас, албатта. Зеро, унингча моддий буюмлардан фақат олтин ва кумушгина қийматни ёки маҳсулотдаги бутун меҳнатни мужассамлаштиради. Унинг бундай чекланган илмий қарашини яна шундан келиб чиқадики, у ҳали товар қиймати одамлар ўртасидаги, бозор субъектлари ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабати эканини тушуниб етмаган эди. Шунинг учун ҳам қиймат ва пул моҳияти ҳақида чекланган қарашлар билан кифояланди.

Ибн Халдун **фойда категорияси** ҳақида фикр юритиб, унинг манбаи қўшимча маҳсулот эканини тушуниш даражасига кўтарилмади. У савдогар оладиган фойда товарларни ўз қийматидан арзон олиб, қиймат баҳосида сотишдан, бойлар томонидан одамлар меҳнاتини тўғри тақдирланмаслигидан келиб чиқади деб тушунди.

Гарчи ибн Халдуннинг иқтисодий қарашларида айрим нуқсонлар бўлса ҳам улар бизни иқтисодий таълимотлар тарихи тўғрисидаги билимларимизни янада чуқурлаштиришга, иқтисодий тафаккуримизни шакллантиришга ёрдам беради. Энг муҳими, қатор иқтисодий категориялар моҳияти тўғрисида илмий асосланган қарашларни иқтисод илми тарихида биринчи бўлиб илгари сурганлиги, Шарқ иқтисодий тафаккури Фарб иқтисодий қарашларидан тарихан анча асрлар илгари шаклланганлиги бизнинг гуруримизни янада кўтаради.

* * *

«Алломаларимиз иқтисодий мероси» мавзуси бўйича ўрганиладиган асосий иқтисодий қоидалар, категориялар, тушунчалар: «Куръони Карим» ва «Ҳадис»лардаги иқтисодий ғоялар: меҳнат ва меҳнат тақсимоти; Форобий ва ибн Сино эҳтиёжлар ҳақида; Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» достони, хизматни (меҳнатни) адолатли тақдирлаш; Юсуф Хос Ҳожибнинг манфаат масаласидаги қарашлари: Баҳоуддин Нақшбанд меҳнатнинг аҳамияти ҳақида; Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари; Амир Темурнинг солиқ тизими, Амир Темур аҳолини банд қилиш, сармоя бериш, рағбатлантириш ҳақида; Амир Темур ижтимоий ҳимоя ҳақида; Соҳибқирон аҳолининг иқтисодий саводхонлиги тўғрисида; Мирзо Улуғбекнинг солиқ тизими; Мирзо Улуғбек ва пул ислоҳоти; Алишер Навоийнинг меҳнатни тақдирлаш, савдо ва тижорат масалаларига доир, деҳқонлар, ҳунармандлар хусусидаги фикрлари; Навоий тежамкорлик, фойда ва мулк муносабатлар ҳақида. Ибн Халдун меҳнат ва меҳнат тақсимоти ҳақида. Ибн Халдуннинг қўшимча маҳсулот назарияси, қиймат назарияси. Ибн Халдун мулк ва мулкчиликни қандай тушунган, Ибн Халдуннинг пул ва бойлик ҳақидаги тушунчалари.



Ҳозирги замон иқтисодиёти асослари

VIII боб. ТОВАР (ХИЗМАТ) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ

Натурал хўжалик — товар хўжалигининг моддий асоси

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг дастлабки шакли — натурал хўжаликдир. Бу хўжалик ички эҳтиёжларни қондириш учун, хўжалик аъзоларининг истеъмоллари учун йўналтирилган ижтимоий хўжаликларнинг илк шаклидир. Бу хўжаликда барча ишлар қўл кучи билан бажарилган, қайта ишлаш, хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириш хўжаликнинг ўз кучи билан амалга оширилган. Натурал хўжаликнинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасининг пастлиги, меҳнат тақсимотининг йўқлиги, меҳнат унумдорлигининг ғоятда пастлиги ва бошқа сабаблар билан боғлиқдир; улардаги ишлаб чиқариш, асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан иборат бўлиб, тоиндуриал даврлар учун характерли эди.

Аста-секин ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши, хусусий мулкчиликнинг қарор топиши натурал хўжаликнинг емирилишига, унинг ўрнида **товар хўжалиги** деган янги ижтимоий хўжалик шаклининг шаклланишига олиб келди. Товар хўжалиги узоқ тарихий тараққиёт маҳсули сифатида вужудга келди. Дастлабки вақтларда улар натурал хўжаликдан кескин фарқ қилмас эди, кейинчалик ижтимоий хўжаликнинг мустақил, ўз келажагига эга бўлган, илғор шаклига айланди.

Товар хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни

Товар хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган, бирон-бир истеъмол неъматини ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ўзларининг ички эҳтиёжларини олди-сотди орқали, бозор орқали қондирадиган алоҳида хўжалик

туридир. Товар хўжаликлари бозор билан боғланган, бозор талаблари асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этадиган хўжалиқлардир. Даврлар ўтиши билан ижтимоий меҳнат тақсимоти турлари ҳам ортиб борди. Агар товар хўжалиқларининг дастлабки шакли оддий товар хўжалиги бўлса, кейинчалик капитализм вужудга келиши билан йирик товар хўжаликлари пайдо бўлди, улар ҳозиргача мавжуд бўлиб, кенг ихтисослашган товар хўжаликлари сиқувига, рақобатга бардош бериб келмоқда. Бундай хўжалиқлар ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган.

Оддий товар хўжалиги шундай хўжаликки, унда ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳукм суради, хўжалик эгаси ва аъзолари шахсан меҳнат қилади ва ишлаб чиқаришдан мақсад — оила ва хўжалик эҳтиёжларини қондиришдир. Йирик товар хўжалиги эса кенг хусусий мулкчиликка, ёлланма меҳнатга асосланган бўлиб, мақсади — бойлик орттириш, фойда олишдир. Ҳар икки товар хўжаликлари учун характерли жиҳат — товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўз хўжалигини сақлаб қолиш. юқори фойда олиш ва ривожланиб бориш учун рақобат курашидир.

Товар хўжаликлари қандай афзалликларга эга?

Товар хўжалиқларининг афзалликлари, аввало шундаки, улар иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиб, алоҳида-алоҳида фаолият олиб боради. Бунинг маъноси шундаки, нима ишлаб чиқаради, қанча ишлаб чиқаради, кимга ва қаерда сотади, қандай баҳоларда сотади — бу фақат товар ишлаб чиқарувчининг ўз иши, у фақат бозор қонунларини тан олади ва уларнинг талаблари билан ҳисоблашади, холос. Бу хўжалиқнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда хусусий манфаатларни рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратиш мумкин, хўжалиқнинг равнақи ёки тақдири асосан унинг эгалари қўлида.

Товар ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг алоҳида шакли

Товар ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг шундай алоҳида, ўзига хос шаклики, бунда ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар) иқтисодий жиҳатдан мустақилдирлар, яъни улар маълум шакллардаги мулк эгалари, мулкни мустақил тасарруф қилувчилардир. Бунда ишлаб чиқарувчилар чуқур ижтимоий меҳнат тақсимотига

асосланганлари учун товарлар ёки хизматлар яратишнинг бирон-бир турига ихтисослашадилар, бундай ишлаб чиқаришда ижтимоий эҳтиёжлар бозор орқали, олди-сотди орқали қондирилади. Берилган таърифдан куришиб турибдики, товар ишлаб чиқаришнинг келиб чиқиши ва ҳаракат қилиш асоси ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва ўсиб боришидир.

Товар ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти деб аталаётган иқтисодий тизимнинг моддий асосидир. Демак, бозор иқтисодиётига ўтиш ёки бозор муносабатларини шакллантириш учун хусусий мулкчиликни, унинг ранг-баранг шакллари, умуман кўп мулкчиликни вужудга келтириш лозим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асоси сифатида давлат мулкчини хусусийлаштириш амалга оширилади. Унинг ҳуқуқий негизи сифатида «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» қонун қабул қилинган.

Мамлакатимиз олдида турган асосий иқтисодий вазифа товар ишлаб чиқаришни тизим сифатида шакллантиришдир. Бошқача айтганда, товар ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) доирасидан ташқарида турувчи ёки унга тортилмаган бирон-бир корхона, муассаса, идора ва фуқаро бўлмаслигига эришишимиз лозим. Товар ишлаб чиқариш тизим сифатида шаклланмоғи учун бозор объекти бўлмаган бирон-бир неъмат ёки хизмат бўлмаслиги керак. Масалан, одамларнинг иш кучи, интеллектуал қобилияти ҳам товар сифатида ишлаб чиқарилади, сотилади ва харид қилинадиган бўлади. Бозор муносабатлари тўлақонли тарзда қуриломоғи учун ҳатто ер ҳам товар шаклини олиши лозим. Бизнинг суғориладиган деҳқончилик шароитимизда ер бозорини ташкил этиш анча қийин вазифа бўлишига қарамай, уни йўлга қўйиш ҳаёт тақозосидир. Зеро, ана шу йўл билан табиатан чекланган ер ресурсларини асраб-авайлаш, унинг унумдорлигини муттасил ошириб бориш, ундан самарасиз фойдаланиш ҳолларига чек қўйиш мумкин.

Товар ишлаб чиқариш тизим сифатида асосий муносабатга айланиши бошқа иқтисодий тизимларнинг бутунлай чекланишини билдирмайди. Масалан, ўз характерига кўра натурал шаклда бўлган шахсий ёрдамчи хўжалик, уй хўжалиги, яқка хўжалик кабилар ҳам мавжуд муносабатлар

доирасида бемалол яшаши мумкин. Бироқ, товар ва нотовар шаклидаги ишлаб чиқаришлар ўртасида рақобатга бардош бериш уларнинг яшаш шарти бўлиб қолади.

Товар нима?

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсули, товар хўжаликлари фаолиятининг пировард натижаси — товардир. Товар — сотиш учун, алмаштириш учун атайин ишлаб чиқарилган маҳсулотдир, у бошқалар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган — алмаштириш орқали истеъмол қилинадиган меҳнат маҳсулидир. Буюмнинг (хизматнинг) товар бўлиши учун маҳсулотда иккиёқлама (икки хил ёки иккита эмас) хусусият мужассамлашуви лозим: бир томондан, товар сотиш учун яратилган меҳнат маҳсулидир, айни чоғда иккинчи томондан, бирон-бир эҳтиёжни (оёқ кийими, нон, туз, уй-жой, китоб, кинофильм ва ҳ.к.) қондирадиган нарсадир. Иқтисодиёт илмида биринчи хусусияти **қиймат**, иккинчи хусусияти **истеъмол қиймати** деб аталади. Демак, қиймат ва истеъмол қиймати товарнинг иккиёқлама хусусиятидир. Бироқ, товар шунчаки иккиёқлама хусусиятни ўзида гавдалантирган меҳнат маҳсули эмас, балки буюм шаклига кирган, буюмда мужассамлашган ижтимоий муносабатдир, ишлаб чиқариш муносабатидир, товар — ижтимоий муносабатлар элтувчисидир. Аммо товарда алмашув қиймати ҳам ифодаланади, бироқ алмашув қиймати товарнинг алоҳида — учинчи хусусияти эмас. Алмашув қиймати товар хусусиятларининг амалда намоён бўлиши, ҳаётда, алмашув жараёнида ифодаланиши, кўриниш шаклидир.

Товарда гавдаланган меҳнатнинг характери

Товар фақат меҳнат маҳсулидир, яъни меҳнат сингмаган, меҳнат гавдаланмаган нарса (хизмат) товар бўла олмайди. Товарда иккиёқлама хусусият бўлишининг чуқур сабаби ҳам шундаки, товардаги меҳнат иккиёқлама характерга эга бўлади. Бир томондан, товарда гавдаланган меҳнат аниқ меҳнатдир, бирон-бир мақсадни кўзлаб сарфланган меҳнатдир (масалан, пахтакор меҳнати пахта этиштиради, дуралгор стол-стул ясайди, чевар кийим тикади ва ҳ.к.), яъни аниқ меҳнат истеъмол қиймати

яратади. Иккинчи томондан, товарда умуман инсон меҳнати жамланган, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти мужассамланган. Кўриниб турибдики, товар умуман меҳнат маҳсулидир, у мавҳум меҳнатдир. Бундай меҳнат товарнинг қийматини яратади.

Айтилган фикрларни новвой фаолияти мисолида изоҳлайлик. Нонни қўлга олар эканмиз, кўз олдимизда, табиийки, новвой меҳнати гавдаланади, назаримиздан нонни тайёрлаш учун сарфланган бошқа товар ишлаб чиқарувчилар (ғаллакор, тегирмон хизматчилари, шахтёрлар, газ ходимлари, пахтакор меҳнати, металлург меҳнати, кимё саноати ходимлари, транспорт, тандир тайёрловчи) меҳнати қочгандай бўлади. Агар биз нонни қўлга олиб, уни дастурхонга тортиб истеъмол қилиш арафасида бир зум тин олиб мушоҳада қилсак, маълум бўладики, нон фақат новвой меҳнати натижаси бўлмай, умуман товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатидир, нон ҳам аниқ меҳнат, ҳам абстракт (мавҳум) меҳнат натижасидир, уларнинг бирлиги, жамулжамидир.

Хусусий ва ижтимоий меҳнат

Товар яратувчи меҳнати алоҳида-алоҳида, хусусий ҳолда сарфланади. Бироқ, барча хусусий ҳолдаги меҳнатлар (товарлар сифатида) бозорда учрашади, таққосланади, солиштирилади. Натижада улар учун умумий ўрта миқдор шаклланади — ижтимоий зарурий меҳнат қарор топади. Товар сотувчилар ёки таклиф қилувчилар ўз товарларини ана шу ижтимоий зурурий меҳнат асосида алмаштирадилар, сотадилар. Ижтимоий зарурий меҳнат эса ўртача шароитларда, ўртача тезлик ва унумдорлик билан сарфланган меҳнатдир. Бозорнинг ўрни ва роли ҳам худди ана шу миқдорни — ижтимоий зарурий миқдорни, товар баҳола-рининг асосини аниқлаб беришдадир. Шуни айтиб ўтиш керакки, бозорда ижтимоий меҳнат мужассамлашган дегани, фақат товар ишлаб чиқарувчиларнинг жонли хусусий меҳнати сарфланганлигини билдирмайди, айни чоғда товарда буюмлашган меҳнат (машина, хом ашё, ёқилғи, энергия ва ҳ.к.) ҳам янгича буюмлашганлигини билдиради. Товарнинг қиймати ҳам жонли меҳнат, ҳам буюм шаклидаги меҳнат натижасида шаклланади. Фақат фан-техника тараққиёти шароитида товарда ўз аксини топган ҳар икки меҳнат ўртасидаги нисбат ўзгаради.

Товарда ҳам оддий, ҳам мураккаб меҳнат гавдаланган

Аслида товар (масалан, ручка, тиш чўткаси, нон ва ҳ.к.) мураккаб муносабатлар бирлигидир, тугунидир, у оддий ва мураккаб меҳнат ҳосиласидир.

Оддий меҳнат деганда махсус тайёргарликдан ўтмайдиган меҳнат тушунилади (кўриш, идрок қилиш орқали ўрганиб олинган фаолият: масалан, ер чопиш, сабзи-пиёз ўтоғи, терак кесиш, ариқ тозалаш каби). **Мураккаб меҳнат** махсус тайёргарликни, билим ва чуқур тажрибани, махсус малакани талаб қилувчи меҳнатдир. Аслида улар бир нарсанинг икки томони, холос. Мураккаб меҳнат бир неча оддий меҳнатга тенг қиймат демакдир, вақт бирлиги ичида мураккаб меҳнат кўп қиймат яратади. Шунинг учун мутахассислар тайёрлашга, малака оширишга, замонавий касбларни эгаллашга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас.

Алмашув жараёнида бозор товарлардаги қийматни оддий меҳнатга тенглаштириш ёки унга айлантириш орқали бозор баҳосининг шаклланишига хизмат қилади, товарларнинг сотилиши учун шарт-шароит туғдиради. Бозорда товарлар пул (товар)га алмаштирилади, пул воситаси товардир. Аммо у алоҳида ўзига хос товардир, унинг ўз тарихи бор. Бозор иқтисодиётида пул катта фигура, товар ишлаб чиқаришнинг пировард мақсадидир. Шунинг учун пулнинг келиб чиқишини, унинг моҳиятини, бозор иқтисодиётидаги унинг аҳамиятини идрок этиш жуда муҳим масаладир.

Пул қандай пайдо бўлган?

Пул товарлар алмашинувининг маҳсулидир, унинг узоқ тарихий ривожланиш даври натижасидир. Дастлабки даврларда **алмашув тасодифий** эди, чунки натурал хўжаликларда ортиқча маҳсулот бўлиши амримаҳол бўлган. Улардаги оила, қабила эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотларни бошқа маҳсулотларга алмаштириш зарурати алмашувни келтириб чиқарган, алмашув туфайли, бозор туфайли товар бўлмаган маҳсулотлар товар тусини олган. Чунки ҳали у даврларда товар ишлаб чиқариш ижтимоий хўжалик шакли сифатида қарор топмаган эди. Унинг кўриниши **А** маҳсулот = **Б** маҳсулот шаклида ифодаланган. Бунда **А** товар нисбий қиймат шаклида, **Б** товар эса эквивалент (тенг) шаклида туради. Бунинг мазмуни шуки, **Б** товарга сарфланган меҳнат

А товарга сарфланган меҳнатга тенг, яъни **Б** товар ўз истеъмол қиймати билан **А** товарнинг қийматини — нисбий қийматини ўлчайди. Аста-секин ижтимоий меҳнат тақсимооти ривожланди (турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга махсус ихтисослашган ҳўжаликлар пайдо бўлди), меҳнат унумдорлиги ўса борди. Бу эса товар ишлаб чиқаришнинг анча кенгайишига олиб келди. Натижада алмашув кенгайди, яъни эквивалент шаклида турган товарлар сони ортиб кетди, нисбий қиймат шаклида эса фақат у ёки бу товар роль ўйнайди. Алмашувнинг бу шакли **кенгайган алмашув шакли** деб тарихга кирган. Унинг кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин: **А** товар = **Б** товарга ёки **В** товарга, ёки **Г** товарга, ёки **Д** товарга, ёки ва ҳ.к.

Бироқ алмашувнинг бу шакли ноқулай, зиддиятли эди. Чунки бир қанча товарлар ёрдамида фақат у ёки бу товарнинг нисбий қийматини белгилаш мумкин эди, яъни эквивалентлик ролини кўплаб товарлар бажарган. Бундай ҳолатда олди-сотди, алмашув, бозор чўзилиб кетди. Бу — кенгайган алмашув шаклининг кучли зиддияти эди.

Жамият юқоридаги зиддиятни бартараф қилиш учун товар ишлаб чиқаришни, алмашувни ривожлантириши керак эди. Шундай ҳам бўлди: товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки берувчи **алмашувнинг умумий шакли** келиб чиқди. Бу анча ихчам, қулайроқ бозорни вужудга келтиришга хизмат қилди. Алмашувнинг умумий шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин: **В** товар ёхуд **Г** товар, ёки **Д** товар, ёки ва ҳ.к. = **А** товар. Кўриниб турибдики, барча товарлар қийматини белгиловчи алоҳида товар — эквивалент товар ажралиб чиқди. Бу ҳол ғоят катта муваффақият эди. Аммо бунда ҳам иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлувчи маълум зиддиятлар яширинганди. У ҳам бўлса, эквивалентлик ролини турли жойларда, минтақа, ҳудуд ва мамлакатларда турли товарлар (ўша ҳудудда энг оммалашган, умумий бўлган) ўтагани эди. (Масалан, Ўрта Осиёда пахта, Сибирда мўйна, Фарбий Европада қўй, Хитойда чой ва ҳ.к.).

Бундай алмашув шакли бутун дунё, кишилиқ жамияти миқёсида (халқаро миқёсда) иқтисодий юксалишга халақит берарди. Жамият шундай алмашув шаклига интилар эдики, бунда эквивалент товар ролини ҳамма мамлакатларда, минтақаларда бир ёки иккита товар бажарар эди. Бундай товар, табиийки, қимматбаҳо металллар, хусусан, олтин

ёки кумуш бўла оларди. **Алмашувнинг** тарихий тараққиёти **пул шаклини** келтириб чиқарди, уни қуйидагича ифодалаш мумкин:

А товар ёки Б товар, ёки Г товар, ёки Д товар, ёки ҳ.к. = 3 гр. олтин (пул).

Шундай қилиб, олтин — алоҳида товар умумий эквиваленти (қиймат ўлчови) — товар ажралиб чиқиши билан алмашувнинг пул шакли қарор топди. **Пул (умумий эквивалент)** вазифасини ҳамма жойда олтин ёки кумуш, кейинчалик фақат олтин ўйнай бошлади. Бунинг сабаби олтиннинг табиий ва кимёвий хоссалари ҳам бўлди (узоқ сақланиши, ташишга қулайлиги, текис бўлинувчанлиги, бўлинганда ҳам ҳар бир бўлагига ўзининг истеъмол қиймати ва қийматини сақлаб қолиши каби хоссалари).

Пулнинг вужудга келиши билан товарлар олами батамом бир-биридан фарқ қилувчи икки томонга ажралди: пул (олтин) ва бошқа барча товарлар.

***Пулнинг «сир».* Нима учун одамлар унга иштиладилар?**

Иқтисодий жиҳатдан пул шундай бир «сир»га эгаки, «оҳанрабо»ки, у ҳамма товарларнинг қийматини ўлчай олади, ўрнини боса олади, ҳар қандай товарга алмашина олади, ҳар қандай эҳтиёжни қондира олади (бошқа товарлар фақат бир эҳтиёжни қондиради), яъни у умумий эквивалентдир.

Албатта, сиртдан қараганда, пул ҳам бошқа товарлар каби товардир; у ҳам қийматга, истеъмол қийматига эга. Бироқ, пул алоҳида, ўзига хос товардир. Шунга кўра, унинг хусусиятларида ҳам ўзига хос «хусусият» бор. Масалан, пул бирлигида (олтин бўлақларида) бошқа товарларга нисбатан кўпроқ қиймат мужассамлашган. Бунинг устига пулнинг ўзи қийматга эга, яъни уни ишлаб чиқариш учун (олтинни қазиб олиш, қайта ишлаш, пулга айлантириш) ҳам маълум меҳнат харажатлари талаб қилинади. Фарқи шуки, пул бирлигида кўпроқ қиймат (меҳнат) жамланган. Пул пайдо бўлиши билан товарлар **баҳо** деган хусусиятга эга бўлди, яъни товарлар пулда ўз баҳосини топди.

Пулнинг алоҳида, ўзига хос товарлигини у бажарадиган вазифаларда ҳам кўrsa бўлади. Бу вазифалар 5 хил: пул бошқа товарлар қийматини ўлчайди, тўлов воситаси бўлади, муомала (сотиб олиш) вазифасини, жамғарма,

бойлик тўплаш ҳамда жаҳон пули вазифаларини бажаради. Ҳеч қайси товар бойлик тўплашда (у ғоят ихчам, сақланувчан, ўз қадрини йўқотмайдиган нарса) пулнинг ўрнини боса олмайди. Мана шу хусусиятлари билан одамларни оҳанрабодек доим ўзига тортиб туради.

Баҳо нима ўзи?

Товарлар қийматининг пулда ифодаланишига баҳо дейилади. Бироқ, баҳонинг шаклланишига товар қиймати билан бирга бошқа бир қанча омиллар таъсир этади. Масалан, бозорга товарларнинг оз ёки кўп таклиф қилингани (сотишга қўйилгани), харидорларнинг тўлов қобилияти (реал пулларнинг бўлиши), иқтисодиётнинг умумий ҳолати ва бошқа омиллар шулар жумласидандир. Баҳоларнинг турлари кўп. Бозор иқтисодиёти ривожланган шароитда, асосан эркин баҳолар қарор топади. Айни вақтда давлат ўзининг иқтисодий марказ сифатидаги фаолияти билан баҳоларнинг маълум даражада бошқарилишига таъсир этиб туриши мумкин. Мамлакатда иқтисодий барқарорликка эришиш вазифаси шуни тақозо этади.

Баҳолар нимага асосан шаклланади? Баҳонинг моддий асосини товарларнинг қиймати, уларда гавдаланган ижтимоий меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ташкил этади. Бироқ, юқорида айтилганидек, баҳо фақат иқтисодий категориягина эмас, унда ижтимоий ва сиёсий жиҳатлар ҳам мавжуд. У бошқарувнинг иқтисодиётга таъсир этиш ва уни йўналтиришнинг ғоят «енгил», эгилувчан, ўзгарувчан воситаси бўлиб қолмоқда. Баҳоларнинг даражаси (паст ёки юқори бўлиши)га товарларнинг сифати, тақчиллиги ёки сероблиги, мамлакатдаги пул муомаласи ва бошқа омиллар таъсир кўрсатиб туради.

Баҳолар нима «иш» бажаради?

Барча иқтисодий воситалар каби баҳолар ҳам иқтисодиётда ўз ўрни ва мавқеига эга, улар иқтисодий жараёнларни бошқариб, меъёрлаштириб, йўналтириб турувчи воситадир. Баҳолар бир томондан, ресурслар истеъмолини чекловчи восита бўлса, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришга кучли таъсир кўрсатувчи иқтисодий воситадир. Баҳолар иқтисодиёт тизимида қуйидаги вазифаларни бажаради. Биринчидан, улар ресурсларни, ишлаб

чиқариш натижаларини, ишлаб чиқариш фаолиятини мақсадли тақсимлаш воситасидир. Бу шунда кўринадики, агар товарлар таклифи етарли бўлмаса, уларнинг миқдори ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни таъминламаса, баҳолар юқорилаб кетиш орқали истеъмол ҳажмининг қисқаришига олиб келса, товарлар таклифи кўп бўлиб, улар эҳтиёжлардан ортиқ бўлса, товарлар ишлаб чиқариш-ни қисқартиришга олиб келади. Шу «хизмат» билан улар ортиқча ишлаб чиқаришни чеклайди, ресурсларни тежайди. Иккинчидан, ишлаб чиқарувчиларни юқори меҳнат унуми, юқори самара сари рағбатлантиради, янги, замонавий, истеъмол қиймати юқори товарлар ишлаб чиқаришини тезлаштиради.

Баҳолар даражаси талаб ва таклиф нисбати билан бошқарилади. **Талаб** дейилганда, истеъмолчи томонидан товарлар ва хизматларни маълум бир вақтда, маълум бир маконда сотиб олиш имконияти тушунилади. Ана шу хусусияти билан у **эҳтиёж** тушунчасидан фарқ қилади. Агар бирон-бир товар ўз истеъмол хоссаси билан Сизга ёқиб қолса-ю, уни сотиб олишга қурбингиз етмаса, бу ҳолда эҳтиёж қондирилмаган бўлади, сотиб олиш қобилиятингиз бўлмайди, бу буюмга сизда талаб йўқлигини билдиради. Одатда, талабга жуда кўп омиллар таъсир этади. Бу омиллар жумласига аҳоли даромадлари, ўринбосар товарлар баҳоларидаги фарқлар, товарнинг сифати, табиий муҳитнинг ўзгариши, буюмнинг фойдалилик даражаси ва бошқалар киради.

Таклиф дейилганда сотиш учун бозорга олиб келинган товар ва хизматлар ҳажми тушунилади. Бироқ, таклиф ҳам ўзгарувчи миқдордир, яъни баҳолар юқори бўлганда таклиф кўп, аксинча, баҳолар паст бўлганда таклиф оз миқдорда бўлади. Таклифга товарларни ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатлар даражаси катта таъсир кўрсатади: товар яратиш харажатлари пасайган шароитда товарлар таклифи ортиб кетади ва аксинча. Фойда массаси кўпроқ бўлишни таъминловчи имконият вужудга келса, таклиф ҳам ортади.

Баҳолар устида гап кетганда, **бозор баҳолари** ҳақида эслатиб ўтиш ўринлидир. Бозор баҳоси дейилганда товарлар ёки хизматларнинг аниқ пул айланишини таъминловчи баҳолар тушунилади. Бундай баҳоларнинг шаклланиши учун талаб ва таклиф мувозанати ўрнатилган бўлиши лозим. Бундай мувозанат талаб ва таклифнинг тенг ўзаро таъсири

таъминланган шароитда юз беради. Ана шу мувозанат таъминланган бўлса, товарлар тўла сотилган бўлади, бу бозорнинг барқарорлашганидан даракдир. Аммо талаб ва таклиф нисбати рақобат таъсирида юз бериши ҳам мумкин.

Пул нима учун қадрсизланади? Уни бартараф қилиш йўли борми?

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши шунга олиб келдики, муомалада олтиннинг соф ҳолда юриши иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиб қолди. Унинг ўрнини босадиган, вазифасини бажарадиган ифодачисини муомалага чиқариш объектив заруратга айланди. Натижада **қоғоз пуллар** чиқарилди. Дастлабки вақтларда қоғоз пуллар замирида олтин ётарди, керак бўлганда қоғоз пулларни ҳақиқий пулга — олтинга алмаштириб олиш мумкин эди. Бироқ, кейинчалик олтиннинг иқтисодиётдаги ролининг ортиши, хазина тўплаш воситаси бўла олиши ва бошқа сабабларга кўра қоғоз пуллар соф ҳолда, ўз заминидан ажралган ҳолда ҳаракат қила бошлади. Бу «ажралиш» жамиятга қимматга туша бошлади — қоғоз пуллар иқтисодий қийинчиликларни маълум даражада юмшатиш, давлатлар бюджети тақчиллигини қоплаш, иқтисодий инқирозлардан камроқ азият чекиш учун кўпроқ чиқарила бошланди. Оқибатда **пулнинг қадрсизланиши** келиб чиқди, яъни пул муомалага чиқарилган товарларга нисбатан кўп чиқарила бошланди. Пулнинг қадрсизланиши ғоят салбий иқтисодий жараён, у меҳнаткашлар иқтисодий ва ижтимоий аҳволига ёмон таъсир этади. Пулнинг қадрсизланиши иқтисодиётдаги инқирознинг ёрқин ифодасидир. Пулнинг қадрсизланишини бартараф қилишнинг бирдан-бир йўли иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли даромадларини индексациялаш ва иқтисодиётнинг динамик ривожланишига эришишдир.

Валюта нима?

Валюта дейилганда кенг маънода, ҳар бир мамлакатнинг ёки давлатнинг миллий пул бирлиги тушунилади. Ҳар бир ўзига сиёсий ва иқтисодий мустақил бўлган давлат ўз миллий валютасига — пул бирлигига эга бўлиши лозим. Аммо бунинг учун мамлакат иқтисодиёти ривожланган

бўлиши, кўп соҳаларда ўзини-ўзи таъминлай, олиши, халқаро иқтисодий жамиятларда эркин қатнаша олиши таъминланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда миллий валютанинг қадри (сотиб олиш қуввати) тушиб кетади. Ҳар бир давлат ўз валютасининг конвертирлашувига, яъни бошқа валюталар билан эркин алмашина олишига эришмоғи керак. Бунинг учун миллий пул бирликлари етарли миқдорда товар захиралари билан таъминланган, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкам, бақувват, барқарор ривожланаётган бўлиши керак.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пулнинг қадрсизланмаслиги, конвертирлашуви учун пул муомаласини тартибга солиб туриш керак бўлади. Бунда **пул муомаласи қонуни** талабларидан келиб чиқиб иқтисодий сиёсат юрғазилари фойдалидир. Пул муомаласи қонунининг мазмунини қуйидаги формула яққол ифодалайди:

$$ПМ = \frac{T_6}{O_7},$$

бу ерда: ПМ — муомала учун зарур бўладиган пул миқдори;
 T_6 — сотилиши лозим бўлган товарлар баҳола-
 рининг суммаси;

O_7 — миллий пул бирлигининг айланиш тезлиги.

Валюта — тор маънода конвертирлашган миллий пул бирлигидир. Бундай валюталар жумласига доллар, фунт-стерлинг, марка, франк, иена киради. Бу пул бирликлари ўз мамлакатада товарлар билан таъминланган бўлгани учун халқаро даражада ҳам эркин алмашина олади. Иқтисодиёти юксалган ҳар бир мамлакат валютаси ана шундай транс-миллий қувват касб этиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ўз миллий пули — валютаси қандай пайдо бўлди?

Ҳар қандай мамлакатнинг мустақиллик белгиларидан бири — ўз миллий валютасига эга бўлишидир. Бироқ, миллий валютани чиқариш инқилобий жараён бўлиб, унга ҳар томонлама тайёргарлик кўрилиши керак. Асосийси — мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик бўлиши, иқтисодий ривожланиш таъминланиши, маълум сармоёга эга бўлишидир.

Ўзбекистонда миллий валютани муомалага киритиш Ўрта Осиёдаги бошқа мустақил давлатларга нисбатан бир оз кечиктирилди. Бироқ бу ишнинг ғоят мураккаблиги, масъулиятли эканлиги назарда тутилса, тўғри қилинганлигини тушуниш қийин эмас. Миллий валютага ўтиш маълум бир тарихий даврни ўз ичига олишни эътиборда тутиб, ўтиш даврида (1993 йил ноябрдан 1994 йил июлигача) сўм-купон жорий этилди. **Сўм-купон** маълум маънода миллий пул бирлигига ўтилиши учун тайёргарлик воситаси бўлди. Шунингдек, сўм-купон мисолида миллий валютани қадрсизлантирмасликнинг маълум жиҳатлари синовдан ўтказилди.

«Миллий валюта — деб ёзади И. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида, *— миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хош белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир. 1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта — ягона қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатан ҳам инқилобий қадам бўлди. Бу бутун иқтисодиёт ислохотида сифат жиҳатдан янги босқич бошланганлигидан дарак берди. Биз бирор кишининг иродасига боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон халқининг манфаатларига мос молиявий, пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлдик.» (217-бет.)

***Валюта кучли бўлса, иқтисодиёт мустаҳкам бўлади.
Нима учун?***

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасини муомалага чиқариш бош мақсад эмас, унинг чиқарилиши объектив заруратдир. Президентимиз И. Каримов кўрсатидаки, «Бугунги энг муҳим вазифа — валютамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа, республикамиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ» (ўша китоб, 218-бет). Шунинг учун ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи (ҳозирги босқичда) устувор вазифаларидан бири ҳам «сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат» деб баҳоланмоқда. Сўмни

мустаҳкамлаш деган сўзнинг маъноси — унинг конвертирлашувига, қатъий валюталарга эркин алмаша оладиган бўлишига эришиш демакдир.

Президент И. Каримов шу устувор вазифани илгари суради ва уни амалда бажаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади. Биринчидан, валютамиз қадр-қиймати уни товарлар билан тўла таъминлаш орқали амалга ошади. Бунинг учун, табиийки, бозорни тезроқ истеъмол буюмлари айниқса, ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар қатори четдан келтирилган моллар билан ҳам тўлдириш керак. Иккинчидан, валютамизнинг эркин алмашуви етарли миқдорда валюта захиралари бўлишига боғлиқ. Бунинг учун корхоналаримиз ўзларининг экспорт имкониятларини кенгайтириши, экспорт учун ишлайдиган даражага кўтариши, жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган товарлар чиқариши керак. Демак, корхоналаримиз барқарор ишлаб топа оладиган, республика хазинасини қаттиқ валюталар билан тўлдиришлари лозим. Учинчидан, «ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганиши керак. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз керак. Валюта ҳар бир фуқаро меҳнатининг ўлчови ва баҳосидир» (ўша китоб, 222-бет). Тўртинчидан, инфляцияга қарши кураш олиб бориш лозим. Ҳозир инфляция даражаси кескин пасайган бўлса-да, сўмнинг сотиб олиш қуввати узоқ барқарор бўлиб турсагина иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт барқарорлашади. Бошқача айтганда, «Қачон миллий валюта кучли ва обрўли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади» (ўша жойда, 177-бет).

* * *

«Товар ишлаб чиқариш ва товар-пул муносабатлари» мавзуси бўйича ўрганиладиган иқтисодий категория ва тушунчалар: натурал хўжалик; товар хўжалиги; товар хўжалиги шакллари; товар; истеъмол қиймати; қиймат; маъхум меҳнат; аниқ меҳнат; хусусий ва ижтимоий меҳнат; оддий ва мураккаб меҳнат; нисбий қиймат; эквивалентлик; пул; пулнинг вазифалари; пулнинг «сири»; пулнинг қадрсизланиши; валюта; валюта курси; конвертирлашган валюта; пул муомаласи; қонуний Ўзбекистон сўми — миллий валюта; сўмнинг конвертирлашуви.

IX боб. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ: МОҲИЯТИ, ТУЗИЛИШИ, ВАЗИФАЛАРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шартми?

Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди, бир қанча халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кирди, дунёдаги кўп мамлакатлар Ўзбекистон давлатини тан олди ва у билан кўп томонлама муносабатлар ўрнатди; унинг Давлат байроғи, мадҳияси ва рамзи қабул қилинди. Булар мустақилликнинг бошланишидир. Энди уни охирига етказиш, яъни мустақамлаш керак. Вазифа — ҳақиқий мустақилликка (иқтисодий мустақилликка) эришиш, Ўзбекистон миллий иқтисодиётини барпо этиш, уни ўзини ўзи иқтисодий жиҳатдан таъминлайдиган ва ўз тараққиётини ўзи белгилай оладиган давлатга айлантиришидир. Бу ғоят қийин, маълум тарихий ўтиш даврини талаб қиладиган иш. Ушбу оғир вазифа ҳозирги авлод зиммасига, Ўзбекистоннинг келажакги бўлган ёшлар елкасига тушмоқда. Бироқ, бу ғоят фахрли ва тарихий ишдир.

Иқтисодий мустақилликка эришиш воситаси — жаҳон халқлари тажрибасида синалган бозор иқтисодиётига ўтишидир. Ҳозирги ривожланган, бутун дунё халқлари ҳавас қиладиган, фаровон ва демократик ҳаёт қурган АҚШ, Канада, Фарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари тарихан шу бозор йўлидан бориб адашмаган экан. Яқиндагина қолоқ бўлган, бугун эса ўзларининг юксак иқтисодий, маданий, ижтимоий юксалиши билан танилган Япония, Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Туркия каби мамлакатлар ўз тақдирларини бозор иқтисодиёти билан боғлаб шу даражага эришдилар.

Демак, бизнинг бозор иқтисодиёти йўлидан бориб, замонавий тараққиётга эришишимизга, фаровон турмуш тарзи қуришимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, иккиланишга, кутиб туришга ўрин йўқ. Президентимиз И. Каримов ўзининг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида бундай деб ёзди: «Бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил (анализ) ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда» (7-бет).

И. Каримов ўзининг яна бир китобида бундан ҳам қатъийроқ қилиб шундай дейди: «Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр талаби, объектив реалликдир». (Қаранг: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Т., 1992, 44-бет.)

Бозор иқтисодиётига ўтиш шунчаки буюк мақсадми? Йўқ, бу мақсад эмас, бу «янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатдан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир» (ўша жойда).

Бозор ва бозор иқтисодиётининг мазмуни

«Бозор» тушунчаси Шарқ халқлари учун бегона эмас. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам бозор билан боғланганлар. Халқимизда «шаҳар ободончилигининг белгиси мўлқўлчилик бўлган бозордир», деган нақл бежиз айтилмаган.

Бозор — харидор билан сотувчи ўртасида товарни пулга алмаштириш жараёни юз берадиган жой, алоҳида макондир. Бозор иштирокчилари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар бўлса, унинг объекти — товар, воситаси — пулдир. Бозор ўзининг қонун ва қоидалари билан бошқарилади, у доимо ўзгариб, кенгайиб бориш характериغا эга. Мамлакат иқтисодиёти ривожлангани сари, ички ва халқаро меҳнат тақсимоти кенгайиб бориши билан бозор ҳам кенгайди, унинг тури кўпаяди. Бозорнинг маҳаллий бозор, ҳудудий бозор, халқаро бозор каби тузилмалари бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам кучайиб боради.

Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига, уларнинг қонунларига асосланган алоҳида иқтисодиёт шаклидир. Бозор иқтисодиёти тарихи жуда қадимги даврларга бориб тақалади, унинг келиб чиқиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиб боришига, хусусий мулкчиликка, ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий (мулкий) мустақиллигига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Лекин бозор иқтисодиётининг мустақил иқтисодиёт сифатида шаклланиб ва ривожланиб, одамлар тақдирига таъсир этадиган бўлиб қолиши XIV — XVII асрлардан кейинги даврларга — «капитализм» деб тарихга кирган тузумга бевосита боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётининг характерли белгилари қуйидагилардир:

— ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаси бўлиши, кўпмулклилиқ ва кўпфаолиятлиқ, мулк шаклларининг дахлсизлиги ва тенглиги;

— ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи (сотувчи ва харидор) ўртасида қарор топган нисбат ўзгаради, ишлаб чиқариш истеъмолчининг манфаатларига бўйсундирилади;

— ҳар бир ишга яроқли фуқаро истеъмолчи бўлиши билан бирга, айни чоғда, ишлаб чиқарувчига, товар ва хизматлар таклиф қилувчига айланади; ҳеч ким ишлаб чиқарувчи — товар ва хизматлар таклиф қилувчига айланмай туриб истеъмолчи бўла олмайди;

— фаол одамларнинг даромад манбалари ва даромад шакллари кўпаяди (иш ҳақи каби даромад ёнига ижара ҳақи, бўш пулларни банкларга қўйишдан фонизлар олиш, ҳиссадорлик фаолиятида иштирок этиб дивиденд олиш, қўшма ва аралаш корхоналар фаолиятида қатнашишдан фойда олиш кабилар);

— тежамли хўжалиқ юритилади, харажатлар камроқ бўлади, талон-торож ва масъулиятсизлик барҳам топади;

— янгиликларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини дадил жорий этиш, касб маҳоратини ошириш каби хислатлар қарор топади;

— рақобат бозорнинг таркибий қисмидир. Бу кураш қонуний ва адолатли асосга қурилганлиги туфайли ҳеч ким ҳеч кимдан нолимайди. Рақобат эркин бўлиб, у маълум таваккалчиликни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистонда қурилаётган бозор иқтисодиёти «ёввойи бозор» иқтисодиёти эмас, балки маданийлашган бозор иқтисодиётидир, яъни турфамулклилиқ, ҳар бир кишининг бир ва бир неча мулк шаклларига бир вақтнинг ўзида эга бўла олиш, бозор талабини кучли ўрганиш (маркетинг фаолияти асосида фаолият қилиш), рақобатни рухсат этилган, қонунлар йўл қўйган чегараларда олиб бориш, давлатнинг иқтисодиёт масалаларини ҳал қилишда иштирок этишини эътироф этиш ва бунга ёрдам бериш, фаолият мақсади фақат шахсий бойлик орттиришигина эмас, шу билан бирга ўзидан яхши ном қолдириш, ижтимоий обрў ва шуҳратга эга бўлиш учун курашиш, жамиятда ижтимоий табақалашув боришини эътироф этиш ва ижтимоий пирамиданинг юқорироқ поғонасидан ўрин олишга интилиш ва бошқалардир.

Президентимиз И. Каримов уқтирганидек, бозор иқтисодиётига ўтиш силлиқ ва осон кечмайди, унинг шаклланиш босқичида (ҳозирги даврда) «узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатдан кескин табақаланиши, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир» (И. Каримов. Ўша асар, 44-бет).

Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи бошқарадиган тизим

✓ Бозор иқтисодиётининг бизга маълум бўлган натурал ҳамда режали иқтисодиётлардан туб фарқи — унинг ўзини ўзи бошқаришидир, ташқи таъсирга, ташқаридан аралашига ҳеч қандай зарурат йўқлигидир.

Бозор иқтисодиётида ўзини ўзи тартибга солувчи механизм мавжуд, дейилганда нималар назарда тутилади? Биринчидан, бозорда товар сотилади, товар эса бошқалар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган фаолият натижасидир. Ишлаб чиқарувчи ўз товарига бошқалар эътироф этадиган даражада меҳнат сарфласагина даромад олади, акс ҳолда у ўз меҳнатига куяди, хонавайрон бўлади.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи иқтисодий жиҳатдан мустақил ва эркиндир; у нима ишлаб чиқаради, қаерда ва кимга сотади, қандай баҳоларда сотади, кимлар билан шартномалар тузиб боғланади — буларни фақат ўзи белгилайди. Ишлаб чиқарувчининг тақдири унинг ўз қўлида, шунингдек, масъулияти ҳам ўзи биландир.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти яккаҳокимликни (монополизмни) инкор этади, у ҳар бир соҳибкорга бозор моносабатларида бемалол иштирок этиши учун шарт-шароит яратиб беради. Бозор қонунлари, давлатнинг иқтисодиётга оид қонун ва кўрсатмалари ҳам худди ана шунга қаратилади (масалан, яккаҳокимликка қарши қонуннинг қабул қилинганлиги).

Бозор харидорни ҳимоя қилади. Энди харидор танлаб олиш, келишиб олиш, талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Натижада бозордаги товарлар ҳаракати, мувозанати, баҳолар шаклланиши батамом бозорнинг ўз тартибларига бўйсундики, бундан бутун жамият, барча истеъмолчилар манфаатдор бўлади.

Бозорнинг бош объекти товар бўлса, воситаси баҳолардир

Бозорни бошқарадиган асосий воситалардан бири — баҳолардир. Бозор иқтисодиёти ҳукмрон бўлган шароитда «баҳо — қийматнинг пулдаги ифодасидир» деган қоидага қўшимча равишда бозорда баҳоларнинг белгиланиши товарларнинг истеъмол қийматиغا, унинг сифати, тури, рекламасига ва бошқа жиҳатларига боғлиқдир, деган қоида ҳам қўшилади. Бозор иқтисодиётида баҳолар эркинлашади, яъни талаб ва таклиф нисбати билан белгиланади. Талаб (аҳолининг товарлар сотиб олиш қобилияти, эҳтиёжларнинг қондирилиши даражаси) билан таклиф (бозорда сотиш учун киритилган товарлар массаси) ўзгариб турувчи иқтисодий воқеа ва ҳодисалар бўлганлиги туфайли баҳолар ҳам доимо ўзгариб турувчи характер касб этади. Давлат маълум товарлар ва хизматларга ўз буюртмаларини бериш орқали бозор баҳоларининг шаклланишига таъсир этиб туради. Аммо давлат буюртмасига белгиланган баҳолар товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларига путур етказмаслиги, товар қийматларидан паст бўлмаслиги лозим.

Бозор иқтисодиёти тўлақонли шаклланган шароитда баҳолар иқтисодий ва ижтимоий адолатли асосларга қурилганлиги туфайли жамиятда баҳолар даражасига нисбатан норозилик туғилмайди.

Бозор иқтисодиётининг ўз (махсус) қонунлари бор

Бозор иқтисодий қонунлар талаблари асосида ташкил этилади ва бошқарилади. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, унинг ўз (махсус) қонунлари воситасида бошқарилади. Бу қонунлар жумласига қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи қонуни, рақобат куръиши қонуни киради. Бу қонунлар объектив характерга эга, яъни улар одамлар хоҳиш-иродасига, феъл-атворига боғлиқ эмас. Фақат уларни товар ишлаб чиқарувчилар, барча бозор субъектлари эътироф этишлари, уларнинг талабларини ўрганишлари, ана шу асосда ўз хўжалик фаолиятларини ташкил этишлари лозим. Бу иқтисодий қонунларни эътиборга олмасдан туриб хўжалик юритиш, бозор муносабатларида уларни қўлламаслик оғир иқтисодий-ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Бозорнинг турлари кўйми?

Бозорда сотиш учун таклиф қилинган барча нарсалар, хизматлар муомалада бўлади, ҳатто пулнинг ўзи ҳам бозор объекти бўлиши мумкин. Демак, бозор турлари унда сотиладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматлар сонига боғлиқ. Ҳозирги даврда бозорнинг айрим турлари нисбатан шаклланган, айримлари шаклланиш жараёнида, баъзилари вужудга келтирилиши керак. Бизнинг илгариги иқтисодийтимизда ишлаб чиқариш воситалари бозори, истеъмол буюмлари бозори, маиший хизмат бозори кабилар мавжуд эди. Бироқ, улар фақат расмий, шаклий кўринишда бўлиб, бозор қонунлари асосида ташкил этилмаган эди. Масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналари тракторлар, турли механизмлар, эҳтиёт қисмларни пул тўлаб олардилар. Аммо уларни танлаш, зарурини олиш, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар орқали боғланиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Бошқа бозор турлари ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин.

Бозор муносабатларига реал ўтиладиган шароитда ҳар қандай расмиятчиликдан, хўжакўрсинчиликдан ҳалос бўлинади. Ҳозирда меҳнат (ҳом ашё биржаси), қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, заёмлар, сертификатлар, миллий валюталар) бозори, хизматлар бозори, инвестиция (бўш пул маблағлари) бозори, кўчмас мулк бозори кабилар бозор тизимида ўз ўрнини топиб борапти.

Бозорнинг алоҳида шакли — биржалардир. Биржаларда товарларнинг намуналари ва стандартлар билан савдо қилинади, у ерда бозор иштирокчилари ўртасида аҳдно-малар, шартномалар, келишувлар амалга оширилади. Биржаларда унинг иштирокчилари гоё тadbиркорлик, ишбилармонлик, хушёрлик кўрсатмасалар товарларини арзонга сотиб қўйишлари, ҳатто алданиб қолишлари ҳам мумкин. Биржа савдоси ҳам бозор қонунлари ва қоидалари асосида ташкил этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишининг ўз хусусиятлари нималарда ифодаланади?

Ўзбекистон — ўз тарихи, маданияти, иқтисодиёти, ижтимоий тизими, ресурслари, захиралари ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб турувчи мамлакат. Бошқача айтганда, бизнинг ўзимизга хос хусусиятларимиз борки.

уларни бозор муносабатлари шакллантириладиган ҳозирги даврда назарда тутмоқ гоё зарурдир. Бу хусусиятларимиз қайсилар? Бу саволга Президентимиз И. Каримовнинг илмий тадқиқотларида аниқ-равшан жавоб берилган. **Биринчидан**, бизга «фалаж» қилиб даволаш («шок терапияси») тўғри келмайди, яъни барча мавжуд таркиб топган тизимларни инкор этиб, йўқотиб, тамомила янги тизимларни яратиш йўлидан бормаймиз. Биз «янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик» йўлидан борамиз. **Иккинчидан**, «бозор иқтисодиёти сари сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш» йўлидан борамиз. **Учинчидан**, халқимиз бозор иқтисодиётига ўтишга тайёр эмаслигини назарда тутиб, бозорга ўтишда аҳолини, айниқса, унинг ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоялаш механизми яратилади. Бунда «миллий даромадни қайта тақсимлаш — давлат қўлидаги энг асосий манба ва восита» бўлади. (*Қаранг: И. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»*, 46-бет.) **Тўртинчидан**, «одамларнинг, корхоналарнинг, тармоқлар, минтақаларнинг, умуман давлатларнинг манфаатларини монанд ривожда уйғунлаштиришни таъминлаш» йўлидан бориш. **Бешинчидан**, бизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатнинг ролини ошириш назарда тутилмоқда. Аммо давлат, унинг бошқарув тузилмаларининг тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди. **Олтинчидан**, фуқароларга ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш, ишбилармонликни ривожлантириш учун тенг шароитлар яратиб берилади. (*Қаранг: ўша асар*, 46, 48, 50, 51-бетлар.)

Мамлакатимизда қуриладиган бозор иқтисодиёти бу борадаги умумбашарий қадриятларни эътиборга олишга ҳамда уларни миллий хусусиятларимиз билан уйғунлаштиришга асосланади, яъни ижтимоий ҳимояланган (ижтимоий йўналтирилган) бозор иқтисодиёти бўлади. Хўш, бундай бозор муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари яна қайсилар? Бу миллий жиҳатларга қуйидагилар кириди:

— маданийлашган илғор бозор иқтисодиётининг кўпмулклик, кўпфаолиятлик, эркин иқтисодий фаолият танлови, талаб ва таклифга қараб иш юритиш, рақобат асосида иқтисодиёт ривожланиши, даромадларнинг

манбалар ва миқдор жиҳатдан чекланмаслиги каби умум иқтисодий хусусиятлар ҳисобга олинади;

—инсон фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий ҳаёт тарзининг умумий ўсишига эришилади; бунда ҳар бир киши ўз фаровонлигини бошқалар манфаатини қондириш орқали таъминлай олади;

—иқтисодиёт кенг маънода демократлашади, яъни бозор субъектларининг ҳаммаси мулк соҳибларига айланади, мулкий муносабатларнинг иштирокчилари бўлади;

—мулкдорларнинг ўрта тоифаси вужудга келтирилади, бу ана шу умумий фаровонликка олиб боради;

—мамлакатда ҳаддан ташқари, асоссиз бой-бадавлат ёки қашшоқлар тоифаси бўлишига йўл қўйилмайди, яъни аҳолининг кучли ижтимоий табақалашувига олиб борилмайди;

—мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя механизми қарор топиб, оммавий, ялпи ҳимоялаш эмас, балки аниқ, шахсий мақсадли ижтимоий ҳимоя тизими яратилади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ўзимизга хос бозор иқтисодиёти қуришнинг дастлабки тажрибалари тўпланди, энди улар янада чуқурлаштирилади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси тез кўпаяётган, зич жойлашган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқ бўлган мамлакатлар қаторига киради. Бунинг устига оилада кишилар сони юқори (ўртача 6 киши атрофида) бўлганлиги туфайли жамғармалар етарли эмас, сармоялар кам. Бундай шароитда жонли меҳнатни кўп талаб қиладиган (қўл меҳнатини талаб қиладиган) ишлаб чиқариш тармоқларини, майда ва ўрта корхоналарни қуришга устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигида ҳам кўпроқ мева-сабзавотчилик йўналишига, чорвачиликнинг иш кучи талаб қиладиган соҳаларига эътиборни кучайтириш айтиш мумкин. Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб этиш, уларга солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериш ҳозирги даврнинг талабидир.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётини қуришнинг ўз дастурига эгами?

Бозор иқтисодиёти ҳақида гап кетганда кўп ҳолатларда суҳбатдошлардан «Ўзбекистон бозорга ўтишнинг ўз дастурига эгами, агар шундай дастур ишлаб чиқилган бўлса,

унинг мазмуни қандай?» деган саволни эшитамиз. Бу савол ўринли ва адолатлидир. Бу ҳақда саволга Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлисининг IV сессиясида «Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси» номли нутқидан тўлақонли жавоб топамиз. «Мустақиллик йўлига қадам қўяр эканмиз, — дейди нотик, — биз, аввало давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини ислоҳ этишнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос дастурини ишлаб чиқдик. Бугун биз бош мақсадимиз — бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуришнинг аниқ ва асосли дастурига эгамиз.»

«Тараққиёт дастуримизга кўра, ислоҳотлар кучли ижтимоий сиёсат билан узвий ва уйғун ҳолатда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Соддароқ қилиб айтсак, янгича муносабатларга биз инқилобий сакрашлардан воз кечиб, изчил, собитқадамлик билан ўтиб келмоқдамиз. Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, авваламбор, одамлар манфаатига хизмат қилиши керак. Бизнинг қатъий фикримиз шу. Бугун мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятга назар ташлаб, биз тўғри йўл танлаганимизни яна бир карра баралла таъкидлашимиз мумкин.» («Ўзбекистон овози», 1995 йил, 23 декабрь.)

Юқоридаги муаммоли масалага бундан ҳам яхши, бундан ҳам аниқ ва қониқарли жавоб бўлиши амри маҳол. Шу жавоб, бизнингча ортиқча шарҳларга, қўшимчалар, тўлдиришлар, изоҳларга муҳтож эмас.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш тузилишини ўзгартириш — ўтиш даври талаби

Бозор иқтисодиёти моҳиятига кўра, мўл-кўл истеъмол неъматларини вужудга келтирувчи иқтисодиётдир. Бунинг маъноси, миллий маҳсулот ҳажмида шахсий истеъмол буюмлари ва хизматларнинг салмоғи ҳозирги даражадан анча юқори бўлишига эришишдир. 1990-йиллар бошида республикамызда жами ижтимоий маҳсулот ҳажмида истеъмол буюмлари салмоғи 25 фоиздан ошмас эди, ижтимоий ишлаб чиқариш, шахсий ёрдамчи хўжаликлар маҳсулоти ҳам хом ашё сифатида ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилар эди. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларида ижтимоий

ишлаб чиқариш ҳажмида истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг салмоғи ўртача 50 — 55 фоизга ўстирилиши кўзда тутилган, кейинчалик бу кўрсаткич янада ошириб борилиб, умумжаҳон меъёрларига етказилади.

Бозор иқтисодиётига ўтган илғор мамлакатлар ижтимоий ишлаб чиқаришида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш салмоғи 65 — 75 фоизни ташкил этишини айтиб ўтиш kifоядир. Ўзбекистон ҳукумати ана шу заруратни ҳал қилиш мақсадида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга бел боғлаган миллий ва хорижий сармоядорларга солиқ ҳамда бож солиш масалаларида, кредитлар ва иш кучи билан таъминлашда енгилликлар бериш ҳақида қарорлар қабул қилган. Бундай илғор ишлаб чиқариш тузилиши бозорни истеъмол буюмлари билан сероб қилишга, улар баҳоларининг арзонлашувига, халқ истеъмолнинг ортишига хизмат қилиши табиийдир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланиш ва Ўзбекистоннинг ўз андасаси асосида ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида бозор иқтисодиётига ўтишнинг хорижий мамлакатларда ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган тажрибаларини чуқур таҳлил қилади. Гап шундаки жаҳон тараққиёти 80- ва 90-йиллар бошларида тамомила янги ривожланиш тартибларини илгари сурди. «Жаҳон цивилизацияси, — дейилади китобда, — ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган» (22-бет).

Юқоридаги китобда жаҳон мамлакатларининг бозорга ўтиш тажрибаларини умумлаштириб, бозор иқтисодиётини қуришнинг бир-биридан фарқ қилувчи уч хил йўли борлиги кўрсатилди. Буларнинг биринчиси — узоқ давом этадиган эволюцион тараққиёт йўлидан бориб, ривожланган аралаш иқтисодиётни шакллантириш (ҳозирги ривожланган илғор мамлакатлар тажрибаси); иккинчи йўли — энг оддий, патриархал — феодал муносабатлар кўринишидаги анъанавий иқтисодиётнинг маданий бозор муносабатларига

айлантирилиши (ривожланаётган мамлакатларнинг бозорга ўтиш андазаси); учинчиси — собиқ социалистик мамлакатлардаги яккаҳоқимлик, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви, марказлашган режаштириш усулидан ҳозирги бозор муносабатларига, демократик жамиятга ўтиш. Яна социалистик тараққиётнинг хитойча бозор иқтисодиётини қуриш андазаси ҳам бор.

Хуш, кўрсатиб ўтилган андазалардан қайси бири биз учун яроқли, қайсинисини нусха қилиб олиш мумкин? Биз бошқа мамлакатларда тўпланган тажрибаларнинг республикамиз шароитига татбиқ қилса бўладиган имкониятларни инкор этмаймиз, албатта. Айни вақтда бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришнинг ўз миллий андазаси ишлаб чиқилди. Бу андазанинг мазмунини И. Каримов куйидагича шарҳлайди: «Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир» (ўша асар, 26-бет).

Янги демократик жамият барпо этишнинг Ўзбекистон йўли халқимизнинг тарихий-миллий салоҳиятига, маънавиятига, ҳозирги авлоднинг куч-қудратига, унинг келажак учун умидвор интилишларига, энг муҳими — ёшларимизга, уларнинг фидойилиги ва ватанпарварлигига асосланган. Бундай жамиятни қуриш, унга муносиб бўлиш замонавий билимларни, айниқса, илғор иқтисодий тафаккурни, замонавий касбларни, маҳорат сирларини қунт билан эгаллашни тақозо этади.

* * *

«Бозор иқтисодиёти: моҳияти, тузилиши, вазифалари» мавзусида қўйилган ва билиб олинishi лозим бўлган иқтисодий категория ва тушунчалар: бозор иқтисодиёти; бозор муносабатлари; бозор иқтисодиётининг характерли белгилари; ўзини ўзи бошқарадиган иқтисодиёт; баҳолар; бозор баҳоси; бозор иқтисодиёти қонунлари; бозор турлари, бозор иқтисодиётининг хорижий андазалари; бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон андазаси; ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва унинг ўзгариши.

Х боб. КЎПУКЛАДЛИЛИК, РАҚОБАТЧИЛИК, ТАДБИРКОРЛИК

Кўпукладли иқтисодиёт нима ва у қандай вужудга келтирилади?

Бозор иқтисодиётига ўтиш маълум моддий шарт-шароитларни вужудга келтиришни тақозо этади. Ана шу моддий асос — кўпукладли иқтисодиётдир. «Уклад» дейилганда маълум ишлаб чиқариш муносабати тушунилиб, у ҳукмрон, белгилловчи, асосий мавқега эга бўлмайди, бошқа ишлаб чиқариш муносабатлари билан (бошқа укладлар билан) ёнма-ён яшайди, улар билан боғланган, ўзаро таъсирда бўлган ҳолда маълум тарихий даврнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ташкил этади. Бироқ, ҳар қандай укладга хос хусусият шуки, у ҳукмрон муносабатга айланишга, жамият тақдири ва истиқболини ўзи белгилашга, хуллас, укладлик ҳолатидан чиқишга ҳаракат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар худди ана шундай укладларни вужудга келтиришга, яъни кўпукладли иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган. Чунки худди шундай иқтисодиёт бозорни вужудга келтиришнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Мамлакат иқтисодиётида вужудга келган кўпукладлилик қонуний характерга эга бўлиб, у Конституциямиз билан ҳимоя қилинади ва кафолатланади.

Кўпукладли иқтисодиётнинг вужудга келиши, энг аввало, давлат мулкни хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш билан боғлиқдир. Бу жараённинг бориши анча оғир ва оғриқли кечиши кузатилмоқда. Зеро, хусусий мулкчилик кишилар онгида фақат салбий оқибатлари билангина сингдирилган эди. Бу руҳий ҳолатни бартараф этиш, одамларда нодавлат укладларнинг илғор, самарали эканлигига ишонч туғдириш лозим бўлади. Шунинг учун Ўзбекистонда бу масалага жуда жиддий ёндошилди ва ўзига хос йўл тutilди. Энг муҳими шу бўлдики, мамлакатимизда хусусийлаштириш бепул, чек йўли билан амалга оширилмаслигига қатъий келишиб олинди. Чунки текинга тушган бойлик, айниқса, мулк қадрланмаслиги тарихдан ва одамлар руҳиятидан маълумдир. Натижада янги мулкдорлар синфи шакллантирилмоқда ва бу иш босқичма-босқич дастурий ёндашувлар асосида

амалга оширилмоқда. Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бу иш охирига етказилиши лозим.

Рақобатчилик муҳитининг шакллантирилиши тараққиёт тақозоси

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтирмасдан туриб ҳақиқий бозор иқтисодиётини яратиб бўлмайди, бусиз ҳозирги дунёда иқтисодий тараққиётга эришиб ҳам бўлмайди. Рақобатчилик муҳитини шакллантирмоқ учун Президентимиз И. Каримов айтганидек, «мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ammo мулкчиликнинг турли шакллари — давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқа шаклларига асосланган кўпдан-кўп корхоналар ташкил қилишдан иборат». Натижада бозорда иқтисодий беллашув юзага келади, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу шакллариининг афзалликларини ҳолисона баҳолаш имкониятлари пайдо бўлади. Рақобатчилик янги-технологияни қўллашга, кам сарф-харажат қилган ҳолда юқори сифатли ва арзон товарлар ишлаб чиқаришга ундайди, илмий-техника тараққиётининг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Йирик ва ўрта корхоналарни рақобатчилик муҳитига тайёрлаш алоҳида масаладир. Бунинг учун уларда ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, фаолиятларини **диверсификациялаштириш** лозим. Бошқача айтганда, йирик корхоналарни айрим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашувидан халос этиб, уларда бир неча йўналишларда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш керак. Натижада йирик корхоналар рақобатчилик орқасида хонавайрон бўлиш хавфидан қутуладилар.

Рақобат нима учун ва қандай воситалар ёрдамида олиб борилади? Энг аввало, рақобат фаолиятдан юқори фойда олиш, бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш ёки мустаҳкамлаш, иш жойини йўқотмаслик, даромаднинг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, рақибнинг устун келиб қолишига чек қўйиш мақсадларида олиб борилади. Пировард мақсад — ўз мулки ва имкониятларидан тўла фойдаланиш ёки уларни реализация қилишдир. Бундай хусусий мақсадни амалга ошириш учун турли воситалар сафарбар қилинади: арзон хом ашё ва иш кучи манбаларини эгаллаб олиш, қулай сотиш бозорларини, доимий истеъмолчиларни қўлга киритиш, имтиёзли кредитлар ва инвестицияни ўзига

қаратиб олиш, малакали мутахассисларни жалб этиш, ташқи бозорни қўлга киритиш ва бошқалардир. Рақобат қонунлари йўл қўйилган тамойиллар асосида олиб борилиши кўзда тутилса-да, айрим ҳолларда ғайриқонуний, «ёввойи» усуллардан ҳам фойдаланадилар, яъни жисмоний кураш воситаларидан фойдаланиш, тил бириктириб олиш, келишиб олиш, рэкетчилар фаолиятидан фойдаланиш ва бошқа воситаларни ҳам баъзан ишга соладилар.

Иқтисодий адабиётларда рақобат курашининг бир неча турлари ҳақида маълумот берилади ва уларнинг хусусиятлари кўрсатилади. Масалан, «Прикладная экономика» ва «Иқтисодиёт назарияси» номли ўқув қўлланмаларида рақобат ҳукм сурган бозорлар тавсифи баён қилинган. **Монополистик рақобат** ҳукм сурган бозорда кўплаб мустақил корхоналар савдо қилади, бозор, нарх-наво устидан назорат ўрнатилмаган; баҳоларни бозорнинг ўзи белгилайди, товарлар сифати жиҳатидан кескин фарқ қилмайди, бозорга кириш ва чиқиш нисбатан осонлашган бўлади. Монополистик рақобат ҳукм сурган бозорда бири-бирига ўхшаш товарлар ва хизматлар таклиф этувчи корхоналар кўп, товарлар ва хизматлар табақалаштирилган нарх-наво устидан назорат қилиш чекланган миқёсларда олиб борилади, бозорга кириб-чиқиш нисбатан қулайроқ бўлади. **Олигополия** бозорида ўхшаш товарлар таклиф қилувчи корхоналар бир неча бўлади, баҳони белгилашга таъсир этувчи субъект мавжуд, товарлар табақалашуви анча юқори, бозорга кириш анчагина қийин, бунинг учун катта сармоя сарфлаш талаб этилади. **Монополия**, яъни якка ҳукмрон бозорда фақат битта маҳсулот ва бир корхона қатнашади, бозорда нарх-наво тўла назорат қилинади, товарлар табақалаштирилмаган, бозорга кириш, унинг субъекти бўлиш ғоят қийин бўлади.

Истеъмолчига рақобатдан қандай наф келади?

Рақобатчилик муҳитининг шаклланишидан кўпроқ истеъмолчи фойда кўради. Чунки, биринчидан, рақобат ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига олиб келганлиги туфайли корхоналар чакана баҳоларни пасайтиришга, аҳоли реал даромадининг ортишига хизмат қилади; иккинчидан, рақобат туфайли товарлар сифати яхшиланади, турлари кўпаяди. Демак, истеъмолчилар учун истеъмол қиймати юқори буюмлар ва хизматлар кўпаяди,

улар танлаб олиш, сифатли истеъмол қилиш имкониятига эришадилар; учинчидан, корхоналар доимий истеъмолчиларни йўқотиб қўймаслик учун янги-янги товарлар ва хизматлар ихтиро этадилар. бозорни ўзларига қаратиб оладилар. Шундай қилиб, рақобатчилик ишлаб чиқарувчи кучларнинг тўхтовсиз ўсиши, такомиллашуви, уларнинг тўғри тузилиши ва жойлашувини рағбатлантиради. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳитини яратиш ва такомиллаштиришга биринчи даражали аҳамият берилади.

Албатта, рақобат тўла қувват билан амал қилиши учун, бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида рақобатчилик учун етарли шарт-шароитлар бўлиши керак.

Тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчаси

Шундай умуминсоний қадриятлар борки, улар одамлар фаолиятида яшайди, яхши яшаш учун рағбатлантирувчи восита бўлиб хизмат қилади, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт оғирлашган шароитларда, тангликдан чиқиш ва ривожланиб кетиш зарурати туғилганда улар фаоллашади. Ана шундай умуминсоний фазилатлардан бири — бизнес фаолиятидир, у бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қўл келмоқда. Зеро, бозор иқтисодиётига ўтиш фаолиятни кучайтиришни, ўз имконияти, мол-мулки ва сармоясидан самарали фойдаланишга астойдил киришишни тақозо этади, бу шароитда бизнес билан шуғулланиш умумий муносабатга, ҳамма учун тегишли ҳаракатга айланади. Бизнес фаолияти билан шуғулланиш бизда тадбиркорлик ёки ишбилармонлик дейилади. Бу фаолият кишилари (субъектлар) тадбиркор ёки ишбилармон деб аталади.

Ишбилармонлик, энг аввало, фаолиятдан фойда олиш, ўз хусусий манфаати йўлида, пул-бойлик орттириш йўлида ҳатто таваккалчилик, хатарли ишларга қўл уриш ва бошқа фойда келтирувчи онгли фаолиятдир. Тадбиркорлик фаолияти ўз фойдасини кўзлаб бошқаларнинг манфаат кўришига, ҳатто бевосита ўздан фойда кўришига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Тадбиркорлик ҳар қандай йўл билан пул кўпайтириш, бойлигига бойлик қўшиш, босар-тусарини билмай қолишлик эмас. Балки бозор иқтисодиёти шароитида қонуний

йўл билан, давлат белгилаб қўйган ҳуқуқий тартиблар билан, жамият ва одамларга моддий, маънавий, сиёсий зарар келтирмаган тарзда даромад олиш ва даромадни кўпайтиришдир. Масалан, рэкет, босқинчилик, товламачилик, гиёҳванд моддалар билан савдо қилиб бойиш учун уриниш ғайриқонуний ва ғайриинсонийликдир.

Тадбиркорлик — бизнеснинг асосий шакли

Кенг маънода бизнес фаолияти дейилганда турли йўллар билан (албатта, қонунлар талаби доирасида) пул топиш ва даромадни орттириш тушунилади. Масалан, бўш сармояларни банкларга бериб фойда олиш, тадбиркорларга фойда эвазига бериб туриш (судхўрлик), ерни ижарага бериб рента (даромад) олиш, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш орқали дивидендлар олиш каби фаолиятлар ҳам бизнес фаолиятига кириши мумкин. Аммо бундай фаолиятлар асло тадбиркорликка кирмайди, яъни моддий ва маънавий бойликлар яратмайди. Демак, тадбиркорлик пул топишнинг, бойлик тўплашнинг яратувчанлик, бойликни кўпайтиришлик фаолиятидир, яъни ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш, ижодкорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолиятига тижорат ва иқтисодий фаолиятни юргизишда воситачилик (брокерлик, дилерлик, кредиторлик) қилиш ҳам киради. Тижорат маҳаллий бозорни зарур товарлар билан тўлдириш учун бошқа мамлакатлар ва регионлардан истеъмол буюмлар келтиришдир, келтирилган товар баҳоларига ўз тижорат харажатлари ва ўртача фойда қўйиб сотиш орқали даромад ундириш фаолиятидир.

Бозорнинг объектлари товарлар ва хизматлардир. Шунинг учун ўзида ва бошқаларда бўлган моддий ҳамда пул имкониятларини иқтисодий фаолиятга киритиб, ундан даромад топишга қаратилган фаолиятгина бозорни товарлар билан тўйинтириши мумкин. Демак, тадбиркорлик — яратувчанликдир, бизнеснинг жамиятни ривожлантиришга бевосита алоқадор алоҳида иш туридир. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонун»ида одамлар фаолиятининг ушбу шаклига қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб

ва мулкый жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир». Демак, тадбиркорлик — ташаббускорлик, ижодийлик, интилувчанлик, қийинчиликдан, тўсиқлардан кўрқмаслик, дадилликдир, у — энг муҳими, иқтисодий (яратувчан) фаолиятдир.

Ҳамма тадбиркорми ёки тадбиркор бўлиши керакми?

Бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий тизимки, у ҳар бир одамга яхши ва фаровон яшаш учун зарур воситаларни, йўллари кўрсатиб беради, шу маънода у умуминсоний қадриятдир. Яна шу нарса характерлики, дунёда бойбадавлат, фаровон яшашни орзу қилмайдиган одам йўқ. Аммо бундай ҳаёт тарзи ўз-ўзидан ёки шунчаки, ўртача ҳаракат билан яратилмайди, унга тиришқоқлик, бор имкониятдан самарали фойдаланиш орқали эришилади. Шундай экан, тадбиркорлик жамиятдаги барча одамларга хос заруратдир. Бироқ, ҳамманинг қобилияти, ақлий, жисмоний, молиявий, мулкый салоҳияти бир хил эмас. Шунинг учун тадбиркор шундай одамки, у ўзидаги бор имкониятни ишга тўла солади ва қобилияти, салоҳиятига мувофиқ тарзда фойда олади, яхши яшаш мақсадига эришади.

Бозор иқтисодиёти эҳтиёжларни, биринчи навбатда, талабларни тўлароқ қондиришни тақозо этади. Шундай экан, ҳар биримиз ўз талабларимизни қондириш маъносида тадбиркордирмиз. Бу фанда **истеъмолчилик тадбиркорлиги** дейилади. Албатта, тадбиркорлик даражалари бир хил эмас. Шунингдек, истеъмолни қондириш ҳам ҳар хил кечади, яъни одамларнинг турмуш даражалари ҳам ҳар хилдир. Айни чоғда ҳар бир тадбиркор истеъмолчидир, у ишлаб чиқариш воситалари, хом ашёлар, ёқилғи, инвестиция маблағлари, турли-туман хизматлар истеъмолчисидир. Демак, ҳамма тадбиркор бўлиши даркор.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тадбиркорларнинг қандай тоифасига асосланади

Бозор иқтисодиёти объектив равишда тадбиркорлар синфини вужудга келтиради. Аммо бозор муносабатларига ўтишнинг Осиё мамлакатларига, ривожланаётган

мамлакатларга хос жиҳати шундай бўлмоқдаки, уларда тадбиркорларнинг ўрта синфи (тоифаси) шаклланмоқда. Уларда ўрта ва кичик хусусий ишлаб чиқариш устуворлик қилмоқда. Зеро, бу меҳнат ресурслари, маҳаллий хом ашёлар етарли бўлишининг, айни чоғда, катта тадбиркорлик учун сармоялар муаммосининг ҳаёт тақозосидир. Бу хусусият бизнинг мамлакатимиз учун ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов кичик ва ўрта ишлаб чиқаришни, ана шундай тадбиркорликни иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб чиқишнинг асосий иқтисодий воситаси — тараққиёт локомотиви, деб бежиз айтмаган. Мамлакатимиз иқтисодиётида ўрта тадбиркорлар синфини якка фаолият қилувчилар, кичик ва ўрта ишлаб чиқариш (хизмат қилиш) соҳиблари, ижодий фаолият эгалари (олимлар, ихти-рочилар, мусаввирлар ва бошқа интеллектуал мулк эгалари), фермер ва деҳқон хўжалиги эгалари, шахсий ёрдамчи хўжалик билан шуғулланувчилар, шаҳарлик дала ҳовли эгалари, жамoa хўжалигида пай эгаси сифатида банд кишилар, ҳиссадорлик корхоналарининг акционерлари, ўз хусусий корхонаси ва иш кучи ёллаб ишлатувчи хусусий шахслар ташкил этади. Кўриниб турибдики, улар жамияти-миздаги яратувчилик соҳасининг субъектидир. Улар учун умумий жиҳат шуки, улар асосан ўз сармоялари, мол-мулклари билан тадбиркорлик юргизадилар, яъни «ўз аробасини ўзлари тортувчилардир». Бизга ўтиш даврида худди ана шундай тоифадагилар иқтисодий таянч бўла олади.

Тадбиркорлик шартлари

Тадбиркорлик фаолияти унга моддий ва молиявий асослар етарли бўлган чоғда ҳам маълум шартлар асосида юритилишини тақозо этади. Бу нарса мамлакатимизда шунчаки бозор иқтисодиёти эмас, тартиблаштириладиган, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш талаблари билан боғлиқ. «Иқтисодиёт назарияси» китобида тадбир-корликнинг куйидаги шартлари келтирилган: 1) мулк эгаси бўлиш ёки ишлаб чиқариш омилларининг баъзи бир қисмига (ҳиссадорлик) эга бўлиш. Бошқача айтганда, иқтисодий эркин, иқтисодий мустақиллик имкониятига

эга бўлиш; 2) иқтисодий фаолиятда эркин бўлиш, ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқий асосларга суяниш; 3) иқтисодий фаолиятда масъулиятни ўз зиммасига олиш, таваккалчилик қила олиш, кези келганда хатарли ишга қўл ура олиш; 4) фойда олишга интилиш, бу йўлда барча чораларни кўриш, фойдани тақсимлаш ва тасарруф қилишда мустақил бўлиш; 5) тижорат сирига эга бўлиш, бошқаларга ошкор этмаслик; 6) рақобатда ҳалол бўлиш, гирромлик қилмаслик, тўғри иш юритиш; 7) тадбиркорлик фаолияти билан обрў-эътибор қозониш, бошқаларга ишониш ва ишончига сазовор бўлиш, ўзи бош бўлган ёки иштирокчиси бўлган корхона номини эъзозлаш, обрўсиз-лантирмаслик ва ҳ.к.

Ҳозирги замон тадбиркорлиги учун энг муҳим хусусият яна шуки, доимо янгиликка интилиш, меҳнат, хом ашё, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали ўзи ва жамият манфаатларини рўёбга чиқариш, бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш учун ўзидаги барча имкониятларни ишга солишдир. Шу нарса қувонарлики, мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган қисқа даврида ишбилармонлар, тадбиркорларнинг бир қанча намояндалари шаклланди. Шубҳа йўқки, бундай кишилар юртимиз бойлиги, шуҳратини янада орттирадилар.

* * *

«Кўпукладлилиқ, рақобатчилиқ, тадбиркорлик» мавзусида билиб олиниси лозим бўлган иқтисодий категория ва тушунчалар: ижтимоий-иқтисодий уклад тушунчаси; кўп укладли иқтисодиёт; аралаш иқтисодиёт; нима учун кўпукладли иқтисодиёт яратилиши керак?; кўпукладлилиқ ва кўпмулклилиқ; рақобатчилиқ, унинг зарурлиги ва шарт-шароитлари; диверсификация — рақобатчилиқка йўл; рақобатчилиқ шакллари; рақобат ва истеъмолчи манфаати.

Тадбиркорлик ва бизнес; тадбиркор, ишбилармон; бизнесмен; тадбиркорлик фаолияти турлари; тижорат тадбиркорлиги ва фойда; истеъмолчилиқ тадбиркорлиги; кичик ва ўрта бизнес — тараққиёт локомотиви, ўрта мулкдорлар ва тадбиркорлар тоифаси; тадбиркор бўлиш шартлари.

XI боб. СОЛИҚЛАР

Солиқлар нима?

Бозор иқтисодиёти тизимида **солиқлар** алоҳида ўрин тутати. Зеро, улар иқтисодиётни меъёрлаштириш, бошқариш ва рағбатлантирувчи восита вазифасини ўтайди. Солиқлар давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадининг асосий молиявий манбаи, давлатни бошқариш, унинг мудофаасини, хавфсизлигини таъминлашнинг, халқни ижтимоий ҳимоя қилишнинг (нафақалар, бепул таълим бериш, малакасини ошириш, касбга йўналтириш, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбиялаш, спорт ишларини молиялаш, аҳолининг турли тоифаларига ҳар хил даражада имтиёзлар бериш ва ҳ.к.) пул манбаидир. Бошқача айтганда, солиқлар бозор муносабатларининг асосий бўғини ёки етакчи унсурдир. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти таълимида (тафаккурида) солиқлар ҳақидаги илм катта аҳамият касб этиб, бундай муносабатдан бирор киши четда туролмайди.

Иқтисодиёти ривожланган, бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган мамлакатларда солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жуда катта, улар давлат бюджети тушумларининг 90 фоизини, маҳаллий бюджет тушумларининг эса 70 фоизини беради. Давлат ўзининг иқтисодий сиёсатини асосан солиқлар ёрдамида олиб боради ва «Солиқлар ҳақидаги қонунлар» орқали юргизади. Солиқлар ёрдамида хўжалик фаолияти тартиблаштирилади, иқтисодиётни ривожлантириш рағбатлантирилади, илмий-техника тараққиётига қўмаклашилади.

Ривожланган мамлакатларда солиқ тўлаш маданияти шу қадар такомиллашганки, ундан жамият тўла манфаатдор бўлганлиги учун, на юридик ва на жисмоний шахслар солиқлар тўлашдан бўйин товлайдилар ёки ундан даромадларини яширадилар. Солиқлар ҳиссаси ялпи ички маҳсулотнинг 30—40 фоизини (айримларида ҳатто 50 фоизгача) ташкил этади, бу мамлакатларда якка шахслар даромадларидан олинган солиқлар бюджет тушумларининг 25—30 фоизини ташкил этади. Шунингдек, шундай солиқ меъёрлари белгиланганки, уларнинг энг кам миқдори даромадларнинг 10—25 фоизини ташкил этса, энг юқори миқдори 70 фоизгача бориб этади, бевосита тадбиркорлик (яратувчилик, тижорат) соҳаларидаги кишилар олган фойданинг 50 фоизгачаси солиққа тортилади.

Солиқ тўлаш маданиятининг тарбияланганлиги туфайли ташқаридан жуда юқори солиқ ставкалари бўлиб кўринаётган солиқлар ҳам уни тўловчилар учун биринчидан, маънавий, қолаверса, моддий малоллик туғдирмайди. Иккинчидан, барча тоифадаги шахслар солиқлар, уларнинг турлари, солиқ ставкаларидан тўла огоҳлантирилган. Ҳозирги маданий бозор мамлакатларида дегрессив (даромаднинг ўсишига қараб ўсиб борувчи, бироқ солиқ меъёри олдингисидан камроқ), прогрессив (солиқ солинадиган даромад ортиб боришига қараб солиқ меъёрининг ўсиб бориши), регрессив (даромаднинг ўсиб бориши билан солиқлар ставкаси камаяди), аккиз солиқлар (харидорлардан товар сотиб олаётганларида олинади), бевосита солиқлар (бу солиқлар якка шахслардан айрим-айрим ҳолатларни назарда тутиб олинади, яъни даромад солиғи, мол-мулк солиғи, мерос солиғи, совға қилинган нарсаларга солиқ ва ҳ.к.) жорий этилган.

Солиқ тўлаш маданияти солиқлар ҳақидаги қонунларни билиш; уларга тўла ва сўзсиз амал қилишнигина билдирмайди. Айни вақтда у солиқ тўлаш қоидаларини ҳурмат қилиш ва уларни кези келганда ҳимоя қилишни ҳам билдиради. Бизнинг таълим тизимимиз ҳам ана шундай солиқлар илмини, солиқ тўлаш маданиятини шакллантиришга кўмаклашиши лозим.

Солиқларнинг турлари

Солиқлар маълум турлари бўйича табақалаштирилган бўлади. Улар жисмоний шахслардан олинадиган (аҳолидан олинадиган) даромад солиқлари, жисмоний шахсларнинг мол-мулкларига белгиланадиган солиқлар, фойдадан олинадиган солиқлар, кўшимча қийматдан олинадиган солиқлар қабилардан иборат. Биз куйида уларнинг мазмуни ҳақида қисқача баённома беришга ҳаракат қиламиз.

Аҳолидан олинадиган даромад солиқлари уларнинг шахсий даромадларига қараб тўланадиган бевосита солиқлардир, улар даромадларни жамият аъзоларининг манфаатларини ҳисобга олиб адолатли қайта тақсимлаш вазифасини ҳам бажаради. Ҳозирда аҳолининг барча қатламларига даромадларига қараб солиқлар белгиланган.

Бу солиқларни тўлашда алоҳида тизим жорий этилган, яъни энг кам иш ҳақи солиққа тортилмайди ва иш ҳақи

индексация қилинган (иш ҳақи оширилган) шароитда ўзгартирилиб турилади. Аҳолидан олинadиган солиқ турлари ва ставкалари солиқлар ҳақидаги мамлакатимиз қонунида белгилаб берилган.

Фойдадан олинadиган солиқлар — корхона ва ташкилотларнинг товар ва хизматлар сотишдан олган фойдасига нисбатан белгиланади. Фойда — товарлар (хизматлар) сотишдан тушган ялпи пул даромади билан ана шу товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилинган харажатлар (товарлар таннархи) ўртасидаги миқдорий фарқдир. Фойдадан олинadиган солиқлар чет эл тadbиркорларининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган юридик шахсларидан ҳам олинади ва алоҳида белгиланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кўпгина корхоналар асосий фондларининг бир қисмини сотишдан, қимматбаҳо қоғозлардан, кредитга берилган бўш маблағлардан ва бошқа манбалардан ҳам фойда (фоизлар, дивидендлар, тушумлар) олиш мумкин. Фойдага белгиланган солиқлар бундай даромадларни ҳам четда қолдирмайди. Ҳамма давлатларда бир хил солиқ ставкалари бўлмаганидек, солиқларнинг бу турига нисбатан ҳам турли солиқ меъёрлари бўлиши табиийдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида кенг тарқалган солиқ тури — **қўшилган қийматга белгиланadиган солиқлардир**. Бу солиқ товар (хизмат) ишлаб чиқариш жараёнида (хом ашёдан то тайёр буюм ишлаб чиқаргунгача бўлган даврда) қўшимча қийматга нисбатан белгиланади, у истеъмол буюми (хизмат) сотилгандан кейин тўланади. Қўшилган қиймат солиғи миқдори ялпи маҳсулот қийматидан барча сотиб олиб ишлатилган хом ашё ва бошқа харажатлар чегириб олингандан кейин қолган қийматдан олинган қисмидир. Ҳозирги вақтда бу турдаги солиқлар ялпи ички маҳсулот қийматига нисбатан 18 фоизни ташкил этмоқда ва у қисқартирилиб борилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғини барча юридик шахслар (корхоналар), инвестициялар қўйган хорижий корхона ва ташкилотлар, хизматлар кўрсатувчи жамиятлар, алоҳида хизмат кўрсатувчи ва товарлар ишлаб чиқарувчи мустақил шўъбалар, бўлинмалар, юридик шахс бўлмаган тadbиркорлар тўлайдилар. Бундай солиқларни тўламайдиган ёки имтиёзга эга бўлувчи корхона ва ташкилотлар ҳам бўлади. Улар жумласига таълим-тарбия муассасалари учун

товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, дори-дармон, экспорт яратувчи юридик шахслар киради.

Жисмоний шахслар (аҳоли) мулкига белгиланадиган солиқлар бевосита солиқлар жумласига киради. Улар мулкка нисбатан жорий этилади. Солиқ объекти — хусусий уй-жойлар, гаражлар, дала ҳовлилари, иморат ва иншоотлар, квартиралар, транспорт воситалари (автомобиллар, мотоцикл ва ўзиюрар механизмлардан ташқари) ва бошқа ҳаракатдаги ва кўчмас мулклардир. Солиққа тортилмайдиган объектлар солиқ ҳақидаги қонунда алоҳида кўрсатилади.

Солиқлар ислоҳотидаги асосий тамойиллар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида ислоҳотларнинг солиқлар тизимида амалга ошириладиган тамойиллари ҳақида алоҳида тўх-талади. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади, солиқларни ихчамлаштириш, уларни осонлаштириш ва рағбатлантириш кучини оширишдан иборат.

Биринчи тамойил — корхоналардан солиқлар юкини камайтириб бориш, уларга ишлаб чиқаришни ривож-лантириш, инвестицияларга эга бўлиш, янги технологиялар ўрнатиш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш имкониятларига эга бўлиш-лари учун реал шарт-шароит яратиш.

Иккинчи тамойил — солиқларни корхоналар ва ташки-лотларнинг даромадларидан эмас, балки уларнинг фойдаларидан олишга тўла ўтиш. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1996 йилгача) бундай солиқ жорий этиш учун ҳуқуқий ва ижтимоий шароитлар етишмас эди, улар ҳозир тайёрланган. Шунингдек, ҳозир фойдани солиқлардан яшириб қолиш каби иллатга қарши алоҳида маъмурий чоралар ишлаб чиқилганлиги ҳам бундай тамойилни қўллашга шароит туғдирмоқда.

Учинчи тамойил — давлат ва маҳаллий солиқлар ўртасида оптимал (мақсадга мувофиқ) мутаносиблик ўрнатиш, маҳаллий солиқлар аҳамиятини ошириш, давлат бюджетидан маҳаллий солиқлар томон бурилиш қилиш. Гап шундаки, Президентимизнинг кўрсатишича, ислоҳотлар давомида микроиқтисодиётни ривожлантиришга, кор-хоналар, ҳудудий тармоқлар иқтисодиётини кўтаришга устуворлик бахш этиш кўзда тутилмоқда. Бундай шароитда

маҳаллий солиқлар аҳамиятининг ортиши ўз-ўзидан маълум.

Тўртинчи тамойил — корхоналарни иқтисодий кучайтириш орқали уларнинг даромадларидан ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда ҳиссасини ошириб бориш. Бундай тамойил корхоналар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, барча соҳибкорларнинг ўз қишлоғи, шаҳари, тумани, вилояти, соҳасини ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар очади.

Аҳолидан олинадиган солиқлар масаласида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Зеро, даромад солиқлари одамларни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни, яратувчиликни рағбатлантирувчи воситага айланмоғи даркор, солиқ олишнинг илғор усулларини қўллаб, олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

* * *

«Солиқлар» мавзусида билиб олиниши лозим бўлган иқтисодий категория ва тушунчалар: Солиқ — иқтисодий категория; солиқлар ва давлат бюджети; Ўзбекистон Республикасининг «Солиқлар тўғрисидаги қонуни»; солиқ тўлаш маданияти; солиқ ставкалари; солиқ турлари; дегрессив, прогрессив, регрессив, акциз ва бевосита солиқлар; даромаддан солиқ олиш; фойдадан солиқ олиш ва унинг афзаллиги; қўшилган қиймат солиғи; мулк солиқлари; Ўзбекистонда солиқ ислохоти ва ислох қилиш тамойиллари; солиқлар ва манфаатдорлик масаласи.

XII боб. МАРКЕТИНГ

Маркетинг нима?

«Маркетинг» тушунчаси бизнинг иқтисодий ҳаётимизда нисбатан янги ҳисобланиб, бозор, бозорни ўрганиш, тадқиқ қилиш маъносини англатади («маркетинг» — инглизча сўз бўлиб, бозор маъносини билдиради). Бу тушунча иқтисодий мақола ва изланишларда илк бор 70-йилларда пайдо бўлди. Бироқ ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг бундай фаолият юргизишга тайёр эмаслиги маркетингни жорий этиш, ривожлантириш ва унинг ёрдамида самарага эришиш имкониятларидан маҳрум

қилди. Ваҳоланки, маркетинг мазмунан бозор муносабатларига хос механизм ҳисобланиб, у халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида товар-пул муносабатлари ва қиймат қонунига амал қилиб ҳўжалик юритишга асосланган. Шу асосда маркетинг ўз ичига ишлаб чиқариш ва уни ташкил қилиш бўйича барча омилларни ўрганиш, хусусан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яратилган товарлар ҳаракатини бошқариш, уларни сотиш ҳамда шу сотишни рағбатлантириш, рекламани ташкил қилиш, товар билан боғлиқ сервисни йўлга қўйиш жараёнларини олади. Шунингдек, бозорни комплекс ўрганиш, маркетинг стратегияси ва тактикасини тўғри белгилаш, товар ишлаб чиқариш услубларини кенг маънода баҳолаш ва шу каби иқтисодий ҳолат ва ривожланиш йўлларини ўрганиш каби масалалар ҳам маркетинг фаолиятининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маркетинг инсон фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бу боғлиқлик маркетинг қамраб олган жараёнларда намоён бўлади. Демак, маркетинг бевосита инсон фаолияти маҳсули ҳисобланиб, шу фаолиятнинг самарали бўлишини таъминловчи ҳўжалик механизмидир. Шу боис маркетинг таърифи ҳам шу боғлиқлик асосида бўлиб, бозорда фаолият юргизаётган ҳар қандай бозор иштирокчиси учун ўз хусусиятини белгилашни назарда тутди.

Ҳозирги кунда маркетинг фаолияти (тизими — барча бажарилиши ва ҳал қилиниши керак бўлган ишлар мажмуаси) ривожланган мамлакатларда ниҳоятда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу фаолият Ҳамдўстлик давлатларида ҳам кенг эътиборга молик механизм эканлиги тан олинди ва жорий этилмоқда. Маркетинг тизими ҳар бир алоҳида олинган шароитда ва фаолиятда ўз хусусиятларига эга бўлиши билан бирга унинг асослари бутун дунёда ягона ҳисобланади. Шунга кўра маркетинг тизимини қўллаш ҳар бир давлат, корхона фаолияти учун бир мақсадга, яъни юқори фойда олишга қаратилгандир.

Маркетинг тамойиллари

Ҳар бир фаннинг предмети ва унинг услублари бўлгани каби маркетинг ҳам алоҳида фан сифатида ҳар бир олий ва ўрта махсус билим юртлари, бизнес-мактабларда

ўрганилмоқда. Бу фаннинг ўзига хослиги шундан иборатки, у фан сифатида ҳам, иқтисодий механизм сифатида ҳам белгиланган бир мақсадга эришишни вазифа қилиб қўяди. Шу боис ҳам бизнинг мамлакатимизда маркетинг мутахассислиги олий иқтисодий таълим тизимида асосий касб этиб жорий этилди. Бу соҳада билимли бўлмоқчи бўлган одамнинг маркетинг тамойилларини чуқур билиши тақозо этилади.

Маркетинг тамойилларидан **бозорга кириш** ҳар бир фаолият юргизувчи учун энг олий вазифадир. Бозорга кириш ниҳоятда катта ҳаракатни талаб қилади. Бу ҳаракатда **маркетинг дастурини** тузиш бош вазифадир. Ушбу ҳужжат (барча жараёнларни ўз ичига олган) бозорга кириш йўллари узида мужассамлаштиради. Бозорни чуқур ўрганиш асосида унга кириб олиш йўллари белгиланади. Шунга кўра бозорга кириб олишнинг кўплаб йўллари мавжуд. Бозорга давлатнинг иқтисодий сиёсати асосида, рақобат кураши асосида, рақобатсиз, янги маҳсулот яратиш билан мавжуд товарларнинг иқтисодий ва ташкилий турларини ўзгартириш эвазига ва бошқа кўплаб йўллар билан кириш мумкин. Буларда ҳар бир йўлнинг ўз хусусияти бўлгани каби уларнинг ягона иқтисодий-ташкилий асоси ҳам мавжуд. Бозорга кириш барча фаолиятнинг иқтисодий баркамоллиги, рақобат курашига шу фаолиятнинг бардош бера олиши, ишлаб чиқариш жараёнининг замонавий технология ва илмий-техника тараққиёти натижаларига таянганлиги, ишчи ходимларнинг малакаси даражаси, хом ашё, материаллар сифати ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқдир. Шунинг билан бирга, маркетинг фаолиятининг қанчалик даражада мухтасарлиги ҳам бозорга киришни таъминловчи омилларнинг асосийларидан ҳисобланади.

Маркетинг тамойилларидан яна бири **бозорда мустаҳкам ўрнашиш**дир. Бу тамойил авваламбор бозор талабларига асосланган. Бозор талаблари нарх-наво, товар сифати ва қўшимча хизматнинг мавжудлигидир. Демак, нарх-наво яратилган ва сотилаётган товарнинг сифатига тўлалигича боғлиқдир. Товар сифати ҳар бир ишлаб чиқарувчининг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, бозордаги талаб ва таклиф орасидаги муқобиллик нарх-навонинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шу боис бозорда ўрнашиш, энг аввало, бозор шарт-шароитларини бажариш имконияти катта аҳамиятга эгадир. Бозор талабларининг беқарорлиги

ва шу вақтнинг ўзида товарлар рақобати асосида иқтисодий имкониятларни белгилаш бозордаги ҳар бир сотувчининг асосий ниятларидан ҳисобланади.

Бу тамойил мазмунан монопол таъсир кўрсатувчи даражасигача этишиш маъносини ҳам англашиши мумкин. Бироқ, монопол таъсир ҳам бозорда ягона ҳукмрон даражасини янада мустаҳкамлашнинг иқтисодий асосларини барпо этиш билан боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бозорга таъсир кўрсатиш қобилияти чексиз бўлмайди, балки талаб ва таклиф қонуни негизда яратилаётган товарнинг сотилиши, аҳолининг сотиб олиш қобилияти, товарнинг ҳозирги пайтдаги ва истиқболдаги истеъмол қобилияти ва бошқа омиллар унинг бозордаги нархини мунтазам чегаралаб туради. Бу эса, ўз навбатида, янги маҳсулот яратиш бўйича бетўхтов изланишлар олиб боришга ундайди. Бозорни узлуксиз ўрганиб бориш эвазига шу вақтнинг ўзида мавқеини мустаҳкамлаб ҳам боради. Бундай мавқе дунё овозасига эга бўлган товарлар ишлаб чиқаришга эришиш, уларнинг сифатига ва нарх-навосига тўла кафолат бериш ҳамда мустаҳкам моддий-техника базасига суюнган фаолиятни кенгайтириш демакдир.

Маркетинг мақсадлари

Маркетинг мақсадлари ҳар бир фаолиятнинг бирон яхши натижага эришишига йўналтирилган саъй-ҳаракатлар мажмуасидир. Маркетинг фаолиятидаги серқирралик айнан шу мазмундаги мақсадлар турини белгилайди. Мақсадлар эса маркетинг жараёнининг ҳар бир босқичи учун маркетинг тамойиллари асосида белгиланади. Жумладан, бозорга киришда ва унда мустаҳкам ўрнашишда қўйиладиган мақсадларга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини бозор талабига мослаш, энг кам моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари харажатига эришиш, замонавий, мустаҳкам моддий-техника базасини бунёд этиш, уни илмий-техника тараққиёти натижалари билан мунтазам ривожлантириб бориш ва бошқалардир.

Маркетинг мақсадлари маркетинг фаолиятининг ҳар бир жараёнида ҳам мавжуд бўлади. Агар ишлаб чиқариш жараёнида сифатли, арзон ва ишлатилиши бўйича қулай маҳсулот яратиш асосий мақсад ҳисобланса, шу маҳсулотни

ташиш ва сақлаш шароитларининг маҳсулот таннархига (баҳосига) қўшиладиган харажатлар туркумида энг кам сарф асосида бўлишини таъминлаш, унинг сотилишини тезлаштириш асосларини белгилаш ҳам катта аҳамиятга молик мақсадлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир мақсад ўз навбатида зарурий усуллар йиғиндиси асосида ҳисоб-китоб ишларини бажаришни назарда тутати. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида сарф-харажатларни ҳисоблаш, хом ашё таъминотида меъёрлар туркуми, меҳнатни ташкил қилишда меҳнат турлари бўйича ҳақ тўлашни барпо этиш ва ҳоказолар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий-ташкилий усуллари ҳисобланади. Савдо жараёнида эса бир кунлик сотиш таъсири ва ҳажмини белгилаш учун олиб бориладиган изланишлар сотишни ташкил қилишга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар (ҳисоб-китоблар) билан боғлиқ ишларнинг ташкилий асосини белгилашни назарда тутати.

Маркетинг мақсадлари бевосита бозор турларига қараб ҳам белгиланади. Агар маҳаллий бозорни эгаллаш ишлаб чиқарувчи учун энг асосий мақсад ҳисобланса, уни кенгайтириш, ҳудудий ва миллий бозорларга кириб бориш, жаҳон бозорига чиқиш, ўрнашиш ва маълум турдаги товар билан мустаҳкамланиб олиш ишлаб чиқарувчи (корхона, фирма) учун олий мақсадлардан ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунлари мажмуи айнан шу йўналишда энг таъсири ҳисобланади. Чунки ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан четга товар чиқаришни йўлга қўйиш ҳар бир ишлаб чиқарувчи учун энг асосий вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Шу боис жаҳон бозоридида савдо қилиш шарафли кўрсаткич ҳисобланиши ҳам давлатимиз равнақи учун ҳал қилувчи омил бўлиб бормоқда.

Маркетинг вазифалари

Маркетинг вазифалари юқоридагилардан келиб чиқади ва улар бажарилиши лозим бўлган жорий ва келажакдаги барча турдаги ишларни назарда тутати. **Вазифаларни шартли равишда икки йўналишга ажратиш мумкин: маркетингнинг ўз вазифаларига ва маркетинг дастурини бажариш билан боғлиқ вазифаларга.** Маркетинг тизимида ҳар бир жараён

учун аниқ вазифалар белгиланган бўлиши шарт ва бу вазифалар, айтиб ўтилганидек, маркетинг тамойиллари ва мақсадларидан келиб чиқади. Қабул қилинган қоидага биноан вазифалар тузилган маркетинг дастури асосида белгиланади. Агар **ишлаб чиқариш маркетинги** маҳсулот яратиш, уни ишлаб чиқаришга қўйиш, ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш, сотиш ва уни ривожлантириш, рекламага кенг эътибор бериш, сервис хизматини ташкил қилиш каби жараёнларда бажарилиши лозим бўлган ишлар туркумини белгилаш билан боғлиқ вазифаларни белгиласа, **товар маркетинги** шу товарни бозорда сотиш билан боғлиқ жараёнларнинг ҳар бирида аниқ вазифалар белгилашни тақозо этади. Демак, маркетинг вазифалари амалдаги тамойилларни назарда тутиб қабул қилинган (қўйилган) мақсадларга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган ишлар тўпламидан таркиб топади. Вазифаларнинг бир-бирини тўлдириш хусусияти ва боғлиқлиги ҳар бирининг бажарилишини назарда тутати. Улар бажарилишининг назорат остида бўлиши эса умуман маркетинг дастурининг бажарилишига гаров бўлиб хизмат қилади.

Вазифаларнинг маркетинг дастурининг бажарилиши билан боғлиқ турлари эса айнан шу маркетингни қўллаш (жорий этиш) билан бевосита боғлиқдир. Бу жараён, ўз навбатида, асосий мақсадларга эришишга имкон яратади. Масалан, ишлаб чиқариш маркетингида шу дастурни тузиш билан боғлиқ ташкилий ишлар, жумладан, шартномаларнинг ҳуқуқий асосларини, кадрлар малакасини белгиловчи мезонлар туркумини, олинган ҳудудда сиёсий ҳолатни ҳисобга оладиган, хом ашё ва материаллар захирасини белгилаш каби вазифалар пировард натижада маркетинг дастурининг бажарилишига ижобий таъсир кўрсатади. Демак, маркетинг вазифалари умумий ҳолда қуйидагича бўлиши мумкин:

— илмий изланишларда бозор талабига мос товар яратиш ва шу ишлаб чиқаришнинг замонавий асосларда бўлишини таъминловчи барча имкониятлардан тўла фойдаланиш;

— товарнинг бозордаги аҳамияти ва мавқеини янада мустаҳкамлаш учун унинг замонавийлигини мустаҳкам ва мунтазам ушлаб туриш;

- ишлаб чиқаришнинг замонавий техника воситалари билан қуролланиб боришини таъминлаш;
 - ишчи-ҳодимлар малакасининг замон талаблари даражасида бўлишига эришиш;
 - хом ашё ва материаллар билан таъминлашнинг энг илғор усулларидан фойдаланиш ва уларнинг керагидан ортиқча тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, энг оптимал захира миқдорига эга бўлиш;
 - товар сифатини мунтазам яхшилаб бориш;
 - товарларни сақлаш ва шу жараёнларда уларнинг ҳажмига, сифатига ва бошқа жиҳатларига путур етишининг олдини олиш;
 - товар сотиш ва уни рағбатлантиришнинг илғор услуб ва шакллари билан фойдаланишни йўлга қўйиш;
 - товар ишлаб чиқаришда экологик ҳолатнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик ҳамда экологик тоза маҳсулот яратиш;
 - сотишни рағбатлантиришнинг асосий мақсади ҳисобланган товар сотиш ҳажмини кўпайтириш ва ҳ.к.
- Бундай вазифалар ҳар бир алоҳида олинган шароитда ўз хусусияти ва маъносига эга бўлиши мумкин. Бундай ҳол белгиланган вазифаларнинг реаллигини таъминлайди ва уларнинг тўла бажарилиши мазкур фаолиятнинг ўз мақсадига эришиши билан баҳоланади.

Маркетинг изланиши нима?

Маркетинг фаолиятини аниқлашда маркетинг изланиши ишлари олиб борилади. Маркетинг изланиши маркетинг жараёнини тўлалигича ўз ичига олади. Изланиш белгиланган кўрсаткичлар ва йўналишлар бўйича олиб борилади. Демак, маркетинг изланиши бу — бозорда юз бераётган ва бериши мумкин бўлган ўзгаришларни белгиланган мақсад йўналишида олиб бориш демакдир.

Маркетинг изланиши қабул қилинган (ҳар бир аниқ шароитда) қоида ва услублар ёрдамида олиб борилади. Изланишнинг мақсади эришилган ёхуд эришилиши мумкин бўлган даража ва ҳолатни таҳлил қилиш, шу таҳлил негизида ва илғор тажрибаларни ўрганиш асосида мазкур ҳолат учун ривожлантирилиши мумкин бўлган услуб ва шакллари танлаш, уларни баҳолашдир. Маркетинг

изланиши қабул қилинган қоидага биноан уч йўналишда олиб борилади. Бозорни чуқур тадқиқ қилиш ва ундаги жараёнларни ўрганиш ҳамда шу бозор иштирокчисининг имкониятларини баҳолаш каби илмий изланишлар мажмуидан ташкил топган маркетинг фаолияти юргизувчилар учун йўналиш ҳисобланади. Агар бозорни тадқиқ этиш шу бозордаги (бозорлардаги) ҳолатни ва унинг келажакдаги ривожини ўрганиш ва баҳолаш бўлса, бозордаги иқтисодий муносабатлар ва рақобатчиларни ўрганиш эса шу бозор иштирокчиси учун зарур бўлган ривожланиш йўллариини белгилаб олиш имконини беради. Ўз имкониятларини баҳолаш эса шу бозорда фаолият юргизиш чегараси ва уни кенгайтириш, ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот тури ҳамда сифати каби имкониятларни баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ.

Маркетинг изланишининг таркиби:

- а) бозор шароитини тадқиқ этиш;
- б) талабни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- в) таклифни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- г) харидорнинг товарга қўйган шартларини ўрганиш;
- д) бозорнинг ривожланиш истиқболи таҳлили;
- е) савдо услуб ва шакллариини ўрганиш;
- ё) рақобатчи фирмалар фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш;
- ж) товар сотиб олувчи фирмалар фаолиятини ўрганиш;
- з) савдо, сиёсат, ҳуқуқ, транспорт, тижорат, тажрибалар шароитларини ўрганиш;
- и) фирма хўжалик фаолиятининг таҳлили;
- к) маҳсулотнинг рақобатбардошлиги таҳлили;
- л) фирманинг рақобатбардошлиги таҳлили;
- м) фирманинг рақобат имкониятларини баҳолаш.

Биз булардан баъзи бирлари устида тўхталиб ўтамыз.

Бозор шароитини тадқиқ этиш. Бозор шароитини тадқиқ этиш шу бозорда фаолият юргизиш билан боғлиқ шарт-шароитларни ўрганишни назарда тутати. Бу ўрганиш бозорнинг талаблари: сифат, нарх-наво ва сервис хизмати кўрсатиш бўйича имкониятларни баҳолашни тақозо этади. Бозор шароити — бозорда товар-пул муносабатлари ва олди-сотди жараёни ҳолатидир. Товар-пул муносабатлари товар турлари, уларнинг миқдори, рақобатчи корхоналарнинг бозордаги мавқеи, уларнинг имкониятлари,

товарларни айирбошлаш йўллари каби жараёнларни чуқур ўрганишни назарда тутати. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, товар-пул муносабатлари негизда муайян бозорда иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожланиш йўналишлари ҳамда шундай алоқалар ўрнатиш учун шарт-шароитлар ётади.

Бозор шароитини тадқиқ этиш товар турлари бўйича амалга оширилади. Агар халқ истеъмоли товарлари бўйича товарларнинг сотилишини фасллар, аҳоли табақаси, кундалик ва маълум даврларда фойдаланиладиган ёки истеъмол қилинадиган товарлар турларига қараб, шунингдек шу товарларни сақлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш асосий вазифа ҳисобланса, ишлаб чиқариш воситалари бозорда уларнинг сотилиши билан боғлиқ барча шартларни чуқур ўрганиш зарурати ётади. Бу шартлар жумласига ишлаб чиқариш воситаларининг бирданига кўп истеъмол қилиниши, харидорларнинг нисбатан оз бўлиши, асосан бир манзилга кўп товар (маҳсулот) етказиб берилиши, сотишда улгуржи шаклининг кўп қўлланилиши, товар етказиб беришда транспорт алоқаси ва турларининг аҳамияти катталиги ва бошқалар кирази. Шартларни тўғри баҳолаш эса бозор шароитини ўрганишда қўлланиладиган услублар туркумининг мукамаллигига боғлиқдир.

Талабни ўрганиш ва таҳлил қилиш. Талаб тушунчаси бозорда мавжуд бўлиб, эҳтиёжнинг шаклланган туридир. Эҳтиёж ҳар бир инсонда ҳаётини фаолиятни ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида бирон-бир буюмга, товарга, хизматга туғилган заруратнинг ифодасидир. Эҳтиёж ҳозирги даврда тез шаклланиб бормоқда. Бунга асосий сабаб ҳаётини жараёнларнинг тез суръатлар билан ўзгариб боришидир. Шунинг билан бирга, инсон ҳаётини яхшилаш зарурати, бир томондан, ниҳоятда тез суръатлар билан ўсаётган илмий-техника тараққиёти, иккинчи томондан, эҳтиёжнинг талаб даражасига кўтарилишига таъсир кўрсатмоқда. Талаб эса, ўз навбатида, айнан шу илмий-техника тараққиётига катта таъсир кўрсатмоқда.

Маркетинг тизимида маркетинг фаолиятининг бозордаги асосий босқичлари ҳам айнан шу эҳтиёж ва талабнинг шаклланишидан бошланади. Талабнинг кейинги ва аҳамиятли босқичи бу талабнинг зарурий маблағлар

билан таъминланишидир. Аҳолининг харид қобилияти бозорда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис талабнинг бу тури бозордаги ҳар бир сотувчи учун иқтисодий ҳисобкитобга моликдир. Бозорда бундай талаб товар ишлаб чиқаришга асос бўлади. Ишлаб чиқарилган товар харидор эҳтиёжини қондириш хусусиятига эга бўлиши билан бирга олди-сотди келишувини барпо этади. Келишув эса, ўз навбатида, иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига ва ривожланишига асос бўлади. Демак, талаб бозорда амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар асосини ташкил этиб, шу муносабатлар шаклларини белгилаб беради.

Талаб ўзгарувчи хусусиятга эга. Унинг ҳаётийлик даври мавжуд бўлиб, бир неча босқичлардан иборат. Бу жараён бозордаги маҳсулот (товар) турига боғлиқ бўлади.*Агар янги товар яратилиши билан унга талабнинг юқори бўлиши табиий ҳол ва шаклланиш даври ҳисобланса, шу товарга талабнинг ортиб бориши ўсиш даври деб баҳоланади. Товарнинг бозордаги ҳолатига қараб, яъни сифати ва нархига қараб бу давр узоқ давом этиши мумкин ва аксинча. Шу боис товар яратишда илмий-техника тараққиёти натижаларидан тўла фойдаланиш ва бозорни мукамал ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бундай ҳолни ушлаб туриш эса товарга бўлган талабнинг барқарорлик даври деб юритилади. Талабнинг сусайиб бориш даври эса сўниш даври дейилади. Бозорда талабнинг бундай жараёнларни босиб ўтиши муқаррардир. Бунинг асосий сабаби янги товарлар яратишнинг табиийлигидадир.

Талабнинг ҳаётийлик (товарда ҳам мавжуд) даврларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, қисман янгиликлар киритиш ва умуман янги маҳсулот яратиш каби жараёнлар шу талабнинг ўсиши ва бошқа давлари билан боғлиқ. Талаб қанчалик юқори бўлса ва у келажакда ҳам сақланиб қолса, ишлаб чиқариш ҳам шунга мос ҳолда бўлади.

Маркетинг турлари

Бозор талаблари асосида маркетинг турлари қуйидагилардан иборат: конверсион маркетинг, рағбатлантирувчи маркетинг, ривожланувчи маркетинг, ремаркетинг,

қўллаб-қувватловчи маркетинг, демаркетинг, қарши таъсир кўрсатувчи маркетинг ва ҳ.к.

Конверсион маркетинг нохуш талабнинг мавжудлиги билан боғлиқ, яъни нохуш талаб мавжуд бўлганда талабни шакллантириш учун фойдаланилади. Талабнинг бундай вазиятида аксарият харидорлар товарнинг сифатидан қатъи назар, бу товар ёки хизматни инкор этадилар. Нохуш талабда маркетингнинг вазифаси товарлар рекламаси ва ҳаракати режасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши орқали талабнинг исталадиган даражагача юзага келиши ва ривожланишига кўмаклашиш, нохуш ҳолатларга қарши фаолият кўрсатишдан иборат.

Рағбатлантирувчи маркетинг қандайдир товарларга ва хизматларга талаб йўқлигида қўлланилади. Талабнинг йўқлиги таклифга нисбатан салбий муносабатнинг намоён бўлиши эмас, балки истеъмолчиларнинг бу товарга бефарқлиги ва қизиқмаслигидан келиб чиқади. Бундай ҳолат товар ўзининг истеъмол хусусиятларига кўра харидорларга нотанишлигидан, товарни умуман истеъмол қилинмайдиган жойларга олиб келишдан ёки харидорлар товар ўз қийматини йўқотган, деган хулосага келганларидан мавжуд бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда талабни юзага келтириш рағбатлантирувчи маркетингнинг вазифасидир. Бу вазифа нархлар, реклама ва ахборотларни такомиллаштириш ва кенг тарқатиш орқали амалга оширилади.

Ривожланувчи маркетинг харидорларнинг бир қисми аниқ бир шаклда бўлмаган қандайдир товар ёки хизмат харид қилишга эҳтиёж сезганда пайдо бўладиган имконли талаб билан боғлиқ бўлади. Имконли талабнинг мавжудлиги бундай товар ёки хизматларни яратиш учун имкониятларни очиб беради. Имконли талабни реал талабга айлантириш янги товарларни яратиш, истеъмолни янги сифат даражасида қондириш билан амалга оширилади ва бу ривожланувчи маркетингнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ремаркетинг пасайиб бораётган талабни тиклаш учун қўлланилади. Мазкур товарга ёки хизматга бундан олдинги давр даражасига қараганда талабнинг пасайиши, фирмани янги бозорларга йўналтириш, товар ва хизматларни такомиллаштириш каби тегишли тадбирларни талаб этади. Талабни жонлантириш — товарлар таклиф этишни уларни

имконли бозорлар билан келишиб олиш учун янги имкониятларни излашдир.

Қўллаб-қувватловчи маркетинг вазифаси — талабни етарли даражада ушлаб туриш ҳамда унинг даражаси ва таркибини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган вазиятларга доимо эътибор беришдир. Талабни энг қулай даражада ушлаб туриш тўғри нарх сиёсатини амалга ошириш, сотиш фаолиятини тегишли йўналишда рағбатлантириш, сарф-харажатларни назорат қилиш, талабнинг пасайиши хавф-хатарини камайтириш учун маҳсулотни такомиллаштириш имкони бор йўналишни излаш орқали таъминланади.

Демаркетинг сезиларли даражада ошган талабни пасайтириш вазифасини бажаради. Юқори талабни қондириш имконининг йўқлиги фирманинг номи, унинг белгиси ва савдо маркасига нисбатан салбий кайфиятларни вужудга келтириши мумкин. Ўта юқори талаб товар ёки хизматларга нархларни ошириш, сотишни рағбатлантиришни тўхтатиш, реклама харажатларини қисқартириш ёки тўхтатиш йўллари билан пасайтирилади.

Қарши таъсир кўрсатувчи маркетинг демаркетинг каби талабни пасайтиришга қаратилган, лекин бунда зарарли товарлар назарда тутилади.

Маркетинг назарияси — бу фикрлаш образи, ишчан фикрлаш фалсафаси ёки йўналиши. Бир вақтнинг ўзиде маркетинг — бу бизнес соҳасида ҳаракат қилиш усулидир. Табиийки, фикрлаш тарзи ишлаб чиқарувчининг бозордаги ҳаракати йўналишини ҳам белгилайди. Қатор чет эллик маркетингшунослар ва етакчи корпорацияларнинг маркетинг бўлимлари одатда қуйидаги вазифалар бажарилишини жуда қонуний деб ҳисоблашади:

- бозорни таҳлил қилиш;
- тайлинг (товарнинг шакли ва ташқи кўриниши);
- товар маркасини танлаш;
- сотиш ва етказиб беришни ташкил қилиш;
- реклама ишларини олиб бориш;
- харидорларнинг тўлов қобилиятлари устидан назоратни амалга ошириш;
- товарни сотиш чоғида ва уни сотгандан кейин кўрсатиладиган турли хизматларни таклиф этиш;
- ким учун ишлаб чиқариш керак ва қаерда, қачон сотилишини таҳлил қилиш.

Халқаро маркетинг

Халқаро маркетинг алоҳида мамлакатнинг миллий ёки ички маркетингидан фарқ қилмайди. Халқаро маркетинг фирма ёки корхонанинг ташқи бозорга чиқиш учун қарор қабул қилган давридан бошланади. Маркетингнинг бу кўриниши асосан 50-йиллардан кейин пайдо бўлди. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ҳўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви; товарлар, хизматлар ва ғояларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш шароитларида уларнинг ўзгариши билан кузатиладиган кенг халқаро алоқалар, рақобатчилик курашининг кескин ўткирлашуви ва жаҳон саҳнасида кучлар нисбатининг жиддий ўзгариши халқаро маркетинг назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг объектив асоси ҳисобланади.

Халқаро маркетинг, бу халқаро миқёсда бозор фаолиятининг мавҳум усуллари ва воситаларининг шунчаки бир йиғиндиси эмас, балки фойда (монополь фойда) олиш мақсадида жаҳон бозорларига кириш, эгаллаб олиш ва назорат ўрнатишга комплекс, яхши мувофиқлаштирилган ва бир мақсадга йўналтирилган уринишдир. У муайян мамлакатлар бозорларининг хусусиятларини, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий муҳитини ўрганиш билан боғлиқдир. Шунингдек, халқаро савдонинг хусусиятлари, бож ҳаракатлари ва тариф тўсиқлари, валюта назорати ҳамда талбиркорлик операцияларини амалга ошириш ва расмийлаштириш ҳам халқаро маркетингни фирма томонидан билиш ва яхши таҳлил қилишни тақозо этади. Бу вазиятларнинг фирма фаолиятига «таъсир самараси» маркетинг режасини ишлаб чиқишда албатта ҳисобга олиниши керак. Маълумки, маркетинг ички бозорда, яъни айрим мамлакатнинг ўзининг бозорида халқаро маркетингга нисбатан афзалроқдир. «Уйдаги» маркетинг соддароқ ва хавфсизроқдир, чунки бу ҳолда ўзга тилни ўрганмаслик мумкин. Чет эл валютаси билан иш кўрмаслик, ўзга маданият ва урф-одатлар, мамлакатларнинг сиёсий ёки иқтисодий барқарорсизлиги билан иш кўрмаслик мумкин, аммо миллий бозорларда муваффақиятли ишлаётган кўпгина фирмалар чет эл бозорларига чиқишга ҳаракат қилишлари, бунда уларни ўзларининг товарларини сотиш учун очиладиган жуда катта имкониятлар ва ўзга ерда ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва ривожлантириш қизиқтиради.

Шундай қилиб, жаҳон бозорларини комплекс ўрганиш ва уларга изчиллик билан кириб бориш йўлида халқаро маркетинг бўйича мутахассиснинг дастлабки қадами бозорларни изчил таҳлил қилиш бўлиб қолмоғи керак.

Илғор технологиялар ҳаракати соҳасидаги халқаро маркетинг роли ҳам иқтисодийётда беқийёсдир. Етакчи фирмаларнинг тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан инновацион фаоллик ёки «бозор янгилиги» товарини яратиш билан белгиланади. Бундай товар анъанавийсига нисбатан фойданинг ўртача 28—30 фоиз юқори бўлишини таъминлайди. Бундай шароитларда фирмани муваффақиятга эришиш имконияти янги технология соҳасига кўчадики, бу халқаро маркетинг тамойиллари шаклланишига таъсир этмасдан қолмайди. Технология беришнинг кенг тарқалган ва самарали шакллари қуйидагилардир:

— лицензияларни сотиб олиш (савдо маркаси, янги технологиялар номи, патентлар);

— юқори малакали чет эллик олимлар ва мутахассисларни ёллаш (инжиниринг хизмати);

— комплекс асбоб-ускуналар билан савдо қилиш ва объектлар қуришнинг янги шакллари;

— лизинг (лизинг фирмаси бирор бошқа фирмадан асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиб, ижарага беради).

Шундай қилиб, энг қулай қарорни излаш ва топиш муваффақиятли маркетингчилик бошқарув стратегияси, товарларни ҳаёт цикли бўйича бозор классификацияси, реклама сиёсатини тўғри олиб бориш, харидорларни аниқ табақалаштириш — бу халқаро миқёсда маркетинг фаолиятини бошқариш санъатидир.

«Маркетинг» мавзуси доирасида ўрганиладиган иқтисодий категориялар ва тушунчалар: маркетинг, бозорга кириш; бозорда ўрнашиш; бозорга таъсир кўрсатиш; ишлаб чиқариш маркетинги; маркетинг изланиши; талабни ўрганиш ва таҳлил қилиш; конверсион маркетинг; рағбатлантирувчи маркетинг; ривожланувчи маркетинг; ремаркетинг; қўллаб-қувватловчи маркетинг, демаркетинг, қарши таъсир кўрсатувчи маркетинг, халқаро маркетинг ва бошқалар.

ХIII боб. МЕНЕЖМЕНТ

Менежмент тарихига назар

«Бошқариш» фанининг шаклланиши ва ривожланиши узоқ давом этиб келаётган тарихий давр билан изоҳланади. Аммо у фан сифатида нисбатан яқинда, ўтган асрнинг иккинчи ярми ва асримизнинг 50-йилларигача шаклланиш даврини ўтади ва ҳозирга келиб тугалланган, ўзининг хусусиятларига эга, инсон билимларининг назарий ва амалий асосларидан бирига айланди. Бошқариш фан сифатида шакллангандан илгари ҳам одамлар бошқариш фаолияти билан шуғулланганлар ва биз уни бошқариш амалиёти даври деб атаймиз. Ташкилотлар қай даражада қадимий бўлса, бошқариш амалиёти ҳам шу даражада қадимийдир. **Инсонлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаган даврлардаёқ бу гуруҳларда бошқаришга муҳтожлик сезилган.** Ҳозиргача сақланиб келаётган тарихий обидаларнинг яратилиши турли касб эгаларининг ўзаро муносабатлари расмий тарзда шаклланганлигидан ва улар маълум бир мақсад йўналишида бошқарилганлигидан далолат беради. Қадимда ва айниқса, ўрта асрларда шаклланган империялар мураккаб ташкилотларни бошқариш амалиёти нақадар ривожланганлигини исботлайди.

Фан сифатида шакллангунга қадар бўлган бошқариш фаолияти (амалиёти) асосан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради: раҳбарлар ворислик бўйича танланган; бошқариш раҳбарлар томонидан буйруқ ва тазйиқ ўтказиш йўли билан амалга оширилган; ташкилот учун муҳим бўлган бошқариш қарорларини қабул қилувчи одамлар кам бўлган; бошқариш фаолиятига тегишли ва тегишли бўлмаган ишлар орасида нисбатан аниқ чегаралар бўлмаган; раҳбарлар ташкилотлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда кўпроқ бойлик орттириш ёки ўзининг сиёсий ҳокимлигини кучайтириш мақсадида фойдаланганлар. Юқоридагилар бошқаришнинг ҳали фан сифатида шаклланмаганлигидан гувоҳлик беради. Чунки ҳали бошқариш фаолиятига меҳнатнинг алоҳида бир тури сифатида қараш, бошқаришнинг усуллари ва воситаларини эгаллаш ва ривожлантиришга қизиқиш бўлмаган. Бунга бир мисол келтириш мумкин. XIX асрнинг бошида инглиз мутафаккири, ижтимоий соҳалар бўйича илғор дунёқарашлари билан машҳур олим Роберт Оуэн ташкилотнинг

Ўз мақсадларига одамларнинг муносабатларини мувофиқлаштириш ёрдамида етишиш масалаларига алоҳида аҳамият берган. У Шотландияда фабрика очиб, ишчиларни зарурий уй-жойлар билан таъминлаган, меҳнат шароитларини яхшилаган, уларнинг самарали меҳнатларини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиққан. Ҳаёт даври учун илғор бўлган бу ислохот инсон омилига ва юқори малакали раҳбарнинг бошқариш фаолиятидаги ўрнига асосланган. Ташкилот (фабрика) юқори даражада самарали бўлишига қарамасдан ўша давр ишбилармонлари, бизнесменлари бу бошқариш фаолиятига тегишли ислохотдаги илғор фикр ва ғояларни тушуна олмаганлар.

Бошқариш назарияси ва амалиётига тегишли дастлабки ишлар Платон, Цицерон, кейинроқ классик сиёсий иқтисодчилар Адам Смит ва Давид Рикардоларнинг номлари билан боғлиқ. Бошқаришнинг фан сифатида шаклланишига Ф. Тейлор катта ҳисса қўшган. Унинг асосий қилган иши жисмоний меҳнатни ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таркибий қисмларга (элементларга) ажратиш (ёйиш) билан боғлиқ. Тейлор тизими меҳнат жараёнида механик ҳаракатларни таҳлил қилиш билан боғлиқ қатор бой илмий натижаларни ўзига қамраб олган; ортиқча ва ноқулай хатти-ҳаракатларни чиқариб ташлаш, ишнинг юқори даражадаги тўғри усулларини ишлаб чиқиш, ҳисобга олиш ва назоратга энг янги тизимларни киритишдан иборат ҳисобланган. Бозор иқтисодиёти амал қилган шароитларда ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги кўзга кўринган назарийтчилар Тейлор ишини (ғояларини) ривожлантирганлар.

Юқорида таъкидланганидек, бошқариш фан сифатида шакллангунга қадар ушбу жараёни туб моҳияти ва мазмунини тушунган ва амалиётда қўллаган, турли мураккаб одамлар гуруҳларига муваффақиятли раҳбарлик қилган, ўз тажриба ва нуқтани назарларини авлодларга мерос сифатида қолдирган буюк шахслар бўлганки, уларни ўрганиш ҳозирги замон бошқариш фанининг ривожланишига шубҳасиз самарали таъсир кўрсатади. Ана шундай сифатларга эга шахслардан бири соҳибқирон Амир Темурдир. Амир Темурнинг бошқаришга тааллуқли меросини ўрганиш учун ўқувчиларга «Темур тузуклари» асарини, машҳур тарихчи Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур» асарини ва республикамизда 1995—1996 йилларда ўтказилган илмий-амалий

анжуманларнинг материаллари билан танишиб чиқишни тавсия этамиз.

Бошқариш илмини ва умуман, «бошқариш» тушунчасини тўлароқ тасаввур қилиш учун қуйидаги илмий тушунчаларни билиш зарур бўлади: тизим, структура, ахборот (информация), мақсад, масала, муваффақият, муносабат ва ҳ.к.

Тизим

Бошқариш назариясига доир турли илмий манбаларда тизимга турлича таърифлар берилади, лекин ҳозиргача аниқ, ягона илмий таъриф шаклланмаган. Агар уларни умумлаштирсак, тизим ҳақида қуйидаги тушунча келиб чиқади: тизим — бу умумий мақсад (лар) йўналишида тушунган ҳолда ўзаро муносабатлар ўрнатиб, маълум муддат давомида биргаликда фаолият кўрсатувчи турли элементлар (таркибий қисмлар) тўпламидир, яъни $S = (A, Q, Y, T)$, бу ерда: $A = a_1, a_2, \dots, a_n$ тизимни ташкил этувчи таркибий қисмлар (элементлар);

$Q = (q_1, q_2, \dots, q_m)$ — тизимнинг таркибий қисмлари орасидаги муносабатлар;

$Y = (Y_1, Y_2, \dots, Y_k)$ — тизимнинг мақсадлари;

T — тизимнинг яшаш, фаолият кўрсатиш даври.

Тизимлар қуйидаги турларга бўлинади: техник, биологик, ижтимоий-иқтисодий.

Техник тизимлар ташқаридан кўрсатилган таъсир асосида бошқарилади. Уларда ўз-ўзини бошқариш имкониятлари йўқ. Масалан, соат механизми, автомобиль, компьютер, станок, турли техник қурилмалар ва ҳ.к.

Биологик тизимларга ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, алоҳида олинган бир ўсимлик ёки ҳайвон ва ҳ.к.лар мисол бўлади. Бу тизимлар ўз-ўзини шартли рефлекслар асосида бошқаради, яъни уларда ақл (табiiй интеллект) шаклланмаган.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг юқоридагилардан фарқи шундаки, уларнинг таркибий қисмларини одамлар (раҳбарлар, мутахассислар, оддий ходимлар ва ҳ.к.) ташкил этади. Бир тизим доирасида фаолият кўрсатаётган одамлар орасида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муносабатлар (алоқалар) ўрнатилади. Шунинг учун ҳам улар ижтимоий-иқтисодий тизимлар деб номланади. Бу турдаги тизимларга

ташкilotлар, хўжаликлар, корхоналар, фирмалар, оила-лар, халқ хўжалигининг турли тармоқлари, халқ хўжали-гининг ўзи, жамоат ташкilotлари, муассасалари ва ҳ.к.лар мисол бўлади.

Структура

Структура тушунчаси икки таркибий қисмдан иборат бўлиб, бири — тизимнинг таркибий қисмлари, иккинчиси — улар орасидаги муносабатлар, яъни

$$\text{Sir} = (\text{A} \cdot 0).$$

Бир сўз билан айтганда, бирор тизимнинг структураси шу тизимнинг таркибий қисмлари ва улар орасидаги муносабатлардир. Ҳар қандай тизим ўзининг хусусий, бошқа тизимларникидан фарқ қилувчи структурасига эга. Аслида ҳам структураларнинг фарқланиши асосида тизимлар бир-бирларидан фарқланади ва турли номлар билан аталади. Структура муайян тизимнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатувчи, унинг таркибига нималар кириши ва улар бир-бирлари билан қандай алоқалар ўрнатганлигини кўрсатувчи илмий тушунчадир. Тизим ва структура тушунчалари умумий ҳолда «Мураккаб тизимлар назарияси» деб аталувчи билимларнинг алоҳида мажмуи ҳисобланган фан доирасида талқин қилинади.

Ахборот

Ахборот илмий тушунча сифатида асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган. У инсон билимларининг алоҳида, ўзига хос хусусиятлари мажмуи ҳисобланади. Умумий номи «Кибернетика» (турли тизимларни ва уларни бошқаришни ўрганувчи фан) деб аталувчи йўналишнинг таркибий қисми — «Ахборот назарияси» мавжуд. Ахборотнинг нима эканлигини тушуниш унинг хусусиятларини билишдан бошланади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

— ахборот қанча кўп қайта ишланса (мулоҳаза қилинса, қайта ҳисобланса ва ҳ.к.) у ўзининг бирламчи маъносини шунчалик тез ва кўп ўзгартиради. Бунга турли миш-мишларнинг тарқалиши мисол бўлади;

— ахборот «вақт» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. У вақт ўтиши билан ўз қадрини йўқотиб боради. Ўз вақтида

етиб келган ёки етказилган хабар ахборот ҳисобланади. Муддатидан илгари етиб келган хабар ҳам ахборот бўла олмайди, кечикиб берилган ахборот эса бутунлай қадрсиздек. Масалан, муддати ўтиб кетган газета;

— ахборот қабул қилувчилар онгида «из» қолдиради. Фараз қилайлик, бирор ҳодиса рўй берди. Ушбу ҳодиса ёки жараён тўғрисида кимдир бошқа одамга хабар етказишда хатоликка йўл қўйди (ёки атайлаб нотўғри хабар берди). Маълум муддат ўтгандан кейин қабул қилувчига бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида тўғри хабар етказилди. Лекин кейинги хабар биринчи хабарни қабул қилувчининг онгидан «суриб чиқариши» қийинлашади, яъни қабул қилувчида кейинги тўғри хабарга нисбатан ишончсизлик ҳисси тугилади ва натижада у нотўғри тушунчага эга бўлади. Шунинг учун ҳақиқий, бирламчи ахборотни ўз вақтида (миш-мишлар тарқалмасдан илгари) етказиш муҳимдир. Демак, қабул қилувчининг фикрини ва нуқтаи назарини ўзгартирувчи, унинг билимига билим қўшувчи ва мулоҳаза қилишга мажбур қилувчи, ўз вақтида етказилган зарурий хабар ахборот ҳисобланади.

Ахборотга тегишли юқоридаги фикрларимизни қуйидаги мисоллар билан тўлдираемиз. Фараз қилайлик, бирор ўқувчилар гуруҳи «Бошқариш» фанидан имтиҳон топширмақда. Ушбу гуруҳда Шухрат Шодмонов исмли ўқувчи ҳам бор. У «Бошқариш» фанини ёмон ўзлаштирувчи ўқувчилар қаторига киради. Бу хабар гуруҳнинг бошқа аъзоларига аввалдан маълум. Ш. Шодмонов имтиҳон топшириб чиқди. Унинг натижаси «2» ёки «5» бўлиши мумкин. Агар гуруҳга «Ш. Шодмонов бошқариш фанидан «2» баҳо олди» деб хабар берилса, улар бу хабарга эътибор ҳам бермайдилар. Агар «Ш. Шодмонов бошқариш фанидан «5» баҳо олди» деб хабар берилса, уларнинг онгида Ш. Шодмоновга нисбатан нуқтаи назар ўзгаради. Чунки иккинчи хабарда ушбу ўқувчи тўғрисида янгилик мавжуд. Аҳамият беринг, биринчи хабар ҳам, иккинчи хабар ҳам сон билан ўлчанса (хабарда қатнашган белгилар сони) бир-бирига тенг, иккала хабарни етказиш учун бир хил вақт (ёки бошқа турдаги харажатлар) сарфланади, аммо мазмун жиҳатидан, қабул қилувчилар нуқтаи назаридан иккинчи хабар биринчисига нисбатан юқори даражага эга. Яна бир мисол: агар ўқитувчи 45 ёки 90 минут давомида ўқувчиларга бирор мавзу бўйича расмий

жиҳатдан дарс ўтса-ю, лекин ўқувчиларнинг ушбу мавзу бўйича билимлари дарс тамом бўлганидан сўнг бошланишидан аввалги ҳолатда қолса, ўқувчиларга ахборот етказилмаган, уларнинг онгига таъсир эта олмаган, билим бермаган ҳисобланади. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг вақти (умри) ўғирланади, уларнинг бор билимлари ҳам тартибсиз ҳолатга келтирилади.

Демак, ахборот атроф-муҳитда: табиатда ва жамиятда рўй бераётган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги билимларнинг тартибидир. Ахборотнинг (билимнинг) йўқлиги эса тартибсизлик демакдир. Бу дегани, бирор тизим тўғрисида қанча кўп ахборотга эга бўлсак, бизнинг назаримизда унинг тартиблилик даражаси шунча юқори ва агар, шу тизим тўғрисида қанча кам билсак, у бизнинг назаримизда шунча тартибсиз ҳолатда бўлади (билимсиз одамнинг хатти-ҳаракатлари ҳам тартибсиз, самарасиздир). Умуман олганда инсон дунёни ахборот орқали билади ва танийди.

Мақсад

Одамларни турли фаолиятларга бошловчи, йўналтирувчи куч ёки манба уларнинг талаб ва эҳтиёжларидир. Одамларнинг талаблари асосан икки турга бўлинади:

— физиологик, яъни одам жисмининг талаблари: овқатланиш, иссиқ ёки совуқдан сақланиш, ўз жисмини ҳимоя қилиш ёки жисмоний кучини кўрсатиш ва ҳ.к.ларга эҳтиёж;

— ижтимоий, яъни инсон ақл-заковат (табиий интеллект)ининг талаблари: атроф-муҳитдаги ҳодиса-жараёнларни ва нарсаларни тушуниш ва билиш (илмга интилиш), бошқа одамлар билан ҳамкорлик қилиш ва уларни тушуниш, бошқа одамлар олдида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш ва уларни иззат-ҳурмат қилиш, ақл-заковати ва билимларини кўрсатиш ва ҳ.к.ларга эҳтиёж.

Одамлар ана шу талабларини қондириш учун зарурий неъматларга (натижаларга) муҳтождирлар. Демак, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондирувчи аниқ натижа (неъмат) — унинг мақсадидир.

Одамларнинг фаолиятларига кўра уларнинг мақсадларини билиш ва баҳолаш мумкин. Умумий ҳолда мақсадларни

икки турга ажратиш мумкин: хусусий ва умумий. Хусусий мақсадлар ҳар бир одамнинг фақат ўзига тегишли ва унинг шахсий хусусиятларидан, талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўзининг имкониятлари орқали эришиши мумкин бўлган мақсадлардир. Инсон ўзининг ҳаётий фаолиятида олдига қўйган мақсадларига ҳар доим ҳам ўз имкониятлари билан эриша олмайди, чунки эришиши лозим бўлган натижаларнинг ҳажмини ва ўз имкониятларининг ҳажмини солиштиришда кўп ҳолларда хатоликларга йўл қўяди ёки одамлар хоҳлашган, лекин табиатан бир одамнинг имкониятлари билан эришиб бўлмайдиган натижалар мавжуддир. Натижада одамлар бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга интиладилар. Одамларнинг ўзаро ҳамкорликда кўзлаган ва уларнинг барчасига тегишли талабларни қондирувчи аниқ натижалар умумий мақсадлардир.

Масала

Биз юқорида одамлар хусусий ёки умумий мақсадларга эришиш йўлида турли фаолиятлар билан шуғулланадилар, деб кўрсатдик. Ана шу фаолиятлар — талаблар, мақсадларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мантиқий кетма-кетликдан иборат хатти-ҳаракатларнинг мажмуидир. Акс ҳолда кутилган натижаларга — мақсадларга эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, одамлар ўз имкониятлари — билим ва қобилиятларига асосланган ҳолда фаолиятларни турли усуллар орқали амалга оширадилар.

Бошқариш фанида одамларнинг мантиқий кетма-кетликдан иборат, маълум бир усул ёки услуб билан амалга ошириладиган ва улар кутган мақсадга олиб борувчи хатти-ҳаракатларнинг мажмуи **масала** деб юритилади. Кундалик ҳаётда масалани биз иш деб атаймиз.

Муваффақият

Одамлар фаолиятларининг натижалари асосан икки хил баҳоланади: муваффақиятли ёки муваффақиятсиз. Кутилган натижаларга олиб борувчи фаолият — мантиқий хатти-ҳаракатлар муваффақиятли ҳисобланади ва аксинча. Ташкилотнинг муваффақияти унинг таркибида меҳнат қилувчи одамларнинг умумий мақсадларини қондирувчи аниқ натижадир. Бошқариш фанида ташкилотларнинг

муваффақиятини кўп жиҳатдан раҳбарлар таъминлайди, чунки охир-оқибатда бошқариш қарорларини улар қабул қилади, деб уқтирилади. Умумий ҳолда, муваффақият фаолият натижаларининг имкониятларига нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{Муваффақият} = \frac{\text{фаолият натижалари}}{\text{ресурслар (имкониятлар)}} = \frac{\text{даромадлар}}{\text{харажатлар}}$$

Юқоридаги ифода яна қуйидаги умумий кўринишдаги иқтисодий кўрсаткичларни (менежерлар ташкилотларни бошқариш бўйича ўз фаолиятларини) баҳолашда ҳам қўлланилади:

$$\text{Унумдорлик (нисбий самарадорлик)} = \frac{\text{даромадлар}}{\text{харажатлар}}$$

Унумдорлик баҳоланаётганда харажатлар бирлигига тўғри келган даромадлар ўлчанади (харажатлар ўзгармас деб қаралади). Нисбий самарадорлик баҳоланаётганда даромадлар бирлигига тўғри келган харажатлар ўлчанади (даромадлар ўзгармас деб қаралади). Мақсади фойдани кўпайтиришдан иборат бўлган, иқтисодий тизимнинг тадбиркорлик секторида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг муваффақиятлари аниқ ҳисоб-китоблар асосида, пул кўринишида ҳисобланади. Лекин мақсадлари ижтимоий мазмундаги ташкилотларнинг (масалан, болалар боғчаси, шифохона ва ҳ.к.) муваффақиятлари умуминсоний кадриятлар тизими доирасида баҳоланади.

Муносабат

Умумий мақсадлар масалаларнинг умумийлигини келтириб чиқаради. Масалаларнинг умумийлиги эса одамларни бир-бирлари билан турли муносабатлар (алоқалар) ўрнатишларига олиб келади, яъни умумий мақсад йўналишида фаолият кўрсатаётган одамлар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ масалаларни ечадилар (ишларни бажарадилар). Муносабатлар, мақсадлар ва масалалар мазмуни ва моҳиятига кўра турлича бўлади: ижтимоий, иқтисодий, жисмоний ва ҳ.к.

Юқорида келтирилган тушунчалар бошқариш (менеджментлик) фани назарий асосининг таркибий қисмларидир.

Менежмент — бозор иқтисодиёти шароитида бошқариш демакдир

Ҳозирги мураккаб даврда ташкилотларни муваффақиятли бошқариш уларнинг асосий белгилари ва хусусиятларини аниқ билишни тақозо этади. Ташкилотларни бошқариш ва уларнинг муваффақиятини таъминлаш муаммоларини «Менежмент асослари» фани ўрганади. У кибернетика, бошқариш назарияси, ахборот назарияси, ўйинлар назарияси, операцияларни таҳлил қилиш (ўрганиш), математика, социология, психология каби қатор фанларнинг натижаларига, одамлар гуруҳларини бошқаришда ва ишлаб чиқариш амалиётида муваффақиятли фаолият кўрсатувчи талантли (тадбиркор) раҳбарларнинг тажрибаларига ҳамда дунёдаги турли бошқариш мактабларининг нуқтаи назарларига асосланади. Бошқариш, яъни менежмент — билимларнинг тўплами ҳисобланиб, чуқур ва асосли ўрганишни талаб этади. Ҳозирги замон бошқариш фанининг асосий масаласи турли ресурслардан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи одамлар орасидаги муносабатлар асосида кутилган натижаларга эришиш йўллариини излашдан иборат. Ушбу фаннинг предметини инсонлараро, ташкилотнинг бошқариш поғоналари, ички хўжаликлари (гуруҳлар) ҳамда ташкилот ва ташқи муҳит орасидаги муносабатлар ташкилот этади, яъни бошқариш — бу муносабатларга ташкилотнинг умумий мақсадларини қўзлаб таъсир этишидир. Юқоридгилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, менежмент — бозор муносабатлари амал қилган шароитларда ташкилотларни муваффақиятли бошқариш демакдир.

Менежмент ва ташкилот (корхона)

Ушбу мураккаб масаланинг моҳиятини тушуниш аввало, ташкилот нима, деган саволга жавоб бериш зарурлигини келтириб чиқаради. Турли адабиётларда «ташкилот» тушунчаси турлича талқин қилинади. Лекин аниқ шаклланган таъриф мавжуд эмас. Шунинг учун қуйида ҳар қандай ташкилотга нисбатан қўйиладиган асосий талабларни келтирамиз:

а) таркибида камида икки киши бўлган битта гуруҳнинг бўлиши;

б) гуруҳ(лар)нинг барча аъзолари учун ҳисобланган камида битта мақсаднинг бўлиши (иқтисодий тизимнинг тадбиркорлик секторида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг асосий мақсадлари фойдани орттиришдан иборат);

в) гуруҳ (лар) ичида умумий мақсад йўналишида бир-бирлари билан тушунган ҳолда ўзаро муносабатлар ўрнатиб хатти-ҳаракатлар қилувчи одамларнинг борлиги.

Демак, ташкилот вужудга келиши учун аввал гуруҳлар шаклланган, умумий мақсадлар аниқланган, одамларнинг умумий — биргаликдаги фаолиятлари уюштирилган бўлиши зарурдир.

Умуман олганда, ташкилотлар расмий ва норасмий турларга бўлинади. Норасмий ташкилотлар ҳар қандай мураккаб расмий ташкилотлар ичида шаклланиши мумкин. Мақсадлари расмий ташкилотнинг умумий мақсадларидан фарқланувчи гуруҳ(лар)нинг хатти-ҳаракатлари расмий ташкилот томонидан тан олинмаслиги уларнинг «норасмий» деб аталишига сабаб бўлади ва бундан кейин «ташкилот» деганда фақат расмий ташкилотларни тушунамиз.

Ташкилотлар асосан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

а) ресурслар: одамлар, капитал, материаллар, технология ва ахборот;

б) ташқи муҳитга боғлиқлик: рақобатчилар, таъминловчилар, истеъмолчилар, қонунлар ва давлатнинг бошқариш органлари, иқтисодиётнинг ҳолати, жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари), жамиятдаги қадриятлар тизими, фан-техника тараққиёти натижалари ташкилотнинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки ташкилот нисбатан очиқ тизим ва ташқи муҳитга боғлиқ, яъни у ташқи муҳитнинг таркибий қисмидир;

в) меҳнат тақсимоли: меҳнатнинг горизонтал тақсимоли — бевосита маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган яхлит ишларнинг таркибий қисмларга ажратилиши (натижада ташкилотларнинг ички хўжаликлари — бўлимлари шаклланади). Меҳнатнинг вертикал тақсимоли — бевосита ташкилотни бошқариш билан боғлиқ бўлган яхлит ишларнинг таркибий қисмларга ажратилиши (натижада ташкилотларнинг бошқариш поғоналари шаклланади);

г) бошқаришнинг зарурийлиги: ташкилотлар ўзларининг мақсадларига эришиши учун бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш зарурийлиги туғилади. Ташкилотларни бошқаришнинг зарурийлиги «Кибернетика» фанида қуйидагича тушунтирилади («кибернетика» — қадимги юнон тилида «кемани моҳирлик билан бошқариш»ни ифодалайди): фараз қилайлик, океан ёки денгизнинг ўртасида сузиб кетаётган кеманинг асосий мақсади қирғоққа етиб олишдан иборат. Кемада эшакчилар, елканчилар ва ҳ.к. ларнинг ҳар бири ўзларининг бевосита вазифасини бажармоқдалар. Уларнинг ҳар бири бажарадиган иш (ечадиган масала) билан боғлиқ хатти-ҳаракатларнинг мантиғи турлича, лекин ҳаммасининг мақсади қирғоққа етиб олиш. Бунинг учун уларнинг ҳар бири бошқалар бажараётган иш йўналишининг ўзлари бажараётган ишнинг йўналишига ўзаро мослигини таҳлил ва назорат қилиб боришлари шарт. Чунки ҳар бир масаланинг натижаси умумий мақсад йўналишида бўлиши зарур. Бундан ташқари, ҳар бир масалани ечиш учун зарур бўлган умумий ресурсларни одамлар ўзаро тақсимлаб олишлари лозим бўлади. Булар масалалар орасидаги ўзаро муносабатлар (алоқалар)ни умумий мақсад йўналишида мувофиқлаштириш ва ресурсларни масалалар бўйича тақсимлаш каби янги турдаги мураккаб масалани келтириб чиқаради.

Демак, одамларнинг ҳар бири ўзлари бажараётган алоҳида ишлардан ташқари, барча учун умумий ҳисобланган янги турдаги масалани ҳам ечиб боришлари шарт бўлади (агар улар ҳақиқатда ҳам қирғоққа етиб олишни истасалар). Лекин одамлар имкониятларининг чекланганлиги, умумий мақсадга эришиш йўллари ва умумий ресурслардан (масалан, кемадан ёки ундаги бошқа нарсалардан) мақсад йўналишида фойдаланиш бўйича нуқтаи назарларининг турличалиги қирғоққа етиб олиш бўйича умумий хатти-ҳаракатларнинг унумдорлиги ва самарадорлигини пасайтиради (ёки улар мақсадга умуман ета олмасликлари мумкин). Булардан ташқари, ресурсларни тақсимлаш масаласи одамлар орасида низоли вазиятларни келтириб чиқаради. Юқоридагиларнинг ҳаммаси барча учун умумий ҳисобланган мақсадларни шакллантириш, уларга эришиш учун ечилиши зарур бўлган масалаларни аниқлаш ва¹ уларни одамларга тақсимлаш, ресурсларни масалалар

бўйича тақсимлаш, масалаларнинг натижаларини ва одамлар фаолиятини умумий мақсад йўналишида мувофиқлаштириш, тартиблаштириш каби мураккаб масалаларни ечиш бўйича қарорлар қабул қилиш зарурлигини шакллантиради. Бу ташкилотларни бошқаришнинг зарурийлигини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳозирга келиб «менежмент» номи мутахассислик шаклланганки, юқоридаги вазифалар билан фақат (ёки асосан) раҳбарлар (менежерлар) шуғулланадилар.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, ташкилот ички хўжаликлардан (гуруҳлар), бошқариш поғоналаридан, турли ва бир вақтнинг ўзида умумий мақсадларни кўзлаб хатти-ҳаракат қилувчи одамлардан ташкил топган ва у ташқи муҳитга боғлиқ. Бу ташкилотнинг турли таркибий қисмлари ва ташкилот билан ташқи муҳит орасидаги муносабатларни боғлаш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, бошқариш боғловчи жараёнларни ташкил этиш ва улардан ташкилот мақсадлари йўналишида самарали фойдаланишдир. Боғловчи жараёнларга «коммуникация» ва «бошқариш қарорларини қабул қилиш» киради.

Коммуникация нима?

Коммуникация — одамлар, гуруҳлар (ички хўжаликлар), бошқариш поғоналари ҳамда ташкилот билан ташқи муҳит орасидаги ахборот алмашиш жараёнидир. Биз юқорида ахборот тушунчасини таҳлил қилдик. Ташкилотлар доирасида боғловчи вазифасини бажарувчи ахборот қарорлар, буйруқлар, лойиҳалар, ҳисоботлар, маслаҳатлар, кўрсатмалар, ташқи муҳитдан келувчи ёки унга чиқарилувчи турли хатлар, иқтисодий ҳисоб-китобларнинг турли натижалари ва ҳ.к. лар кўринишида бўлади. Коммуникация кўйидаги элемент (таркибий қисм)лардан иборат: ахборот жўнатувчи (манба), ахборот, алоқа воситалари, қабул қилувчи. Коммуникация жараёни эса кўйидаги босқичлардан ташкил топган: фикр ёки ғоя (ахборот)нинг шаклланиши, уни шифрлаш (турли белгилар ёки муомала тилида ифодалаш), узатиш, қабул қилиш ва қайд этиш (регистрация), тушуниш. Ташкилот доирасида коммуникацияни йўлга қўйиш ҳар қандай бошқариш ишлари учун муҳим боғловчи жараёндир, чунки бошқариш турли муносабатларни мувофиқлаштириш, тартиблаштиришдан иборат.

Бошқариш қарорларини қабул қилиш жараёни

Бошқариш қарорларини қабул қилиш — ташкилотнинг ички субъектлари ва ташкилот билан ташқи муҳит орасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш (бошқариш)да муҳим боғловчи жараёндир. Қарор — умумий мақсадлар йўналишида имкониятлардан бирини танлашдир. Қарорлар асосан режалаштирилган ва режалаштирилмаган турларга бўлинади. Режалаштирилган қарорлар такрорланувчи, илгаридан аниқланган вазиятларга тааллуқли бўлиб, уларни қабул қилишга мулоҳазали ёндошиш имконияти мавжуд. Режалаштирилмаган қарорлар асосан ташқи муҳит таъсири натижасида ташкилотларда шакллланувчи фавқулоддаги вазиятларни (муаммоларни) ҳал қилиш билан боғлиқ. Бу шароитларда мулоҳаза ёки маслаҳатлашиш асосида қарор қабул қилишга имконият йўқ. Шунинг учун, бундай қарорларни раҳбарларнинг ўзлари қабул қиладилар. Уларнинг натижаси ва самарадорлиги раҳбар (менежер)нинг савияси, тажрибаси ва тадбиркорлик даражасининг ривожланганлигига боғлиқ.

Қарор қабул қилишда муаммони мақсадли ҳал қилишга алоҳида аҳамият берилади, чунки қарор умумий мақсадлар йўналишида ечилиши зарур бўлган масалаларни ҳал қилиш усуллари аниқ кўрсатади ва зарурий ресурсларни масалалар билан боғлайди. Ташкилотларнинг мураккаблиги, келажакка назар солишнинг зарурийлиги менежерлардан қарор қабул қилишда иқтисодий-математик моделлардан фойдаланишларини тақозо этади.

Бошқариш — ташкилотнинг мақсадларини шакллантириш ва уларга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва назорат жараёнларидир.

Режалаштириш — ташкилот учун мақсадларни танлаш ва уларга эришиш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақидаги бошқариш қарорларини қабул қилиш жараёнидир. Режалар қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: аниқ мақсадлар, уларга эришиш учун ечиладиган масалалар, масалаларни ечиш учун зарур бўладиган ресурсларга нисбатан талаблар, масалаларни ечиш усуллари (технология). Режалаштириш ишлари ташкилотнинг миссиясини шакллантиришдан бошланади. Миссия — ташкилотнинг келажакка йўналтирилган, умумлаштирилган энг олий мақсади.

Ташкил этиш — ташкилотнинг ички хўжаликлари, бошқариш поғоналари, раҳбарлар ва бўйсунувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни белгилаш ҳамда ташкилот доирасида ечиладиган масалаларни тақсимлашни назарда тутди. Масалалар уч турга бўлинади: а) ходимларнинг материаллардан фойдаланишлари (меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳ.к.) билан боғлиқ муносабатлар натижасида шаклландиган масалалар (маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ оддий ишчи-ходимлар бажарадиган ишлар); б) ходимлар билан ахборот орасидаги муносабатлардан келиб чиқувчи масалалар (иқтисодчи, ҳисобчи, муҳандис-конструктор ва ҳ.к. мутахассислар ва ҳужжатлар билан ишловчи техник ходимлар бажарадиган ишлар); в) ходимлар билан ходимлар ўртасидаги муносабатлар натижасида шаклланувчи масалалар (қўйи бошқариш поғонаси менежерлари бажарадиган ишлар). Ўзаро муносабатларни ташкил этиш жараёнида масалалар ва ваколатлар юқоридан қўйига қараб узатилади (тақсимланади). Бунда масала ва ваколатнинг ўзаро мос тушишига алоҳида аҳамият бериш зарур бўлади. Ҳар бир масаланинг мос равишдаги ваколат (ташкилот доирасидаги ресурслардан фойдаланишнинг чекланган ҳуқуқи) билан таъминланмаслиги ресурсларнинг мақсадсиз ишлатилиши (исрофгарчилик)га ва мос равишда ишларнинг бажарилмаслиги (масалаларнинг ечилмаслиги)га олиб келади. Бу ташкилот фаолцятининг самарасизлигини келтириб чиқаради.

Мотивация назарияси нима учун керак?

Мотивация — корхонадаги алоҳида ходим ёки гуруҳнинг ташкилотнинг умумий мақсадлари йўналишидаги самарали фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантириш жараёнидир. Мотивациянинг замонавий назариялари турли ижтимоий-психологик вазиятлар ва муносабатларни ўрганишга асосланган. Ушбу назарияларга асосан қўйидагилар кириди: а) одамларнинг хатти-ҳаракатлари асосида уларнинг характерларини шакллантирувчи омиллар ва турли психологик ҳолатлари ётади, деб тушунувчи назария; б) одамларнинг хатти-ҳаракатлари асосида уларнинг талаблари ётади, деб тушунувчи назария. Одамлар учун энг муҳими уларнинг инсонийлик хусусиятларининг қадрланиши ва

ҳаққоний баҳоланишидир. Қадрлаш, баҳолаш ёки тақдирлаш дейилганда одамлар ўзлари учун энг қимматли нарсани тушунадилар. Одамларнинг корхоналарнинг умумий мақсадлари сари интилишларида муваффақият сезишлари, хизмат поғоналари бўйича кўтарилиш имкониятлари борлигини билишлари, атрофдагилар (айниқса раҳбарлар) томонидан тан олиниши, масъулият, имкониятларининг ортиши кабилар муҳим ўрин тутади. Одамларнинг талаблари, кутишлари ва ҳаққоний тақдирланиши тушунишлари ва тўғри қабул қилишлари орасидаги муносабатларни ўрганиш ва улар асосида раҳбарлик қилиш мотивациянинг асосини ташкил этади, чунки мотивация менежерлар бажарадиган бошқаришнинг умумий функцияларидан биридир.

Назорат — мақсадга эришишни таъминловчи жараён

Менежментнинг пировард мақсади — юксак натижага эришишдир. Бунинг учун назорат иши ташкил этилади. У юзага келувчи муаммоларни мураккаблашиб кетишидан илгари аниқлаш ва муваффақиятли фаолиятни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади. Назорат уч турга бўлинади: а) **муддатидан илгари назорат** — режа кўрсаткичлари (стандартлар)ни, масала ва ваколатларнинг ўзаро мослигини иш бошланишидан илгари текшириш (у асосан моддий ва молиявий ресурсларга қаратилган бўлади); б) **жорий назорат** — иш бошлагандан сўнг бўйсунувчилар меҳнат фаолиятларининг бевосита бошлиқ томонидан кузатилиши; в) **хулосавий назорат** — иш тугагандан сўнг ёки унга ажратилган вақт (муддат) тамом бўлгандан кейин бўйсунувчиларнинг бевосита бошлиққа ҳисобот беришлари. Назорат жараёни уч босқичдан иборат: а) **биринчи босқич** — стандартларни, яъни режа кўрсаткичларини аниқлаш; б) **иккинчи босқич** — эришилган натижаларни ўлчаш ва ҳисоб-китоб қилиш; в) **учинчи босқич** — натижаларни стандартлар билан солиштириш ва менежерларнинг кейинги қилинадиган ишларини аниқлаш.

Бошқариш мактаблари

«Менежмент» инсоният тарихида шаклланган турли бошқариш мактабларининг натижаларига таянади. Бошқариш мактабларининг асосан қуйидаги турлари мавжуд:

Илмий бошқариш мактаби (1850 — 1885 йиллар). Ташкилотларни илмий бошқариш Ф. У. Тейлор, Ф. Гильберт, Л. Гильберт ва Г. Гантларнинг номлари билан боғлиқ. Улар қўл меҳнати билан боғлиқ ишларни кузатиш, ўлчаш, мантикий таҳлил қилиш асосида ортиқча хатти-ҳаракатларни қисқартириш ва такомиллаштириш, самарадорликни ошириш мумкин эканлигини исботлашган. Натижада, илмий бошқариш нуқтаи назари мураккаб ташкилотларни бошқариш тарихида бурилиш ясади. Ташкилотларни бошқариш фаолияти алоҳида мутахассислик сифатида тан олина бошланди. Биринчи марта амалиётчи раҳбарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш амалда юқори даражадаги самарадорликни таъминлашига ишондилар. Натижада бошқаришнинг иқтисодий усуллари шакллана бошлади.

2. Бошқаришнинг классик мактаби — маъмурий бошқариш мактаби (1885 — 1920 йиллар). Ушбу мактаб мураккаб ташкилотларнинг юқори бошқариш поғоналарида узоқ муддат раҳбарлик лавозимларида ишлаб катта тажриба тўплаган раҳбарларнинг бошқаришга нисбатан нуқтаи назарларини мужассамлаштиради. Классик мактабнинг асосий мақсади бошқаришнинг умумий тамойилларини яратишдан иборат бўлган. Одатда ушбу тамойилларнинг шаклланишини А. Файолнинг номи билан боғлашади. Уларга асосан қуйидагилар киради: меҳнат тақсимоти, ваколат ва масъулият, интизом, марказлаштирилган раҳбарлик, йўналишнинг бирлиги, хусусий интилишларнинг умумий интилишларга бўйсунishi, ходимларни рағбатлантириш, раҳбарларнинг юқоридан қуйига қараб чиқиқли боғланиши, тартиб, ҳаққонийлик, ходимлар учун иш жойларининг муҳимлиги, ходимлар тақлифларининг қўллаб-қувватланиши, бирлик. Ушбу мактаб нуқтаи назарлари бошқариш ташкилий-маъмурий усуллариининг шаклланишига олиб келди.

3. Бошқаришнинг шахслар (инсонлар) аро муносабатлар мактаби (1920 — 1950 йиллар). Ушбу мактаб нуқтаи назарининг негизида инсон омили ётади. Психология, социология, кузатиш ва ўрганиш усуллариини такомиллаштириш каби фанларнинг ривожланиши ходимлар иш жойларидаги хатти-ҳаракатларини ўрганишнинг қатъий

илмий асосда қурилишига замин яратди. Бошқаришнинг классик ва илмий бошқариш мактабларида ташкилотларни бошқаришда инсон омилига аҳамият бериш зарурлиги тан олинса ҳам ходимлар меҳнати фақат моддий рағбатлантириш ва ташкилотда расмий муносабатлар ўрнатилиши билан чекланган. Инсонлараро муносабатлар мактаби намояндалари (М. Паркер, Ф. Мэйо, А. Маслоу) аниқ ҳисоб-китоб қилинган иш операциялари ва яхши иш ҳақи ҳар доим ҳам меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келмаслигини аниқладилар. Жуда кўп ҳолларда ходимлар учун раҳбарнинг таъсиридан кўра гуруҳ (ички хўжалик) аъзолари орасидаги ўзаро инсоний муносабатлар муҳим ўрин тутиши бир қанча мураккаб ташкилотлар фаолиятида кузатилди. Булар бошқариш ижтимоий-психологик усулларининг шаклланишига туртки бўлди.

Юқоридагилардан ташқари, ҳозирги пайтда мураккаб ташкилотларни бошқаришга нисбатан турли янги ёндашишлар шаклланган. Масалан, «ташкилий хатти-ҳаракатлар (бихевиор)» — у ходимларнинг табиий, ички кечинмалари асосидаги қизиқишлари, интилишлари билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларини ташкилот доирасида ечиладилар масалалар билан ўзаро мослаштириш муаммоларини ўрганади; «жараёнли ёндашиш» — бошқариши ўзаро боғланган узлуксиз бошқариш вазифа (функция) ларидан иборат деб тушунади; «тизимли ёндашиш» — раҳбарлар ташкилотни ўзаро боғланган элементлар (одамлар, структура, масала ва технология) тўплами ва улар ўзгарувчи ташқи муҳит таъсирида турли мақсадлар сари интилган, деб қарашлари таъкидланади; «вазиятли ёндашиш» — ташкилотларни бошқаришда тайёр тавсиялар мавжуд эмас, чунки ички ва ташқи муҳит омиллари таъсирида ташкилот фаолияти жараёнида бир-бирларидан тубдан фарқ қилувчи турли вазиятлар юзага келиши мумкинки, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш зарурлиги ўқтирилади.

«Менежмент» бобида ўрганилиши лозим бўлган асосий категориялар ва тушунчалар: менежмент тушунчаси, бошқариш илмининг «Амир Темур тизими»; тизим; структура; ахборот, мақсад, масала; муваффақият; муносабат; менежмент бозор иқтисодиёти шароитида; менежмент ва ташкилот; бошқаришда коммуникация; бошқариш қарорлари; назорат ва унинг вазифаси; бошқариш мактаблари.

XIV боб. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ

Иш ҳақи ва иш кучи

Ижтимоий ҳаётда ишчилар, хизматчилар, жамоа хўжалиги аъзолари, ходимлар, мутахассислар ва бошқарувчилар корхона маъмуриятидан олаётган пул даромадлари меҳнат ҳақи (иш ҳақи) деб юритилади. Аслида унинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни анча чуқур бўлиб, у иш кучи деб юритиладиган иқтисодий категория (тушунча) билан боғлиқдир.

Иш кучи — инсон организми эга бўлган, ҳар доим ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) сарфлаб туриладиган жисмоний ва ақлий қобилиятлар йиғиндисидир. Иш кучи фақат инсонга хос реалликдир, у инсон организмдан ажрала олмайди. Иш кучи тушунчасига ходимнинг жисмоний куч-қуввати, ақл-заковати, фаҳм-фаросати, касб-кори, укуви, тажрибаси, маънавияти кабилар киради, Ана шуларнинг тўпланиши, яратилиши ва иқтисодий муносабатларга киришга шайланиб туриши учун маълум меҳнат (харажатлар) сарфланади. Иқтисодиёт тили билан айтганда, иш кучи ҳосил қилинади, у сарфлангандан сўнг яна такрор ишлаб чиқарилади. Иш кучини такрор ҳосил қилиш билан боғлиқ барча ижтимоий-зарурий меҳнат харажатлари унинг қийматини ташкил этади. Шуни ҳам айтиш керакки, ишчи авлодини тарбиялаш, организмни жисмоний ва ақлий соғломлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳам бевосита иш кучи қийматига киради.

Ходим ўз тирикчилигини ўтказиш, ҳаёт кечириш учун ўзининг иш кучини сарфлашга мажбур. У иш кучини ижтимоий хўжаликларнинг (жамоа хўжалиғи, давлат, хусусий, ҳиссадорлик, қўшма ва ҳ.к.) бирон-бир турига шартнома ёки ёлланиш шакларида сарфлайди. Бунинг учун у корхонадаги меҳнат жараёнида қатнашиш даражасига қараб маълум ҳақ — иш ҳақи олади. Демак, иш ҳақи корхона билан ходим ўртасидаги иш кучини истеъмол қилиш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатдир. Бу шунинг учун ҳам ана шундай муносабатки, ходим (ишчи) ўз хусусий, шахсий хўжалигида ишлаганда маълум даромад олса ҳам, у алоҳида тўлов хусусиятига эга бўлмайди, яъни у ўзидан ўзи ҳақ олмайди.

Иш ҳақининг янги мазмуни

Биз ўтиб бораётган бозор иқтисодиёти деган иқтисодий тизим барча ишлаб чиқариш муносабатлари қаторида иш ҳақиға ҳам янги хусусиятлар, янгича мазмун бахш этмоқда. Иш ҳақи категориясида юз бераётган бу хусусиятлар куйидагилардир:

Биринчидан, моддий неъматлар, маиший хизматлар яратиш билан шуғулланувчи корхоналар, фирмалар, ташкилот ва муассасалар (хўжалик ҳисобида ишлайдиган корхона ва ишлаб чиқарувчи субъектлар) эндиликда иш ҳақининг даражаси ва миқдорини ўзлари белгилайдиган бўлиб бормоқдалар. Бундай корхоналардаги иш ҳақи даражаси улардаги ишлаб чиқариш ҳажмларига, ишлаб чиқариш самарадорлигига, меҳнат унумдорлигига бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Бозор талабларини чуқур ўрганган, уларга мослашган, харидоргир ва рақобатбардош товарлар ва хизматлар таклиф этаётган корхоналар анча юқори иш ҳақи таъминлаётганлиги сир эмас. Бироқ давлат томонидан иш ҳақининг минимал (энг кам) миқдори қонун йўли билан белгилаб қўйилаётир, унинг шакллари ва юқори даражасини эса қонун чегараламайди,

Иккинчидан, бюджетдаги корхона ва ташкилотлардаги ходимлар иш ҳақининг умумий миқдори ва даражасини давлат белгилайди. Гап шундаки, номоддий соҳанинг иш ҳақи фонди ўша нобюджет корхоналарда яратилаётган ялпи маҳсулот қийматининг бир қисми ёки уларда яратилган даромадларни қайта тақсимлаш орқали шакллантирилади. Демак, нобюджет корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жамиятнинг барча аъзолари манфаатларини ифодалайди.

Учинчидан, кейинги йилларда аҳоли даромадлари тез ўсиб бораётир. Биргина 1997 йилда 1996 йилга таққослаганда аҳоли даромадлари икки марта ўсди. Бироқ аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи ҳиссасининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳозирга келиб бир ойлик даромаддаги иш ҳақи ҳиссаси 30 фоиз атрофидаги миқдорни ташкил этаётир (*қаранг:* «Ўзбекистон овози», 1998 йил, 30 январь). Бунинг боиси — умумий ишловчилар сонидан ёлланиб ишловчиларнинг ҳиссаси камайиб бораётгани, яъни кўпчиликнинг тадбиркорликнинг турли шакллариға, шахсий ёрдамчи хўжаликда фаолият кўрсатишға ўтиб

бораётганлигидир. Расмий маълумотларга қараганда, нодавлат корхоналарида миллий даромаднинг 68,9 фоизи яратилмоқда, корхоналарнинг 94,4 фоизини ана шундай корхоналар ташкил этиб, уларда ишчиларнинг 66,1 фоизи ишламоқда.

Тўртинчидан, иш ҳақининг аҳолининг барча тоифалари учун бир хил аҳамият касб этмай қолаётганидир. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида иш ҳақи аҳоли даромадларининг 70 фоизини ташкил этар, унинг аҳамияти барча учун деярли бир хил эди. Ҳозирда иш ҳақининг ҳиссаси аҳолининг турли ижтимоий тоифаларида турлича. Масалан, ишчи-хизматчиларда 60 фоиз бўлса, жамоа хўжаликлари аъзоларида 21 фоиз, тадбиркорларда эса 3 фоиздан зиёдроқ, холос.

Иш ҳақи даражаси ва кўринишлари

Иш ҳақининг миқдори ва даражасини бир қанча омиллар белгилайди. Бу омиллар жумласига иш кучининг қиймати, ишчи (ходим)нинг малака даражаси, миллий хусусиятлар, табиий-тарихий, географик шароитлар киради. Иқтисодиётда яна иш ҳақининг номинал ва реал даражаси фарқ қилинади. Иш ҳақининг **номинал** даражаси дейилганда ходимнинг уни ишлаб чиқаришда қатнашиш даражасига қараб белгиланган пул кўринишидаги даромади тушунилади. **Реал иш ҳақи** дейилганда пул шаклидаги иш ҳақининг тирикчилик неъматларида ифодаланган шакли тушунилади. Реал иш ҳақиға аҳолидан олинадиган турли солиқлар, истеъмол буюмлари баҳолари ва хизматларнинг тарифлари таъсир этади. Масалан, нарх-наво қанчалик барқарор бўлса, ишчининг турмуш даражаси (реал иш ҳақи) шунчалик яхшиланади ёки нарх-наво беқарор бўлиб, тез-тез ўзгариб турса, турмуш оғирлашади.

Иш ҳақи миқдорига фан-техника тараққиёти ҳам таъсир этади. Чунки фан-техника тараққиёти меҳнатни жадаллаштиради, айни вақтда, меҳнат унумдорлигини оширади. Демак, бундай шароитда иш ҳақи ошади, чунки иш кучининг қиймати ҳам ортади.

Бозор иқтисодиёти шароитида одамларни меҳнатга жалб қилиш, уларни қизиқтириш, манфаатдорлигини ошириш зарурати кучаяди. Шу мақсадда иш ҳақини, унинг даражасини меҳнатга, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига,

жамоа меҳнатининг оқибатларига боғлаб қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадни кўзлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, барча турдаги корхона ва ташкилотларда ягона тариф тизими жорий қилинган, тариф разрядлари ва коэффицентлари асосида ҳақ тўлашга ўтилган. Бироқ иш ҳақининг даражаси ҳар қандай ҳолда ҳам ходимнинг меҳнатига, ишга муносабатига, масъулиятига боғлиқдир.

Меҳнат битими асосида ҳақ тўлаш

Корхона ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат битимларини расмийлаштириш йўли билан ҳам амалга оширилади. Меҳнат битимлари йўли билан иш ҳақи ҳисоблашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, биринчидан, муайян ишни корхона ишчиларининг кучи билан бажариш имкони бўлмаган ҳолда бўлса, иккинчидан, бажариладиган ишнинг ҳажмига ҳам боғлиқдир.

Агар корхона ва ташкилотда меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат битими тузиш йўли билан олиб борилса, биринчи навбатда корхона ва ишчи ўртасида меҳнат битими тузилади. Меҳнат битимида унинг рақами, тузилган жойи, ишни бажарувчи шахснинг исми, фамилияси, ишни бажариш муддатлари, ишнинг сифати, қўйиладиган талаблар билан бирга иш ҳақи суммаси кўрсатилади, шу билан бирга ишни бажарувчи шахсларнинг турар жойи, паспортидаги маълумотлари кўрсатилади. Меҳнат битимининг намунавий шакли қуйидагича:

М е ҳ н а т б и т и м и

199_____йил IX

Андижон шаҳри

Бизлар ким, қуйида имзо чеккан «Шоҳруҳ» фирмасининг бошлиғи — буюртмачи деб аталувчи Ақромов Мирзабек, бир томондан, иккинчи томондан, юридик шахс мақоми билан ижрочи деб аталмиш Исоқов Ҳамид қуйидаги меҳнат битимини туздик:

- I. Ижрочи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:
 - а) маъмурий бинодаги иситиш тармоқларини тўлиқ таъмирлаш;
 - б) таъмирланган иситиш тармоқлари иш фаолиятини синаб кўриш;

- в) ишни 4 октябрь куни сифатли қилиб буюрт-мачига топшириш.
- II. Буюртмачи меҳнат битимига асосан қуйидаги мажбуриятларни олади:
- а) ижрочига иш тўлиқ бажарилгандан сўнг 5000 сўм (беш минг сўм) тўлайди.
- б) ишнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар ижрочи томонидан олиб борилади.;
- III. Томонларнинг манзилгоҳлари:

“Буюртмачи”
 “Шохруҳ” фирмаси
 директори
 Ақромов Мирзабек
 Андижон шаҳри
 Чинобод кўчаси,
 48-уй,
 Ҳисоб рақами
 000410
 Имзо:

“Ижрочи”
 Исоқов Ҳамид
 паспорт
 № III-ЧС 912912
 Андижон шаҳар
 ички ишлар бўли-
 ми томонидан 1995
 йил 15 сентябрда
 берилган.
 Яшаш жойи:
 Андижон
 шаҳар, Бобур
 кўчаси, 15-уй.

Меҳнат битими икки нусхада ёзилади, унинг бир нусхаси иш бажарувчига берилади. Меҳнат битимида кўрсатилган иш бажарилганда унинг сифати, битим шартларининг бажарилиши масъул ходим томонидан текширилади. Объект қабул қилиб олингандан кейин ишчиларга иш ҳақи, яъни битимда кўрсатилган сумма берилади.

Ижтимоий ҳимоя фондлари. Мамлакатимиз тақсимот муносабатлари тизимида ижтимоий истеъмол фондларининг алоҳида ўрни бор. Уларнинг аҳамияти, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ортиб бормоқда. Президентимиз И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмидир. Гарчи ижтимоий истеъмол фондлари собиқ Иттифоқ даврида ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бундай фондларнинг мазмуни ва шакллари тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясида аҳолига тақдим этиладиган ижтимоий ҳимоя воситалари, истеъмол фондлари кафолатланган.

Ижтимоий ҳимоя фондлари доирасига кексайганда нафақа олиш, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа, бепул даволаниш, соғлиғини мустаҳкамлаш ва ўқиш, малака ошириш, турли имтиёзлардан фойдаланиш, хайрия жамғармаларидан манфаатдор бўлиш кабилар киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони билан иш ҳақлари индексация қилинади. Ҳозир республикамызда энг кам иш ҳақи, нафақа олиш, талабаларга стипендиялар бериш ва уларга маълум товон тўлаш, ўқувчи ёшларга корхоналар ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан стипендиялар бериш, ўқувчиларга бепул нонушта бериш каби қатор ҳимоя воситалари амал қилмоқда. Мамлакатимизда ижтимоий суғуртанинг кенг тармоғи жорий этилган, унинг ёшларга алоқадор жуда кўп ижтимоий ҳимоя воситалари ишлаб турибди.

Мамлакатимизда кучли ва адолатли ижтимоий ҳимоя сиёсати юргизилмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилди. Натижада аҳолининг реал даромадлари, бораётган маълум инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, биргина 1997 йилнинг ўзида 1996 йилга нисбатан 2 марта ортди. 1996 йилда давлат бюджети харажатларининг 40 фоизи ижтимоий соҳаларга сарфланганлиги фикримизни исботлайди. Бундан ташқари, бюджет харажатлари модалари қаторига махсус «аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш» деган модда киритилди, унга харажатларнинг 13,4 фоизи ажратилди. Умуман ижтимоий мақсадларга бюджет харажатларининг 51,4 фоизи сарфланди. Шунни айтиш керакки, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида бошқа бирор-бир давлатда бундай ижтимоий ҳимоя механизмининг устуворлиги таъминланмаган.

Бундай кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг йўлга қўйилаётгани, энг аввало, иқтисодийтимиз барқарорлашиб бораётган ва ўсиш аломатлари сезилаётгани сабаблидир. Президентимиз И. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 1997 йил якунлари ва 1998 йил вазифаларига бағишланган мажлисдаги нутқида келтирилган рақамларга мурожаат қилинса фикримиз ойдинлашади. 1997 йилдаги барча тармоқ ва соҳалар иш натижасини қамровчи ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини 1990 йилдагига солиштирганда

куйидагича ҳолатни кўрамиз: Ўзбекистонда — 90,0 фоиз, Россияда — 69,0 фоиз, Беларусда — 77,3 фоиз, Украинада — 42,4 фоиз, Қирғизистонда — 60,0 фоиз, Грузияда — 42,0, Озарбайжонда — 44 фоиз, Молдавада — 63 фоиз, Қозоғистонда — 62,0 фоиз. Агар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1997 йил кўрсаткичи 1990 йил билан солиштирилса, бизнинг иқтисодиётимиздаги афзаллик яна ҳам ойдинлашади: Ўзбекистонда — 112,7 фоиз, Украинада — 49 фоиз, Беларусда — 71 фоиз, Россияда — 48 фоиз, Қирғизистонда — 57 фоиз, Қозоғистонда — 49 фоиз даражасида бўлди.

Иқтисодиётимизда жонланиш бўлаётгани, у барқарорлашиб бораётгани, ислохотларнинг кейинги даврида иқтисодий юксалиш бўлиши, табиийки, ижтимоий ҳимоя ишининг яна ҳам яхшиланишига кафолат беради.

Шахсий ёрдамчи хўжалик — кони фойда

Аҳолининг пул даромадлари бир неча манбалардан шаклланади. Биз юқорида аҳолининг асосий даромад манбалари ҳақида тўхталдик. Ҳозир бозор иқтисодиёти амал қилаётган шароитда аҳоли даромадларининг манбалари ўзгаради, уларнинг шахс ва оила турмушидаги ўрни, аҳамияти бошқачароқ бўлади.

Аҳоли даромадларида шахсий ёрдамчи хўжалик алоҳида ўрин тутади, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмушида улар устувор роль ўйнайди. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, 90-йиллар бошларида шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинган тушумлар (буюм ва пул шаклида) Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси даромадларида 30 — 35 фоизни ташкил этди, айрим ҳудудларда (масалан, Олтиариқ, Қува, Асака, Андижон, Олтинқўл, Наманган, Тўрақўрғон туманларида) бундан ҳам юқоридир; кейинги 2 — 3 йил ичида эса янада ортиб кетди. Президентимизнинг махсус фармони асосида аҳолига томорқа ерларининг берилиши шахсий хўжаликлар сонини ҳам, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини ҳам, уларнинг деҳқон бозорларидаги ҳиссасини ҳам ошириб юборди. Ўзбекистонда бугун ҳукм сураётган осойишталик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик Президентимиз И. Каримов нақадар узоқни кўзлаб сиёсат юргизаётганлигининг натижаси, деб баҳоланмоқда.

Аниқроқ маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, агар 1991 йилда аҳоли даромадларида шахсий ёрдамчи

хўжаликнинг ҳиссаси атиги 9,7 фоизни ташкил этган бўлса, 1997 йилда 2,3 марта ортиб 22,3 фоизни ташкил этди. Унинг ҳиссаси айниқса фермер (деҳқон) хўжаликлари, жамоа хўжаликларида анча юқори.

Шахсий ёрдамчи хўжалик ҳақида сўз борар экан, унинг ижтимоий аҳамияти алоҳида эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу хўжаликлар жамиятимиз ҳаётида беқиёс катта ижтимоий вазифани бажармоқдалар. Уларнинг фаолияти маҳаллий бозорни янги маҳсулот билан тўйинтиришда, оилани натурал маҳсулот билан таъминлашда, пул жамғармалари ҳосил қилишда, иш билан бандликка эришишда, меҳнат тарбияси беришда, нафақахўрларни жисмоний ва ижтимоий соғломлаштиришда бебаҳо аҳамият касб этмоқда.

Соҳибкорлик фаолияти — даромад манбаидир

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар натижасида қишлоқда янги хўжалик шакллари — фермер (деҳқон) хўжаликлари вужудга келмоқда. Улар келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришнинг, аҳолини иш билан банд этишнинг, қишлоқни ижтимоий тараққий эттиришнинг таянч хўжаликлари бўлиб қолади. Ҳисоб-китобларга қараганда бу ўзгаришлар қишлоқларда иқтисодий ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга, мулкка эгалик ҳиссини кучайтиришга олиб келиши керак.

Бозор иқтисодиёти одамларни истеъмолчилик, боқи-мандалик кайфиятидан ҳалос этишга хизмат қилади, уларни яратувчилик, ишлаб чиқариш (соҳибкорлик) фаолияти билан шуғулланишга ундайди. Демак, энди одамлар бозорнинг фаол иштирокчисига — товар ва хизматлар таклиф этувчисига айланадилар. Бу — соҳибкорлик фаолиятининг кучайиши демакдир. Соҳибкорлик билан шуғулланиш эса ўз-ўзидан уларга қўшимча даромад манбаини очади. Бунинг иккинчи томони шундаки, одамлар ўз меҳнатларидан бевосита манфаатдор бўла бошлайдилар.

Янги иқтисодий тизим мулкка эгалик ҳиссини туғдириш билан бирга мулкни истеъмол қилиш (ишлатиш)нинг янги йўналишларини ҳам очиб беради. Бошқача айтганда, мулк бекор ётмайди. Ҳар бир фуқаро ўзига қарашли мулкдан у

хоҳ пул шаклида бўлсин, хоҳ буюм шаклида ёки иш кучи (меҳнат қилиш қобилияти) шаклида бўлсин, даромад олишга ҳаракат қилади. Мулкдан тушган даромадлар дивиденд, фоиз, иш ҳақи, фойда, рента ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижтимоий ҳимоя йўли билан алмаштирилладиган даромадлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай даромадлар жумласига суғурта тўловлари, ишсизлик учун тоvonлар, касбини ўзгартириш ёки касбга йўналтириш мақсадида меҳнат биржалари тўлайдиган маблағлар, хайрия фондларидан бериладиган даромадларни киритиш мумкин.

Дивиденд — қўшимча даромад манбаи

Бозор иқтисодиёти аҳоли учун даромадларнинг янги-дан-янги манбаларини юзага келтиради. Шулардан бири турли акционерлик жамиятлари, корхоналарнинг акцияларидир. **Акция** дивиденд шаклида даромад келтирувчи алоҳида мулк. Акция корхонаси фойда сифатида унинг эгасига акция корхонаси фойдасидан улуш келтиради. Бироқ акциядорлик корхонаси фойдасининг ҳаммаси дивидендга айланавермайди, унинг бир қисми кенгайган такрор ишлаб чиқаришни инвестициялашга, солиқларга ва бир қанча зарурий тўловларга сарфланади. **Дивиденд** шундай даромад шаклики, у корхона фаолияти яхшилана борган сари ўсиб боради.

Акция ва дивиденд муносабатларида Хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФ) муҳим, алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги вақтда республикамизда бир қанча ХИФ лари самарали фаолият кўрсатмоқда. Масалан, «Капиталинвест», «Ишонч», «Кўқон-инвест» кабилар 1997 йилнинг биринчи ярми учун акциядорларга 40 фоиз акция тўлаганлар (бир дона акцияга 40 сўмдан). Энг йирик ХИФ лардан бўлган «Камалак» ва «Донолик ва келажак» томонидан ўтган йилнинг ярми учун тўланган дивиденд миқдори 30 фоизни ташкил этди. Шу нарса аниқки, бозор муносабатлари ривожлана боргани сари ХИФ лар ҳам ривожланади, демак, дивиденд тўлашлар ҳам кўпайиб бораверади.

Дивиденд жамиятнинг барча аъзолари учун манфаатли даромаддир. Масалан, «Матбуот тарқатувчи» акционерлик

жамияти ҳозирда нафақахўр Исмоил Исроиловга 1995 йили сотиб олган акциясига 40.000 сўм дивиденд тўлаган бўлса, (ҳар бири 1000 сўмдан 40 дона акцияси учун), 1996 йилда 346 та акциясига 51900 сўм, 1997 йилда 1372 та акцияга 205.800 сўм дивиденд берди (қаранг. «Халқ сўзи», 1998 йил, 22 апрель). Юқоридагиларга қўшимча қилиб, яна қўйидагиларни айтиш мумкин. «Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати» акционерлик жамияти 1997 йили ўз акцияларига 49 млн. сўмлик дивиденд тарқатган, бу 1996 йилга нисбатан 125,9 фоиз ортиқдир: «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти эса ҳар бири 200 сўмлик акцияга 496 сўмдан дивиденд берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Акция ва дивиденд ҳақида гапирар эканмиз, шуни айтиб ўтиш керакки, акциядорлар ХИФ лар ва ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятида, уларнинг умумий мажлисларида фаол қатнашишлари лозим. Шунингдек, аҳоли ҳам улар фаолияти ҳақида зарур ахборотлар олиб турсалар яна ҳам яхши бўлади. Айни чоғда давлат ўз қонунлари билан ҳиссадорлик жамиятлари ва ХИФ лар фаолиятини назорат қилиб боради.

Якка фаолият — беминнат даромад манбаи

Ўзбекистоннинг мулкчиликка ҳамда тадбиркорликка оид қонунларида фуқароларга эркин меҳнат фаолияти юритиш учун шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган. Жумладан, якка мулкчилик ва унинг базасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мумкинлиги назарда тутилган. Якка тартибдаги меҳнат билан бир ўзи шуғулланиши мумкин бўлган касб эгалари — дурадгор усталар, косиблар, заргарлар, чеварлар ва шу қабилар банд бўладилар. Улар якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб шахсий даромадлар оладилар. Айни вақтда улар ижтимоий меҳнат тақсимооти тизимида қатнашиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўладилар. Уларнинг меҳнати давлат қонунлари доирасида бўлса, улар қонун билан ҳимоя қилинади. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ижтимоий ҳимоя фондларидан фойдаланиш (масалан, нафақа олиш) имкониятига ҳам эга бўладилар.

Интеллектуал мулк ва даромад

Ўзбекистоннинг мустақиллиги унинг фуқароларига инсон эркинлиги ҳуқуқларидан фойдаланишга кенг йўл очиб берди. Айниқса, ижодкорларга, ихтирочиларга, интеллектуал мулк эгалари деб аталувчи барча фуқароларга қулай шароитлар яратди. Улар ўз ақл-заковат мулкини: асарлари, ихтиролари, илмий кашфиётлари, технологик янгиликлари, услубий ишланмаларини (таълим тизимида) товар сифатида эркин сотиш имкониятига эга бўлишди. Бу, бир томондан, халқимиз ичидан янги ижодкорларнинг ўсиб чиқишига хизмат қилса, иккинчи томондан, маънавийнинг, маърифатнинг, илм-фаннинг, фан-техника тараққиётининг тўхтовсиз ўсишига имконият яратади.

«Аҳоли даромадлари» мавзуси доирасида ўрганиладиган иқтисодий категория ва тушунчалар: меҳнат ҳақи; иш ҳақи, иш кучи ва унинг қиймати; тирикчилик қиймати, яшаш минимуми; реал ва номинал иш ҳақи; ижтимоий ҳимоя фондлари: нафақа, стипендия, акция; акция мулк сифатида, дивиденд, шахсий ёрдамчи хўжалик, фермер (деҳқон) хўжалиги; якка тартибдаги меҳнат фаолияти; интеллектуал мулк; интеллектуал даромад ва бошқалар.

XV боб. ФИРМА (КОРХОНА) ДАРОМАДЛАРИ ВА ФОЙДА

Қўшимча маҳсулот ва фойда

Дастлабки қарашда «фойда» тушунчаси ҳаммага ҳам тушунарли кўринади. Аслида бошқа иқтисодий категориялар сингари ғоят чуқур муносабатлар ифодасидир, унинг моҳияти бошқа иқтисодий категорияларникидан анча мураккаброқдир. Чунки фойда категорияси ижтимоий ишлаб чиқаришдаги жуда кўп қатнашчилар муносабатларида ўз ифодасини топади.

Фойда — моддий жиҳатдан қўшимча маҳсулотнинг асосий шаклидир. У корхоналар (барча фаолият юритувчилар — соҳибкорлар) даромади билан боғлиқ харажатлар (маҳсулот таннари) ўртасидаги пул шаклидаги миқдорий фарқдир. Фойда пул шаклида бўлади, корхоналар, сармоядорлар, соҳибкорлар иқтисодий фаолиятининг умумлашган кўрсаткичи, пировард натижанинг мезони бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, фойданинг асл манбаи — қўшимча маҳсулотдир. Бироқ фойда тақсимот тушунчасидир.

Шунинг учун унинг вужудга келиши, ўзлаштирилиши ва истеъмол қилиниши ижтимоий ҳаётдаги бошқа бир қанча омилларга ҳам боғлиқ. Булар жумласига: маҳсулот таннархи (неча пулга тушганлиги), сифати, истеъмол қилинган хом ашё, технологик жараён, касб маҳорати, ишлаб чиқариш маданияти, устамонлик, тадбиркорлик кабилар киреди. Фойда миқдорига тежамкорлик ва тежамли технология қўллашнинг таъсири катта. Хуллас, фойда товарнинг яратилишидан тортиб то истеъмолчига бориб етгунча бўлган даврда учрайдиган барча ҳаракатларнинг пировард натижасидир.

Фойда олиш мақсаддир

4 Фойда — бозор иқтисодиёти категорияси, товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат таклиф қилувчиларнинг олий мақсадидир. Шу билан бирга фойда жуда кенг ижтимоий муносабатдир. Чунки фондларнинг кенгайиши, технологиянинг янгиланиши (модернизацияси), ишлайдиган ходимларнинг моддий рағбатлантирилиши (мукофотлаш), уларнинг дам олиши, санатория хизматларидан фойдаланиши, болалар боғчалари, тиббий ва соғломлаштириш муассасаларининг молиявий таъминоти олинган фойданинг миқдорига ва унинг тақсимот механизмига боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз фаолиятидан фойда олиш корхоналарнинг, ҳар қандай соҳибкор ва ходимнинг пировард мақсадига айланади. Фойда олмаган товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчининг тақдири иқтисодий жиҳатдан жожиалидир, чунки фойдасиз иш юритиш инқироз билан, хонавайрон бўлиш билан тенгдир.

Ҳар қандай корхона, соҳибкор, тижоратчи ёки бозор иштирокчиси ҳеч бўлмаганда ўртача фойда (нормал фойда) олиши лозим, ўз харажатини даромади билан қоплаб, иқтисодий наф кўриб, ўзининг ижтимоий ўрнини сақлаб қолиши керак. Агар соҳибкор арзон хом ашё топса, қулай фоизли кредит олса, арзон иш кучидан фойдаланса, замонавий технологияни қўлласа, қулай сотиш бозорига эга бўлса, одатдаги фойдадан юқорироқ фойда — ортиқча фойда олиши мумкин. Бундай соҳибкор ўз мавқеини мустаҳкамлайди, келажагига таянч қўяди, рақобат товарлар ишлаб чиқаради. Бу гаплар фақат меҳнат жамоалари учунгина эмас, туманлар, вилоятлар, тармоқлар, ишлаб

чиқариш мажмуалари, бутун мамлакат учун ҳам бир хилда тегишлидир.

Бозор иқтисодиётида савдо ёки муомала муносабатларининг аҳамияти ортади. Чунки фойданинг манбаи ишлаб чиқаришда бўлса ҳам, у соҳибкор қўлига савдо орқали, сотиш, муомала орқали тушади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда фойданинг алоҳида шакли бўлган **савдо фойдаси** ўз ўрнига эга. Савдо ва муомала билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар (ташкилотлар) ўз фаолиятларини амалга ошириш учун, яъни товарларни сотиш учун маълум харажатлар (улар муомала харажати деб аталади) қиладилар. Бу харажатларнинг бир қисми товарларни сақлашга, ташишга, саралашга, бутлашга сарфланса, бир қисми савдо расталари қуриш ва ишлатиш, савдо ходимларига иш ҳақи бериш, реклама қилиш, ҳисоб-китоб ишлари юритиш, товарлар излаб топиш каби ишларга сарфланади. Ана шу муомала харажатларидан товарнинг сотиш баҳолари юқори бўлган шароитда савдо фойдаси ўзлаштирилади ёки аксинча ҳам бўлиши мумкин.

Савдо фойдаси: моҳияти, манбаи ва тақсимланиши

Фойда миқдори, яъни суммасига бир неча омиллар, шу жумладан, ишлаб чиқарилган ёки савдога қўйилган маҳсулотнинг сифати, бу маҳсулот ёки товарга бўлган талаб ва таклиф, бозор ҳолати ва ҳ.к. лар таъсир қилади.

Савдода фойда ўз иқтисодий ўрнига эга. Савдода фойданинг асосий манбаи бўлиб савдога чиқарилган товарлар учун белгиланган **савдо устамаси** ҳисобланади. Савдо билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўз товарларига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олиб тегишли савдо устамасини қўллайдилар.

Тегишли савдо устамаси билан товарларни сотишдан келиб тушган пул маблағларининг ҳаммасини даромад деб ҳисоблаб бўлмайди. Даромад суммаси белгиланган савдо устамаси фоизига тенг келиши керак. Мисол учун, сиз ишлаб чиқариш корхонасидан келишилган ҳолда 1 сўмдан 100 донга товар олдингиз, унга 50 фоиз устама билан сотиб 50 сўм даромад қилдингиз. Энди товарни сотишдан қанча фойда кўрган бўлишингизни аниқлаш учун товарни сотиш билан боғлиқ харажатларни ҳисоб-китоб қилиб жами харажатларни даромад суммасидан, яъни 50 сўмдан айириб ташлагандан қолган қисми фойда деб ҳисобланади.

Фойдага товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар бевосита таъсир қилади. Савдо харажатларига товарларни сақлаш, ташиб келиш, реклама қилиш, иш ҳақи, ҳисобкитоб харажатлари киради. Бундай харажатлар йиғиндиси савдода муомала харажатлари деб юритилади.

Савдода муомала харажатларини даромаддан қоплашда харажатлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси — сотилган товарларга тўғри келадиган харажатлар, иккинчиси — қолган товарларга тўғри келадиган харажатлар.

Демак, савдо фойдасининг ортишига, биринчидан, харажатларни камайтириш таъсир қилса, иккинчидан, товарларнинг харидоргирлиги ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Ўз навбатида савдо фойдаси уч гуруҳга бўлинади:

1. Бевосита товарларни сотишдан олинган фойда.
2. Кўзда тутилмаган (режалаштирилмаган) фойда.
3. Кўрсатилган пулли хизматдан олинган фойда.

Шунинг учун савдо билан шуғулланиб юрган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни «текин фойда» олишда айблаш ҳар доим ҳам адолатли эмас. Биз маданий ва адолатли савдо ҳамда тижорат учун ҳаракат қилишимиз лозим.

Фойда ва ходим манфаати

Бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатларда ходимларнинг «фойдадаги иштироки» деган, фикр тарқалган. Бунинг маъноси шуки, фойданинг яратилиши ва ўзлаштирилишида товар яратиш ва сотишга алоқаси бор ҳар қандай ходим фойдада иштирок этади, фойда фақат корхона эгаси ёки савдогарга келган даромад бўлмай, ҳамма иштирокчиларга тегиши мумкин бўлган даромаддир. Бу ақида маълум маънода ҳаётийдир. Ҳақиқатда ҳам товар ишлаб чиқариш ва уни сотишда банд бўлган кишилар самарали, унумли ишласалар, фойда олинади ва унинг иштирокчиларига даромад бўлиб қайтади.

Фоиз — кредит баҳоси

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги даврда процент (фоиз) ва дивиденд деган сўзлар кўпчиликка таниш бўлиб бормоқда. Бироқ уларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини билиш, улардан тўғри фойдаланишга ўрганиш замонавий иқтисодий тафаккурнинг талабига

айланыпти. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ташкил қилиш, фаолият юргизиш осон эмас. Бу жараёнда қайсидир корхона ва соҳибкорда бўш пул маблағлари вужудга келса, бошқаларида эса вақтинча бўш пул маблағларига (сармояга) муҳтожлик сезилади. Бўш пул маблағларини ижтимоий ҳаракатсиз сақлаб туриш ҳам, ўзида қўшимча сармояларнинг тўпланишини кутиб туриш ҳам бир хилда самарасиздир. Шунингдек, ишбилармон, тадбиркор соҳибкорлар қўл қовуштириб ўтирмай бўш маблағларини уларга эҳтиёж сезганларга банклар воситачилигида кредитга (қарзга) беради, уни кредит сифатида жалб қилганлар эса унинг эгасига (банклар орқали) процент (фоиз) тўлайди. Процент қарзга олинган сармоя учун тўланган ҳақдир, кредит берган корхона учун эса даромаднинг маълум бир туридир.

Ссуда (кредитга берилган сармоя) шундай пул маблағики, у ҳеч кимга «бепул», бекорга, ҳақ тўламай берилмайди, у фақат маълум мақсадлар устидан, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш учун берилади. Ссуда учун тўланган фоизнинг манбаи худди шу кредит пулни ишлатишдан ҳосил бўлган даромаднинг (фойданинг) соҳибкор ўзлаштирган ўртача фойдадан ортиқча қисмидир. Демак, соҳибкор олган кредит ҳисобидан тушган фойда икки қисмга бўлинади: 1) соҳибкорнинг даромади; 2) соҳибкор даромадидан ортиқ қисми — фоиз.

Фоизлар манбаи қаерда?

Одатда, маълум бир даврда, ссуда маблағининг фойдалилик даражаси шаклланади. Бу муносабат молия тизимида фоиз меъёри (даражаси) деб юритилади. Фоиз даражаси фоиз суммасининг қарзга (кредитга) берилган ссуда суммасига нисбати билан белгиланади. Фоиз даражаси ўзгариб турувчи миқдордир. У кўпроқ ссуда маблағига бўлган талаб ва таклиф нисбати билан белгиланади. Шунингдек, бу кўрсаткич иқтисодиёт ҳолатига ҳам боғлиқдир. Агар иқтисодиёт инқироздан чиқаётган, жонланиш юз бераётган, янги иқтисодий муносабатларга ўтилаётган (масалан, биздаги каби бозор иқтисодиётига ўтиш даври) шароитда кредитга талаб юқори бўлганда, фоиз даражаси юқорилашиб боради. Барқарор иқтисодиёт шароитида у барқарор, инқироз шароитида эса пастроқ бўлади.

Фозилар ва даромадлар

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кенг қатламлари ҳам ўзларининг ижтимоий аҳолини яхшилаб олиш, бизнес билан шуғулланиш, уй-жой қуриш, хусусий мулкка эга бўлиш, фермер (деҳқон) ва шахсий ёрдамчи хўжаликни «оёққа турғазини» мақсадлари учун кредит маблағларига эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёжлар ҳозирги пайтда Халқ банки, «Тадбиркорбанк», Тижорат банки каби кредит муассасалари томонидан қондирилмоқда. Айни вақтда аҳоли ҳам ўзидаги бўш пулларни кредит муассасаларига сақлаш ёки кредит маблағи сифатида ишлатилиши учун қўядилар. Бундай операциялар учун банклар маълум фойиз тўлайди. Бу эса аҳолининг қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан республика аҳолисига даромадларнинг манбаларини кўпайтириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида кредит муассасалари анча кўпайтирилди. Жамғармабанк махсус банкка — Халқ банкка айлантирилди. Шунингдек, «Тадбиркор» ва бошқа акционерлик-тижорат банклари ишлаб турибди. Шунингдек, «Пахтабанк», «Мева-сабзавотбанк», «Ғаллабанк» ва бошқа банклар ҳам аҳоли даромадларининг кўпайишига, бўш пулларни халқ хўжалиги эҳтиёжларига сафарбар қилишга қўмақлашади.

Бозор иқтисодиёти кўпмулкчилиikka ҳамда кўпфаолиятчилиikka асосланган иқтисодиётдир. Айниқса, аҳолининг кенг қатламлари иштирок этиши мумкин бўлган акционерлик мулкчилигининг, акционерлик (ҳиссадорлик) жамиятларининг вужудга келиши аҳамиятлидир. Чунки бундай мулк ва ишлаб чиқариш шаклларида ҳар бир фуқаро баҳоли қудрат ўз сармоялари билан қатнашиши мумкин.

Ҳиссадорлик жамиятлари ва акция

Акционерлик корхонаси ўз таъсисчилари ва аъзоларини мулк қиймати миқдорида қимматбаҳо қоғоз — акциялар билан таъминлайди, акциянинг эгасига кафолатланган миқдорда даромад (дивиденд) олиб туриш имкониятини беради. Ҳиссадорликнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, бўш пуллар маълум воситаларда, корхоналар фондларида моддийлашади — буюм — мулк шаклини олади.

Акция бошқа қимматбаҳо қоғозлар сингари сотилиш ва сотиб олинishi мумкин, у махсус қимматбаҳо қоғозлар бозорида маълум баҳоларда сотилади. Акциянинг бозор баҳоси иқтисодиётда акция курси (акция баҳоси) дейилади. **Акция курси** уч омилга боғлиқ: 1) акция қоғозининг номинал қийматига (неча пул туришига); 2) акцияга тўланаётган дивидендга (даромадга); 3) банкнинг фоиз ставкасига (меъёрига).

Акция — мулк ва даромаддир

Акция муносабатларининг ривожланиши туфайли йирик акционерлик компаниялари пайдо бўлади, улар ўз акцияларини фонд биржаларида сотадилар ва акцияларнинг нархини белгилайдилар. Акционерлик жамиятлари фаолиятдан маълумки, чиқарилган акциялар оддий ва имтиёзли шаклларда бўлади. Агар оддий акцияларга дивиденд корхона олган даромадга (фойдага) қараб тўланса, имтиёзли акцияларга дивиденд олинган фойдага қараб эмас, олдиндан белгиланган қатъий ставкаларда тўланади. Акционерлик корхонаси, биринчи навбатда, имтиёзли акция эгалари билан ҳисоб-китоб қилади, кейин қолган маблағлар орқали оддий акционерлар билан ҳисоб-китоб қилинади.

Алоҳида фаолиятлар ва даромадлар

Бозор муносабатлари бизнинг ҳаётимизга илгари маълум бўлмаган фаолият турларини ва даромад топиш воситаларини олиб кирмоқда. Ана шулардан бири — дилерлик фаолиятидир. Дилер — ишбилармон савдогар, у ўз ҳисобидан биржада ёки савдода воситачилик қилади. Дилерлик билан шуғулланувчи савдо ходимлари биржаларга аъзо бўлиб кирадилар, қимматбаҳо металл билан олди-сотди қиладилар; улар воситачилик билан шуғулланса-да, асосий фаолияти савдо билан даромад топишдир. Дилернинг даромади сотиб олинган ва соғилган товарлар нархлари ўртасидаги фарқдан тушадиган фойдадир.

Фуқароларнинг айримлари брокерлик (даллолик) билан шуғулланиб, даромад олишлари мумкин. Брокер биржаларда олди-сотди битимлари тузишда иштирок этувчи шахсдир. Воситачилик қилганлиги учун у муайян фоиз миқдориди ҳақ олади, мукофотлар ҳам олиши мумкин.

«Фирма (корхона) даромадлари ва фойда» мавзусида библио олиш зарур бўлган иқтисодий категория ва тушунчалар: фойда — иқтисодий категория; фойда — қўшимча маҳсулотнинг алоҳида ижтимоий шакли; ўртача фойда; ортиқча фойда; монополь фойда; соҳибкорлик даромади; савдо фойдаси; кредит, сармоя, инвестиция; фойда миқдорига таъсир этувчи омиллар; тежамкорлик ва фойда; фоиз — иқтисодий категория; тадбиркорлик ва фоиз. Фоиз манбалари; фоиз — қўшимча маҳсулотнинг алоҳида шакли; фоиз меъёрлари (даражаси); акция, акция мулк сифатида; дивиденд, дилерлик, брокерлик (даллоллик).

XVI боб. МОЛИЯ ВА СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИ

Молия тушунчасининг объекти ва субъекти

Бозор иқтисодиётининг асосини пул, унинг ҳаракати, ишлатилиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва истеъмол қилиниши каби муносабатларсиз тасаввур этиш, ҳатто тушуниш мумкин эмас. Зеро, бозор иқтисодиётида жамиятдаги барча иқтисодий муносабатлар пул билан, унинг ҳаракати билан боғлиқдир. **Пул билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар молия муносабатлари тушунчасини беради.** Бироқ молия иқтисодий категориядир. У иқтисодий категория сифатида пул ресурсларини вужудга келтириш, уларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни қондириш учун улардан фойдаланиш (ишлатиш) билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

«Молия» сўзи латинча «finis» сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси «тугади», «охирги», «финиш», «якунлаш» каби маъноларни билдиради. Тарихан бу сўз халқ билан давлат ўртасидаги пул тўловларининг тугалланганлигини, ҳисоб-китобларнинг охирига етказилганини билдирар эди. Давлатга ўз бадалларини, ўз даромадларидан давлат ҳиссасини берган шахслар «finis» деган ҳужжат олганлар. Кейинчалик бу сўз Европа мамлакатларида «financia» — давлат даромадлари ҳамда харажатларнинг умумий маъносини англатадиган тушунчага айланди. Шундай қилиб, молия муносабатлари келиб чиқди. Молия тушунчаси нақд пул маъносини билдирмайди, балки у пул фондлари, пул даромадлари, уларнинг ҳаракати, давлат пул даромадлари

ва харажатлари учун ишлатиладиган, корхоналар билан давлат, корхоналарнинг ўзлари ўртасидаги пул билан боғлиқ муносабатларни билдирувчи тушунчадир.

Молиянинг иқтисодий асосини маҳсулот ва хизматлар қиймати ҳамда унинг турли даражалардаги ҳаракати ташкил этади. Пул маблағларининг ҳаракати натижасида молиявий ресурслар (фондлар) вужудга келади. Масалан, амортизация фонди, жамғариш фонди, иш ҳақи фонди, ижтимоий ҳимоя фонди, мудофаа фонди, инвестиция фонди кабилар пул ресурслари — молиявий ресурслардир.

Ҳар қандай муносабат каби молия ҳам ўз субъекти ва объектига эга. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишда иштирок этувчилар молия муносабатларининг субъектини ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида молия субъектлари кўп ва хилма-хил бўлади. Улар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фуқаролар, тадбиркорлар, давлатнинг ўзи, бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахслардир. Молия муносабатларининг объекти молиявий ресурслар, пул фондларидир.

Дастлабки вақтларда молия муносабатлари фақат бир бўғинли — Давлат бюджетини ифодалаган бўлса, кейинчалик жамият тараққиёти давомида у кенгроқ муносабатларни қамраб ола бошлади. Яъни унинг бўғинлари кўпая борди. Давлат бюджетида давлатга тегишли даромадлар жамланганидан кейин корхоналар ихтиёрида қолган пул маблағлари маказлаштирилмаган маблағлар шаклини олди. Бу маблағлар ҳам молия муносабатларида фаол қатнашади, корхоналараро, тармоқлар ичидаги, тармоқлараро молия муносабатларида ифодаланади. Демак, корхоналар ва тармоқлар молияси ҳам жамият молия муносабатларида алоҳида бир иқтисодий механизмни ташкил этади.

Давлат бюджети — давлатнинг марказлаштирилган молиявий манбаи ва молия тизимининг асосий бўғинидир. Унинг иқтисодий мазмуни шуки, у давлатнинг фаолият кўрсатишига иқтисодий шарт-шароит яратади. Давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлигини таъминлаши учун ана шу марказлашган молиявий ресурсларга эга бўлиши шарт. Айни чоғда давлат ўз бюджети орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ташкил этади ва уни назорат остига ҳам олади.

Молиянинг вазифалари

Молия муносабатлари кенг қамровлидир. Унинг мазмуни у бажарадиган вазифаларда ўз ифодасини топади. Молия қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. **Тақсимлаш вазифаси.** У молиянинг асосий вазифасидир. Молия ёрдамида мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад хўжалик субъектлари ўртасида тақсимланиб пул фондларига айлантирилади. Дастлаб бу тақсимот корхонанинг ўзида — корхона билан давлат ўртасида юз беради. Бирламчи тақсимот натижасида фойда, иш ҳақи фонди, ижтимоий сугурта ажратмаси, амортизация фонди кабилар шакллантирилади. Бирламчи тақсимотда жамиятнинг бошқа қатламлари, номоддий тармоқ ходимлари, бошқа субъектлар қатнашмайди. Аммо ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад бутун халқники, бутун жамиятникидир, уларнинг яратилишида қўрсатилган тармоқлар ва уларнинг ходимлари билвосита қатнашганлар. Шунинг учун миллий даромадни *қайта тақсимлаш* зарурати туради. Яъни тақсимланган маҳсулот молия ёрдамида иккиламчи тақсимотдан ўтказилади. Бунда давлат солиқлар ва бошқа тўловлар ёрдамида бу ишни амалга оширади ва бирламчи тақсимотда даромадга эга бўлмаган соҳалар ва ходимлар таъминланади.

2. **Рағбатлантириш вазифаси** шунда ифодаланадики, давлат солиқлар, тўловлар, субсидиялар, дотациялар ёрдамида имтиёзлар бериб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун инвестициялар билан таъминлайди, рағбатлантирувчи фондлар ташкил этади, яхшироқ ишлашга ундайди, корхона зарарини қоплайди, бож тўловларини камайтириб экспортни рағбатлантиради, хориждан янги технология ва ишланмалар келтириш орқали иқтисодиётнинг тузилишини ўзгартирилишига рағбат беради ва ҳ.к.

3. **Ижтимоий ҳимоя вазифаси.** Бу вазифа икки даражада олиб борилади. Биринчидан, объектив равишда ночор турмуш кечирувчилар ижтимоий аҳволини енгилаштириш, уларнинг бозор муносабатлари шароитида қашшоқлашиб кетмасликларига ёрдамлашиш. Давлат ногиронлар, кўп болалилар, ишсизларни турли фондлар ташкил этиш орқали ижтимоий ҳимоялайди; иккинчидан, аҳолининг барча қатламларига тегишли бўлган ижтимоий

ҳимоялаш. Молия ёрдамида халқ таълими, аҳоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соф экологик муҳит яратиш учун кетадиган пул маблағлари ажратилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон моделида ва Президентимизнинг йўл-йўриқларида ижтимоий ҳимоя масаласи алоҳида кўрсатилган.

4. Иқтисодий ахборот бериш вазифаси. Молиявий ахборот молия субъектларига ўз фаолиятларини ташкил этиш, ўз шерикларидаги аҳвол ва бошқалар билан танишишга, пировардида самарали молиявий фаолият юритишга ёрдам беради.

Молия вазифаларининг бажарилиши молиявий ресурслар ёрдамида амалга оширилади. **Молиявий ресурслар** жумласига ишлаб чиқариш харажатлари, амортизация, фойда, акция учун дивидендлар, солиқлар, бож тўловлари, ҳар хил тўловлар, дотация ва товонлар киради. Кўрсатилган молиявий ресурсларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича ҳаракат қилади. Масалан, солиқ имтиёзининг берилиши корхона ёки тадбиркорнинг иқтисодий аҳволининг яхшиланишига, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Айни чоғда бундай имтиёзнинг илмий асосланмаслиги, субъектив омилнинг таъсири салбий иқтисодий оқибатларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Молия тизими

Мавжуд молия муносабатларининг мажмуи — молия тизимидир. **Молия тизими** қуйидаги унсурлардан таркиб топади:

- давлат молияси (давлат бюджети);
- корхоналар, фирмалар, компания, концерн, ташкилотлар молияси;
- ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар (сиёсий партиялар, касаба ва ижодий уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари каби);
- махсус мақсадли фондлар (масалан, «Умид», «Устоз», «Маҳалла» жамғармалари, «Улуғбек», «Мирзо Бобур», «Оролни қутқариш» каби фондлар);
- хайрия фондлари.

Мамлакатимизда молия тизимини бошқариш — Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари орқали амалга

оширилади. Молия вазирлиги қуйидаги вазифаларни бажаришга мутасадди қилиб тайинланган:

— давлатнинг молия сиёсатини амалга ошириш, молиявий режалаштириш, молиявий манбаларни мувофиқлаштириш, молияга оид қонунларни ишлаб чиқиш, солиқ сиёсатини амалга ошириш, монополияга қарши кураш олиб бориш;

— мамлакат бюджетини тайёрлаш ва уни Олий Мажлис ҳукмига тақдим этиш;

— давлат бюджетининг ижросини молиялаштириш, харажатларни назорат қилиш;

— молия тизимини такомиллаштириш ва унинг мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш;

— барча турдаги молиявий ресурсларни давлат эҳтиёжи учун тўплаш, мулк шаклидан қатъи назар молиявий интизом ўрнатиш;

— қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш ва молия бозорини мувофиқлаштириш, уни назорат қилиш;

— хорижий сармояларни жалб этиш ва улар ҳаракатига шароит яратиб бериш ва бошқалар.

Молиявий ресурсларни, жумладан бюджет маблағларини тўғри сарфланиши устидан бевосита назорат назорат-тафтиш бошқармалари томонидан олиб борилади. Тафтиш материаллари асосида молиявий ресурсларнинг аҳволи таҳлил этилади, мамлакат иқтисодиётининг молиявий соғломлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланади.

Суғуртанинг моҳияти

Суғурта молия муносабатларининг ўзига хос алоҳида бир шакли бўлиб, у юз берадиган турли табиий офатлар, фавқулодда ҳолатлар, олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳодиса ва воқеалар натижасида етказилган зарар ва талофатларни бартараф этишга қаратилган махсус пул ресурсларидир. Суғуртанинг ўзига хос молиявий муносабат эканлиги шундаки, у тақсимланган ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадни қайта тақсимлаш оқибатида барпо этиладиган пул ресурсидир. Суғурта шундай пул фондики, кутилмаган ҳолатлардан кўрилган зарарни жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга тўла ёки қисман қоплаш имконини беради.

Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган ислохотларни амалга ошириш, аҳолини ва хўжалик субъектларини

иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиш суғурта воситасида амалга оширилади. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларига, жаҳон андозаларига мувофиқ келувчи суғурта тизимини яратишга алоҳида эътибор берилаётир. Мамлакатимиз Президентининг махсус фармонлари асосида «Ўзагросуғурта» Давлат акционерлик суғурта компанияси (ДАСК) ва «Мадад» суғурта агентлиги каби суғурта ташкилотлари ташкил этилди. Бу суғурта идоралари такрор ишлаб чиқаришнинг маромида бориши, иқтисодий-ижтимоий барқарорлик, аҳолини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ *мажбурий ва ихтиёрий суғурта тизими* жорий этилган. Мажбурий суғуртани ўтказишга давлат суғурта идораларигина ҳақлидир, улар мажбурий суғурта объектларини аниқлайди; уларнинг дахлсизлиги устидан назорат ўрнатади.

Ихтиёрий суғурта томонларнинг хоҳиш-иродасига кўра амалга ошириладиган суғурта шаклидир. Ихтиёрий суғуртанинг шартлари томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, суғуртанинг аниқ шартлари **суғурта шартномаси** билан белгилаб қўйилади. Масалан, қишлоқ аҳолисини ихтиёрий суғурта қилиш турлари қуйидагилардир:

- ҳовлиларни, томорқа экинлари ҳосилини суғурта қилиш;
- дала ҳовлиларни суғурталаш;
- рўзғор буюмларини суғурта қилиш;
- чорва ҳайвонларини суғурта қилиш;
- транспорт воситаларини суғурта қилиш;
- шахсий ҳаётни, болаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ихтиёрий суғурта жамиятнинг ўз аъзолари, улар мол-мулкининг сақланиши, хотиржам ва фаровон яшашини моддий жиҳатдан кафолатловчи иқтисодий ҳимоя воситасидир, у одамлар учун яратиб берилган ажойиб ижтимоий неъматдир. Бунга «Ўзагросуғурта» ДАСК таклиф этаётган беминнат ижтимоий хизматни мисол келтириш мумкин. У аҳолига хизмат кўрсатишда энг арзон суғурта тарифларидан фойдаланади; ихтиёрий суғурта шартномаси тузишда мол-мулкнинг бугунги кундаги баҳоси қатъий белгиланган баҳоларда эмас,

балки бозор нархида бўлишини назарда тутади ва келтирилган зарарни тўла қоплашга кафолат беради. Фуқаролар эса ўз ҳаётларини ўзлари хоҳлаган суммага суғурта қилишлари мумкин.

Суғурта қилинувчидан маълум миқдорда суғурта бадали олинади, бахтсиз ҳодиса рўй берганда кўрилган зарар тўла қопланади. Бу эса, табиийки, суғурта қилинганлар молиявий аҳволини тиклайди ва уларга иқтисодий мадад бўлади.

Аҳоли ҳаётини суғурталаш тизими

Аҳоли ҳаётини суғурталаш аралаш, болалар ва никоҳ-тўй суғурта турлари бўйича «Ўзагросуғурта» ДАСК тасдиқлаган 11-сонли қоида шартларига асосланган ҳолда олиб борилади.

Мазкур қоида шартлари асосида «Ўзагросуғурта» ДАСК нинг таркибий бўлимлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан ҳаётни аралаш, болалар ва никоҳ-тўйи суғурта турлари бўйича шартномалар тузадилар.

Ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича шартнома 16 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар билан тузилади. Болалар ва никоҳ-тўй суғуртаси бўйича уларнинг ёшидан қатъи назар, лекин шартнома тузиладиган кунда боланинг ёши 15 ёшдан ошмаган бўлиши керак. Болалар ва никоҳ-тўй суғуртаси бўйича боланинг ота-онаси, бошқа қариндошлари, фарзандликка олганлар суғурта шартномаси тузиши мумкин.

Касаллиги бўйича I гуруҳ ногиронлари билан суғурта шартномалари тузилмайди.

Суғурта шартномаси белгиланган шаклда расмийлаштирилиб, суғурталанувчи томонидан имзоланган ариза асосида тузилади. Суғурта шартномаси тузган шахс бутун суғурта муддати давомида суғурта бадалларини ойма-ой ёки бир йўла тўлаши лозим.

Фуқароларни қўшимча пенсияга суғурта қилиш

Суғурта шартномаси суғурталанувчининг белгиланган шаклдаги ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада у қўшимча пенсияни олиш ҳуқуқи бошлангунга қадар ўзи вафот этган

тақдирда суғурта пули тўланиши лозим бўлган шахсни кўрсатиш ҳуқуқига эга. Агар суғурталанувчи хоҳласа суғурта муддати давомида бир нечта шартнома тузиши мумкин (суғурта шартномаси ташкилот ҳисобидан ҳам тузилиши мумкин). Суғурта муддати тугагач, агар суғурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар тўланган бўлса, суғурталанувчи пенсия ёшига тўлгандан сўнг унга умрининг охиригача қўшимча пенсия тўланади. Фуқароларни қўшимча пенсияга суғурталаш шартномасини тузган ҳар бир фуқаро бутун суғурта муддати мобайнида бахтсиз ҳодисалардан ҳам суғурталанган ҳисобланади. Суғурта муддати тугагач, суғурталанувчи суғурта муддати тамом бўлган пайтда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам пенсия миқдорида қўшимча пенсия олади.

Суғурта бадали суғурталанувчининг ёшига, суғурта муддатига ва қўшимча пенсиянинг миқдorigа қараб белгиланади. Суғурталанувчи биринчи бадални ўзини суғурталаш ҳақидаги аризасида кўрсатилган ойдан бошлаб тўлаши лозим. Агар суғурталанувчи навбатдаги уч ой учун бадалларни тўламаса, суғурта шартномаси бекор қилинган ҳисобланади ва тўланган бадаллар суғурта харажати чегирилиб қайтарилади.

Суғурта бадаллари нақд пул билан, пул ўтказиш йўли билан бир йўла ёки ҳар ойда тўланиши мумкин.

Мактаб ўқувчиларини кўнгилсиз ҳодисалардан суғурталаш

Бундай суғурта шартномаси ўқувчиларнинг ота-онаси ёки бирга яшайдиган бошқа қариндошлари (суғурта қилдирувчилар) билан кундузги умумтаълим мактаблари ўқувчиларини кўнгилсиз ҳодисалардан суғурталаш мақсадида тузилади.

Ўқувчилар суғуртаси йил мобайнида ўтказилади. Суғурта шартномаси 1 йил муддатга тузилади. Суғурта пули миқдори чегараланмайди. Суғурта бадали суғурта пулидан 0,5 фоиз миқдорда белгиланади. Касаллик туфайли вафот этишдан суғурталаш хоҳишини билдирган суғурталовчи 2 фоиз миқдорда бадал тўлайди.

Суғурта бадалларини корхоналар, ташкилотлар, муассасалар (шунингдек мактаблар ҳам) ўз маблағлари ҳисобидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан тўлашлари мумкин.

Суғурта бадаллари нақд пул билан тўланганда суғурта шартномаси бадал тўланган куннинг эртасидан бошлаб, нақд пулсиз, ҳисоб-китоб йўли билан тўланганда эса улар корхона, ташкилот, муассаса томонидан суғурта компанияси ҳисобига ўтказилган кундан бошлаб кучга кирилади.

Шартнома амал қилаётган даврда ўқувчи бошқа умумтаълим мактабига ўтганида ҳам (шу жумладан, яшаш жойи ўзгариши муносабати билан) у суғурта қилинган бўлиб қолаверади.

Тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда тадбиркор фойдани кам олиш ёки умуман ололмай қолишдан, зарар кўришдан, тузилган шартномаларнинг турли сабабларга кўра бузилишидан, келадиган пулнинг вақтида тушмаслигидан, савдо-сотиқнинг узилиб қолишидан, йўл ҳодисасидан келадиган зарарлардан суғурталанади. Тадбиркорлик суғуртаси тадбиркорларни бозор рақобати ва турли бахтсиз ҳодисалар келтирадиган зарарлар оқибатида хонавайрон бўлиб кетмаслиги учун ҳимоя воситасидир.

Тиббиёт суғуртаси

Маълумки, инсоннинг энг асосий бойлиги унинг саломатлиги. Бироқ инсон ҳаёти, унинг доимо соғ-омон юриши табиий кафолатланмаган, у турли касалликлар туфайли оғир иқтисодий-ижтимоий аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун инсон ўз саломатлигини сақлаш, касалга чалинганда даволаниш имкониятига эга бўлиши, бошқаларга муҳтож бўлмаслик чора-тадбирларини кўриб қўйиши мақсадга мувофиқдир. Бундай йстакни рўёбга чиқаришда тиббиёт суғуртаси беминнат ёрдамга келади. Албатта, бошқа суғурта қилиш турлари каби тиббиёт суғуртаси ҳам суғурта идораси билан шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Тиббиёт суғуртаси шахснинг ўз ҳисобидан, ишлаётган корхонаси ёки бошқа молиявий имкониятлар томонидан тузилиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тиббиёт суғуртаси янада катта ижтимоий аҳамият касб этади.

XVII боб. КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ. БАНКЛАР.

Кредитнинг моҳияти ва зарурлиги

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодиёт субъектлари ихтиёрида маълум бўш пуллар тўпланиб қолади, бу объектив иқтисодий воқеликдир. Бозор иқтисодиёти шароитида пул ва бошқа молиявий ресурсларнинг бўш (ҳаракатсиз) туриши мумкин эмас, зеро, бу рақобатчилик шароитида фирмани огир аҳволга дучор этади. Шунинг учун иқтисодиёт фанида ҳаракатсиз пул маблағларининг пайдо бўлиш манбаларини ва уларни ҳаракатини йўлга қўйиш воситаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунини айтиш керакки, пулларнинг бўш бўлиши вақтинчалик характерга эга.

Хўш, вақтинча бўш пуллар қандай вужудга келади?

Биринчидан, корхоналарда катта миқдорда асосий ишлаб чиқариш фондлари бўлади, уларнинг эскириши (емирилиши) бир даврда кечмайди ва бир неча йил давомида юз беради. Демак, асосий фонднинг эскиришидан ҳосил бўладиган пул тушумлари (амортизация) уларни янгилаш муддати келгунга қадар бўш туради. Корхона уларни банклардаги махсус счётларда сақлайди. Ана шу амортизация пули вақтинча бўш пул маблағини ташкил этади;

иккинчидан, корхоналар ўзларининг йиллик фаолияти натижалари бўлган фойданинг бир қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий техника-технология билан қуроллантириш учун инвестиция фонди тариқасида аванслайдилар. Бироқ бу пуллар реализация қилиниш муддати келгунга қадар бўш туради;

учинчидан, корхона ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун маблағлар ажратади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай махсус ажратмалар, айниқса, зарурдир. Зеро, ижтимоий ҳимоя барқарорлик ва янгиланишнинг муҳим омилига айланади. Ана шу пул ресурслари ҳам фойдаланиш муддати келгунга қадар бўш туради:

тўртинчидан, маълумки, иш ҳақи ҳар куни тўланмайди, ойда икки марта берилади. Иш ҳақи тўлаш муддати келгунга қадар иш ҳақи фондининг бир қисми бўш пул маблағини ташкил этади;

бешинчидан, бўш пуллар айланма ишлаб чиқариш фоизларини сотиб олиш мақсадларига ажратилган вақти

билан уларни реал жамғариш вақти оралиғида ҳам тўпланиб қолади;

олтинчидан, аҳолининг қўлида ҳам маълум миқдорда бўш пуллар жамғарилиб борилади, улар бу пулларни маълум мақсадлар учун тўлайдилар;

еттинчидан, давлат бюджетидан ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш, ижтимоий соҳаларни молиялаштириш мақсадларида пул ажратмалари қилинади, улар ишлатилиш вақти келгунга қадар бўш бўлади;

саккизинчидан, бошқа пул маблағлари (суғурта пуллар), халқаро ва ички хайр-эҳсон маблағлари кабилар ҳам ҳосил бўлиш ва фойдаланиш муддатларида бўш туради. Аини чоғда такрор ишлаб чиқариш жараёнида корхоналарнинг бир қисми ўз иқтисодий фаолиятини давом эттириш, барқарор ишлаб туриш мақсадларида бўш пулларга зарурат сезадилар. Масалан, қайта ишлаш корхоналари хом ашё ресурсларини маълум муддатлардагина жамғариш имкониятига эга (пахта, пилла, сабзавот ва мевалар), чунки удар мавсумий маҳсулотлардир. Ана шу қизғин муддатда бўш пулларга муҳтожлик сезадилар. Бундай шароитда юқорида келтирилган бўш пул маблағлари иқтисодиёт ҳаракати учун жалб этилади. Бозор муносабатлари шароитида эса пул маблағлари маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга берилади. Маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан бериладиган ва қайтариб олинadиган пул маблағлари *кредит деб юритилади*. Кредит пулларга нисбатан уларни оладиган ва таклиф этадиган иқтисодий муносабатлар *кредит муносабатлари* деб аталади.

Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари

Ишлаб чиқариш муносабатлари иқтисодиёт иштирокчилари ўртасида вужудга келади. Кредит муносабатлари ҳам ана шундай юз беради, уларнинг иштирокчиларини **кредит субъектлари** деб аталади ва улар турли-туман бўлади. Кредит субъектлари кредит таклиф этувчи ва уни истеъмол қилувчилардир. Яъни корхоналар, фирмалар, давлат, турли ташкилотлар, трансмиллий ва хусусий корпорациялар, тадбиркор ва соҳибкорлар ҳамда аҳолининг бошқа турли тоифаларидир.

Кредит объектлари — вақтинча бўш турган пул маблағларидир. Маълумки, иқтисодиёт ғоят мураккаб жараёндр,

унинг субъектлари эса яна ҳам турли-тумандир. Уларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлари, тўлов қобилиятлари ҳам бир хил эмас. Шунинг учун кредит объекти бўлиб фақат вақтинча бўш пулларгина эмас, шу билан бирга товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, турли шаклдаги хизматлар ҳам бўлиши мумкин. Кредит муносабатлари ҳудди ана шу бўш пул ва товарларни қарзга олиб ишлатиш ва вақти келганда уни маълум ҳақ тўлаш орқали қайтариш борасидаги муносабатлардир.

Кредит шакллари

Кредит иқтисодий категориядир, у қарз олувчилар билан қарз берувчилар ўртасидаги қарз пулга, ундан фойдаланишга (истеъмол қилишга), ундан фойдаланиш асосида олинган натижаларга нисбатан бўладиган муносабатларни ифодалайди. Кредит шакллари худди ана шу муносабатларнинг реал иқтисодиёт тажрибасида намоён бўлишидир. Кредит муносабатлари эса бир томондан, унинг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни, иккинчи томондан, кредит субъектлари ўртасида воситачилик қилувчи махсус кишилар ўртасида амалга ошади.

Кредит шакллари қуйидагилардир:

- банк кредити;
- тижорат кредити;
- давлат кредити;
- истеъмол кредити;
- халқаро кредит.

Қуйида кредит шаклларида айримларининг мазмуни ҳақида тўхталамиз.

Кредитнинг энг қулай ва кенг тарқалган шаклларида бири — **банк кредитидир**. Бизнинг мамлакатимизда банк кредити «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ташкил этилади. Шунини таъкидлаш керакки, банклар кредит муассасалари сифатида фаолият қилувчи корхоналардир, улар хўжалик субъектлари ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини ўзида тўплаш ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш мақсадларига, миллий иқтисодиётни ривож топтириш ишларига йўналтириб турувчилардир. Албатта, банклар кредит пулларни ҳақ қандай эҳтиёжмандга беравермайди, улар кредитни хўжалик ва тижорат фаолиятида самарали ишлатиб фойда

ола биладиган мижозларгагина таклиф этадилар. Бошқача айтганда, банклардан кредит олувчи субъектлар маълум иқтисодий салоҳиятга эга, кредитни устига ҳақ қўйиб тўлай оладиганлардир.

Банк кредити бошқа кредит шаклларида кескин фарқ қилади. Бу фарқ шундаки, банк кредитлари нисбатан чекланмайди, катта ҳажмларда, узоқ муддатларга, маълум тартиб ва нормативлар базасига асосланган ҳолда берилади. Банк кредитлари ишонарли ва кафолатлидир. Шунинг учун кредит муносабатлари тизимида банк кредити кенг тарқалган ва ривожланиб бормоқда. Бу гап фақатгина миллий банкларга эмас, балки халқаро банклар-кредит фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Кредит шаклларида бири — **давлат кредитидир**. Давлат кредити иқтисодий муносабат сифатида давлат билан аҳоли ва микроиқтисодиёт тузилмалари ўртасида вужудга келади. Давлатнинг кредит муносабатлари субъектига айланиши шу билан баҳоланадики, у бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида, иқтисодий марказ сифатида роль ўйнайди. Давлат миллий иқтисодиётнинг тақдири ва истиқболига масъул тузилма сифатида ҳам қарз беради, ҳам қарз олади. У қарзни аҳолидан, корхоналардан, ташкилотлардан, хорижий давлатлар ва компаниялардан олиб, уни миллий иқтисодиётда чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, иқтисодиётни бозор талабларига мослаштириш мақсадларида сафарбар қилади.

Давлат қарзни заём шаклида, нақд пул жамғармалари ва бошқа шаклларда олади. Бундай кредит муносабатларини иқтисодиётда **давлатнинг ички қарзи** деб юритилади. Шунинг айтиш керакки, давлат олган ички қарзини ҳамда унинг фоизини бюджет даромадлари ҳисобидан қайтаради. Айни чоғда давлат ўз бюджетидан корхоналарни иқтисодий ночор аҳволдан чиқариш, уларнинг иқтисодиётини соғломлаштириш мақсадларида кредит беради. Одатда бундай мақсадларда бериладиган кредитлар имтиёзли бўлади, яъни ундан наф қўриш кўзда тутилмайди. Бундай кредит бизнинг мамлакатимизда кенг қўлланилмоқда. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги Қонун»га кўра 1998—2000 йилгача уларнинг қарзларини кечиктириш ҳамда уларга қайтариб бериш шарти билан кредит ажратиш кўзда тутилмоқда. Шундай қилиб, кредит иқтисодиётни

соғломлаштириш жараёнида ҳам қатнашувчи иқтисодий дастакдир.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиб бориши ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектига (иштирокчисига) айланиши кредитнинг халқаро шаклидан кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Халқаро кредит ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳаракат шаклидир. Бунда кредит берувчи ва кредит олувчилар сифатида давлат муассасалари, банклар, фирмалар, халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари қатнашадилар. Халқаро кредит ҳам «кредит» категориясининг бир туридир ва у бир қатор иқтисодий категориялар (фойда, баҳо, пул, валюта курси, тўлов баланси, савдо баланси кабилар) билан боғлиқдир.

Халқаро кредит ўз йўлида бир қанча кўринишларда бўлади. Масалан, ички, ташқи, аралаш кредитлаш, ташқи савдани молиялаш, тижорат кредит, инвестиция объектларини кредитлаш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш, ташқи қарзни узиш, товар шаклида ва валюта шаклида кредитлаш, халқаро пул бирликларида (СДР, ЭКЮ) кредит бериш кабилар.

Кредит бериш тамойиллари ва муддатлари

Кредит бериш маълум тамойиллар асосида амалга оширилади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

- қайтариб бериш;
- муддатлилиқ;
- ҳақ тўлаш (фоиз тўлаш);
- моддий таъминланганлик;
- маълум мақсадни (ишлатиш объектини) кўрсатиш.

Бу тамойиллар кредитнинг барча шакллари учун умумийдир. Кредит маълум маънода сотиладиган моддий товар ёки хизматлар кабидир. Демак, у гўё сотилади ва сотиб олинади. Сотувчи товарни сотганда маълум фойдани кўзлаганидек, кредит муассасаси ҳам бундан мустасно эмас.

Кредитлар қуйидаги муддатларга берилиши мумкин:

1) Қисқа муддатли кредитлар — бир йилга қадар (баъзида 18 ойгача, асосан олти ойга, уч ойга, бир ойга, бир ҳафтага) берилади;

2) Уртача муддатли кредитлар — бир йилдан беш йилгача муддатга берилади;

3) Узоқ муддатли — беш йилдан ортиқроқ муддатга берилади.

Кредитнинг вазифалари

Кредитнинг вазифаси кредит муносабатларининг хўжалик фаолиятидаги кўриниши ёки унинг ҳаракат ифодасидир. Кредит тўртта вазифани бажаради.

Биринчи вазифаси — пулга тенглаштирилган тўлов воситалари бўлган вексель, чек, сертификат кабиларни иқтисодиёт соҳасига тортиб, уларни хўжалик фаолиятида реал ҳаракатини йўлга қўяди;

Иккинчи вазифаси — турли хўжалик субъектлари ва аҳоли қўлидаги бўш пулларни капиталга айлантиради, яъни пулнинг ўз кучи асосида кўпайишига, пулга пул қўшилишига хизмат қилади;

Учинчи вазифаси — кредитлаш орқали пул маблағларини турли хўжалик субъектлари ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида қайта тақсимлайди. Яъни ишлаб чиқариш омилларини самара берувчи соҳаларга тезроқ етиб боришига туртки беради;

Тўртинчи вазифаси — муҳтож мижозларга қарз берилиши ва берилган қарзларни вақтида ундириб олиш орқали ижтимоий ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, яъни ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида самарадорликка эришилиши учун дастак бўлади.

Шуни айтиш керакки, кредит ўз вазифаларини тўғри бажарган ҳолдагина ижобий натижаларга олиб келади, аксинча, кредитдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кечмаса, кредит салбий натижаларга олиб келади. Бунга хўжалик ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳим вазифа шуки, кредит беришда ундан келиши мумкин бўлган оқибатларни (натижаларни) олдиндан сарҳисоб қилиш лозим.

Фоиш даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Юқорида айтилганидек, кредит — товардир. У шу маънода баҳога эга бўлади. Бошқа товарлар баҳолари каби кредит баҳоси ҳам **талаб ва таклиф қонуни** талаблари асосида шаклланади. Кредитнинг бош тамойили — кредит учун ҳақ тўлашдир. Яъни олинган ссуда суммасига маълум

устама ҳақ тўлаб қайтаришдир. Қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида тўланадиган ҳақни **қарз фоизи** дейилади.

Фоиз даражаси олдиндан белгилаб қўйилади, зеро, бу кредит муносабатларининг одатдаги талабидир. Фоиз даражаси (ФД) қарз фоизининг (ҚФ) берилган қарз миқдорига (ҚМ) фоизда ифодаланган нисбати билан белгиланади, яъни

$$\text{ФД} = \frac{\text{ҚФ}}{\text{ҚМ}} \cdot 100$$

Фоиз даражаси олинган кредитни соҳибкорлик фаолиятида ишлатиб ҳосил қилинган **қўшимча маҳсулот** ҳисобидан тўланади. Демак, кредит ҳисобига ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот икки қисмга бўлинади: биринчи қисми соҳибкор қўлида даромад тарзида ўзлаштирилади, иккинчи қисми эса қарзга олинган пул учун унинг баҳоси тариқасида эгасига фоиз даражаси бўлиб қайтарилади.

Иқтисодиётда фоиз даражаси жуда катта аҳамият касб этади. Гап шундаки, у нафақат кредитнинг самарадорлигини, айти чоғда такрор ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги ва самарадорлигини ифодалайди. Шунинг учун фоиз даражасига таъсир этувчи омиллар алоҳида ҳисобга олинади, уларнинг таъсири кузатилиб борилади.

Фоиз даражасига қуйидаги омиллар таъсир этади:

1) Кредитга бўлган талаб ва таклиф нисбати. Қарз пулга талаб ошган ҳолатда фоиз юқори, талаб камайган ҳолатда у ортади.

2) Кредитнинг истеъмол қиймати, яъни кредитга олинаётган пулдан кутилаётган иқтисодий самара.

3) Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Бунинг маъноси шуки, агар қарз узоқ муддатли бўлиб, кичик-кичик қисмларга бўлиниб тўлаб борилса, фоиз юқори бўлиши мумкин, аксинча қарзни биратўла қайтариш кўзда тутилса, фоиз паст бўлиши мумкин.

4) Кредитнинг қандай пул билан берилиши. Агар қарз конвертирланган валютада берилса фоиз юқори бўлади, аксинча қарз оддий конвертирлашмаган валютада берилса, фоиз нисбатан паст бўлади.

5) Иқтисодиётдаги инфляция даражаси. Агар иқтисодиётда инфляция жараёни кечаётган бўлса, фоиз юқори бўлади, зеро, бунда инфляциянинг ўсиш тезлиги белгиланган бўлади.

6) Пулни қарзга бергандан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад. Масалан, пул эгаси акция сотиб олишни, дивиденд олишни афзал кўрса, дивиденд фоиздан юқори бўлган тақдирда пулни қарзга бермайди, агар берганда ҳам юқори фоиз даражасини талаб қилади.

7) Қарз беришнинг хатарлилик даражаси. Агар қарзни қайтариш кафолатланса, фоиз паст бўлади, аксинча уни қайтариш шубҳа туғдирса, фоиз юқори бўлади.

Умуман олганда, кредит берувчи фоиз даражасининг юқори бўлишини, қарз олувчи бу миқдорнинг паст бўлишини истайди. Демак, улар ўртасида маълум бир рақобат кураши кетади.

Фоиз даражаси кредит муассасалари тақдирида муҳим роль ўйнайди. Чунки фоиз улар даромадининг асосий манбаи, иқтисодий қудратининг муҳим таянчидир. Шунинг учун кредит муассасалари ўз фаолиятларини самарали бўлишига таъсир этувчи фоиз даражаси масаласида ўз сиёсатларини ишлаб чиқадилар ва юргизадилар.

БАНКЛАР

Банклар тарихидан

Банк тушунчаси французча «banque» ва итальянча «banca» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «сарроф курсиси», «дўкони» деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил муқаддам фаолият кўрсатган дастлабки банкирлар ҳақида тўплаган маълумотларига тўла мувофиқ келади. Ўша пайтдаги банкирлар саррофлик билан шуғулланган, яъни пул майдалаб ёки алмаштириб берган. Улар савдо-сотик бўлиб ўтадиган жойдаги кичик дўконларда ўтириб, шаҳарга келган сайёҳларнинг ҳожатини чиқариш учун чет эл тангаларини маҳаллий пулларга алмаштириб берган ёки муайян хизмат ҳақи эвазига савдогарларнинг маблағ айлантириш имконига эга бўлиши учун тижорат векселларини ҳисоблаб берган.

Дастлабки банкирлар фаолият юритиш учун ўз маблағларидан фойдаланишган, бироқ кўп вақт ўтмай пул маблағлари жалб қилиш ҳамда бой мижозлар томонидан

бериладиган муддатли қарзларни кафолатлаш ғояси пайдо бўлган. Айнан шу маблағлар банкирларнинг кейинчалик ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Банклар томонидан қарзлар савдогарлар, денгизчилар ва ер эгаларига фоиз тўлаш эвазига берилган. Дастлабки банкирларнинг қарийб барчаси келиб чиқиб жиҳатидан юнонларга мансуб эди.

Банклар ва уларнинг ташкилий тузилмаси

Банк — бу пул маблағларини жалб қилиш ва уларни қайтариш, тўлаш ва муддатлик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган ташкилотдир.

Бозорларда пул маблағлари ҳаракатини банклар билан биргаликда бошқа молия, кредит-молия муассасалари: инвестиция фондлари, суғурта компаниялари, брокерлик, дилерлик фирмалари ва бошқалар ҳам амалга оширадилар. Лекин банклар молиявий таваккалчиликнинг субъекти сифатида бошқа субъектлардан фарқ қилувчи иккита ўзига хос сифатга эга.

Биринчидан, банклар учун қарз мажбуриятларининг икки томонлама алмашинуви характерлидир. Улар ўзларининг қарз мажбуриятларини (депозитлар, омонат сертификатлари ва б.) тақсимлайдилар. Шу асосда тақсимланган ёки жалб қилинган маблағларни бошқалар томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар ва қарз мажбуриятларига жойлаштирадилар. Бу эса банкларни молия бозорида ўзининг қарз мажбуриятларини чиқармай фаолият юргизувчи молиявий брокерлар ва дилерлардан ажратиб туради.

Иккинчидан, банклар юридик ва жисмоний шахслар олдида қарзни белгиланган суммасига доир мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар. Масалан, мижозларнинг маблағларини ҳисоб рақамларига ва бошқа қўйилмаларга жойлаштираётганда, депозит сертификатларини чиқараётганда ва бошқа ҳолларда шундай қиладилар. Бу билан банклар ўз акцияларини чиқариш орқали ресурсларни жойлаштирадиган турли инвестиция фондларидан фарқланиб туради. Қарз суммаси бўйича белгиланган мажбуриятлар воситачилар (банклар) учун юқори даражали таваккалчиликни ифодалайди. Чунки, бозор конъюнктурасидан қатъи назар суммалар тўлалигича қайтарилиши керак. Инвестиция фондлари эса активлар ва пассивлар қийматини ўзгариши

билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликларни ўзининг акциядорлари орасида тақсимлайди.

Банклар шўъба банклар ва шўъба кредит муассасаларини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Шўъба банк (кредит муассасаси) бўлиб Бош банкнинг низомий жамғармасининг 50 фоизидан ошиғини ўз фойдаси ҳисобидан таъминлаб берадиган банк ҳисобланади: Бош банк билан ўзаро муносабатлар таъсис шартномаси ва шўъба банкнинг устави билан тартибга солинади. Шу билан бирга, шўъба банк юридик шахс ҳисобланиб, мустақил тижорат ташкилоти сифатида фаолият юргизади. У ўз мулкига, жумладан ўз капиталига эга, ўз мажбуриятлари бўйича масъулиятлидир ва Марказий банкда ўзининг корреспондент ҳисоб рақамларига эгадир.

Низомий жамғармасини шакллантириш усулига кўра банклар **акционер** (очиқ ва ёпиқ турдаги) ва **пайли банкларга** бўлинади.

Ҳиссадорли банкларда капитал эгаси бўлиб жамиятнинг ўзи, яъни банк намоён бўлади. Пайли тижорат банкларида эса банк капитал эгаси бўлолмайди. Чунки, ҳар бир пайчи капиталдаги ўз улушига эгаллик қилиш ҳуқуқини банкка бермай, ўзида сақлаб қолади. Пайли тижорат банклари масъулияти чекланган жамият тамойиллари асосида ташкил қилинади. Бунда ҳар бир иштирокчи (пайчи)нинг масъулияти банкнинг умумий капиталига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Масъулияти чекланган жамият шаклида тузилган банклар қоидага кўра акция ва облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ҳиссадорлик жамияти сифатида фаолият юргизаётган банкларда низомий жамғарма маълум миқдордаги акцияларга бўлинган бўлади. Ҳиссадорлик банклари **очиқ** ва **ёпиқ** турда бўлиши мумкин. Тижорат банки фаолиятини «Бошқарма» бошқаради. Бошқарма ҳиссадорлик умумий йиғилиши ва банк кенгаши олдида жавобгар ҳисобланади.

Банкларни очиш ва уларни бошқариш

Тижорат банкларини очиш, рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиблари «Банк ва банк фаолияти ҳақида» ги республика Қонунисида белгиланади. Тижорат банкни ташкил этишда унга миллий валютада банк операцияларини амалга оширишга лицензия берилади. Агар банк уни тузишда бир вақтнинг ўзида устав капиталини ҳам

миллий, ҳам чет эл валютасида шакллантирса, у ҳолда банк 2 та лицензия — миллий валютада банк операцияларини амалга ошириш учун ва валюта операцияларини ўтказиш учун лицензия олиш ҳужжатларини тайёрлаши керак.

Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш учун банклар ва кредит муассасаларидан Марказий банк даромадига кўрсатилган устав капиталининг 0,1 фоиз миқдори ундирилади. Банкнинг ҳар бир янги очилган филиали учун ҳам тўлов тўланади. Тижорат банки Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг ташкил этилган ҳисобланади ва юридик шахс мақомини олади. Тижорат банкни ташкил этиш ташаббуси банк муассасалари — юридик ва жисмоний шахсларга тегишлидир.

Муассис шартномаси имзоланган кундан 1 ой ўтгач муассислар Марказий банкка рўйхатдан ўтиш учун барча ҳужжатларни — банк устави, муассис шартномаси, муассислар йигилиши баёни, банк ҳиссадорларининг рўйхати ва аудиторлик хулосасини тақдим этади. Тижорат банкнинг тугатилиши банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни қайтариб олиш йўли билан амалга оширилади. Лицензияни қайтариб олиш ҳақидаги қарор матбуотда эълон қилинади.

Марказий банкнинг банклар билан ўзаро муносабатлари

Ҳар бир тижорат банки фаолиятини умумий тартибга солиш вазифаси Марказий банк зиммасига юклатилган. Бу тартибга солиб туришлик қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

1. Тижорат банклари фаолиятини мустаҳкамлаш ва уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш.
2. Банк фаолиятини кредит соҳасида рағбатлантириш.
3. Халқ хўжалигида пул муомаласини илмий ташкил этиш.

Бунда Марказий банк томонидан биринчи навбатда бошқаришнинг иқтисодий услублари қўлланилади. Марказий банкнинг тижорат банклари билан ўзаро муносабати ва улар фаолиятини тартибга солиш услублари тегишли банк Қонунчилигида кўрсатилган. Марказий банк қуйидаги иқтисодий услублардан фойдаланиб тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солади:

1. Марказий банкка тижорат банклари томонидан жойлаштириладиган мажбурий резервларнинг меъёрларини ўзгартириш.

2. Марказий банк тижорат банкларига берувчи кредит ҳажмларини ва улар бўйича фоиз ставкаларини ўзгартириш.

3. Қимматбаҳо қоғозлар ва чет эл валютаси иштирокида молия-валюта операцияларини ўтказиш.

Меъёрий ҳужжатларга мос равишда Марказий банк кредит тизимининг резерв фондини ташкил этади. Бу фонд кредит ресурслари сифатида фойдаланилаётган корхона ва ташкилотларнинг тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағлар маълум қисмини резервирлаш ҳисобига шаклланади. Бу фондни тузишдан асосий мақсад — тижорат банкларига ўз мижозлари олдида мажбуриятларини вақтида бажаришларига имконият яратишдир.

Марказий банк мажбурий резервлар меъёрини ўзгартириш орқали тижорат банклар кредит сиёсатига ва муомаладаги пул массаси ҳолатига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари тижорат банкларидаги **депозитларни сугурталаш фонди** ва тижорат банкларини **банкротликдан сугурталаш фонди** тузилади. Бундай фондларни ташкил этилиши ҳар бир тижорат банкининг ликвидлигини ва молиявий ҳолатини барқарор ушлаб туришга, унинг акционерлари, мижозлари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишга асосланади. Марказий банк шунингдек, қимматбаҳо қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятини назорат ҳам қилади, тижорат банкларига давлат қимматбаҳо қоғозларини ва эркин алмашинадиган валютани сотиш орқали тижорат банклари кредит экспансиясини чегаралайди, муомаладаги пул массасини камайтиради. Тижорат банклари томонидан банк қонунчилигини бузиш ҳолларида Марказий банк қатъий чоралар кўриши, ҳатто банкни тугатиши мумкин.

Тижорат банкларининг фаолият тамойиллари

Тижорат банклари фаолиятининг **биринчи** ва асосий **тамойили** бўлиб, **реал мавжуд ресурслар чегарасида иш юритиш** ҳисобланади. Тижорат банки бошқа банклар фойдаси учун нақд пулсиз тўловларни амалга ошириши, бошқа банкларга кредит бериши ва нақд пулларни қабул

қилиши мумкин. Бу операцияларни банк ўз корреспондент счётида қолдиқ маблағлар чегарасида амалга оширади.

Реал мавжуд ресурслар чегарасида иш олиб бориш деганда, тижорат банки нафақат ўз ресурслари ва кредит қўйилмалар орасида мувозанатни таъминлаши, балки банк активлари характери жалб қилинган ресурсларнинг ўзига хос хусусиятига мос келишига эришмоғи ҳам керак. Бу, биринчи навбатда, кредит бериш ва олиш муддатига тегишлидир. Агар банк маблағларини қисқа муддатга жалб қила туриб, уларни узоқ муддатли ссудаларга жойлаштирадиган бўлса, у ҳолда унинг мажбуриятлари бўйича тўлов қобилияти хавф остида бўлиб қолиши мумкин.

Тижорат банклари фаолиятининг **иккинчи тамойили** бўлиб **тўла иқтисодий мустақиллик** ҳисобланади. Бундай иқтисодий мустақиллик ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурсларни эркин ишлатилишида, мижозларни танлашда, солиқлар тўлангандан сўнг қоладиган даромаддан ўз ихтиёрича фойдаланишда ифодаланади.

Амал қилаётган банк қонунчилиги барча тижорат банкларига ўз фондлари ва даромадларини ўзлари тасарруф этишда иқтисодий эркинлик яратиб берди. Солиқлар тўлангандан сўнг қоладиган даромадлар ҳиссадорлар умумий мажлисининг қарори билан тақсимланади. У банкнинг турли фондларига ажратмалар меъёри ва ҳажмини, шунингдек акциялар бўйича дивидендлар миқдорини белгилайди. Тижорат банки ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча маблағлар ва мулклар билан жавоб беради. У олиб бораётган молиявий операцияларида таваккалчиликни ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил шундан иборатки, тижорат банкининг мижозлари билан ўзаро алоқаси оддий бозор муносабатлари сифатида ўрнатилади. Ссудаларни бера туриб, тижорат банки биринчи навбатда фойдалиликнинг, таваккалчиликнинг ва айланувчанликнинг бозор мезонларига асосланади.

Тижорат банки фаолиятининг **тўртинчи тамойили** бу унинг фаолиятини тартибга солишда ифодаланади, буни у фақат билвосита иқтисодий услублар орқали амалга оширади. Давлат тижорат банклари учун «ўйин қоидлари»ни аниқлаб беради, лекин уларга буйруқ беролмайди.

Марказий банк ва унинг вазифалари

Марказий банк иқтисодийни бошқариш ва банк тизимини назорат қилишда жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли унинг фаолияти уставига нисбатан ҳам юксак кучга эга бўлган махсус қонун билан тартибга солинади. **Марказий банк мамлакат бутун банк тизимини назорат қиладиган давлат органидир.**

Марказий банк пул-кредит сиёсатини самарали амалга ошириш учун бир йилга мўлжалланган асосий йўналишларни ишлаб чиқади. Бу йўналишлар Олий Мажлис томонидан тасдиқлангандан кейин ҳаракат дастури сифатида қабул қилинади. Марказий банкнинг вазифалари ғоят хилма-хилдир. Марказий банк иқтисодий сиёсати умумий ҳукумат доирасида иш олиб бориш билан бирга, у ҳукумат сиёсатидан фарқ қиладиган мустақил сиёсатини амалга ошириши мумкин эмас.

Марказий банкнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат.

— Монитар сиёсат ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

— Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларни самарали ташкил этиш ва таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта захираларини, шунингдек ҳукумат захираларини келишувга кўра сақлаш ва бошқариш;

— Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш;

— эмиссия фаолияти билан шуғулланиш, бу энг қадимги ва энг муҳим вазифаларидан биридир;

— Тижорат банклари касса захираларини жойлаштириш ва сақлаб бериш;

— расмий олтин, валюта захираларини сақлаш;

— Тижорат банкларини кредитлаш;

— ҳисоб-китобларни ва пул ўтказиш операцияларини амалга ошириш;

— назорат қилиш вазифаси.

Демак, Марказий банк мамлакат молия-кредит тизимининг «юраги», бутун бир тизимнинг барқарор ишлашини таъминловчи, давлат иқтисодий сиёсатининг молия-пул соҳаси бўйича масъул молиявий муассасадир.

Тармоқ банкларнинг вазифалари

Ҳозирги замон банкининг муҳим вазифаларидан бири **кредитда воситачилик қилишдир**. Бу вазифани банклар корхоналар фондларининг айланиши жараёнида вақтинча бўшаб қолган маблағларини тақсимлаш йўли орқали бажаради. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши учун банкнинг воситачилик вазифаси алоҳида аҳамиятлидир. Чунки банклар ўз фаолиятлари билан иқтисодий тизимда таваккалчилик ва ноаниқликлар даражаларини камайтиради.

Банкларнинг **иккинчи муҳим вазифаси** — ҳўжаликда жамғармаларни рағбатлантиришдир. Банклар молия бозорида кредитларга талаб билан чиқиш орқали ҳўжаликда мавжуд бўлган жамғармаларни юқори даражада жойлаштириб қолмай, балки жорий истеъмолни чегаралаш асосида маблағларни жамғаришга самарали рағбатлар яратади. Жамғармаларга бўлган рағбатлар тижорат банкларининг изчил депозит сиёсати асосида жамланади. Жамғармаларга юқори фоизлардан ташқари банк яна ўз кредиторларига банкка қўйган маблағларини ишончли кафолатлаш учун ҳам хизмат қилади. Депозитларни суғурталаш билан бирга мижозлар учун банк фаолияти ва у бера оладиган кафолатлар ҳақида ахборотларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Банкларнинг яна бир муҳим вазифаси алоҳида **мустақил субъектлар ўртасидаги тўловларда воситачилик қилишдир**. Халқ мулкига давлат монополияси шароитида барча субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар фақат ягона Давлат банки орқали амалга оширилади.

Фонд бозорининг шаклланиши муносабати билан Тижорат банкларининг **қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларида воситачилик қилиш вазифаси** ривожланиб бормоқда. Банклар қимматбаҳо қоғозлар бозорида воситачи сифатида фаолият юргизадиган инвестиция институтлари сифатида, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция компанияси ва инвестиция фонди сифатида иштирок этиши мумкин. Банклар молиявий брокер сифатида фаолият қилиш орқали қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олишда воситачи вазифаларини бажаради. Инвестиция маслаҳатчиси сифатида банк ўз мижозларига қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлиши юзасидан маслаҳат хизматларни кўрсатади. Агар банк инвестиция

компанияси ролини бажарса, у ҳолда банк қимматбаҳо қоғозлар чиқаришни ташкил этиш ва учинчи шахс фойдасига уларни жойлаштириш бўйича кафолатлар бериш, қимматбаҳо қоғозларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан сотиш ва сотиб олишни амалга оширади. Агар банк ўз ресурсларини қимматбаҳо қоғозларга ўз номидан жойлаштира ва бу билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган даромадлар ва зарарларни банк ҳиссадорлари ҳисобига юклатса, у ҳолда инвестиция фонди сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, банклар халқ хўжалиги бўғинларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнини бир маромда бориши учун молиявий шарт-шароит яратадилар. Бозорга ўтиш даврида банкларнинг фаолияти, айниқса кучайиши, такомиллашиб бориши даркор.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар:

Давлат банклари

- Ўзбекистон республикаси Марказий банки;
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки;
- «Асака» акциядорлик-тижорат банки;
- «Замин» давлат акциядорлик ипотека банки;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки;
- «Ўзуйжойжамфармабанк» Давлат акциядорлик уй-жой жамфарма банки.

Акциядорлик тижорат банклари

- «Ўзсаноат» қурилиш банки акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки;
- «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки;
- «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банки;
- «Ўзমেвасабзавотбанк» акциядорлик-тижорат банки;
- «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки;

Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти», Т., 1998, 218–223- бетлар.

- «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки;
- «Турон» акциядорлик-тижорат банки;
- «Ипак йўли» акциядорлик-тижорат банки;
- «Ўзенгилсаноатбанк» акциядорлик-тижорат банки;
- «Трансбанк» акциядорлик-тижорат банки;
- «Андижонбанк» акциядорлик-тижорат банки;
- «Наманганбанк» акциядорлик-тижорат банки;
- «Сармоябанк» акциядорлик-тижорат банки.

Булардан ташқари республикамизда бир қанча хусусий-тижорат банклари, қўшма банклар, шўба банклар фаолият кўрсатмоқда.

* * *

«Кредит муносабатлари. Банклар» мавзусида ўрганиш лозим бўлган иқтисодий категориялар ва тушунчалар:

Кредит тушунчаси; бўш пуллар; кредитнинг манбалари; аҳолининг пул жамғармалари; суғурта пуллари; хайр-эҳсон маблағлари; кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари, кредит шакллари; банк кредити, тижорат кредити, давлат кредити, истеъмол кредити, халқаро кредит; кредит тамойиллари: қайтариб беришлик, фоиз тўлаш, моддий таъминланганлик, муддатлилиқ; кредитнинг вазифалари; фоиз даражаси, фоиз даражасига таъсир этувчи омиллар; банклар; Марказий банк; Тижорат банклари; акционерлик банклари; ихтисослаштирилган банклар: Пахтабанк, «Замин» банк «Ўзмеvasабзавотбанк», «Алоқабанк» кабилар; банкларнинг вазифалари.



Умумжаҳон иқтисодиёти асослари

ХVIII боб. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Халқаро иқтисодий муносабатлар: зарурлиги ва мазмуни

Ҳозирда дунёда ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятида тутадиган ўрни, энг аввало, унинг халқ хўжалиги ва аҳолиси эҳтиёжларини қондириш зарурати, бошқа мамлакатлар билан бўладиган иқтисодий муносабатларига боғлиқ бўлиб қолаётир. Чунки ҳар қандай мамлакат, биринчидан, у қанчалик катта, иқтисодий салоҳияти юқори, табиий, меҳнат, молиявий ресурслари кўп бўлишига қарамай, ўз эҳтиёжларини қондира олмайди. Иккинчи томондан, жаҳонда шундай катта ижтимоий-иқтисодий муаммолар борки, уларни ҳал қилиш айрим олинган мамлакат қўлидан келмайди. Бизга тарихдан ҳам маълумки, давлат ёки ҳудуд, минтақа жаҳон тараққиёти билан ҳамнафас, боғлиқликда бўлмай туриб нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақиллигини ҳам сақлаб қола олмаган. Масалан, Туркистон «Буюк ипак йўли» ривож топган даврда, яъни «Буюк географик кашфиётлар»³² давригача жаҳоннинг ривожланган илғор мамлакатларидан бири бўлган эди. Бу йўл ўз аҳамиятини йўқотгандан кейин мамлакатнинг жаҳон тараққиёти билан алоқаси узилиб, унинг иқтисодий-сиёсий мавқеига путур етди. Демак, жаҳондаги барча мамлакатлар бир-бирлари билан барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиб, боғланиб яшасаларгина ривожланиб боришлари, жаҳон иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишлари ва унда ўзларига яраша ўрин топишлари мумкин.

Ташқи иқтисодий муносабатларни қандай иқтисодий кўрсаткичлар тавсифлайди?

Ҳар қандай иқтисодий воқелик каби халқаро иқтисодий алоқалар ҳам иқтисодиётда бўлаётган миқдор ва сифат ўзгаришларини ифодалайди. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий ҳамкорлиги даражасини аниқ билиб туришнинг аҳамияти ғоят катта. Шунинг учун уни тавсифловчи бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар қўлланилади.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини характерловчи кўрсаткичлардан бири — **халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиш даражаси** кўрсаткичидир. У экспорт ҳажмининг ялпи миллий маҳсулотга нисбати билан белгиланади ва мамлакатнинг **экспорт квотаси** деб юритилади. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги салмоғи шунча юқори бўлади. Масалан, АҚШ экспорт квотаси 10—15 фоиз, Германия, Франция, Англия, Италиянинг квотаси — 25—30 фоиз, Японияники — 18—20 фоиз, Бельгия, Венгрия, Сингапур, Швеция каби мамлакатларники 110—135 фоизни ташкил этади.

Мамлакат иқтисодиётининг халқаро муносабатларда иштирокининг сифат жиҳатини характерловчи кўрсаткич — **реал экспорт квотаси**дир. У экспорт ҳажмини саноат маҳсулотига нисбати билан ифодаланиб, унинг даражаси ривожланган мамлакатларда 40—50 фоизни ташкил этади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда мамлакатнинг турли корхоналари, компаниялари, бирлашма ва концернлари ҳам қатнашади. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатида корхоналарнинг экспортни кўзлаб фаолият қилиш масаласи жуда долзарб қилиб қўйилганлиги маълум. Шунинг учун уларнинг ташқи фаолиятини характерловчи кўрсаткич ҳам қўлланилади. Бу кўрсаткич **халқаро иқтисодий муносабатларнинг халқ хўжалик самарадорлиги** деб юритилади. У товарлар ва хизматларни ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар билан уларни ташқи бозордан сотиб олиш харажатлари ўртасидаги миқдорий фарқдир. Агар ташқаридан олиб келинган товарлар ўзидаги ишлаб чиқариш харажатларидан паст бўлса, импорт самарадорлигини, аксинча бўлса, экспорт самарадорлигини ифодалайди.

Булардан ташқари, ташқи иқтисодий алоқалар самарадорлигини белгиловчи яна бир қатор кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади:

- 1) экспортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи;
- 2) импортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи;
- 3) ташқи иқтисодий алмашувнинг самарадорлик кўрсаткичи;
- 4) лицензияни сотиб олиш самарадорлик кўрсаткичи;
- 5) тўлов баланси;
- 6) савдо баланси;
- 7) капитал ва кредитлар ҳаракати баланси;
- 8) хизматлар ва нотижорат ишлари баланси.

Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича ҳисоботлар ишлаб чиқарилади, таҳлил этилади ва уларга асосланган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятга оид тадбирлар белгиланади.

Ўзбекистоннинг экспорт тузилиши

(1995 йил, фоиз ҳисобида)¹

Экспорт қилинаётган асосий маҳсулотлар	Ҳаммаси	Умумий экспорт, шу жумладан	
		МДҲ	Узоқ хориж
Ҳаммаси	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:			
Пахта толаси	57,9	36,6	71,7
Минерал ва кимёвий маҳсулотлар	3,1	2,2	3,6
Энергия ҳосил қилувчилар	14,0	20,5	—
Қора ва рангли металлар	5,6	11,2	1,8
Хизматлар	9,3	7,6	4,2
Машина ва асбоб-ускуналар	2,4	2,5	2,2
Бошқа маҳсулотлар	7,2	19,4	16,4

¹ Манба: Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. Т., 1996, 59-бет.

Ўзбекистоннинг импорт тузилиши

(1995 йил, фоиз ҳисобида)¹

Импорт қилинаётган асосий маҳсулотлар	Ҳаммаси	Умумий импорт, шу жумладан	
		МДҲ	Узоқ хориж
Ҳаммаси	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:			
Минерал ва кимёвий маҳсулотлар	7,6	12,3	0,5
Энергия ҳосил қилувчилар	1,9	9,3	—
Қора ва рангли металллар	5,7	7,9	3,4
Хизматлар	5,0	1,1	9,5
Машина ва асбоб-ускуналар	47,9	47,7	51,2
Озиқ-овқатлар	18,2	10,1	27,3
Бошқа маҳсулотлар	13,7	14,1	8,1

Халқаро иқтисодий муносабатлар шакллари

Халқаро иқтисодий муносабати шакллари турличадир, улар ўзгариб, яхшиланиб, мазмунан бойиб боради. Ҳозирги даврдаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари қуйидагилардир:

- халқаро савдо;
- капитал экспорти ва импорти;
- иш кучи миграцияси;
- халқаро кредит;
- халқаро валюта (ҳисоб-китоб) муносабатлари;
- халқаро илмий-техника ҳамкорлиги;
- ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик;
- мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги муносабатлар.

¹ Манба: Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. Т., 1996, 64-бет.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шакли **халқаро савдо** бўлиб, унинг ҳиссасига иқтисодий муносабатларнинг 80 фоизи тўғри келади.

Халқаро иқтисодий алоқалар қандай наф беради?

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари унинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришга, халқаро иқтисодий интеграциянинг чуқурлашувиغا ёрдам берувчи иқтисодий воситадир. Ташқи иқтисодий муносабатларни ташкил этиш сиёсатида иккита йўл бўлиши мумкин. Биринчи йўл — жаҳон иқтисодиёти интеграциялашувиغا олиб келувчи, халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ва унинг афзалликларига суянадиган, экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни кўзловчи очиқ иқтисодиёт қуриш йўли; иккинчиси — биқиқ иқтисодиёт қуришга асосланган, яъни ўзининг миллий иқтисодиёти билан миллий эҳтиёжларни қондириш, импорт товарлар ўрнини босувчи иқтисодиёт барпо этиш йўли. Ўзбекистон, табиийки биринчи йўлни танлади ва ана шу йўлдан ривожланиб бораётир. Зеро, Президентимиз И. Каримов айтганидек, биз ўз иқтисодиётимизни дунё учун очиб қўйдик, уларнинг биз учун очиқ сиёсат юргизишини истаймиз.

Жаҳон ҳамжамиятига киришга интилиш ва у билан ҳамкорликда иқтисодиёт юргизиш объектив заруратдир. Чунки ҳозирги замон маҳсулотларини интеграциялашув орқалигина арзон, сифатли ва кўп ишлаб чиқариш мумкин. Иккинчи томондан, ўсиб бораётган эҳтиёжларни фақат жаҳон бозори билан боғланибгина қондиришга эришиш мумкин.

Давлатлар ва халқларнинг жаҳон ҳамжамиятига интилиши ва халқаро иқтисодий алоқаларни кучайтиришга қизиқиш шундан келиб чиқадики, бундай муносабатлар бир қанча афзалликларга эга.

Биринчидан, бошқа мамлакатлардан сифатли товарлар — асбоб-ускуналар, технология ва илмий ишланмаларнинг келтирилиши мамлакатда замонавий корхоналар қурилишига хизмат қилади, қурилиш муддатларини қисқартиради, зеро бунда лойиҳалаш харажатларидан, уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ташвишлардан халос бўлинади.

Иккинчидан, экспорт қилиш имконияти ўзида анча арзон ва оммавий ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, миллий иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, қўшимча миллий даромад олиш каби имкониятни яратади.

Учинчидан, жаҳон бозори баҳолари таъсир этади. Чунки бундай баҳолар ўртача ишлаб чиқариш шароитларига асосланганлиги учун мамлакат ўзига жаҳон бозоридан нисбатан арзон маҳсулотларни келтиради, бундан эса арзонроқ тушган товар ва хизматларни экспорт қилади. Бошқа томондан жаҳон бозори баҳолари талаблари асосида ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга мажбур этади ҳам.

Тўртинчидан, мамлакатда илмий-техника тараққиётини тезлаштиришга илмий таъсир этади. Бунда давлатлар илмий ишланмалар, техника-технология намуналарини биргаликда яратишга интиладилар.

Бешинчидан, халқаро иқтисодий алоқалар ишчи кучи сифатини яхшилашга, ишчи ва мутахассисларнинг замонавий касблар, тажрибалар ва бошқарув усулларини ўзлаштириб боришларига ундайди.

Олтинчидан, энг муҳими, аҳолини энг яхши sanoat товарлари, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга ёрдам беради.

Халқаро иқтисодий алоқалар давлатлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик, ўзаро тушуниш, сиёсий барқарорлик ўрнатилишига иқтисодий замин яратиш билан ҳам умум-башарий аҳамият касб этади.

Халқаро савдо

Халқаро савдо қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: ёқилғи-хом ашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси, sanoat моллари билан савдо, машина ва жиҳозлар халқаро савдоси, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган савдо ва бошқалар.

Ушбу жадвалдан жаҳон мамлакатларининг экспорт тузилмасида қишлоқ хўжалиги, хом ашё ва ёқилғи маҳсулотлари миқдори кейинги йилларда камайиб, тайёр маҳсулотлар миқдори эса ошиб бораётганлиги кўриниб турибди. Биз бу таҳлилдан шундай хулоса чиқаришимиз керакки, умумжаҳон экспортида миқдорий камайиш бўлган эмас, унинг ўсишида ўзаро нисбат ўзгарган ва тайёр маҳсулотлар кейинги даврда 83,5 фоиз кўпайиб борган.

Жаҳон экспорти тузилиши (фоиз ҳисобида)

	Жаҳон товар экспортидаги ҳиссаси				Экспорт товарлар миқдорининг йиллик ўсиши		
	1960	1970	1980	1993	1960—70	1970—80	1980—93
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	32	21	15	9,2	3,9	3,5	3,1
Хом ашё-ёқилғи	17	17	29	15,1	1,2	1,7	-1,5
Тайёр маҳсулотлар	51	62	56	74,8	10,5	7,1	83,5

Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган халқаро савдо ҳам турли шаклларда бўлади: лицензия ва «нау-хау», муҳандислик-маслаҳат хизмати, капитал қурилиш объектлари, транспорт хизмати ва бошқалар. Ҳозирда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида хизмат соҳаси 80 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда эса 45—55 фоизни ташкил этади. Халқаро савдони тартибга солиш ва бошқариб турувчи халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ГАТТ), Европа эркин савдо ассоциацияси, ЮНКТАД, ОЭЕР, ИКАО, ИМО, ВТО ва бош. Улар ўз конвенциялари асосида халқаро савдони тартибга солади, бошқариб боради ва ривожланишини таъминлайди.

Халқаро иш кучи миграцияси

Мамлакатлар ўртасидаги иш кучи экспорти ва импорти соҳасидаги алоқалар ҳам алоҳида ўрин тутлади. Ҳозирда иш кучи миграциясининг кўпроқ қисмини ишчилар, камроқ қисмини хизматчилар ташкил этади. Бу жараёнда юқори малакали мутахассислар айниқса, илмий техника соҳасидаги мутахассисларнинг аҳамияти алоҳидадир. Улар озчиликни ташкил этса-да, халқаро миграция жараёнида катта роль ўйнайди. **Жаҳоннинг биринчи иш кучи бозори Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидир.** Масалан, муҳожир ишчиларининг салмоғи Бирлашган Араб Амирликларида иш билан банд аҳолининг — 90 фоизни, Катарда — 80 фоиз, Қувайт — 70 фоиз атрофида, Саудия Арабистони

ва Баҳрайнда — 40 фоиз, Оманда — 34 фоизни ташкил этади. **Жаҳоннинг иккинчи иш кучи бозори Фарбий Европадир.** Масалан, Францияда — 7,3 фоиз, ГФРда — 7,5 фоиз, Люксембургда — 33 фоиз иш кучи четдан келган ишчилар бўлиб, бу ерга келганларнинг асосийси Фарбий ва Марказий Африка, Ўрта Шарқ ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари ишчиларидир. Бу бозорлар орасида хизматчилар йўқ ҳисобида, ҳаммаси деярли оддий ишчилардир. Шу билан бирга иммигрантларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Улар, масалан, ГФРда — 37,9 фоиз, Францияда — 40,2 фоиз, Голландияда — 40,2 фоиз, Люксембургда — 43,4 фоиз, Бельгияда — 40,8 фоизни ташкил этади.

Учинчи иш кучи бозори АҚШ ва Канададир. Бу ерда 5 фоиз умумий ишчилар иммигрантлар ҳисобланади. АҚШ иш кучининг ривожланиши ҳам иммиграция ҳисобига амалга ошган. АҚШ учун бу нарса одатдаги жараён дур. Қизиқарлиси, АҚШ даги Миллий фанлар академияси аъзоларининг 23 фоизини, Нобель мукофоти лауреатларининг тахминан 33 фоизини иммигрант олимлар ташкил этади.

Тўртинчи бозор — Лотин Америкасидадир (Аргентина). Бу бозорда Аргентинага кўшни мамлакатлардан келганлар кўпчиликни ташкил этади.

Халқаро капитал миграцияси ва халқаро кредит

Умумжаҳон хўжалик ҳаётининг байналмилаллашувида мамлакатлараро капитал импорти ва экспорти муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга. Айниқса, ривожланаётган кўплаб мамлакатлар чет эл инвестициялари ва кредитларига муҳтождир. Ҳозирда капитал экспорти билан асосан саноати ривожланган мамлакатлар шуғулланади.

Куйидаги жадвалдан биз дунёнинг уч ривожланган марказининг четга капитал қўйиши ҳақида маълумот оламиз.

Жадвалдан АҚШнинг четга капитал қўйиш салмоғи ҳали юқори бўлса-да, лекин унинг Фарбий Европа ва Японияга нисбатан ўсиш суръатлари камайиб бораётганлигини кўрамиз.

**Жаҳоннинг учта ривожланган марказида капитал
экспорти (фоиз ҳисобида)**

	АҚШ дол.ҳисобида (млрд.дол.)				Фоиз ҳисобида			
	1975	1980	1985	1990	1975	1980	1985	1990
АҚШ	124	215	230	406	56,4	51,1	42,6	34,0
Ғарбий Европа	79	186	266	590	35,9	44,2	49,2	52,0
Япония	17	20	44	207	7,7	4,7	8,2	14,0
Жами	220	421	540	1100	100	100	100	100

Мисол учун Ғарбий Европа 1975 йили умумий қўйилган капиталнинг 35,9 фоизини ташкил этган бўлса, 1990 йилга келиб бу миқдор 52 фоизга етди.

Қуйидаги жадвалда ривожланган мамлакатлар қўйган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз.

**Ривожланган мамлакатлар қўйган хорижий
инвестициянинг тақсимланиши
(ҳудудлар бўйича, фоиз ҳисобида)**

	1981—1985	1986—1990
Ҳамма ривожланаётган мамлакатлар бўйича	26,2	21,2
Африка	3,0	2,6
Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё	9,8	9,6
Жануби-Ғарбий Осиё	0,7	0,5
Латин Америкаси	12,8	8,5
Океания	0,2	0,2

Уларнинг кредитлари пул ёки товар шаклида берилади. Ҳозирда чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобиغا ўз миллий иқтисодиётини тиклаб олган ва тайёр маҳсулотлар экспортини муваффақият билан амалга ошираётган кўплаб мамлакатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань, Гонконг, Аргентина давлатлари шулар жумласидандир. Улар ўз қарзларини ҳам муваффақият билан узиб бормоқда. Лекин кўплаб мамлакатлар ўз қарзларини узиш имкониятларига эга эмас. Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи умумий қарзлари 1991 йил ҳисобида 1343,5 млрд. АҚШ доллари бўлган. Шундан Лотин Америкасида — 470,1, Африкада — 283,2, Осиёда — 488,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Халқаро валюта (ҳисоб-китоб) муносабатлари

Умумжаҳон савдоси, хизмати ва бошқа иқтисодий муносабатлардаги ўзаро ҳисоб-китоблар халқаро валюталарда бўлади. Халқаро ҳисоб-китоблар халқаро банклар орқали амалга оширилади, миллий валюталар нисбати халқаро валюта фонди биржаларида аниқланади. Мисол учун, Ўзбекистон фонд биржасида хорижий валютанинг миллий валютага нисбати ҳафтада икки марта амалга ошириладиган савдода аниқланади. 1999 йилнинг 16 мартда 113,73 Ўзбекистон сўми 1 АҚШ долларига тенг бўлди ва ҳоказо. Бу мураккаб жараённи тартибга солиб жаҳонда кўплаб йирик халқаро фонд биржалари ишлаб туради, уларнинг вазифаси қимматбаҳо қоғозлар ва миллий валюталар савдосини ташкил этишдир.

Халқаро ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда миллий валюталарнинг нисбати аниқлаб борилади. Одатда, ўзаро ҳисоб-китоб қилувчилар фонд биржаларининг шартномада белгиланган вақтдаги курслари бўйича ҳисоб-китоб қиладилар. Халқаро ҳисоб-китоб операциялари халқаро ва миллий қонунлар асосида амалга оширилади. Халқаро валюта фонди (ХВФ); Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки (ХРТБ), Европа валюта уюшмаси (ЕВУ) ва Европа валюта фонди (ЕВФ) каби халқаро молия ташкилотлари ҳисоб-китоб ишларида катта ўрин эгаллайди.

Ҳисоб-китоб миллий валюталар ёки хорижий валюта тўлов ҳужжатлари: чек, вексель, аккредитив ёки акциялар, облигациялар, қимматбаҳо металлар: олтин, кумуш, платина, олма ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Қимматбаҳо

металлар маълум халқаро белгиланган стандартларга мослаштирилган бўлади. Улар заргарлик буюмлари ҳолатида ҳисоб-китоблар учун халқаро келишувга мувофиқ қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар ҳисоб-китоб операциялари республика Миллий банки ва чет эл валютаси билан фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган банклар томонидан амалга оширилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари ҳақида ҳам алоҳида-алоҳида тўхталиш мумкин. Бироқ юқоридаги фикрлар халқаро иқтисодий муносабатлар, уларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи тўғрисида умумий тушунча олишга кифоя қилади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистоннинг йирик халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатётган дастлабки кунлардан бошлаб ташқи иқтисодий муносабатларнинг йирик субъектлари бўлган халқаро иқтисодий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни ўз сиёсатининг устувор йўналиши деб қаради. Бундай ҳамкорлик табиийки, Ўзбекистон олдида турган қатор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни муваффақиятли ечишга хизмат қилади, унинг жаҳон бозорига чиқиш ва унда ўзига муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Ана шундай йирик ташкилотлардан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир (БМТ). Унинг ихтисослашган ташкилотлари мамлакатимизда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, фан йўналишлари бўйича ривожланиш дастурини амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятида Европа Ҳамжамияти (ЕҲ) билан ҳамкорликка биринчи даражали эътибор бераётир. Ўзбекистон ўзининг бой табиий, иқтисодий, илмий потенциали билан ЕҲ мамлакатларининг ишончли ҳамкори бўла олади. ЕҲ ўзининг бой имкониятлари билан иқтисодиётимизни демократиялаштиришга, эркин бозор иқтисодиётига ўтиб олишда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, мулкдорлар синфини шакллантиришда, халқ хўжалигини экспорт йўналишига бурилишида катта ёрдам кўрсатаётир. Айниқса, унинг ТАСИС дастури орқали катта ёрдам олинаётир. Шунинг учун халқимиз Ўзбекистон билан ЕҲ ўртасида 1996

йилда имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатимизнинг йирик халқаро молиявий ташкилотлар — Халқаро Валюта Фонди ва Бутунжаҳон Банки билан ҳамкорлигига жиддий қаралмоқда. Улар халқ хўжалигининг экспортга мўлжалланган тузилмасини яратишда катта молиявий ёрдам бераётирлар. Шунингдек, Ўзбекистон Халқаро Ривожланиш ва Тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш Ассоциацияси, Халқаро Молия Ассоциацияси каби бир қатор халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Биргина халқаро Валюта Фонди томонидан Ўзбекистоннинг макроиқтисодий барқарорлаштириш Дастури доирасида 260 млн. АҚШ доллари миқдорда ёрдам кўрсатилганини айтиб ўтишнинг ўзиёқ халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш нақадар фойдали эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари билан яқин алоқаларни ўрнатиши, улар фаолиятида иштирок этаётгани ҳам республикамиз халқаро нуфузининг тўхтовсиз ўсиб бораётганидан, унинг халқаро муносабатларнинг фаол субъектига айланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт имкониятлари

Иқтисодий ислохотлар ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам бораётир. Бунда биз импортни қисқартириш, экспорт имкониятларини кўпайтириш йўлидан бораётимиз. 1997 йилда республикамиз ташқи иқтисодий обороти 6001,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлди, шундан 2609,0 млн. МДХ мамлакатлари ҳиссасига, 3392,7 млн. доллар узоқ хориж давлатлари билан алоқаларга тўғри келди. Эркин конвертирлашган валюта билан экспорт қилиш ҳам ўсиб бормоқда. Агар 1992 йилда бундай валюта операциялари 51,2 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу рақам 92 фоиздан зиёдроқни ташкил этди.

Импорт ҳақида сўз борар экан, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ...» номли асарида таъкидлаганидек, «иқтисодиётимизни ва айниқса, истеъмол бозорини ташқи беқарорлаштирувчи омиллар таъсирига қарам бўлишдан асраш» томон амалий силжишлар бораётганини кўрсатиб ўтиш лозим. Импорт таркибида техник мақсадларга йўналтирилган маҳсулотлар келтириш

салмоғи ортиб бораётир, бундай товарлар 1997 йилда умумий импорт ҳажмининг 74 фоизини ташкил этди, яъни 1996 йилга нисбатан технологиялар импорти 123 фоизга ортиди. Айни чоғда МДХнинг айрим мамлакатлари импортида озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларининг ҳиссаси ортиб бораётганини кўриш мумкин. Масалан, Россия импортида гўшт салмоғи 1,5 марта, сарёғ 2,4 марта, қанд хом ашёси 1,4 марта, дори-дармонлар 1,5 марта, шакар 2,3 марта ошгани кузатилди. Худди шундай ҳолат Қозоғистон импортида ҳам кўринади. Бу ерда гўшт салмоғи 2,4 марта, сарёғ 3 марта, қанд хом ашёси 2 марта, шакар 3 марта, дори-дармон 2,5 марта кўпайган.

Экспорт даражаси ва таркибини таҳлил қилиб қуйидаги рақамларни қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз дунёнинг 78 мамлакатига маҳсулот жўнатаётир. Экспортнинг анъанавий турлари қаторига тайёр маҳсулотлар чиқариш қўшилиб бормоқда. Булар — калава ип, бензин, автомобиллар ва бошқа маҳсулотлардир. 1997 йилда нефть ва газ маҳсулотлари экспорт қилиш 4 марта, автомобиллар экспорти 7,4 марта, кимёвий толалар 6,8 марта, тайёр кийим-кечаклар экспорти 68 фоизга кўпайди. Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотдаги экспорт салмоғи бўйича Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон ва МДХнинг бошқа мамлакатларидан олдиндадир. Яна бир қайд этилиши керак бўлган нарса шуки, 1997 йилда 1996 йилга нисбатан МДХ мамлакатларига қилинган экспорт ҳажми 68 фоизга, бошқа давлатларга эса 89 фоизга ошди. 1997 йилда ташқи савдо ҳажми 9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республикаимиз тобора жаҳон бозорида ўзига муносиб ва мустақкам ўрин топиб бормоқда.

* * *

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» мавзуда ўрганилиши лозим бўлган иқтисодий категория ва тушунчалар: халқаро меҳнат тақсимооти; халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар шакллари; халқаро савдо, халқаро кредит, халқаро капитал миграцияси; илмий-техника ҳамкорлиги, ишчи кучи миграцияси, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқалар; халқаро валюта муносабатлари; Халқаро Валюта Фонди; Европа валюта уюшмаси ва Европа Валюта Фонди; халқаро тўлов воситалари.

ХІХ боб. УМУМЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

Халқаро меҳнат тақсимоти — умумжаҳон иқтисодиётининг асоси

Ҳозирги вақтда Ер қуррасида турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда ривожланаётган 200 дан ортиқ мамлакат мавжуд. Инсоният тараққиёти ана шу мамлакатларнинг ўзаро алоқаларига, иқтисодиётни ва ижтимоий ҳаётни қандай ташкил этишларига боғлиқ. Аммо улар алоқаларининг шундай умумий иқтисодий асоси мавжудки, бундай асоссиз биронта мамлакат яшай олмайди. Бу умумий иқтисодий асос — **халқаро меҳнат тақсимотидир.**

Халқаро меҳнат тақсимоти дейилганда, турли қитъаларда жойлашган, турлича тарихий тараққиёт даражасига, ишлаб чиқариш тузилишига ва инфраструктурасининг ривожланишига, иқлим шароитларига эга бўлган, табиий ресурслари, иш кучи сони ва сифати бўйича ҳам турлича бўлган мамлакатларнинг у ёки бу маҳсулот ёхуд бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга асосланган йўналиши тушунилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти у ёки бу мамлакатнинг ўзидаги ишлаб чиқариш қувватлари, географик ўрни ва бошқа табиий омилларига қараб ишлаб чиқариш турларининг жойлашуви демакдир. Масалан, агар Россия халқаро меҳнат тақсимотида нефть ва нефть маҳсулотлари билан ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон пахта толаси, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари, қорақўл тери тайёрлаш, пахтачилик машиналари ишлаб чиқариш кабилар билан довруғ қозонган. Ҳозирги даврда халқаро миқёсда шундай янги меҳнат тақсимоти типи вужудга келдики, энди бир мамлакат иккинчи мамлакат ресурсларини талашади, эксплуатация қилиши, ишлаб чиқаришини бир ёқлама тузишга мажбур қилиши, ўзидаги сиёсий-иқтисодий тизимни бошқа мамлакатга зўрлик билан тиқиштириши мумкин бўлмай қолди.

Халқаро меҳнат тақсимоти маълум қоидалар, шакланган тамойиллар асосида қурилган. Булар асосан қуйидагилардир: ҳар бир мамлакат шундай маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўядики, бу йўналишда иқтисодий самарадорлик юқори бўлади, нормал иқтисодий ўсиш

амалга ошади, ижтимоий меҳнат тежалади, ўз халқи эҳтиёжларини қондириш учун қулайроқ имкониятга эга бўлади, табиий ва иқтисодий шарт-шароитлардан, меҳнат ресурсларидан тўла ва мақсадга мувофиқ фойдаланади, айни вақтда айрим мамлакатлар иқтисодиётининг комплекс ривожланиш имконияти яратилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти барча мамлакатлар учун ғоят қулай шарт-шароит яратиб, иқтисодий тараққиётнинг юксак даражасига чиқиб олишига ёрдам беради. Бошқача айтганда, мамлакатларнинг ўз имкониятлари ва шарт-шароитларига қараб ишлаб чиқаришдаги ихтисослашуви улар фаолиятининг кооперациялашувига ҳам хизмат қилади. Шундай қилиб, халқаро меҳнат тақсимоти умумжаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши учун моддий замин яратадиган кучли омилдир.

Умумжаҳон иқтисодиётининг тарихий жиҳатлари

Умумжаҳон иқтисодиётидек ғоят мураккаб иқтисодий-ижтимоий жараён бирдан вужудга келган эмас. У қадим тарихга эга бўлиб, асрлар давомида шаклланган. Умумжаҳон иқтисодиётининг шаклланиши масаласини иқтисодчилар турлича тушунтирадилар. Бир қатор олимларнинг фикрича, умумжаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши жаҳон миқёсидаги биринчи империя — Рим империяси билан боғлиқдир. Чунки бу империяда дастлабки ягона иқтисодий макон пайдо бўлган, империянинг турли минтақалари ўртасида меҳнат тақсимоти қарор топган, савдо-сотик барқарор ривожланган. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, умумжаҳон хўжалиги ўзида турли жамиятларнинг унсурларини мужассамлаштирган. Улар масалан, қулдорлик, феодал, капиталистик, коммунистик жамиятлар унсурларидан таркиб топган деб ҳисоблайдилар. Бошқа гуруҳ олимлар умумжаҳон хўжалигининг вужудга келишини «Буюк географик кашфиётлар» билан, «Буюк ипак йўли» билан боғлайдилар.

Албатта, дастлабки вақтларда умумжаҳон иқтисодиёти тартибларини диний тартиблар бажарган. Кейинчалик капиталистик ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши натижасида умумжаҳон хўжалигининг ўз механизми — бошқарув тамойиллари вужудга келди. Унгача 15 аср давомида бундай вазифа Кушон, Рим, Хитой империялари

ўртасида қарор топган савдо йўли — «Буюк ипак йўли» орқали амалга оширилди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, умумжаҳон ҳўжалигининг шаклланишида буюк бобоқалонимиз Амир Темур ишлаб чиққан иқтисодий тартиб-қоидалар ва диний йўриқлар оламшумул аҳамият касб этган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, умумжаҳон ҳўжалигининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиб бораётгани бу жараённинг яна ҳам чуқурлашувига хизмат қилмоқда.

Иқтисодчи олимларнинг кўрсатишича, замонавий умумжаҳон иқтисодиёти қуйидагича тартиблаштирилиши мумкин: биринчи — замонавий маданийлашган бозор иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиёти. Бунинг учун ишлаб чиқариш ва капиталнинг (сармояларнинг) байналмилаллашуви ва интеграцияси (ўзаро киришиб кетиши) характерлидир; иккинчи — бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган мамлакатлар иқтисодиёти. Бунинг учун аралаш иқтисодиётнинг шаклланиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши характерлидир; учинчи — ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти. Бунинг учун кўпроқ ҳўжалик юритишнинг «ёввойи», натурал шакли характерлидир. Ҳозирги замон умумжаҳон ҳўжалиги шу қадар ривожланиб бормоқдаки, унинг бутун мазмуни, истиқболи ана шу уч гуруҳ мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро таъсири, боғлиқлиги ва интеграциясига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг турли халқаро иқтисодий ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Республикамизнинг ҳам бу жараёнга фаол таъсир этаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Халқаро меҳнат тақсимотида мустақил Ўзбекистоннинг ўрни қандай бўлади?

Ўзбекистоннинг мустақил давлатга айланиши унинг халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъектига (иштирокчисига) айланиши масаласи билан ҳам бевосита боғлиқ. Илгари ҳам (собиқ Иттифоқ таркибида бўлган вақтида) республикамиз билвосита тарзда бўлса-да, халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнига эга эди. Бу ўрин аввало, собиқ Иттифоқ миқёсида, жаҳон социализм тизими миқёсида, қолаверса, умумжаҳон ҳўжалиги миқёсида хом ашё етказиб берувчи мамлакат сифатида белгиланар эди.

Бугун мамлакатимиз мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутаётган шароитда унинг халқаро меҳнат тақсимотида тутадиган ўрни қандай бўлади, у ўзининг илгариги мавқеини сақлаб қоладими ёки йўқотадими, унинг ўзига хос ўрни қандай бўлади? деган саволлар қўймоқда.

Бизнингча, бу саволга бир томонлама жавоб бериш қийин. Албатта, мамлакат ўзида арзон ва қулай шароитларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари билан жаҳон бозоридаги ўз тарихий мавқеини йўқотмаслиги лозим, унинг валюта тушумлари келтирадиган пахта, пилла, қорақўл тери, газ билан боғлиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши халқаро ҳаёт талабидир. Аммо иқтисодиёти биқик, бир томонлама, фақат хом ашё етказиб берувчи мамлакат бўлиб қолиши асло мумкин эмас. Табиийки, республикамиз тайёр товарлар ишлаб чиқариб ўз ички бозорини тўйинтириш билан бирга жаҳон бозорини ҳам ана шундай рақобатбардош моллар билан таъминлай оладиган мамлакатга айланмоғи лозим. Бу бизнинг ҳақиқий мустақиллигимиз ва халқаро меҳнат тақсимотидаги ўзимизга хос ўрнимиз кафолати бўлади.

Фан-техника инқилоби ва умумжаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашуви

Умумжаҳон иқтисодиётининг ҳозирги давридаги характерли хусусиятларидан бири ишлаб чиқаришнинг тобора байналмилаллашиб боришидир. Бу жараён фан-техника инқилоби билан узвий боғлиқдир. Эндиликда бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти бошқа мамлакатлардаги иқтисодий аҳволига, улардаги ривожланишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масалан, замонавий аэробуслар ишлаб чиқариш учун 4 мингга яқин ҳар хил қисм ва деталлар талаб қилинади. Уларнинг барчасини бир ёки иккита давлат ишлаб чиқара олмайди, улар жаҳоннинг турли мамлакатларида жойлашган 1500 дан зиёд корхонада тайёрланади. Бошқа бир қанча замонавий маҳсулотларга нисбатан ҳам худди шундай гапни айтиш мумкин. Бунинг оқибатида мамлакат иқтисодиёти миллий чегарадан чиқиб, байналмилал характер касб этади.

Фан-техника инқилоби яна шунга олиб келадики, у ёки бу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миллий эҳтиёжлардан бир неча марта ортиқ бўлиши

мумкин. Масалан, Япония ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг 90 фоиздан зиёдроғи экспорт қилинади. АҚШда яратилаётган қишлоқ хўжалиги тракторларининг фақат 20 фоизигина миллий эҳтиёжлар учун ажратилади. Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта толаси, пилла, сабзавот маҳсулотлари, қорақўл тери, пахта териш машиналари юзасидан ҳам худди юқоридаги фикрни айтиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувида иш кучи миграцияси жараёни (бир мамлакат меҳнат ресурсларининг бошқа мамлакатларда ишлаб келиши) ҳам ижобий роль ўйнайди. Масалан, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия, Польша каби қатор мамлакатларнинг бугунги юксак иқтисодий равнақида улардаги иш кучи ресурсларининг оммавий равишда ривожланган мамлакатларга бориб ишлаб келишлари ижобий аҳамиятга эга бўлди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу масалага эътибор қаратилмоқда. Умумжаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашуви жуда кўп соҳаларда кечмоқда. Масалан, коинотни ўрганиш, ундан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш якка ҳолда ҳозирда энг қудратли мамлакатнинг ҳам қўлидан келмайди. Шунинг учун олиб борилаётган космик тадқиқотлар ўнлаб мамлакатлар имкониятларини бирлаштиришни тақозо этади.

Ахборот айирбошлаш ва коммуникацияни ривожлантириш — давр талаби

Маълумки, илгари халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожини кўпроқ денгиз транспортидаги аҳвол билан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам дунё океанига чиқа олиш имкониятига эга бўлган давлатлар тез ривожланиб кетди. Бугунга келиб иқтисодий тараққиёт мамлакатлар ўртасидаги ахборот айирбошлашга, коммуникацияни ривожлантиришга бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Дунё мамлакатлари ҳаво ва автомобиль транспорти билан кўпроқ боғланмоқдалар, нефть ва газ тармоқлари, халқаро энергетика таъминоти орқали ҳамкорликни ривожлантирмоқдалар. Ҳозирги умумжаҳон иқтисодиёти равнақи сунъий йўлдошлар ва ЭҲМ орқали илмий ахборотлар олиш, тижорат ахборотларни қабул қилиш, статистик ахборотлар узатиш каби омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ана шу ахборотлар алмашуви оқибатида дунё мамлакатлари ўзларида янги

турдаги ишлаб чиқаришни жойлаштириш ёки ривожлантириш имкониятини ҳал қилмоқдалар, ўзларидаги ишлаб чиқариш тузилишини ана шу ахборотлар асосида ўзгартириб бормоқдалар.

Ахборот алмашиш ва коммуникациянинг тез ривожланиши, ўз навбатида, фан-техника тараққиёти ютуқларини биринчи бўлиб жорий этишга имконият туғдиради. Эндигина мустақил ривожланиш йўлига чиқиб олган ёш давлатлар учун халқаро коммуникация, ахборот айирбошлаш тизимини ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Умумжаҳон иқтисодиётининг асосий белгилари ва кўрсаткичлари

Умумжаҳон хўжалиги — хўжалик фаолиятининг янги ижтимоий шакли, энг олий даражасидир. Умумжаҳон хўжалиги иқтисодий фаолиятнинг шакли сифатида унинг самарадорлигини ифода этувчи маълум кўрсаткичларга эга. Умумжаҳон иқтисодиётининг умумлашган самарадорлик кўрсаткичи — ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган миқдоридир. Албатта, айрим мамлакатларда бу кўрсаткич умумжаҳон иқтисодиётига нисбатан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Худди ана шундай умумлашган иқтисодий кўрсаткичлардан бири — меҳнат унумдорлиги даражасидир. Бу кўрсаткич яратилган истеъмол қийматлари қандай миқдордаги ресурслар билан ҳосил қилинганлигини ифодалайди.

Халқаро меҳнат тақсимооти туфайли жаҳон мамлакатлари шундай иқтисодий боғлиқликка ўсиб чиқадики, натижада яратилаётган маҳсулотлар шаклан миллийликка эга бўлади, мазмунан эса дунёдаги жуда кўп мамлакатлар уюшмаси хўжалик фаолиятининг маҳсули тариқасида намоён бўлади.

Умумжаҳон хўжалиги халқаро иқтисодий ҳамкорлик иплари билан боғланиб кетган мамлакатлар фаолиятидир. Бу фаолият эса импорт (киритиш) ва экспорт (чиқариш)да намоён бўлади. Мамлакатнинг экспорт ва импорт фаолияти ташқи савдо оборотида ифодаланади. Агар ташқи савдо оборотида экспорт салмоғи юқори бўлса, мамлакат ташқи савдо обороти актив оборот дейилади, агар импорт экспортга нисбатан устунликка эга бўлса, ташқи савдо

обороти пассив оборот деб аталади. Савдо обороти актив бўлган мамлакатлар жаҳон бозорида салмоқли ўрин тутади, уларнинг валютаси (миллий пул бирлиги) конвертирлашадиган бўлади, халқаро валюта аҳамиятини касб этади.

Ўрта Осиё минтақавий иқтисодий интеграциясини чуқурлаштириш ва ягона иқтисодий макон барпо этиш

Ўрта Осиё давлатлари (Туркманистондан ташқари) раҳбарларининг 1998 йил 26 мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида минтақа халқларининг тарихий ва маданий муштараклигига асосланган, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиб улар иқтисодий интеграциясини янада чуқурлаштириш асосида ягона иқтисодий макон яратишга қарор қилинди. Ягона минтақавий иқтисодий маконни барпо этиш куйидагиларни назарда тутади:

— босқичма-босқич эркин савдо зонаси — божхона иттифоқи — тўлов ва валюта иттифоқлари ва ниҳоят — товарлар, хизматлар ва сармояларнинг умумий бозори томон илгарилаб борган ҳолда минтақавий интеграцияни ва ўзаро алоқаларни изчиллик билан чуқурлаштириш;

— агросаноат мажмуида, энергетика соҳасида, транспортда, ишлаб чиқариш кооперацияси ва тўлов ҳисобкитоб муносабатларида ҳамкорлик қилиш;

— Ўрта Осиё иқтисодий интеграцияси ҳар бир давлатнинг ўз манфаатига асосланган ҳолда ва шу манфаатлардан келиб чиқиб минтақанинг табиий ва бошқа ресурсларидан самарали фойдаланиш;

— иқтисодий интеграция жараёнини янада чуқурлашувига шарт-шароит яратиш мақсадида миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни бир-бирига мослаштириш ва бошқа ўзаро келишувлар.

Ўрта Осиё минтақавий ягона иқтисодий маконини барпо этиш фақат соф иқтисодий ва ижтимоий манфаатларни рўёбга чиқарибгина қолмайди. Шу билан бирга бундай иқтисодий макон атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий офатлар ва фалокатлар оқибатларини биргаликда баргараф этиш, Орол ҳавзаси ва Орол бўйида экологик вазиятни соғломлаштириш, минтақада тинчлик, ҳамжиҳатлик, барқарор тараққиётни таъминлаш каби умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш учун катта имконият яратади.

Минтақавий ягона иқтисодий макон Ўрта Осиёда ва халқаро миқёсда хавфсизликни мустақкамлаш манфаатларига ҳам хизмат қилади. Қўйилган олижаноб вази-фаларни собитқадамлик билан амалга ошириш мақсадида минтақани комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Экология муаммоси — умумжаҳон муаммосидир

Фан-техника инқилоби инсоннинг табиат устидан зўравонлик қила олиш қудратини ўнлаб марта ошириб юборди. Натижада табиий ресурсларни аёвсиз ўзлаштириш, табиат мувозанатини бузиш ҳисобига иқтисодий фаровонликка эришиш кучайиб кетди. Оқибатда шунга эриш-дикки, табиат ҳам энди гўё «ўч олиш» га шайлангандек жавоб бермоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳозирда ҳамманинг тилига тушган «экология муаммоси» вужудга келди.

Хўш, экологиянинг ўзи нима? «Экология» юнонча «ойкос» сўзидан олинган бўлиб, «уй», «турар жой» деган маънони беради. Ҳозир экология катта фанга айланиб бормоқда, уни ўрганиш, шунга мувофиқ одамлар фаоли-ятини йўлга қўйиш, табиий муҳит билан, одамларни ўраб турган шарт-шароитлар билан ҳисоблашиб иш тутиш зарурати тобора кучайиб бормоқда.

Ҳавонинг тозалигини сақлаш — экологик муаммо-ларнинг энг долзарбларидан биридир. Бу муаммонинг сабаблари қаторига яна ўрмонларнинг шафқатсиз кесиб юборилиши, уларни тиклаб бориш учун-режали иш тутмаслик, табиатга саноат ва уй-рўзғор чиқиндиларини чиқариб ташлайвериш, океан ва денгиз сувларининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, табиатга зарар етказувчи саноат корхоналарининг кўплаб қурилиши, қатъий хавфсизлик чораларини қўрмай атом электро-станцияларининг қурилганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда Орол муаммоси, айниқса долзарб халқаро экологик масалага айланди. Йиллар давомида Оролни таъминловчи дарёлар сувларидан хўжалик ва бошқа мақсадларда оқибатини ўйламай фойдаланиш денгизнинг аста-секин куриб боришига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида ерлар шўрланди, қумликлар кўпайди, сув юзасининг пасайиб кетганлигидан шамоллар экин майдонларининг эрозиясини кучайтирди, турли касалликлар, айниқса,

болалар ўлими кўпайди ва ҳ.к. Халқаро миқёсда Орол денгизи ҳавзаси хавфли зона деб эътироф этилди, бу муаммо халқаро иқтисодий муаммо ҳам бўлиб қолди. Чунки энди Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё мамлакатлари имкониятлари доирасидан чиқди, у халқаро миқёсда «даволаш зарур бўлган касалга» айланди.

Аммо экологик муаммонинг ечими, энг аввало, бизнинг — шу ҳудудда яшаётган одамларнинг, ҳар биримизнинг ватанпарварлик, инсонийлик бурчимиздир. Ундан четда туриш, зарур чораларни ўз вақтида кўрмаслик янада оғирроқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Минтақавий можаролар одамлар хавфсизлигига солинаётган катта таҳдид

Ўзбекистон Президенти И. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида янги аср бўсағасида одамлар тинчлиги, барқарорлиги, хотиржамлигига солинаётган таҳдидлар хусусида гоят ташвишланиб ёзилади. Ана шундай таҳдидлардан бири — **минтақавий можаролардир**. Ҳақиқатда ҳам кейинги йилларда «минтақавий можаро» деган ибора одамлар ўртасида тарқалиб кетди, у дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдай хавф солмоқда, ташвишлантормоқда. Масалан, Ўзбекистоннинг жанубий чегараларида «танглик ўчоғи» пайдо бўлди. Бунинг бош сабаби Афғонистондаги маълум воқеалардир.

«Мавжуд минтақавий танглик шароитида Ўзбекистоннинг хавфсизлигига таҳдид ҳаёлий эмас, балки яққол мавжуддир ...» — уқтиради муаллиф. Тарих ҳақиқати кўрсатиб турибдики, «алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетолмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар» (24-бет). Минтақадаги можаро, беқарор вазият фақат Ўзбекистон хавфсизлигига эмас, балки бутун Ўрта Осиёдаги, дунёдаги барқарорликка хавф туғдириши мумкин.

Китоб муаллифи минтақавий можароларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий оқибатлари хусусида чуқур мулоҳаза юритиб, улар ҳозирнинг ўзидаёқ вужудга келтириши мумкин бўлган

хавф-хатарларни бирма-бир санаб ўтади. Булар қуйидагилардир: **биринчи** — афгон, маълум даражада ўзаро тожик можаролари, уларни амалда назорат қилиб бўлмайдиган ҳолатга айланаётгани, кам сонли этник гуруҳларнинг миллий туйғуларини уйғотиш орқали уни қўшни мамлакатларга кўчиришга уриниш; **иккинчи** — можароларга диний тус бериш ҳам қўшилмоқда, яъни ҳокимиятга эришиш учун барча диндорларни мададга чақиришга уриниш бораётирки, бунинг оқибатида исломни сиёсатлаштириш хавфи кучаймоқда, **учинчи** — Афғонистон билан чегарадаги тожиклар ва ўзбекларни ёки пуштун қабилаларни бирлаштиришга уриниш бормоқдаки, бу аслида минтақада чегараларни ўзлаштириш учун уринишдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимиз раҳбари минтақадаги можаролар моҳияти ва оқибатларини назарий таҳлил этиш билан чегараланиб қолаётгани йўқ, у бу можароларни бартараф этишнинг аниқ йўл-йўриқларини, воситаларини ҳам кўрсатиб бермоқда, бу можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун барча даражаларда имкониятини сафарбар қилмоқда.

Ўзбекистоннинг тинчлик йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлари жаҳон миқёсида унинг халқаро обрўсини оширмоқда, давлатимиз раҳбарининг дунё миқёсида замонамизнинг йирик арбоби сифатидаги салоҳиятини кўтармоқда.

Ушбу асарда муаллиф одамлар хавфсизлигига таҳдид солаётган яна бир қанча муаммоларни ҳам илгари суради. Булар жумласига диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва уюшган жиноятчилик, маҳаллийчилик, уруг-аймоқчилик ва экологик муаммолар киритилади. Бу каби одамлар хавфсизлигига раҳна солаётган таҳдидларни бартараф этиш йўл-йўриқлари ва воситалари илмий асосланган, кўрсатиб берилган.

90-йилларнинг долзарб умумжаҳон муаммолари

Биз яшаётган ва фаолият кўрсатаётган 90-йилларда умумжаҳон иқтисодиётида шундай муаммолар пайдо бўлдики, уларни фақат халқаро миқёсда бартараф этиш мумкин, холос. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— ишсизликни камайтириш, инфляция даражасини ва унинг салбий таъсирини юмшатиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъмин этишга қаратилган мукамал сиёсат ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш. Масалан, Президент И. Каримовнинг айрим иқтисодий минтақада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва уларни босқичма-босқич чуқурлаштириб бориш концепцияси;

— жаҳон бозорига чиқишга кенг иқтисодий ва халқаро шарт-шароитлар яратиш. Чунки бусиз бирон-бир давлат иқтисодий-ижтимоий юксалишга эриша олмайди;

— товарлар учун халқаро бозорда объектив илмий баҳолар шаклланишига таъсир кўрсатиш ва бу сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш;

— Евросиё ва ривожланаётган мамлакатлар хўжалигининг диверсификациялашувини рағбатлантирувчи талбирлар белгилаш;

— Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги барча иқтисодий ривожланишдан орқада қолаётган мамлакатларга зарур бўлган ёрдамни ташкил этиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш. Бу муаммоларнинг ечимида давлат бошлиқларининг олий даражадаги учрашувлари, халқаро келишувлар, минтақавий муаммолар юзасидан ўтказиладиган халқаро конференциялар, экспедициялар, ўзаро аҳдлашувлар катта аҳамият касб этади.

Дунёда одамларга яна қандай ижтимоий, иқтисодий муаммолар хавф солмоқда?

Умумжаҳон иқтисодий муаммолари ичида яна шундайлари ҳам борки, улар асосан одамлар билан, уларнинг кўпайиб бориши, улар эҳтиёжларининг мавжуд имкониятларига нисбатан тезроқ ўсиши билан боғлиқдир. Улар ичида озиқ-овқат, уй-жой, ёқилғи — энергия таъминоти ғоят мураккаб муаммолардан саналади. Жаҳон халқларининг ўсишини кузатиб борувчи халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда, келгуси — XXI аср бошларидаёқ дунё аҳолиси 7 млрд. кишидан ортиб кетади. Бу асосан Осиё ва Африка мамлакатларидаги ўсиш ҳисобига юз беради. Ўзбекистон аҳолиси ҳам йилига ўртача 400 — 450 минг кишига кўпайиб бормоқда. Бундай фаол демографик жараён озиқ-овқат муаммосини ўткирлаштириши турган гап. Хўш, бу муаммога қандай ечим топиш мумкин?

Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда халқаро ҳам-корлик шубҳасиз катта аҳамиятга эга. Айни вақтда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, қишлоқда фермер (деҳқон) хўжаликлари каби янги, бозор иқтисодиёти талаб қилаётган мулк шакллари жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саноат жиҳатдан қайта ишлаш, озиқ-овқатларнинг сифатли ва тўйимли турларини кўпайтириш миллий вазибалардандир. Масалан, Ўзбекистонда аҳолининг нон маҳсулотларига бўлган умумий эҳтиёжини тўла, шакар-қандга бўлган эҳтиёжини 30 — 40 фоиз, гуруч, картошка, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини деярли тўла қондиришга қаратилган амалий ишлар бошланди. Кейинги йилларда ривож топаётган шахсий хўжаликлар ҳам бу муаммо ечимига муносиб ҳисса қўшади.

Президентимиз аниқ ҳисоб-китоблар асосида шуни маълум қилдики, Ўзбекистонда яқин йилларда ёқилғи-энергия муаммосини ҳал қилишга тўла эришилади. Мамлакатимиз ҳатто нефть экспорт қилувчи, бундан халқаро валюта ишлаб топувчи мамлакатлар қаторига ҳам киради.

Ўзбекистонда аҳоли тез кўпайиб бораётганига қарамай, одамларни уй-жой билан таъминлаш учун етарли имкониятлар бор. Шу мақсадда одамларга уй-жой қуриш учун ер, банк кредитлари бериб борилмоқда, ҳамма жойда иморатбоп терак етиштиришга оммавий киришилди. Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, умумжаҳон иқтисодий муаммоларини ечишга юртимизда имкониятлар мавжуд. Фақат бу ишга ҳамма бош қўшиши, ёшларимиз ғайрат-ташаббус кўрсатиб ишга киришишлари лозим.

* * *

«Умумжаҳон иқтисодиёти ва унинг муаммолари» мавзуда қўйилган ва билиб олиниши лозим бўлган иқтисодий категория ва тушунчалар: умумжаҳон иқтисодиёти; халқаро ижтимоий меҳнат тақсимоти; иқтисодиётнинг байнал-милаллашуви; ахборот алмашиш; коммуникация; жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот; ташқи савдо обороти; актив ва пассив савдо; экологик муаммо; Орол муаммоси; конверсия — умумжаҳон иқтисодий муаммоси; озиқ-овқат, ёқилғи-энергия, уй-жой муаммолари ва уларнинг Ўзбекистондаги ечими.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Қуръони Карим». Т., 1992.
2. Ҳадислар. Т., 1992.
3. Ҳадис. 2-жилд. Т., 1997.
4. **И. Каримов.** Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., 1993.
5. **И. Каримов.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992.
6. **И. Каримов.** Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995.
7. **И. Каримов.** Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
8. **Алишер Навоий.** «Маҳбуб ул-қулуб», Т., 1993.
9. **Абу Али ибн Сино.** «Тиббиёт достони». Т., 1990.
10. **Амир Темури.** «Темури тузуклари» Т., 1992.
11. Амир Темури ва Шарқ иқтисодий мероси. Амир Темури таваллудиниң 660 йиллиғига бағишланган илмий-назарий анжуман материаллари. Масъул муҳаррирлар — А. Сотволдиев, Қ. Йўлдошев.
12. Сборник статей к 1000-летию со дня рождения **Бйруни.** Т., 1973.
13. **Заҳридини Мухаммад Бобури.** «Бобурнома». Т., 1989.
14. **Ветканов Т. С. и др.** Толковый словарь бизнесмена. Санкт-Петербург, 1992.
15. **Григорян С. Н.** Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока. М., 1966.
16. **Ибн Халдуни.** «Ибрат» китоби ҳақида. «Ҳаёт ва иқтисод». 1990, 3 — 6-сонлар.
17. Избранные произведения мыслителей Ближнего и Среднего Востока. М., 1961.

18. Иқтисодий таълимотлар тарихи, Дарслик. Т., 1997.
19. История экономических учений. I том. Учебник, М., 1989.
20. **Р. К. Каримов, Т. А. Каримов.** Миллий модель муаммолари. Т., 1993.
21. **Кувшин В.** Сиёсий иқтисод оламига етти саёҳат. Т., 1989.
22. **Москвин В.** Мактаб ўқувчисига сиёсий иқтисод ҳақида. Т., 1990.
23. Очерки истории Арабской культуры V — XV. вв. М., 1982.
24. **А. Раззоқов.** Бой меросимизни ўрганайлик — «Иқтисод ва ҳисобот», 1993, 3-сон.
25. **А. Раззоқов.** Зардуштийнинг унги ва чап қўли. — «Ишонч», 1998, 21 апрель.
26. **Сатторий Х.** «Файз-барака тозаликдан» — «Ўзбекистон овози». 1998, 10 январь.
27. **Собиров Ҳ.** Фитратнинг иқтисодий қарашлари. «Ўзбекистон овози», 1997, 23-октябрь.
28. **Тимофеев И.** Бируни. М., 1986.
29. **Юсуф Хос Ҳожиб.** «Кутадгу билиг» Т., 1990.
30. **Форобий.** «Фозил кишилар шаҳри», Т., 1990.
31. **А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев.** Иқтисодиёт назарияси. Т., 1995.
32. **А. Ўлмасов, Ш. Жабборов.** Ислоҳотлар ва даромадлар — «Ўзбекистон овози», 1998., 29 — 31 январь.
33. **Қ. Йўлдошев.** Бозор иқтисодиёти: моҳияти, тузилиши, вазифалари. А., 1993.
34. **Қ. Йўлдошев.** Алишер Навоийнинг иқтисодий ғоялари — «Иқтисод ва ҳисобот». 1996, 2-сон.
35. **Қ. Йўлдошев, Қ. Муфтайдинов.** Иқтисод илми асослари. А., 1996.
36. **Қ. Йўлдошев, Қ. Муфтайдинов.** Иқтисодий билим асослари. Т., 1997.
37. Мустақиллик ва тараққиёт. Масъул муҳаррирлар — А. Сотволдиев ва Йўлдошев Қ. А., 1996.
38. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Баёноти. — «Ўзбекистон овози», 1998, 28 март.
39. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти — Т. 1998.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
Б и р и н ч и қ и с м	10
иқтисодиётнинг умумий асослари	10
I боб. Иқтисодиёт: моҳияти, тузилиши, қонунлари, категория- лари, тушунчалари	10
II боб. Иқтисодий ва мулкый муносабатлар	25
III боб. Иқтисодиёт ҳолатини, жамият бойлигини ва фаолият самарадорлигини ифодаловчи иқтисодий курсаткичлар .	44
IV боб. Жамғариш ва иқтисодий ўсиш	54 ²
V боб. Ресурслар: мазмуни, таркиби, истеъмол қилиниши ..	64
И к к и н ч и қ и с м	76
иқтисодиётнинг тарихий асослари	76
VI боб. Ноиндуриал тараққиёт иқтисодиёти асослари	76
VII боб. Шарқ иқтисодий тафаккури	85
У ч и н ч и қ и с м	116
ҳозирги замон иқтисодиёт асослари	116
VIII боб. Товар (хизмат) ишлаб чиқариш ва товар — пул муносабатлари	116
IX боб. Бозор иқтисодиёти: моҳияти, тузилиши, вазифалари ..	130
X боб. Кўпукладлилиқ, рақобатчилиқ, тадбиркорлиқ	141
XI боб. Солиқлар	149
XII боб. Маркетинг	153
XIII боб. Менежмент	167
XIV боб. Аҳоли даромадлари	184
XV боб. Фирма (корхона) даромадлари ва фоиз	194
XVI боб. Молия ва суғурта муносабатлари	201
XVII боб. Кредит муносабатлари. Банклар	210
Т ў р т и н ч и қ и с м	228
умумжаҳон иқтисодиёти асослари	228
XVIII боб. Халқаро иқтисодий муносабатлар	228
XIX боб. Умумжаҳон иқтисодиёти ва унинг муаммолари	241
Фойдаланилган адабиётлар	253

Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ.

Иқтисодий билим асослари: Ўқитувчилар, лицей, коллеж, бизнес-мактаблар ўқувчилари учун қўлланма.— Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри // Масъул муҳаррир: А. Сотволдиев/.— Т.: «Ўқитувчи», 1999.—256 б.

І. Автордош.

ББК 65.01я723

Қодиржон Йўлдошев, Қиёмиддин Муфтайдинов

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

**Қайта ишланган ва тўлдирилган
2-нашри**

Тошкент «Ўқитувчи» 1999

Таҳририят мудир	<i>С. Мирзахўжаев</i>
Муҳаррир	<i>Ш. Тўлаганов</i>
Бадий муҳаррир	<i>М. Калинин</i>
Техник муҳаррир	<i>С. Турсунова</i>
Мусахҳиҳлар:	<i>А. Иброҳимов, З. Содиқова</i>

ОИБ № 7487

Теришга берилди 12.02.99. Босишга рухсат этилди 14.04.99. Формати 84x108/32. Тип қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.л. 13, 44. Шартли кр.-отт. 14,7. Нашр.л. 12,0. 5000 нусхада. Буюртма №199.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129.
Навоий кўчаси, 30, Шартнома 07-92-98

Ўзбекистон Республикаси матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикаси. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1. 1999.